1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1992.
  2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
  3. Каримов И.А. Ўзбекистан – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
  4. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ, 1993 йил 7 декабрь. – Тошкент.: Шарқ, 1993.
  5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
  6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
  7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент., 1995.
  8. Каримов И.А. Важный шаг на пути духовного единства. Собр. соч. Т. 3. – Ташкент., 1996.
  9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 февраль. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.
  10. Каримов И.А. Экономические реформы: первые результаты. Собр. соч. Т. 1. – Ташкент., 1996.
  11. Каримов И.А. Мы будем твердо следовать курсу реформ. Собр. соч. Т. 4. – Ташкент., 1996.
  12. Каримов И.А. Наш путь независимой государственности и прогресса. Собр. соч. Т. 2. – Ташкент., 1996.

## **2-МАВЗУ: Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ислохотлар, унинг босқичлари ва назарий концептуал асослари**

### **РЕЖА**

1. Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг босқичлар.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унга киритилган ўзгартиришлар ва унинг назарий концептуал асослари.
3. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ва “Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш” концепцияси сиёсий ислохотларнинг назарий асоси.

Ўтиш даври барча мустақилликка эришган давлатларнинг юксак тараққиётига эришиш жараёнидаги ўзига хос оралик муҳлат ҳисобланади. У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки давлатлар вужудга келиши биланок, бирданига юксак тараққиёт даражасига кўтарила олмайди, балки ҳар бир давлат, энг аввало, шаклланади ва маълум тарихий тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказди. Маълумки, ҳар бир давлатнинг вужудга келиши, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда.

Ўтиш даври нима ўзи? Нима учун ўтиш даври деб айтилади? Бу каби саволларга мукамал жавоб илмий адабиётларимизда энг кам ифода этилган муаммолардан биридир. Шунга кўра, уни мукамал тарзда ўрганмасдан туриб, мамлакатимизнинг ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бугун юксак ривожланган ёки кам тараққий қилган ёхуд эндигина ривожланиш томон қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан такрорланмайдиган ҳодисадир. Тўғри ўтиш даври учун барча мамлакатларга хос умумий қонуниятлар ҳам мавжуд. Улар сиёсий ҳокимиятни ўзгартириш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, янги тафаккур ва турмуш тарзини шакллантиришда намоён бўлади. Аммо уларни амалга ошириш ҳам давлатлар ва унда яшаётган халқнинг менталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Нега шундай? Ўтиш жараёнида тайёр андозалар ёки моделдан фойдаланиб пировард мақсадни амалга оширишга киришилса, ёки маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан, юксак тараққиётга эришиб бўлмайди? Худди ана шундай саволларга жавоб топиш учун ҳам қарашларни ўзида мужассамлаштирган мукамал концепцияни ишлаб чиқиш эҳтиёжи юзага келади. Айниқса, бу эҳтиёж мамлакатлар тараққиётида содир бўлаётган турли-туманлик, унинг заминидаги муаммоларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш усулларини ишлаб чиқиш жараёнидаги ўзига хослик туфайли кучайиб боради.

Аслида, «Ўтиш даври назарияси» деганда нимани тушунмоқ керак? Ўтиш даври ҳақидаги турли қарашлар тизими назария ҳисобланади. Улар асосида умумлашган назариялар шаклланади. Қарашлар турли-туман, ҳатто улар бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам мумкин. Энг муҳими, уларни таҳлил қилиш асосида илмий хулосалар ишлаб чиқилади. Хулосаларнинг илмийлиги эса уларнинг моддий кучга айланишида ўз ифодасини топса, амалиётда ўз самарасини берсагина, илмий хулоса даражасига кўтарилади. Ана шу маънода ҳам, ўтиш даври назарияси деганда мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралиқ босқичлар натижаси ҳақида шаклланган қарашлар тизими тушунилади.

Ўтиш даврига муносабат билдирган германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: «Одатда, «Ўтиш даври» ислоҳининг сўзларини айнан тушунишиб, уни ўтмиш ва келажак оралиғидаги давомли бугун, деб ўйлайдилар. «Ўтиш даври»нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш – сабаб, келажак эса – мақсад тарзида воқе бўлади»<sup>1</sup>. Шу муаллифнинг яна бир муҳим хулосаси мавжудки, у ҳам эътиборга лойиқ. Жумладан, у шундай ёзади: «Табиийки, ўтиш даврлари турли хилдаги тартибсиз жараёнлар, мавҳумотликлар билан тўла. Кимдир бундай даврларни «дарё бўйлаб узала тушган кўприк» деб ўхшатиб таърифлаган эди»<sup>2</sup>.

Тоталитар тузумдан демократик жамиятга ўтиш қайси соҳадан юз беришига қараб, унинг маъно-мазмунини аниқлаш мумкин бўлади. Демократик тараққиёт босқичига ўтиш, унинг муқаррарлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг зарурлигини инкор этиб бўлмайди. Чунки, жамият ҳам инсон каби юзага келганиданок юксак камолот даражасига кўтарила олмайди, балки маълум босқичларини босиб ўтиши зарур бўлади. Ҳамма масала ана шу босқичларнинг ўзига хослигини уларда мавжуд бўладиган муаммолар кўламини аниқлаш ва ҳал қилиш механизмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Аммо бу – жўн, осон иш эмас. Чунки жамиятнинг бир босқичдан иккинчисига ўтиш жараёни кенг кўламдаги вазифаларни қамраб олади. Уларни амалга оширишда нафақат объектив айни пайтда субъектив омилларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Уларнинг ўтиш давридаги ўзаро алоқадорлиги ва муносабати алоҳида эътиборга молик. Шунинг учун ҳам, ўтиш даври ҳақида фикр юритганда фақат жамиятнинг демократик тизимга ўтиш хусусияти билан чекланмасдан, балки унғача жамиятлар бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун зарур бўлган оралиқ ҳам назарда тутилмоқда.

---

<sup>1</sup> Левитин Леонид. Карлайл Дональд С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 52.

<sup>2</sup> Ўша асар. – Б. 53.

Жамиятда бўладиган ҳар қандай ўзгаришлар иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий соҳаларнинг узвийлиги ҳолатида қаралгандагина, ўтиш даврининг моҳиятини тушуниш мумкин бўлади: ўтиш даври мамлакатлар тараққиётнинг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчисига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга, уларнинг ҳар бирида ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Барчасига хос бўлган асосий умумийлик эҳкисининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бера олмаганлиги оқибатида янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода, ўтиш давридаги бош йўналиш «орқага қайтиш» эмас, балки «олдинга юриш», пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда юксалиш, ривожланиш демакдир.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожеаларга қарамасдан, уларнинг қайси даражада содир бўлишидан қатъий назар, бари-бир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади.

Ўтиш даври ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролар жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис, уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжини юзага келтириб туради. Бу, ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

«Ўтиш даври ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёт даражаси, унинг табиий ва инсоний омиллари, маданиятининг ўзига хослиги, сиёсий тузумнинг алоҳида хусусиятларига кўра ҳар гал бошқача шаклларда рўй беради»<sup>3</sup>.

❖ Демократик тамойиллар асосига қурилган янги жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Улар қуйидагилардан иборат:

✓ биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар янги тузумнинг ичида шаклланади ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён силлиқ амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги, янги жамият тараққиётининг халқ манфаатларига қаратилганлиги инсоннинг тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади;

✓ иккинчидан, ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятлар юзага келиши билан тугамайди, балки уларни халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги ва инсонлар эркинликларининг

---

<sup>3</sup> Левитин Леонид., Карлайл Дональд С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 55.

таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларнинг жуғрофий омилига, балки ана шу давлатда яшаётган аҳолининг сиёсий маданияти менталитетига ҳамоҳанг бўлишига ҳам боғлиқдир. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келган тажрибалардир.

Демократик жамиятга ўтиш деганда, мамлакатларнинг турли тузумлардан (тоталитаризм, капитализм, ҳарбий диктатура ва ҳ.к) демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. Оралиқ вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторидаги энг муҳим аҳамиятга моликдир. Унга аниқлик киритмаслик эса ўтиш даврининг боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди.

Ўтиш даври икки йўналишда иқтисодий ҳаётда ва сиёсий аҳамиятда пировардида демократик жамиятга олиб борувчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг асосида ижтимоий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислоҳотларнинг бошланиши билан характерланади. Ўтиш даврининг тугаши эса демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади.

❖ Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, бу даврнинг 3 та асосий йўли ёки модели шаклланганлигини таъкидлаш мумкин.

▪ Унинг биринчиси – классик анъанавий йўл ҳисобланади. Классик йўл деганда, инсониятнинг демократик тараққиёт йўлига ўтишнинг дастлабки шакл ва унинг дунёдаги кўпчилик мамлакатлар тараққиётида самара берган андозаси тушунилади. Бу йўлнинг характерли хусусияти шундаки, унда ташқи кучларнинг аралашувисиз мамлакатнинг ўз ички имкониятларига таянган ҳолда демократик жамиятга ўтиши амалга ошади. Бу йўлнинг яна бир асосий хусусияти шундаки, у узоқ тарихий босқичда амалга ошади. Ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бўҳронлар содир бўлишига қарамасдан, иқтисодий соҳада ислоҳотлар амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларида, хусусан ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий соҳалар ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилишига имкон беради. Классик ўтиш даврининг характерли томони – иқтисодий соҳада хусусий мулкчилик ривожланиши туфайли аҳолининг кўпчилик қисми иш билан таъминланиши мумкин. Аммо асосий моддий бойликнинг бир қисми одамларда тўпланиб қолиши, бошқаларнинг эса унга қарам бўлиб қолишлари

мамлакат ички ҳаётида катта бўҳронлар, ҳатто фуқаролар уруши келтириб чиқариши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлагунича давом этади. Худди ана шу жараёнлар заминиди аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқлари таъминланишига эришишга интилиши кучаяди. Бу ўз навбатида мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиши ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказади.

▪ Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси – инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни, амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ҳамда унинг ўрнига янги, демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфратузилмаси вужудга келади. Улар ўз навбатида иқтисодий ҳаётда кескин ислохотларга имконият яратади. Хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади). Бу эса иқтисодий ислохотларни ўтказиш шарт-шароитларининг имкониятларини излашни тақозо қилади. Бунинг оқибатида аҳолининг қўлидаги моддий маблағлар ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби, иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Бу йўл ўта хавфлидир.

❖ Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

- собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги;
- демократик кадриятларнинг куртаклари мавжудлиги;
- мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши;
- аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганда мойил бўлиши каби жиҳатлар ҳал қилувчи омиллардир.

Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади.

❖ Демократик жамиятга ўтишнинг учинчиси – эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан, эскини кескин, «бир зарб» билан тугатмасдан, босқичма-босқич, вазминлик билан тугатиб борилади. Ҳатто, уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланилади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотлар олиб борилади ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади. Бу йўлнинг ўзига хослиги сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда

маънавий-маърифий соҳаларни ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилишида ифода бўлади.

«Ал-Фаробий ўз вақтида шундай ёзганди: «Ўзларига муносиб шарт-шароитлар ва муҳит билан мувофиқлашадиган босиқ, ўртача саъй-ҳаракатлар қолган бутун ҳар хил вазиятларда саодатга етишиш учун кўпроқ фойдалидир». Беруний эса айни мавзуда қуйидагича ёзади: «Рубъи маскуннинг одамзод яшайдиган қисмида воқеалар ё бирданига, ёки галма-гал содир бўлади. Биз учун уларнинг галма-гал бўлмоғи маъқулдир». Ибн Синонинг бу мавзудаги мулоҳазалари ҳам юқоридагиларга ўхшаш: «Бир сифат доирасидан бошқа сифат доирасига бир туртки билан ҳам ўтиш мумкин. Босқичма-босқич ўтиш ҳам мумкин. Одамларга эса унинг босқичма-босқич содир бўлгани маъқул туюлади»<sup>4</sup>.

Мутафаккирларнинг юқоридаги фикрларини бугунги Ўзбекистон ҳаёти тараққиётининг ўзи исбот қилиб, тасдиқлаб турибди.

Нима учун аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлсак, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада? Унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамиятга ўтилган-ку?

❖ Эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд. Улар қуйидагилар.

✓ Биринчидан, классик йўлдан ривожланиб бориш истаги демократик кадриятлар мавжуд жамиятда юзага келади. Бунда фаолият кўрсатаётган тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг оддий халқнинг эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиб борилади. Унинг ўзига хос хусусияти, ҳар икки томоннинг ҳам манфаатдорлигидадир. Бундай шароитда демократик кадриятлар ижтимоий-сиёсий муносабатларни маърифатлаштириш туфайли халқ фаровонлигини таъминлаш омилига айланиб қолади. Ҳозирги даврда кўпчилик мамлакатлар эволюцион йўл тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигини барбод этишнинг бирдан-бир тўғри йўли эканлигини тасдиқламоқда. Айниқса, ўртача ривожланган мамлакатларнинг демократияга ўтиши учун хос бўлган бу йўл мамлакатлар ҳаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан ҳам боғлиқдир.

✓ Иккинчидан, классик ўтиш йўлида аҳолининг дунёқараши ўзгариб боришини тақозо қилган бўлса, тоталитаризм – омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган жамият бўлганлиги учун ҳам уни бирданига демократияга мослаштириш ниҳоятда мураккаб кечади. Чунки

---

<sup>4</sup> Левитин Леонид., Карлайл Дональд С. Ислоҳ Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 41.



онгни ўзгартириш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши ҳам тараққий қилган, аграр сектор етакчилик қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошиши ҳам қонуниятдир. Чунки бундай мамлакатларда аҳолининг сиёсий маданияти кескин ўзгаришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

✓ Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф туғдирмайди, балки у ўрнини тараққиёт қилаётган янги демократик муносабатларга бўшатиб бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф туғдиради. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган, кучга таянган муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланишига қаршилиқ кўрсатиб туради. Буни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг демократик жамиятни барпо этишда Президент И.А. Каримов таъкидлаганидек, «... давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда Ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик томойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз»<sup>5</sup>.

Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Ўтиш даврининг бошланиши амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва олдинги тизимнинг мавжуд маънавий-мафкуравий зўровонлигидан қутилиш билан характерланади. Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар, демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади. Аммо ҳамма масала ўтиш даври мобайнида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўлланилган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки демократик жамиятга ўтишда нафақат мамлакатларнинг тараққиёт даражалари белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос

---

<sup>5</sup> Каримов. И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди». Т. 13. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2005. – Б. 177.

бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент И.А. Каримовнинг 1993 йилда ёзган «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида илмий асосланди. Бу асарда бозор муносабатларига ўтишнинг шундай йўли танландики, унда республикамизнинг тараққиёт даражалари, аҳолининг турмуш даражаси, миллий урф-одатлар, анъаналар, демографик жараёнлар, аҳолининг меҳнат қилиш имкониятлари ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинди.

Президентимиз Ўзбекистонда қурилмоқчи бўлган жамиятнинг тараққиёт моделини кашф қилди. У тараққиётнинг, «Ўзбек модели» шаклида вужудга келди ва Президентимиз томонидан белгиланган беш тамойилга асосланади, унинг концептуал ғоялари фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширила бошланди. Худди ана шу тамойилларни тавсифлаб, Президент шундай таъкидлаган эди: «Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожеали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш – танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир»<sup>6</sup>. Бу бош ғояни Президент И.А. Каримов жаҳон мамлакатлари тараққиётини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври моделини ишлаб чиқишда унинг дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги моделларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди. Бу ҳақда Леонид Левитин шундай дейди: «Ишончим комилки, иқтисодий ислохотларнинг «ўзбекона йўли» – бу Ислом Каримовнинг кашфиёти, кўп маънода, агар таъбир жоиз бўлса, унинг «ноу-хау»сидир»<sup>7</sup>.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг учта босқичини босиб ўтди. Албатта, ана шу босқичлар бири иккинчисидан кескин фарқ қилмасда, уларнинг негизидаги асосий ғоя демократик жараёнларнинг олға томон ривожланишини ва маълум бир вақтга келганда бу жараёнга янги куч, қудрат ҳамда фаоллик бахш эта олишини ифодалайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади – демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилди. Юртбошимиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ бозор иқтисодиётига ўтишдан мақсадни аниқ белгилаб берган. Хусусан, 1992 йил 2 ва 3 июлда XII чақириқ Ўзбекистон

---

<sup>6</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 39.

<sup>7</sup> Левитин Леонид., Карлайл Дональд С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 48.

Республикаси Олий Кенгашининг Х сессиясида қилган нутқида Президент Ислон Каримов «Бозор муносабатларига ўтиш – кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодни ўнглаш, жамиятни янгилаш йўли. Демократик давлат қурмоқчи эканмиз, энг аввал, ижтимоий адолат принципларига содиқ бўлиб қолишимиз керак. Агар бозор етим-есирларнинг, қариялар ва камбағал-ночор одамларнинг кўз ёши эвазига қуриладиган бўлса, бунақа бозорнинг уйи куйсин»<sup>8</sup>, – деб таъкидлаган эди. Бу билан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ўтмиш маданияти ва кадриятларни тиклаш, етим-есир, қария ва камбағал, кам таъминланган аҳоли қатламларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш, кишиларни руҳан ва маънавий жиҳатдан юксалтириш каби вазибаларни ўз олдимизга олий мақсад қилиб қўйганлигимизни кўрсатиб берди. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз ўзининг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» асарида «Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсақда, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса – бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ»<sup>9</sup>, – деб қайд этган эди. Сукрот Афина демократияси ҳақида фикр юритиб, унинг манбаи фақат ҳокимият ва моддий неъмат эмас, у ҳар бир фуқародан улкан масъулият, тинимсиз машаққатли меҳнат, юксак маънавият ва билим талаб этишини уқтиради. Мустақилликка эришган давлатнинг янги жамият қуриш, унинг иқтисодий асоси бўлган бозор иқтисодиётига ўтиш дастурининг ишлаб чиқилганлигини Юртбошимиз ушбу нутқида «Бугун СССР йўқ. Унинг ўрнига навқирон миллий давлатлар дунёга келди. Афсуски, ўша пайтда тузилган дастурни икки қўллаб тасдиқлаган айрим биродарларимиз, бугун Каримовнинг аниқ дастури йўқ, деб жар солишдан уялишмаяпти. Менинг жавобим битта: Ўзбекистоннинг ўз дастури бор»<sup>10</sup>, –деб жавоб берди. Бу дастурнинг эскиларидан фарқи, биринчидан унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ акс этганлигида, иккинчидан, бу дастур хом-хаёл гаплардан эмас, балки жамият тараққиётининг устувор йўналишлари хусусида эканлиги ушбу нутқда асослаб берилган.

Фуқаролик жамияти муайян ижтимоий қонунлар асосида шаклланади ва ривожланади.

❖ Ислон Каримов фуқаролик жамиятининг белгиларини қуйидагиларда кўрсатиб берди.

---

<sup>8</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993. – Б. 26.

<sup>9</sup> Ўша асар. – Б. 26.

<sup>10</sup> Ўша асар. – Б. 19.

- «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда конун устувор бўлиб, у инсоннинг ўзини-ўзи камол топтиришига моненьлик қилмайди, аксинча ёрдам беради».

- Фуқаролик жамияти – бу нодавлат ижтимоий муносабатлар ва муассасалар тизими бўлиб, у инсонга фуқаролик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун имкон беради, жамият аъзоларининг турли-туман эҳтиёжлари, манфаат ва кадриятларини ифодалайди.

- Фуқаролик жамияти феодализм тузуми табақаларининг қатъий чекловларига қарши курашда, капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари юзага келиши билан пайдо бўлади.

- Фуқаролик жамияти – бу демократиянинг маҳсули. Бизнинг тоталитар ва авторитар тузумлар шароитида яшаган бобо ва бувиларимиз, ҳатто ота-оналаримиз давлат ва фуқаролик жамияти тушунчаларини ажратмаганлар.

- ❖ Фуқаролик жамияти мураккаб тузилишга эга. Унда худди давлатга хос бўлган вертикал иерархик алоқалар эмас, балки горизонтал, асосан ҳокимиятга хос бўлмаган муносабатларни кузатиш мумкин. Бу муносабатлар уч қатламдан иборат:

- Жамиятнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар пойдеворини ташкил этади. Биринчи навбатда, шахс ва умуман жамият манфаатларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий плюрализмга, турли-туман мулк шаклларига асосланган иқтисодий муносабатлар. Фуқаролик жамиятининг ҳар бир аъзоси муайян мулкка эгалик қилганда ёки ўз хоҳишига биноан ўзи ишлаб чиқарган ижтимоий маҳсулот, мулкдан фойдаланишга, унга эгалик қилишга ҳақли бўлгандагина бу жамият ҳаётини бўлади.

- Иккинчи қатлам – ўз ичига оилавий-қариндошчилик, этник, диний ва бошқа барқарор алоқаларни оладиган ижтимоий-маданий муносабатлардир. Фуқаролик жамияти ўзининг ранг-баранг сертармок ижтимоий тузилиши билан турли ижтимоий гуруҳ ва қатлам вакиллари эҳтиёжларининг бутун бойлиги ва хилма-хиллигини намоён этади. Ижтимоий тузилиш ноаниқ бўлса, индивид давлат билан тўғридан-тўғри боғланган бўлади, бу эса унинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш имкониятларини жиддий равишда чеклаб қўяди.

- Фуқаролик жамиятининг учинчи – юқори қатламини гуруҳлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, клублар ва ҳ.к. манфаатлари орасидаги сиёсий ва маданий тавофутлар билан, индивидуал танлаш билан боғлиқ муносабатлар ташкил этади. Шундай қилиб, мафкуравий қолипларнинг инкор этилишини назарда тутувчи, барча фуқароларнинг ўз иродасини эркин ифодалашини таъминловчи маданий-сиёсий плюрализмга эришилади.

❖ Фуқаролик жамияти бир қатор тамойиллар асосида амал қилади. Улар жумласига қуйидагилар киради:

- сиёсий соҳада барча кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тенг;
- бутун дунё ҳамжамиятида юридик кучга эга бўлган қонунлар асосида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини юридик жиҳатдан ҳимоялаш кафолатланган;
- ҳар бир кишининг хусусий мулкка эгалик қилиш ёки ҳалол меҳнат учун мукофот олиш ҳуқуқига асосланган ҳолда индивидларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш;
- фуқароларнинг қизиқишлари ва касбий белгиларига кўра давлат ва партияларга алоқадор бўлмаган жамоатчилик уюшмаларига бирлашиш имкониятининг қонун билан кафолатланиши;
- фуқароларнинг партиялар ва фуқаролик ҳаракатларини ташкил этиш эркинлиги;
- илм-фан, маданият, таълимни ривожлантириш ҳамда фуқароларни эркин, маданиятли, ахлоқан пок ва ижтимоий жиҳатдан фаол, жамиятнинг қонун олдидаги масъул аъзоси сифатида шакллантириб тарбиялаш учун зарур моддий ва бошқа шароитларни яратиш;
- давлат цензураси доирасидан ташқарида, фақат қонун билан чекланган оммавий ахборот воситаларини ташкил этиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш эркинлиги;
- давлат ва фуқаролик жамияти орасидаги муносабатларни барқарорлаштирувчи механизмнинг (консенсус механизми) мавжудлиги ҳамда давлат органлари томонидан фуқаролик жамияти институтларининг амал қилиш хавфсизлигини таъминлаш.

Мазкур механизм, расмий ёки норасмийлигидан қатъий назар қонун чиқариш ишини, турли ҳокимият органлари, ўз-ўзини бошқариш институтлари ва ҳ.к.га халқ вакилларининг демократик сайловларини ўз ичига олади. Демократик фуқаролик жамияти – ижтимоий тараққиётнинг энг олий ютуғи, бу замонавий демократик давлат ва ривожланган жамиятнинг яшаш шакли ҳамда шартидир. Айнан шунинг учун ҳам Ислом Каримов Республикадаги демократик ислохотларнинг энг муҳим тамойилларидан бири сифатида «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини эълон қилди.

Фуқаролик жамияти муаммолари билан шуғулланадиган кўпчиликнинг фикрича, фуқаролик жамияти қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқаролар жамияти кишилар қўлида мулк (хусусий ёки жамоага қарашли) мавжуд бўлгандагина пайдо бўлиши мумкин, хусусий мулк фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси ҳисобланиб, ундан самаралироқ

фойдаланиш ва уни ҳимоялаш учун мулкдорлар турли бирлашмалар ва ташкилотларга уюшишга мажбурдирлар.

- Аҳолининг турли гуруҳ ва қатламлари манфаатларини бутун хилма-хиллиги билан акс эттирувчи ривожланган тузилманинг, тараққий этган ва сертармоқ демократиянинг мавжудлиги. Шундан нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг жамоат бирлашмалари юзага келади, улар орқали давлат билан ўзаро муносабатлар йўлга қўйилади, давлат бошқарувида иштирок этиш амалга оширилади.

- Фуқаролик жамияти аҳоли қонунлар билан таъминланган шароитдагина тўғри фаолият кўрсатиб, ривожлана олади. Биз И.А. Каримовнинг фуқаролик жамиятига берган таърифини келтирган эдик, унда фуқаролик жамиятининг қонун устувор бўлган ижтимоий макон эканлиги алоҳида таъкидланган.

- Фуқаролик жамияти шахснинг ақлий, психологик ривожланиш даражаси юқори бўлишини назарда тутди.

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг энг тўла ҳажмда таъминланиши ўз-ўзини бошқаришдир.

- Уни ташкил этган тузилмалар ва кишилар гуруҳлари ўртасидаги рақобатчилик.

- Эркин шаклланадиган жамоатчилик фикри, плюрализм.

- Барчанинг тўла ахборотга эга бўлиши ва, энг аввало, инсоннинг ахборотга эга бўлиш ҳуқуқининг амалда рўёбга чиқарилиши.

- Фуқаролик жамиятида ҳаёт фаолияти мувофиқлик, горизонтал алоқалар тамойилига таяниши керак.

«Фуқаролик жамияти – ижтимоий тарақққиётнинг олий ютуғи. Давр талаби, замон амри сифатида у ҳуқуқий жамият бўлиши керак. Бундай жамиятда демократия пойдевори фаоллик билан яратилади, қонун устуворлигининг, умуминсоний кадриятларнинг, ҳақиқий демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бутун дунёда эътироф этилган меъёрлари қарор топади»<sup>11</sup>. Фуқаролик жамияти бу шундай жамиятки, унда фуқароларнинг ўз табиатига кўра турли-туман бирлашмалари (партиялар, касаба уюшмалари, ширкатлар, гуруҳлар) инсон ва давлат орасидаги алоқаларни амалга оширадилар, лекин давлатнинг шахсга тазйиқ ўтказишига йўл қўймадилар.

«Фуқаролик жамияти» сўз бирикмаси икки атамадан ташкил топиб, улардан бири жамиятни назарда тутса, иккинчиси унинг фуқаролик

---

<sup>11</sup> Шарифхўжаев М., Раҳимов Ф. Даврни белгилаб берган Инсон. – Тошкент.: Шарқ, 2004. – Б. 206.

институтининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан боғлиқ бўлган муайян ижтимоий жараёнларни акс эттиради. Шахс ва жамият орасида мавжуд бўлган ҳуқуқий алоқадорликни белгиловчи тушунча сифатидаги «фуқаролик» давлат-ҳуқуқ ҳодисалари ривожланиши билангина юзага келган. Шахс фуқаро сифатида фақат давлат-тузилмавий жамиятдагина майдонга чиқди. Унинг «фуқаролик муносабатлари» у билан давлат орасида пайдо бўлган муносабатлардир. Бу ерда фуқаро ҳуқуқ субъекти, яъни муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ташувчиси ҳисобланади. Лекин давлат ҳам ўзига хос ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Ижтимоий ҳаётда икки соҳа юзага келади, улардан бирини фуқаролар жамоаси, иккинчисини эса давлат ташкил этади. Фуқаролик жамиятининг шаклланиши объектив қонуниятларга мувофиқ ривожланадиган табиий тарихий жараён.

Демократик, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий қонуниятлари ана шулардан иборат.

И.А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобидаги «Ўзбекистон – демократия ва ижтимоий адолат жамияти» номли бобида фуқаролик жамиятининг сиёсий асосларини таъминлашдаги бош омил – демократияга оид масалалар яққол акс эттирилган. Давлатимиз бошлиғи Ўзбекистонни мустақил, демократик давлат деб атади. Бу инсонпарварлик тамойилларига асосланган, миллати, диний эътиқоди, ижтимоий ҳолати ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган давлатдир. Демократиянинг энг муҳим тамойили халқ ҳокимияти ҳисобланади. Унинг иродаси инсон ва жамият фаровонлигини, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун муносиб турмушни таъминлаб беришга қаратилган давлат сиёсатини белгилайди. Янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат қурилиши инсонга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий яшаш шаклини эркин танлаб олиш ҳуқуқини кафолатлаб бериши керак. Сиёсий соҳада бу халқ ҳаёти тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарга, аҳолининг барча қатламлари ва ижтимоий гуруҳлари манфаатларига мувофиқ чинакам демократия тамойилларини тасдиқлаш демак. Халқ ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали амалга ошириш имконига эга бўлиши, миллий давлатчилик ҳокимиятларни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш асосида қурилиши лозим. Жамиятнинг сиёсий тизимини, давлат органлари тузилмасини тубдан янгилаш, Республика миқёсидаги ва маҳаллий ҳокимиятнинг ваколатлари ҳамда вазифаларини аниқ чегаралаб қўйиш, адолатли, инсонпарвар қонунчиликни яратиш керак бўлади. Ижро этувчи ҳокимият кучли бўлмаса, ҳатто энг демократик йўл билан қабул қилинган қарорлар ҳам бажарилмайди. Бу қонунчилик қарорларининг амалга оширилишини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланишини,

сиёсий ва иқтисодий ислохотлар рўёбга чиқарилишини; барча фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигини кафолатловчи ҳуқуқий давлатнинг шакллантирилишини, фуқароларнинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилиниши ва аҳолининг хавфсизлигини таъминловчи президент ҳокимиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашни талаб этади. Қонун ва ҳуқуқий тартиблар тантана қилмас экан, шахслар ҳуқуқ ва эркинликлари, қатъий интизом, масъулият, қонунлар ва анъаналарни ҳурмат қилиш устувор бўлмас экан, ҳуқуқий давлат ҳақида ўйлаш ҳам ноўрин. Ўзбекистонда туғилиб ўсган, шу тупроқда яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон, унинг миллати ва қарашларидан қатъий назар, республикамизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлиши шарт, бунда Ўзбекистоннинг ўзбек миллати ўз давлатчилигига эга бўлган ягона ҳудуд эканлиги, республиканинг барча ўзбеклар учун, улар қаерда яшамасин, маданий ва маънавий марказ бўлиб қолиши кераклиги ҳисобга олинади.

Республика фуқаролиги аجدодлари ўтмишнинг фожиали воқеалари туфайли хорижга кетишга мажбур бўлган ўзбекларга ҳам бериладиган бўлиши лозим. Кичик миллатларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоялаш, уларнинг маданияти, тили, миллий урф-одатлари ва анъаналари сақлаб қолиниши ҳамда ривожлантирилишини давлат томонидан таъминлаш, уларнинг давлат тузилмалари фаолиятида ва ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши; бир мафкура, бир дунёқарашнинг яққаҳоқимлигидан қатъий воз кечиш, сиёсий муассасалар, мафкуралар, фикрлар ранг-баранглигини тан олиш лозим. Ахлоқий ва инсонпарварлик тамойилларига, республика ҳудудида яшовчи барча халқларнинг анъана ва урф-одатлари, эътиқоди, тили ва маданиятларига ҳурмат тамойилларига устуворлик берилиши керак; чинакам демократиянинг зарурий ва қонуний жиҳати бўлган кўппартиявийликни амалда шакллантириш лозим. Айни пайтда ҳокимиятни зўравонлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб олган, давлат мустақиллиги, республиканинг ҳудудий бутунлиги ҳамда хавфсизлигига қарши чиқадиган, миллатлар ва динлараро низолар оловини ёқадиган, конституциявий тузумга, халқнинг демократик эркинликлари ва маънавий қарашларига даҳл қиладиган партиялар ҳамда ижтимоий ҳаракатлар қонундан ташқарида бўлиши шарт.

Шу китобнинг ўзида И. Каримов Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг демократик тамойилларини ишлаб чиққан. Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама ташқи сиёсатни амалга ошириш – давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни енгиб ўтиш ҳамда халқ ҳаётини яхшилашнинг муҳим шарти ва воситасидир. Бу тамойиллар қуйидагилар: миллий манфаатларни устувор деб билган ҳолда ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олиш;



ташқи сиёсат тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлиқ, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслиқ ва ҳ.к. қоидалари асосига қурилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 23 февралда бўлиб ўтган I сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» мавзусида қилган маърузасида демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг асосий тамойилларини баён этиб берган. У бизнинг мақсадимиз демократияга асосланган, айна вақтда халқимизнинг туб ахлоқий қарашларига уйғун бўлган давлат қуриш эканлигини таъкидлаб ўтди. Демократик жамиятнинг умумқабул қилинган тамойиллари мавжуд: ўз фикрини очиқ баён этиш эркинлиги, камчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, жамият ва давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқларининг тенглиги. Юқоридагилардан келиб чиқадиган барчага маълум тамойилар: асосий давлат органларининг сайлаб қўйилиши, уларнинг сайловчиларга ҳисобот бериши, тайинлаш йўли билан шакллантирилдиган давлат органларининг сайланувчи муассасаларга ҳисобот бериш мажбурияти ва ҳ.к. Бу тамойиллар ўзларини демократик деб атовчи деярли барча ривожланган мамлакатларнинг конституцияларида баён этилган. Шарқда эса демократлаштириш жараёнининг ўзига хос хусусияти унинг изчил ва тадрижийлигидир. Инқилоблар ёки Ғарб олимлари таърифига кўра «ижтимоий тараққиётнинг ибтидоий-варвар шакли» бу соҳада бизга мос келмайди.

Тарихий тажрибадан маълум бўлишича, демократик институтларни ташқаридан жалб этиш мумкин эмас. Уларга моддий ва маънавий соҳадаги оғир қураш, машаққатли меҳнат орқали эришилади. Демократик институтлар халқимизнинг менталитети, маданиятига хос хусусиятларига хос намунаси индивидуализм фалсафасига, омманинг ҳаддан ортиқ сиёсийлаштирилишига асосланади. Шарқ эса жамоатчилик, оталарча ғамхўрлик ғояларига, жамоатчилик фикри устуворлигига таянадиган демократияни кўзда тутди. Демократик жараён халқимизнинг қонунга бўйсунishi каби хусусиятлари, сиёсий муносабатларининг ахлоқий, маънавий негизи устуворлиги таъсири остида ривожланади.

Адолатга интилиш – халқимизнинг яна бир ўзига хос хусусияти. Бизнинг вазифамиз барча кишилар учун баробар бўлган дастлабки имкониятларни таъминловчи ҳуқуқий механизмни яратиш, уларнинг ўз қобилиятларини очиш ва рўёбга чиқаришлари, эҳтиёжларини қондиришлари учун қулай шароитлар яратишдан иборат.

Кейинги тамойил – фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида давлатчилик шаклланиб борар экан, хилма-хил бошқарув вазифалари халқнинг ўзига, ўз-ўзини бошқариш жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказила бошлайди.

Демократик адолатли жамият куриш – бу бизнинг стартегиямиз. Бу бизнинг умумий ривожланиш концепциямиз.

❖ Ислом Каримов белгиланган мақсадларга эришишнинг муайян чораларини кўрсатиб берди.

- Биринчи – жамиятда оқилона ижтимоий, мулкый мувозанатни таъминлашнинг самарали тизимини мустаҳкамловчи қонунлар қабул қилиш лозим.

- Иккинчи – барча даражадаги давлат органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи қонунлар тизими зарур.

Мазкур тизим давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг марказий, вилоят, шаҳар, туман органлари вазифалари, ваколатларининг аниқ чегараланишини таъминлаб бериши керак. Бунда давлатнинг кучи турли ҳокимият ва бошқарув органларининг миқдори ҳамда миқёсида эмас, балки уларнинг фаолият тизими самарадорлигида, бу тизимнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришда эканлигидан келиб чиқиш шарт.

- Учинчи – иқтисодий ва айниқса, сиёсий ислохотларни муваффақияти кўп жиҳатдан бошқарув ходимларининг тайёргарлигига, уларнинг ислохотларни амалга ошириш хоҳиши ҳамда қобилиятига боғлиқ. Айнан шунинг учун ҳам давлат хизматчилари мақоми тўғрисидаги қонунни қабул қилиш зарурияти «пишиб» етилди.

- Тўртинчи – ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш лозим.

- Бешинчи – фуқароларнинг сиёсий жараёнда, давлат бошқарувида иштирок этишнинг ҳуқуқий меъёрларини такомиллаштиришга жуда катта аҳамият бериш керак.

- Олтинчи – ижтимоий-иқтисодий, ишлаб чиқариш, савдо-иқтисодий муносабатларнинг талаб даражасида амал қилиши учун меъёрий шарт-шароитлар яратиш.

- Еттинчи – давлатнинг устувор вазифаларидан бири ёш авлодга таълим беришдир.

«Инсон-давлат» муносабатларида инсон устувор мавқеда бўлиши зарур. 1995 йилнинг 5 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги нутқи («Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»)да И.А. Каримов Референдумнинг аҳамияти ва яқунлари хусусида батафсил тўхталди. Ҳаётимизнинг Асосий Қонуни бўлмиш Конституцияга мувофиқ умумхалқ кенгаши шаклида ўтказилган Референдум халқнинг, сайловчиларнинг давлат аҳамиятига эга бўлган саволга жавобини билиш мақсадида ташкил этилди. Референдум воситасида Президент ва Парламент ваколатлари муддатининг мувофиқлиги масалалари, қонун чиқарувчи ва

ижроия ҳокимияти фаолиятлари бирлигини таъминлаш бўйича сайловчиларнинг, бутун халқимизнинг мулоҳазаларини, бунга муносабатини ўрганиш вазифаси қўйилган эди. Ушбу ҳақиқатни яна бир бор такрорлаш керак. Ўзбекистонда сиёсий тизим барпо этилаётган, ҳокимиятнинг турли тармоқлари фаолияти шакллантирилаётган масъулиятли бир даврда жамиятимиз, халқимизнинг асосий қисми шуни яхши тушунадик, уларнинг келишиб қилган хатти-ҳаракатлари, ораларидаги тавофутларни бартараф этиш, турли низоларга сабаб бўладиган вазиятларнинг олдини олиш – буларнинг барчаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалаларидир. Референдум натижалари халқнинг Парламентга, Президентга, ҳокимият органларига сиёсий ишончи мустаҳкамлиги белгиси, танлаган йўлимиз тўғрилигининг нишони, демократик жамият қураётган давлатнинг ҳаётида янги даврнинг бошланишидир. Кўппартиявийлик асосида сайланган янги Парламент ишлай бошлади. Жамиятнинг турли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган партиялар қанот ёзмакда. Улар ўз дастурларини халқ онгига етказиб, қаторларини тўлдиришга, сиёсий тажриба тўплашга интиляптилар. Булар ҳам ҳаётимизнинг янги қирралари, янги саҳифалари саналади. Шундай шароитда барча кучларнинг умумий тил топиши, мамлакатимизнинг бахтли келажаги учун қатъийят билан кураш олиб бориши муҳим аҳамият касб этади, бу уларни, қандай сиёсий ҳаракат ёки партия тарафдорларилигидан қатъий назар, бир-бирига яқинлаштиради, жипслаштиради. Бугунги куннинг долзарб, муҳим масалаларидан бири ана шу. Президент депутатларни фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг фаровонлигини, оилаларимизнинг роҳат-фароғатини таъминлаш учун барча шароитларни яратишга даъват этди.

И.А. Каримов ўзининг «Демократик ўзгаришлар – жамиятимиз янгиланиши асоси» китобида Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларида юз берган ўзгаришлар устида батафсил тўхталади.

❖ Демократик ислохотларни чуқурлаштириш сиёсий соҳанинг асосини ташкил этади, сиёсий тизимдаги янгиланишлар жараёнининг ўзаги қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчидан, бу – фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий жамиятни шакллантиришнинг конституциявий асосларини рўёбга чиқариш;
- иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг таъсирчан механизмини таъминлаш бўйича муайян тадбирларни амалга ошириш;
- учинчидан, матбуотни, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш.

Умуминсоний қадриятлар устуворлиги мустаҳкамланмокда. Давлат, жамият, шахс орасидаги муносабатлар демократлашиб бормокда. Нодавлат

тузилмаларининг ваколатлари кенгайтириляпти. Сиёсий тизимни тубдан янгилаш, чинакам кўппартиявийликни шакллантириш учун пойдевор қўйилди.

И.А. Каримов минтақавий хавфсизлик муаммоларига алоҳида тўхталиб, ташқи сиёсат хусусида 1996 йилни Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлиги йили, деб атади. И.А. Каримов «Юксак ҳуқуқий тафаккур – демократик жамият тақозоси» китобида Ўзбекистон эркин, демократик жамият кураётганлигини таъкидлайди. Давлат қурилиши, сиёсат, иқтисодиёт, маънавият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу олижаноб мақсадга томон йўналтирилган. Халқнинг ҳуқуқий саводхонлиги, жамиятнинг сиёсий фаоллиги, кишиларнинг демократик тамойилларни чуқур англаши ушбу мақсадга эришишда жуда катта аҳамиятга эга. Қонунлар аҳолининг мазкур тушунчаларни яхши англаб олишга ёрдам бериши лозим. Бу қонунчиликни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқ-тартибот органлари, соҳанинг ўқув муассасалари, ҳуқуқшунос олимларнинг долзарб вазифаларидир. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзига хос ривожланиш йўлини танлади. Бу йўлнинг моҳияти бозор иқтисодиётига асосланган эркин фуқаролик жамиятини қуриш, халқнинг яшаши учун муносиб шароитлар яратишдан иборат. Ислом Каримов ушбу олий мақсад қабул қилинаётган фармонлар, ҳукумат қарорлари ва қонунлар орқали одамлар онгига етказиляптими, деган савол қўяди. Халқ ўтказалаётган ислоҳотлар моҳиятини қанчалик чуқур англамоқда? Бу мақсадга эришиш учун нималар қилиш керак? Биринчи навбатда жамиятнинг сиёсий фаоллигини ошириш талаб этилади. Кишиларда ислоҳотларга қизиқиш уйғотиш керак, токи улар бу ўзгаришларни четдан кузатувчи сифатида эмас, олдимизда турган вазифаларни бажарувчилар сифатида қабул қилсинлар. Халқнинг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий онгини ўстириш орқалигина бунга эришиш мумкин. Агар ҳуқуқий онг шакллантирилмаса, ҳар хил номутаносибликлар пайдо бўлади. Мамлакатимизда адолат тамойили тантана қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун қонунийлик амал қилиши, у уч субъект – давлат, жамият ва шахс муносабатларининг асосига айланиши зарур. Бошқача қилиб айтганда, аждодларимиз орзу қилган адолатли жамият қуриш учун ана шу уч субъект орасидаги муносабатлар уйғунлашуви юз бериши, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келиши керак. Улар бир-бирларининг ҳуқуқларини аниқ билишлари ва ҳурмат қилишлари мамлакатдаги тинчлик ва осойишталикнинг зарур шarti ҳамда муҳим омили саналади. Шундан сўнг Президент жамият ҳуқуқлари хусусида фикр юритди. У мазкур ҳуқуқларни шакллантириш ва рўёбга чиқариш бўйича мамлакатда жиддий ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Бир неча партия ва ҳаракатлар, қатор жамоат ташкилотлари,

маҳалладаги ўз-ўзини бошқариш органлари сермахсул фаолият кўрсатмоқда. Учинчи муҳим субъект, – дейди И.А. Каримов, – инсондир, унинг ҳуқуқларини таъминлаш бутун дунёда ҳар бир давлатнинг энг долзарб ва мураккаб муаммоси, муқаддас вазифаси ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда мазкур йўналишда кўп ишлар амалга оширилди. Зарур қонунчилик ҳужжатлари, хусусан, Фуқаролик-процессуал ва Жиноятчилик-процессуал кодекслари қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили институти, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти ва бошқа ташкилотлар фаолият олиб бормоқда. Кун тартибидаги муҳим ишлардан бири аҳолининг барча қатламларига бу қонунлар моҳиятини етказиш, чунки ҳар бир фуқаро мазкур ташкилотлар нима билан шуғулланаётганлигини билиши, тушуниши керак. Ўзбекистон демократиянинг умумий тамойилларига таянади, айти вақтда халқимизнинг фикрлаш йўсини, миллий мафкурамизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳисобга олинади. Демократия тамойиллари кишилар онгига чуқур сингиб боришига, қонунийлик ҳаётимизнинг ажралмас бир қисмига айланиб қолишига эришиш лозим. Бунинг учун халқнинг Олий Мажлис ва ҳукумат қарорлари билан тўла танишиб боришига, ҳар бир инсоннинг мазкур ҳужжатлар моҳиятини англаб олишига эришиш шарт; кишилар бу ҳужжатларнинг қандай қабул қилинишидан хабардор бўлишлари керак. Фуқаролар давлат бошқарувида, қонунларни ишлаб чиқишда кенг иштирок этишлари зарур.

Президентимизнинг таъкидлашича, халқнинг ҳуқуқий маданиятини ўстириш йўналишидаги ишларни давлат сиёсати даражасига кўтариш лозим. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби И.А. Каримовнинг фундаменталь асарларидан биридир. Асарнинг бутун мантиқи уч муҳим масалага келиб тақалади: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш, барқарорликни қандай таъминлаш ва тараққиёт йўлидан бир маромда ривожланишга қандай эришиш мумкин?

❖ И.А. Каримов минтақавий хавфсизликка таҳдидни қуйидагиларда кўради:

- ✓ минтақавий зиддиятлар;
- ✓ диний экстремизм ва фундаментализм;
- ✓ буюк давлатчилик шовинизми ва тажовузкор миллатчилик;
- ✓ халқаро ва миллатлараро зиддиятлар;
- ✓ порахўрлик ва жиноятчилик;
- ✓ маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик;
- ✓ экологик муаммолар.

❖ Ислом Каримов куйидагиларни барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари деб ҳисоблайди:

- маънавият қадриятларининг тикланиши ва миллий ўзликни англаш;
- давлатчиликнинг шакллантирилиши ва мамлакатнинг муҳофаза қудратини мустаҳкамлаш;
- демократик институтлар ва фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши;
- бозор муносабатлари ва хусусий мулкдорлар синфини шакллантириш;
- кучли ижтимоий сиёсат ва аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш;
- геостратегик имкониятлар ва табиий хомашё захиралари;
- инсон омили, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси;
- тўла миқёсли ислохотлар ва ҳамкорлик қилиш кафолатлари;
- жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув.

Асарда И.А. Каримов геосиёсий имкониятлар ҳамда табиий захиралар хусусида фикр юритиб, уларни тараққиётнинг шартлари ва кафолатларидан бири деб атайди. Унинг ёзишича, бугунги кунда жаҳондаги ҳар бир мамлакат, жумладан Ўзбекистон ҳам алоҳида ҳудудлар эмас, улар жаҳон хўжалик алоқаларининг муайян географик ҳамда сиёсий тизимини ташкил этади. Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқалар ҳамда ўз тараққиётини изга солиш истиқболлари нуқтаи назаридан жуда қулай географик стратегик ҳолатга эга. Қадим замонларда Ўзбекистон ҳудудидан Шарқ ва Ғарбни боғловчи Буюк Ипак йўли ўтган. Бу ерда савдо йўллари туташган, жадал ташқи алоқалар, турли маданиятларнинг бири-бирини бойитиши жараёни давом этган. Бу ерда ҳозир ҳам Европа ва Яқин Шарқдан Осиё-Тинч океани минтақасига элтувчи йўллар кесишади. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришгач, бу алоқалар алоҳида аҳамият ва узвийлик касб этди. Бу тасодиф эмас. Чунки Марказий Осиё мамлакатлари ҳудуди Шарқда Хитой чегараларидан Ғарбда Эрон ва Каспий денгизигача чўзилган бўлиб, Ҳиндистон ярим оролини Россия ва Европа билан боғлайди. Ҳозирги геосиёсий тизимларда, Ўзбекистон ҳамда бошқа Марказий Осиё республикалари аҳамияти шу даражада сезиларли ва юқорики, бизнинг республикамизда содир бўлаётган воқеалар дунёнинг энг йирик мамлакатлари манфаатларига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳар қандай давлат ўз геосиёсатини шакллантиришда мазкур вазиятни эътиборга олади ҳамда сиёсий, иқтисодий ва стратегик фойда олишга интилади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ҳудудий-мақоний хусусиятлари, унинг географик

жойлашуви ўз ички ҳамда ташқи сиёсатини амалга оширишида катта аҳамиятга эга. Марказий Осиёда жуда муҳим геосиёсий вазиятни эгаллаган Ўзбекистон мазкур стратегик минтақада – ўзининг очик ва яширин табиий ҳамда хомашё захиралари билан бугуннинг ўзида – XXI аср бўсағасида, дунёнинг сиёсий ва иқтисодий хариталарида алоҳида эътибор касб этаётган ҳудудда кучлар мувозанатини таъминлаш, ҳамкорлик учун замин яратиш жараёнларида сезиларли иштирок этиб келяпти. Ўзбекистон минтақадаги энг ривожланган мамлакат сифатида улкан маънавий ва маданий имкониятларга эга бўлиб, кўшни давлатлар: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон орасидаги боғловчи халқа вазифасини бажармоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлик олиб бориш орқали бутун Марказий Осиё минтақасида манфаатли муносабатларни йўлга қўйиш имкони юзага келади. Марказий Осиёнинг маркази ҳисобланган Тошкентни Шарқ дарвозаси деб атайдилар. Кўпгина халқаро ташкилотлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Валюта Фонди, Жаҳон банки, Европа реконструкция ва тараққиёт банкининг ўз ваколатхоналари ҳамда бюроларини айнан Тошкентда очганлари бежиз эмас. Ўзбекистонда 350 дан зиёд хорижий компаниялар, фирма ва банклар ўз ваколатхоналарини аккредитациядан ўтказганлар. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида бу жуда кенг имкониятлар беради.

❖ Ўз геосиёсий имкониятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ташқи сиёсатини Президент томонидан илгари сурилган тамойилларга мувофиқ равишда олиб боряпти:

➤ Ўз миллий давлат манфаатларини устун деб билган ҳолда жаҳон миқёсида ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш.

➤ Ўзбекистон бошқа халқлар ва давлатлар билан ўзаро муносабатларда, умуминсоний кадриятларни устувор ҳисоблаб, халқаро майдонда тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ядро қуролига эга эмас, шунингдек, тажовузкор блок ва иттифоқларга кириш мақсади ҳам йўқ.

➤ Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик тамойилларига асосланган.

➤ Гоявий қарашларидан қатъий назар ташқи сиёсатга очиклик тамойилининг рўёбга чиқарилиши барча тинчликсевар мамлакатлар билан кенг ташқи алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашади.

➤ Ўз миллий ҳуқуқий тизимини шакллантираётган мустақил Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрлари давлатнинг ички ҳуқуқ меъёрларидан устунлигини тан олади.

➤ Тошкент ҳам икки томонлама ҳам кўп томонлама ташқи алоқалар ўзаро тўла ишонч тамойилларига таянган ҳолда олиб борилиши, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг чуқурлаштирилиши тарафдоридир.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган 1-чақириқ 14-сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» мавзусидаги сўзлаган маърузасида «Ўзбек модели» (беш тамойил)ни амалга оширилишининг бориши юзасидан хулоса ясаб, XXI аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида жамиятни ривожлантириш, ислоҳ қилиш ва ўзгартириш стратегиясининг биринчи устувор жиҳати сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш эканлигини қайд этиб ўтди. У сиёсий соҳада либераллаштириш фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини, бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаштиришнинг кучли механизмини шакллантириш эканлигини алоҳида таъкидлади. Сиёсий плюрализмсиз бунга эришиб бўладими? Ахир, демократиянинг амал қилиш шартларидан бири сиёсий плюрализм-ку! Бу жамиятнинг сиёсий тузилиш тамойилларидан бири бўлиб, унга кўра сиёсий ҳаёт кўплаб бир-бирига боғлиқ бўлган, айни пайтда автоном сиёсий гуруҳлар, ташкилотлар, партияларнинг биргаликда ҳаёт кечиришидан иборат. Улар ишлаб чиқаётган дастурлар, ғоялар, кўрсатмалар мунтазам равишда ўзаро таққосланади, бир-бири билан тўқнашади, рақобатлашади. Сиёсий плюрализм шароитида ҳар бир фуқаро ўз нуқтаи назарига, ўз дунёқарошига эга бўлиши, уларнинг тарғиботи билан шуғулланиши мумкин. Лекин бундай ҳуқуққа эга бўлган киши бошқаларнинг худди шундай ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, ўзига хос фикрлашига бағрикенглик билан қараши керак. Сиёсий плюрализм баҳслашув тамойилларини ҳам, сиёсий жараёндаги муросасизликни ҳам тасдиқлайди.

Сиёсий плюрализмнинг асосини жамиятдаги турли гуруҳларнинг манфаатлари тўқнашган жойда албатта юзага келадиган ижтимоий зиддиятлар ташкил қилади. Бунда жамият ҳаёти қанчалик ранг-баранг бўлса, зиддиятлар ҳам шунчалик хилма-хил; иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий тузилмаларнинг турли-туманлиги, манфаатлар, қадриятларнинг турфалиги қарама-қарши тенденцияларни туғдиради, жамиятнинг ривожини таъминлайди, турғунликнинг олдини олади. Бунинг сабаби шуки, ҳар хил сиёсий гуруҳлар, партиялар, ташкилотлар, ассоциациялар орасида зиддиятларнинг юзага келиши туфайли ижтимоий ривожланишнинг муқобил вариантлари майдонга ташланади. Бу эса бутун жамиятнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган энг афзал, энг мақбул, самарали сиёсий стратегияни танлаб олиш учун имкон яратади. Демак, мустақил, бир-бирига боғлиқ бўлмаган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий тузилмаларнинг турли-туманлиги, бир



томондан жамият ҳаётини бойитади, иккинчи томондан унинг тараққиётини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади. Мазкур сиёсий тузилмалар нисбатан мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлиши керак. Фақат шундагина улар сиёсий майдонда ўзаро рақобатлаша олади, сиёсий ҳукмронлик учун курашишга қобил бўлади. Бундан ташқари, мустақиллик ва тенг ҳуқуқлилиқ ҳар бир сиёсий субъектнинг (индивиднинг, сиёсий институтнинг) сиёсий жараёндаги мақсадларини, йўлини ўз хоҳишига кўра белгилаши учун шароит яратади. Сиёсий плюрализм билан боғлиқ бўлган мазкур омилларнинг барчаси демократиянинг қиёфасини белгилайди.

Жамиятдаги сиёсий плюрализмга зид тушунча сиёсий монизм ҳисобланиб, у бир ҳокимият, бир партия, бир дунёқарашнинг яққа ҳокимлигини назарда тутадиган сиёсий ташкилот сифатида тушунилади. Бундай яққаҳокимликнинг (жумладан, мулкнинг битта шакли, ишлаб чиқарувчининг истеъмолчи устидан ҳукмронлигининг шакли) салбий оқибатлари жамиятнинг турғунлашуви жараёнига олиб келади. Бироқ жамиятда сиёсий плюрализмнинг мавжуд бўлишини энг асосий мақсад деб қараш нотўғри. У фуқароларнинг эркинлигини ҳимоя қилади, барчанинг озод бўлиши учун тенг ҳуқуқларини кафолатлайди. Турли-туман гуруҳларнинг манфаатлари, эътиқодлари, яшаш тарзини тан олган ҳолда, жамият айни вақтда бағрикенглик тамойилини ҳаётга жорий қилади. Бу тушунчалар бири-бири билан чамбарчас боғлиқ. Сиёсий плюрализм ғояси бағрикенгликка йўналтирилган, бағрикенглик эса эркинлик ва адолат ғоясида ўз қонуний асосларига эга. Бағрикенгликнинг икки шакли фарқланади: ижтимоий-давлат тамойили сифатидаги ҳамда цивилизацион тамойилли бағрикенглик. Шундай қилиб, бағрикенгликнинг асосий моҳияти инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, уларни энг муҳим деб тан олишдан иборат. Шунинг учун ҳам плюрализм ва бағрикенглик демократиянинг қиёфасини белгилайди. Сиёсий плюрализм ва бағрикенгликнинг уйғунлиги либераллаштиришнинг таркибий қисмигина эмас, уни амалга оширишнинг шарти, шунингдек, жамият сиёсий ҳаётини либераллаштиришнинг мақсади ҳамдир.

Ислом Каримов китобида сиёсий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш тўғрисида фикр юритар экан, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида унинг сиёсий маданиятини юқорига кўтариш лозим эканлигини алоҳида таъкидлайди. Одамлар ҳукумат қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг бажарилиши қандай назорат этилишини билишлари, бу қарорларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этишлари шарт. Бунинг учун юксак даражадаги сиёсий онг ва сиёсий маданиятга эга бўлиш лозим.

Сиёсий онг сиёсий тизимнинг муҳим элементларидан бири. Сиёсий онг ва сиёсий тизим ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бир-бирини тақозо

килади. Сиёсий тизим сиёсий онг билан бир вақтда унинг асосида юзага келиб, ривожланади, айна пайтда унга тескари таъсир ҳам кўрсатади. Демократик жамиятда демократик сиёсий онг устувор бўлади. Сиёсий онг алоҳида индивид ёки гуруҳнинг бошқа ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар, ҳаракатлар, умуман, сиёсий ҳокимиятга муносабатини ифодаловчи қарашлар йиғиндиси. Сиёсий онг – бу борлиқнинг сиёсат билан боғлиқ қисмининг субъект томонидан идрок қилиниши, унинг сиёсий тизим тўғрисидаги субъектив тасавури демак. Бунда субъектнинг сиёсат ҳақидаги билим ва тасавурлари унинг фақат индивидуал онги маҳсулигина эмас. Мазкур билим ва тасавурларни субъект атроф-муҳитдан ижтимоийлашув жараёнида қабул қилади. Сиёсий онг сиёсий ижтимоийлашув жараёнида шаклланади. Сиёсий онг даражаси шахснинг Ўзбекистонда демократик жамият куриш жараёнига қанчалик жалб этилганлигини белгилайди.

Юзага келаётган барча сиёсий институтлар, уларнинг ижтимоий мақсади, ҳокимият ва шахс орасидаги муносабатлар жамиятнинг ўзига хос сиёсий маданияти билан тақозо этилади.

Сиёсий маданият – жамият маънавий маданиятининг бир қисми, унинг фуқароларида тарихан юзага келган сиёсий қарашлар, маслаклар, анъаналар, ахлоқий меъёрларнинг сиёсий тизим институтлари ҳамда фуқаролик жамиятида кишилар хатти-ҳаракатини бошқарувчи тизимидир. Қадриятлар, мақсад ва маслаклар, йўналишларнинг ушбу бирлиги умумқабул қилинган бўлиб, барча жамият аъзоларининг сиёсий тажрибасини тартибга солиш ҳамда уларнинг хатти-ҳаракатини бошқаришга хизмат қилади. Улар фақат сиёсий қадриятлар, қарашларни эмас, сиёсий ҳаётнинг амалдаги меъёрларини ҳам ўз ичига олади. Шундай қилиб, сиёсий маданият ҳокимият, индивид ва жамият хатти-ҳаракатлари ва ўзаро муносабатларининг энг типик намуналарини белгилайди. Сиёсий маданият тушунчаси жуда кенг маъноли. У алоҳида ва жамоавий субъектларнинг сиёсат соҳасидаги хатти-ҳаракатлари ҳамда фаолият тарзи сифатида, умуман, тизимда сиёсий институтларнинг амал қилиш йўли сифатида тавсифланади.

Қадриятлар – фаолият воситалари ва усулларини танлаш, жорий амалиётда уларнинг қўлланиш изчиллиги даражасини белгиловчи ғоялар, тасавурлар ва уларга мувофиқ ижтимоий-психологик тузилмалар йиғиндиси. Қадриятларнинг турлари кўп: моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий қадриятлар ва ҳ.к. Бу қадриятларнинг ташувчилари – шахслар, гуруҳлар, жамоалар. Лекин шундай қадриятлар борки, улар барча одамларга хос, улар умуминсоний қадриятлар деб аталади. Энг муҳим умуминсоний қадрият инсоннинг ўзи, унинг ҳуқуқ ва эркинликларидир.

Ислом Каримов замонавий цивилизациянинг ижобий қадриятлари сирасига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ қадриятларни киритади. Булар – инсон ҳуқуқларига риоя қилиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳ.к. Мазкур демократик қадриятларнинг жиддий аҳамияти тўғрисида фикр юритар экан, у на тарихий, на маданий нуқтаи назардан бу қадриятлар бизнинг халқимиз менталитетига зид келмаслигини, аксинча, ишбилармонлик, эркин тижорат, ўзгалар фикрига ижтимоий ҳурмат бизнинг диёримизда ўзининг тарихий илдизларига эга эканлигини таъкидлайди. Замонавий демократик жамиятнинг муҳим таркибий қимсларидан бири ижтимоий рақобатчилик ҳисобланади. Бозор тузилмалари ривожланиши билан бу рақобатчилик анча хунук шаклларга эга бўлиб, ижтимоий зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин. Бу рақобатчиликни маданий шаклда олиб бориш, унга ижодий, мусобақалашув, яратувчилик кучини бериш учун, биринчи навбатда, иқтисодиётдан ташқари маданий-ахлоқий механизмларни ишга солиш зарур. Улар тикланаётган миллий қадриятлар ва сингдириб борилаётган замонавий цивилизация меъёрларининг синтезига айланиши лозим.

Бугунги кунда сиёсатда умуминсоний манфаатлар ва қадриятлар тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Уларнинг амалга оширилиши эса ниҳоятда зиддиятли, ноизчил кечади. Бунинг сабаблари қатор ўзаро боғлиқ бўлган омилларга тақалади, масалан: расман умуминсоний ғояларни ёқлаб чиқувчи, сиёсий коалициялар иштирокчиларининг пировард мақсадлари ва манфаатларининг турличалиги, сиёсий жараёнга ўзларининг чекланган ёндашувлари устуворлигини тўғридан-тўғри тасдиқловчи партиялар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатпарастлиги; ҳокимият учун курашда етакчилар ва гуруҳлар орасидаги рақобатчилик вазиятлари; сиёсий аҳвол ва унинг яқин истиқболига баҳо беришдаги хатоликлар ва бошқалар. Шунинг учун ҳам сиёсий қадриятлар типологиясини тузиш жуда мураккаб. Гуруҳлар орасида алоқа ўрнатиш эҳтиёжи, уларнинг шаклланиши ва ривожланишига ёрдамлашадиган ғоя ва ҳаракатларга юқори баҳо бериш; институтнинг у ёки бу сиёсий эҳтиёжларни ҳақиқатан қондира олиш қобилияти кабилар асосий коидалар бўлиши мумкин. Бунда албатта, фойда-восита билан фойда-натижаларни аниқ фарқлаш, уларнинг ўзаро алоқаси, шу билан бирга, улар орасидаги масофани ҳисобга олиш шарт. Шубҳасиз, сиёсий қадриятларнинг изчил типологияси ҳозирги даврда сиёсатда умуминсоний ғоялар ва қадриятларнинг устуворлигини тан олиш асосида шакллантирилиши мумкин, бу восита ва натижаларнинг сиёсий амалиётининг инсонпарварлик йўналиши билан чамбарчас боғлиқ ҳолда танланишини кўзда тутати. Сиёсий қадриятлар йирик ижтимоий гуруҳларнинг интеграциясига кўмаклашиш, сиёсий фаолият билан шуғулланишни эҳтиёжга айлантириш, ижтимоий-

сиёсий мақсадлар сиёсий жараён иштирокчиларининг бевосита эҳтиёжига айланишини келтириб чиқарадиган шарт-шароитларни яратиш, ҳар бир муайян ҳаракат ва унинг оқибатларини баҳолаш стандартлари шаклланишига ёрдам бериш; сиёсатнинг мақсадлари, шунингдек, уларга эришиш усулини танлаб олиш иерархиясини белгилаш, йўл-йўлакай мувофиқ мақсад ва усулларни саралаб олиш, мувофиқ бўлмаганларини йўқ қилишни амалга ошириш; сиёсий жараённинг ҳар бир иштирокчисини (синф, партия, институт, шахс) унинг бошқа таркибий қисмларига йўналтириш учун масъулдир. Умуминсоний қадриятлар демократик тараққиётнинг маънавий асосини ташкил этади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан сиёсий тизимни демократлаштириш устувор вазифалардан ҳисобланиб келди. Сиёсий соҳадаги либераллашув – аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанати, ўз билим, кўникмалари салоҳияти ортидан бири-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаштиришнинг кучли механизмини шакллантириш демакдир. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятининг шакллантирилиши соҳасидаги либераллашув – ҳокимиятнинг барча тармоқларини тақсимлаш тамойилини янада мустаҳкамлаш, ҳокимият ваколатларини аста-секин ноҳукумат ва жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтиришдан иборат. Жамиятда барқарорлик, тинчлик, миллатлараро ва фуқаролар ҳамжиҳатлигини, чегараларимиз дахлсизлиги, мамлакатнинг ҳудудий бутунлигини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир. Мана шулар – бизни олға юришга ундовчи энг муҳим устувор йўналишлар – бор куч, диққат-эътибор ва имкониятлар уларнинг ечимига қаратилган бўлиши керак, халқаро ҳамжамятдаги ўрнимиз, обрў-эътиборимиз ва ҳурматимиз бу устувор йўналишларнинг ҳаётга қандай жорий этишимизга боғлиқ.

Либераллаштириш жараёнининг ҳар бир йўналиши мураккаб шакл ўзгаришларини бошидан кечиради. Авторитаризм шароитида сиёсий муносабатларнинг янги шакллари ривожлантириш турли зиддият ва муаммолар билан тўқнашади, лекин уларни ҳал қилиш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Шунинг учун ҳам, таъкидлаш жоизки, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш жараёнидаги энг долзарб масала ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, сиёсий қарама-қаршиликлар ва миллатлараро зиддиятлар, ваҳҳобийлик ва радикализм ғояларига таянган янги тоталитар тажовузлар хавфини енгишдан иборат. Эскини бузиш, шаклан ўзгартириш жараёни – бу ҳар доим ҳам эски зиддиятларнинг намоён бўлиши, янгиларининг юзага келиши демак, уларни енгиб ўтиш ислоҳотларни либераллаштиришнинг тақдирини белгилайди.

Либераллаштириш деганда, шунингдек, ижтимоий муносабатлар тизимида давлатнинг иштирокини қискартириш тушунилади. Давлат устун бўлган, бошқарув, назорат, тақсимот ва иқтисодий етакчиликдаги барча йўналишларда якка ҳоким бўлган шароитда мазкур жараён ижтимоий ривожланишда ташкилийлик ва назоратнинг бой берилишига олиб келиши мумкин.

Порахўрлик, тўрачилик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик – либераллаштириш жараёнига тўсқинлик қилиши мумкин, бу нуқсонлар мустақилликнинг давлатчилик асосларига путур етказди. Одатда, тўрачилик ва порахўрлик муаммолари инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Давлат ва жамият қурилиши жараёнларини либераллаштиришда ўз фаолиятлари билан назоратни таъминлаб, фуқаролик жамиятининг институтларидан бири сифатида майдонга чиқадиган оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамиятга эга бўлишлари зарур. Бугунги кунда республикада 500 га яқин газета ва 200 журнал қайд этилган, уларнинг бири тўлиғича ёшлар муаммоларига бағишланган. ОАВнинг ривожланишида муаммолар кўп, у ҳам, афсуски, чинакам «тўртинчи ҳокимият»га айлангани йўқ.

Сиёсий партиялар фаолияти либераллаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг асосий шarti саналади. Аҳолининг сиёсий фаол қисми ўз конституциявий ҳуқуқларининг бутун ҳажми билан партиялар орқали ҳукуматнинг асосий қарорларига таъсир кўрсатиши, қонунчилик органида ўз вакилларига эга бўлиши ва маҳаллий органларнинг ишида қатнашиши мумкин. Давлатнинг ўзи унинг раҳбари И.А. Каримов сиймосида сиёсий партиялар фаолиятини жадаллаштиришга, давлат бошқарувини янада демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялашда уларнинг ролини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Айнан Президент қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланиб, Парламентга «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун лойиҳасини киритди.

Ўзбекистондаги ислохотлар ва янгиланиш жараёнларига баҳо берар экан, И.А. Каримов либераллаштириш мамлакатда амалга оширилаётган барча ўзгартириш ишларининг асосий ўзаги эканлигини таъкидлади. Шу билан бирга, либераллаштиришнинг бугунги кунда эришилган даражасини жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш тизимидаги дастлабки босқич деб ҳисоблаш мумкин. Демак, мазкур йўналишдаги устувор жиҳатлар белгиланганда, биз ўз диққатимизни қайси вазифаларга жамлашимиз кераклигини аниқ билиб олишимиз керак. Демократиянинг энг муҳим тамойили кишиларнинг танлаш, ўз фикрини эркин баён этиш, ўз

манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларни рўёбга чиқариш ҳуқуқини таъминлаш учун имкониятлар яратиш дегани. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда либераллаштириш – бу ҳокимиятларнинг бўлиниши тамойилини янада мустаҳкамлаш, ҳокимият муносабатларини аста-секин ноҳукумат ва жамоат ташкилотларига ўтказиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтиришдир. Либераллаштириш таъминланиши учун муаммоларимизни, заиф жиҳатларимизни, қонунчилик фаолиятидаги камчиликларимизни танқидий нуқтаи назардан баҳолаш, унга янада кўпроқ изчиллик бахш этиш лозим.

И.А. Каримов шуни алоҳида қайд этадики, барча ҳуқуқий давлатлардаги каби қонун асосида яшашга ўрганишимиз зарур. Қонунчилик базасининг шаклланиши жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнидан; аҳолининг сиёсий фаоллик даражаси пастлигидан; сиёсий маданиятни кўтариш заруратидан илгарилаб кетиши лозим. Давлат бошлиғининг таъкидлашича, ҳокимият қарорлари қандай қабул қилинишини, уларнинг бажарилиши қандай назорат этилишини кишилар билишлари, уларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида фаол иштирок этишлари керак. Ҳар бир инсон ўзининг жамиятдаги ўрнини билиши, ўзини жамиятнинг бир заррасидек ҳис этиши зарур. Жамиятнинг демократлаштирилиши сиёсий институтлар – партиялар, ноҳукумат ва жамоат ташкилотларининг мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ. Айниқса, бу сиёсий партиялар масаласига тааллуқли. Сиёсий партия ва ҳаракатлар, афсуски, ҳали ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳаларида ўз муносиб ўрнини топа олган эмас.

Ҳокимият тузилмаларида, энг аввало, унинг сайланадиган органларида ваколатга эга бўлиш учун кураш олиб борадиган сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар ўз олдиларига мамлакатдаги воқеаларнинг ижобий ривожланишига, бу ривожланишнинг суръатларига ҳақиқатан таъсир кўрсата оладиган мақсадлар қўйиб, муайян фаолият дастурларига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун у ёки бу партиянинг раҳбарлари ҳам, тарафдорлари ҳам нима мақсадда кураш олиб бораётганларини, нимага қарши чиқаётганларини аниқ тасаввур қила билишлари шарт. Ҳар қандай демократик мамлакатда бўлгани каби, партиялар рақобатлашиши, қарашлар ва ғоялар ўзаро тўқнашиши, сайловчиларнинг овозини олиш учун кураш бориши керак. Буларнинг барчаси – мамлакатда қабул қилинган конституциявий-ҳуқуқий меъёрлар ҳамда қонун-қоидалар доирасида бўлиши жоиз.

Президент ижтимоий ҳаётда нодавлат тузилмаларининг аҳамияти ортиб бораётганини алоҳида қайд этди. ННТ ҳам республикада либераллаштиришнинг субъекти, унинг фаол етакчисига айланиши керак. ННТ ривожланишининг устувор йўналиши демократик қадриятлар,

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш саналади. Сўнгги 5 йил ичида жамоат бирлашмалари ва ноҳукумат ташкилотларининг миқдори 1,5 мингга ортди, бугун уларнинг сони қарийб 2,3 мингга етди. Бу ташкилотлар ижтимоий фикрнинг турли томонларинигина ифодалаб қолмасдан, кишиларнинг ижтимоий онги шаклланишига ҳам фаол таъсир кўрсатяпти. Энг муҳими, қонун асосида ташкил этилаётган жамоат ва ноҳукумат бирлашмалари шунчаки хайрия муассасаларига айланиб қолмаслиги керак. Бу улар фаолиятининг муҳим жиҳати, лекин энг асосийси эмас. Асосийси эса кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдир. Нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ривожланган тизими жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлаши ва сақлаб туриши, давлат тузилмаларига мувозанатлаштирувчи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Республикада халқнинг ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарга мувофиқ чинакам демократия тамойиллари қарор топмоқда. Умуминсоний қадриятлар устуворлиги тобора мустаҳкамланиб, ҳаётимизга янги демократик меъёрлар аниқроқ жорий этилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолати берилмоқда. Жамиятнинг демократлаштирилганлиги даражасини белгилайдиган энг муҳим демократик тамойиллардан бири ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили ҳисобланади. Республика Президенти Ислом Каримов маърузасида давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва либераллаштириш ҳақида гапириб, Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган ҳокимиятнинг тармоқлар орасида бўлиниши тамойили амалда қандай ишлаётганига алоҳида аҳамият берди.

Мамлакатда давлат бошқаруви тизими юзага келди, давлатимизда олий қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис, маҳаллий вакиллик органлари – кенгашлар бор, Президент, Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари бор, тегишли ваколатларга эга бўлган вазирлар ва идора раҳбарлари бор, ҳокимлар ва уларнинг бўлинмалари бор. Мазкур тизим бутунича ва ундаги ҳар бир ҳокимият тузилмаси ягона пировард-мақсад – халқ иродаси ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида ўз вазифаларини аниқ бажаришлари керак. Ҳокимиятнинг ҳар бир тармоғида ҳуқуқий асосда авторитаризм ва тоталитаризмнинг рецидивлари (такрорланиш, қайта кўзиш)ни истисно қиладиган ҳақиқий демократик меъёр ва муолажалар ўрнатилган. Бунинг учун ўзининг илмий, сиёсий, иқтисодий салоҳиятига суяниб бир-бирини тийиб турадиган ва мувозанатлаштирадиган оқилона тизим яратилди. Масалан, қонуннинг қабул қилиниши механизмини олсак, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳаси Сенатда кўриб чиқиш учун юборилади, агар тасдиқланса, Президент имзосига тақдим этилади.

Президент қонунни имзолайди, у расмий манбаларда эълон қилинган, кучга киради. Сенат қонунни ўз эътирозлари билан Қонунчилик палатасига қайтариш ҳуқуқига эга. Келишув ҳайъати ташкил этилиши мумкин. Лекин, агар қонун депутатларнинг учдан икки қисми овози билан ўзгаришсиз қолса, Сенат қонунни аввалги таҳририда тасдиқлайди ва Президент имзосига тақдим этади. Президент қонунни рад этишга ва яна Олий Мажлисга жўнатишга ҳақли. Аммо агар қонуннинг аввалги таҳрири Қонунчилик палатаси ва Сенат депутатлари умумий сонининг учдан икки қисми овози билан қўллаб-қувватланса, у Президент томонидан имзоланади ва халққа эълон қилинади. Бир-бирини тийиб турадиган ва мувозанатлаштирадиган оқилона тизим Президентнинг Бош вазир, вилоят ҳамда Тошкент шаҳри ҳокимларини тайинлашида ҳам кўзга ташланади. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади. Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади. Президент Парламентни ёки палаталардан бирини тарқатиб юборишга ҳақли. Вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларини тайинлашда ҳам худди шундай тартибга амал қилинади. Фақат бунда Президент вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашларидаги сиёсий партияларнинг фракциялари билан маслаҳатлашади. Президент фақат Конституциявий суд билан келишувга мувофиқ ва фақуллоддаги ҳолатлар бўлмаган шароитдагина Парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари бўйича йиллик маърузаларини тақдим этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Президент Фармонлари, ҳукумат ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари, Ўзбекистон Республикасининг давлатлараро шартнома ҳамда бошқа мажбуриятларининг ўзаро мувофиқлигини аниқлайди. Конституциявий суд қарорлари эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради. Улар қатъий бўлиб, шикоятга ўрин қолдирмайди.



Авторитаризм ва тоталитаризмнинг бош кўтаришини истисно этувчи ҳамда ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилини жамият сиёсий ҳаётининг демократлаштирилиши ғоясига айлантирувчи механизмлар ана шулардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил январда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ I сессиясида И.А. Каримов қилган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз» мавзусидаги маърузасида бозор иқтисодиётига эга бўлган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш бўйича асосий стратегик мақсад ва унга эришиш йўллари белгилаб берди.

Мазкур маърузада И.А. Каримов шуни алоҳида қайд этдики, бизнинг асосий стратегик мақсадимиз ўзгарган эмас – бу бозор иқтисодиётига эга бўлган очик демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ва моделидан нусха кўчирмай, муносиб турмуш даражаси ва сифатига эришиш, ҳар бир инсонга, унинг миллати, этники ва қарашларидан қатъий назар, барча ҳуқуқ ва эркинликлар, фаровонлик ҳамда муносиб ҳаётни кафолатлай оладиган демократик тараққиётни таъминлаб бериш. Бунда ўзимизнинг чинакам миллий анъаналаримизга, муқаддас динимизга, миллий қадриятларимизга содиқликни сақлаб қолиш.

И.А. Каримов сиёсий, иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий соҳаларда, ташқи сиёсат, хавфсизликни таъминлаш, давлат қурилиши жабҳаларида ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар устида муфассал тўхталиб ўтди.

- ❖ Сиёсий соҳада.
  - Биринчи. Сиёсий ҳаётнинг барча томонларини, давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш.
  - Иккинчи. Кўппартиявийлик ҳаётимизга чуқур сингиб кетишига эришиш.
  - Учинчи. Нодавлат тузилмалари, ноҳукумат ва жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларини янада мустақкамлаш ва ривожлантириш.
  - Тўртинчи. Плюрализм ёки фикрлар хилма-хиллиги, уларни ифодалаш эркинлигини таъминлаш.
  - Бешинчи. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, кишилар онгидаги демократик қадриятларни янада мустақкамлаш ва ривожлантириш.
- ❖ Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида.
  - Биринчидан, ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши конституциявий тамойилини таъминлаш. Давлатнинг кучи унинг демократик институтларга эркин фаолият юритиш имкониятини яратиб бера олишида.

- Иккинчидан, амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар самарадорлигини ошириш.
- Учинчидан, ходимларни алмаштириш тизимини такомиллаштириш.
  - ❖ Суд-ҳуқуқ соҳасида.
    - Биринчидан. Ҳуқуқий давлатнинг маъноси ва мазмунини белгиловчи кодекслар, қонунлар, меъёрларга танқидий баҳо бериш зарур.
    - Иккинчидан. Қонунларнинг сўзсиз бажарилишини таъминловчи тизим яратиш.
      - Учинчидан. Суд тизимини ислоҳ қилиш.
  - ❖ Ташқи сиёсат соҳасида.
    - Биринчидан, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, хавфсизликни таъминлаш.
    - Иккинчидан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича ҳаракатлар дастурининг универсаллиги. Афғонистондаги зиддиятларни тинчлик йўли билан изга солишнинг асосий тамойиллари тўғрисидаги Тошкент декларацияси.
      - Учинчидан, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциясини чуқурлаштириш.
        - ❖ Хавфсизликни таъминлаш соҳасида.
          - Биринчи. Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизликни таъминлаш бўйича кучларини бирлаштириш.
          - Иккинчи. Марказий Осиё мамлакатлари билан иқтисодий соҳада ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш.
          - Учинчи. Армия, чегара ва ички қўшинларни ислоҳ қилиш.
          - Тўртинчи. Давлат чегараларини янада мустаҳкамлаш ва жиҳозлаш.
            - Бешинчи. Хавфсизликнинг бўлинмаслиги тамойилига асосланган ҳолда террорчилик билан курашиш халқаро марказини яратиш бўйича ҳаракатини давом эттириш.
            - Олтинчи. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари тизимини ислоҳ қилиш ва уларнинг жамоатчилик билан алоқаларини мустаҳкамлаш. Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва, энг аввало, маҳалланинг ижтимоий хавфсизликни таъминлашдаги ролини ошириш. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат куриш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш йўлидаги вазифалар ижросининг босқичма-босқич таъминлаб борилишидир.

2002 йил 29 августда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти

асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида Президент ниҳоятда муҳим бир вазифа – ўтган давр ичида нимага эришилган бўлса, ҳаммасини танқидий назардан ўтказиб, зарур хулосалар чиқариш, мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизациялаш бўйича ислохотларни янги сифат даражасига кўтариб, бунда ворисийлик, изчиллик ва натижаларни кўра билиш омилларини сақлаб қолиш, мамлакатни демократик ривожлантириш ва фуқаролик жамиятини куриш ишидаги асосий вазифалар ҳамда устувор масалаларни белгилаб берди.

Мазкур етти устувор йўналишда Ислон Каримов томонидан Ўзбекистонда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий, иқтисодий, сиёсий, маънавий асослари, демократик ислохотларни такомиллаштиришнинг асослари ифодалаб берилган.

❖ Фуқаролик жамиятининг сиёсий асослари қуйидаги устувор йўналишларда ўз аксини топди:

➤ Бу, бош устувор йўналиш – мустақиллик. Мустақил ривожланиш устувор йўналиши – бу, биринчи навбатда, ўз тақдиримизни ўзимиз ҳал қилишимиз, ўз келажагимизни ўзимиз куришимиз, энг аввало ўз халқимиз манфаатларини кўзда тутиб, мамлакат бойликларига эгалик қилишимиз ҳуқуқидир. Мустақиллик – бу, биз эҳтиёткорлик билан асраб-авайлаб, кейинги авлодларга етказишимиз зарур бўлган муқаддас маънавий қадриятлар ва анъаналарга таяниб яшаш демак. Шу билан бирга, бу зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга, БМТ Низоми талабларига ҳамда жаҳон ҳамжамиятида эришмоғимиз лозим бўлган умумқабул қилинган меъёрларга қатъий риоя қилишни англатади. Мамлакатни сиёсий жиҳатдан қайта куриш, иқтисодиётни модернизациялаш, жамиятни маънавий томондан янгилаш бўйича ўтказиладиган барча ислохотлар мустақил ривожланишни худди шундай тушуниш асосида амалга оширилиши зарур.

➤ Бу мамлакатда хавфсизлик ва барқарорликни, унинг ҳудудий яхлитлиги ва чегараларининг дахлсизлигини, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдир. Бу экстремизм ва радикализмнинг ҳар қандай шакллари билан, халқаро терроризм ҳамда нарқобизнес билан изчил кураш олиб бориш учун кучларни сафарбар этиш. Бу мамлакатда миллатлараро, конфессиялараро ҳамда фуқароларнинг ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш демек. Ички хавфсизликни таъминлашга жиддий эътибор бериш лозим. Коррупция, миллатчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчиликнинг ҳар қандай кўринишлари билан курашиш керак. Жамиятимизни либераллаштириш бўйича ислохотларни чуқурлаштириш давом этмоғи керак.

➤ Бу инсон омили, пировард натижада ўтказилаётган барча ислохотларнинг асосий йўналиши ва самарадорлигини белгиловчи инсон мезонидир. Бу аҳолининг демографик ва бошқа ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, кучли ижтимоий сиёсатни амалиётга жорий қилиш. Ижтимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга, нафақалар тизимини такомиллаштиришга, аҳолини экологик хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга давлатнинг мунтазам равишда ўз диққат-эътиборини қаратиши имкон қадар кучайтирилиши лозим.

Ушбу тамойилларнинг барчаси ХХІ аср бўсағасида ва унинг дастлабки йилларида жамиятимизни ривожлантиришнинг «Ўзбек модели», юқорида санаб ўтилган беш тамойил ва олти устувор йўналишнинг объектив мантиқий давоми ҳисобланади.

Ривожланишнинг «Ўзбек модели»га хос беш тамойил, олти ва етти устувор йўналишлари мантиқий жиҳатдан тақозо этилувчи, диалектик жиҳатдан ўзаро алоқада бўлиб, жамиятнинг илгариланма, эволюцион тараққиётини акс эттиради, ислохотларни янада чуқурлаштириш стратегиясини белгилайди.

Ислом Каримов маърузасида Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим йўналишларида еттинчи устувор йўналиш – инсон омили ва мезони эканлигини таъкидлади. Пировард натижада улар ўтказилаётган барча ислохотларнинг асосий йўналиши ва самарадорлигини белгилайди. Бу аҳолининг демократик ва бошқа ўзига хос миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги ифодаси, давлат томонидан ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасига, нафақалар масаласини такомиллаштиришга, аҳолини экологик хавф-хатарлардан муҳофаза қилишга берилаётган эътибордир.

Юртбошимиз томонидан янги йилни инсон омили ва мезони, унинг манфаатлари билан боғлиқ 1997 йил – «Инсон манфаатлари йили», 1998 йил – «Оила йили», 1999 йил – «Аёллар йили», 2000 йил – «Соғлом авлод йили», 2001 йил – «Оналар ва болалар йили», 2014 йил – «Соғлом бола йили» каби номлар билан белгилаш анъанага айланди. Бунинг сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти шундан иборатки, йил давомида инсонга эътибор қаратилади ва унинг кадр-қиммати эъзозланади, одамларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, меҳр-оқибатни кучайтириш мақсадида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилади.

И.А. Каримов «Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда» китобида қайд этишича, фуқаролик жамиятини қуриш давлат зиммасидаги бир қатор ваколатларнинг босқичма-босқич, изчиллик билан маҳаллий ҳокимият органларига, жамоатчилик тузилмаларига ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш

ташкilotларига ўтказилишини назарда тутади. Давлат ва жамият қурилиши сиёсий ҳаётини либераллаштириш «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» сиёсий тизим концепциясини рўёбга чиқаришнинг йўлидир.

Демократиянинг асосий тамойилларидан бири жамиятда юзага келган сиёсий муҳолифатнинг мавжудлиги ҳисобланади. Унинг фаолияти ошқора тарзда ўтади ва конституцион кафолатлар билан таъминланади. Моҳиятан муҳолифат жамиятда таъсирчан сиёсий элементлардан бири, демократик сиёсий тизимга хос бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаштириш механизмининг муҳим таркибий қисми сифатида майдонга чиқади.

Сиёсий тизим доирасида оқилона муҳолифатнинг фаолият кўрсатиши уни барбод қилмайди, вайрон этмайди, балки ҳокимият учун, юзага келадиган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этиш учун курашда соғлом рақобатга қулай замин яратади, шу тариқа жамиятнинг сиёсий тузилишига барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатади. «Сайлов тугагач, унда енгилганлар сайловчилар қарорини қабул қилишга мажбур. Бу демократиянинг энг тўғри ва адолатли қондасидир»<sup>12</sup>. Бундай муҳолифат бўлмаса, жамиятда сиёсий таранглик, ижтимоий барқарорликнинг чуқурлашиб кетиши шубҳасиз, чунки чап ёки ўнг радикал кучларнинг авж олиш эҳтимоли ортади. Сиёсий муҳолифат юзага келган вазиятдан норозиликнинг намоён бўлиши жамиятнинг ривожланишидаги ўзгаришларнинг муҳим омили сифатида баҳоланиши мумкин. Муҳолифат расмий ҳокимиятга қарши туради, ўтказилаётган ислохотлар стратегияси ва тактикасини танқид остига олади, у ёки бу қонунларни кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этади, ижрочи ҳокимият фаолиятини назорат қилади. Шу тариқа муҳолифат ҳукуматнинг ишлаб чиқаётган ва амалга ошираётган йўналишига аралашиб, унга назарида зарур ҳисобланган тuzатиш ва ўзгаришларни киритиш, ички ва ташқи сиёсатни таҳрир қилиш имконини қўлга киритади. Муҳолифатнинг фаолияти ҳукуматга, ҳукмрон партиёга хотиржам бўлиш учун йўл бермайди, аксинча, у расмий ҳокимиятни доимо сергак, хушёр бўлишга, ўзи томонидан қандайдир хатти-ҳаракатларни, ташаббуслар, таклифларни кутиб иш олиб боришга мажбурлайди. Шу билан бирга, муҳолифатнинг фаолияти ҳокимиятни суиистеъмол қилишдан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига раҳна солишдан, белгиланган йўлдан кескин оғиб кетишдан сақлаб туради.

«Муҳолифат» сўзининг кенг ва тор маънолари мавжуд. Тор маънода бу сўз индивидлар ва гуруҳлар, омманинг мавжуд ҳокимиятидан норозилигини намоён этиши сифатида тушунилади. Иккинчи ҳолатда сиёсий муҳолифат

---

<sup>12</sup> Левитин Леонид., Карлайл Дональд С. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 133.

деганда расмий ҳокимиятга қарши бўлган сиёсий партиялар, ташкилотлар, ҳаракатлар назарда тутилади.

- ❖ Мухолифат 2 асосий турга бўлинади:
  - тизимдан ташқаридаги;
  - тизимли.

Биринчи турга дастурий низомлари қабул қилинган сиёсий қадриятлар, ҳукмрон партиянинг, ҳукуматнинг кўрсатмаларидан тўлиқ ёки қисман фарқ қилувчи чап ёки ўнг радикал партия ва гуруҳлар киради. Ўз сиёсий фаолияти билан улар давлат ҳокимияти институтларини ишончдан маҳрум этишга, расмий раҳбарлар обрўсини пасайтиришга, жамиятнинг сиёсий ҳаётига бузғунчилик олиб киришга, вазиятни чигаллаштиришга интиладилар.

Ўзбекистон ўтмишда бундай мухолифатнинг иш олиб боришдек салбий тажрибасини бошидан кечирган. Мустақилликнинг дастлабки, энг мураккаб йилларида озод республика олдида турган вазифаларни ҳал этишга жамиятни бирлаштириб сафарбар этиши, янги давлатчиликни шакллантириш ҳамда мустақамлашда иштирок этиш ўрнига бу кишилар сохта демократизм, экстремистик шиорлар ва ҳаракатлар йўлидан бордилар. Бундай йўл фақат сиёсий, ижтимоий, этник, диний зиддиятларга, тартибсизлик ва чеклашларга, давлат бошқарувидаги инқирозга олиб келиши мумкин эди.

Тизимли мухолифат барча чап ва ўнг центристлик партия ва гуруҳларни ўз ичига олади, юзага келган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий институтларни, чуқур томир ёйган сиёсий қадриятлар тизимини тан олади. Бироқ стратегик мақсадларга эришишнинг йўл ҳамда воситаларини танлашда у ўз ёндашувларини таклиф этади. Ҳокимият ва мухолифатнинг ўзаро муносабатлари муайян шаклларда боради. Мухолифат ички ва ташқи сиёсат бўйича маслаҳатга таклиф этилади.

Мухолифатнинг самарали фаолияти фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг рағбатлантирувчи кучидир.

❖ И.А. Каримовнинг қайд этишича, сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг ички ва ташқи сиёсат йўналишларига мос энг муҳим устувор жиҳатлари ҳозирги босқичда қуйидагилар билан белгиланади:

- биринчидан, бу фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг конституциявий асосларини рўёбга чиқариш;
- иккинчидан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш бўйича муайян чора-тадбирларни амалга ошириш;
- сиёсий тизимни ислоҳ қилишнинг учинчи йўналиши – матбуот, оммавий ахборот воситаларининг демократлаштирилиши.

Кўпмиллатли мамлакатларнинг муваффақиятли ривожланиши учун ижтимоий барқарорлик, иқтисодий-сиёсий асос ва маънавий мезонлар билан

бир қаторда миллат ва элатлар, диний конфессиялар орасида мустақкам тинчлик, бирдамлик ўрнатишга эришиш зарур. Ўзбекистонда демократик сиёсий ислохотларни амалга оширишга алоҳида ёндашув талаб этилади.

Давлат қурилиши модели унинг ҳудудида тарихан юзага келган кўпмиллатли жамият тузилмасини сақлаб қолиш ва мустақкамлаш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини қуришнинг пировард мақсадларини амалга ошириш учун мазкур омилдан фойдаланиш ғоясига асосланади. Халқаро демократик тамойилларга мувофиқ бўлган, республика фуқароларининг тенг ҳуқуқлигига оид барча муаммоларни ҳал этадиган қонунчилик асослари Ўзбекистонда миллатлараро тотувликни сақлаб қолишга кўмаклашади. Конституциянинг 8-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси халқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади. 18-моддада миллатлараро муносабатлар аниқ белгиланади: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенгдирлар». Кичик халқлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Давлат концепцияси Конституциянинг 4-моддасида яққол акс этган: «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади».

❖ Республикада ҳозирги пайтда 27 миллат вакиллари томонидан тузилган 150 га яқин миллий маданий марказ (МММ) фаолият олиб бормоқда.

- ✓ 14 МММ республика мақомига эга.
- ✓ 31 МММ корейслар, 23 МММ руслар, 10 МММ тожиклар, 9 МММ қозоқлар, 9 МММ татарлар (3 таси татар-бошқирд МММ) томонидан тузилган.
- ✓ Озарбайжонлар 8, туркманлар 7 та МММга эга.
- ✓ Украинлар ва қирғизларда 6, туркларда ва Европа яҳудийларида 5 тадан МММ бор.
- ✓ Немислар, поляклар ва арманлар 4 тадан МММ тузишган.
- ✓ Уйғурлар ва Бухоро яҳудийлари 3 тадан МММга эга.
- ✓ Белоруслар ва қрим татарлар 2 тадан МММ га эга.
- ✓ Араблар, болгарлар, бошқирдлар, греклар, грузинлар, литваликлар, қорақалпоқлар, хитойлар ва дунганлар 1 тадан МММ тузишган.
- ✓ Республика байналмилал маданият маркази ва МММ фаолларидан 71 киши юксак давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шу жумладан, 32 киши «Дўстлик» ордени билан, 2 киши «Меҳнат шуҳрати»

ордени билан, 13 киши «Шухрат» медали билан мукофотланган. 7 кишига фахрий унвонлар, 17 кишига Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиқлари берилган. Мукофотланганлар орасида 24 миллат вакиллари бор.

✓ Бугунги кунда Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак Хоразм вилояти корейс МММ бошқаруви аъзосидир. Республика рус маркази раиси Светлана Ивановна Герасимова эса сенатор, Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси.

✓ Телевидение ва радиода 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, татар, уйғур, озарбайжон) кўрсатув ва эшиттиришлар олиб борилади.

✓ Газеталар 10 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, корейс, тожик, туркман, украин, инглиз), журналлар эса 8 тилда (ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман) босилади.

✓ Ўрта ва олий таълим 7 тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида амалга оширилади.

✓ Республикада «Халқ бирлиги» ҳаракати амал қилади. Таълим соҳасида тилнинг камситилишига барҳам берилган.

✓ Ўзбекистонда ўзига хос ягона тарихий-этнографик жамият шаклланган бўлиб, мамлакат Конституциясида кўрсатилганидек, у «Ўзбекистон халқи» деб аталади.

Жаҳон тажрибаси шунга ишонч билан гувоҳлик берадики, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳалардаги тўла миқёсли ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш, ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартириш, дунёда тан олинмиш ҳамда халқаро ҳамкорликни фаоллаштиришнинг муҳим шарти мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлашдир. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш, айниқса, энг мураккаб ўтиш даврида, давлат сиёсатини узоқ муддатли келажакка мўлжаллаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, миллий давлатчиликни шакллантириш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишнинг асосий шарти саналади. Чет эл инвестори ва инвестициялар барқарор фаолият кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, яъни ижтимоий-сиёсий барқарорлик мавжуд бўлган, сиёсий хавф имкон қадар камайтирилган, миллатлараро ва фуқароларнинг зиддият ўчоқлари юзага келишига йўл қўйилмайдиган ва, албатта, энг аввало, қонун устуворлиги таъминланган мамлакатгагина интилиши мумкин. Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва хориж инвесторларининг манфаатли фаолият юритиши учун ажойиб қонунчилик базасини яратиш, жуда илғор қонунлар қабул қилиш мумкин, лекин агар жамиятда барқарорлик бўлмаса, сиёсий ларзалардан, фуқаролик урушлари ва минтақавий тўқнашувлардан сақловчи



кафолатлар берилмаса, иқтисодиётда ўзгаришлар яшаш учун зарур бўлган инвестицияларнинг келишини кутишга ҳеч қандай асос йўқ. Йирик миқёсли, туб ислохотларни амалга оширишда айнан жамиятдаги барқарорлик, давлатнинг истиқболли эканлиги катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бири-бири билан чамбарчас алоқада бўлган бу икки вазифа – бир томондан, ҳаётнинг барча соҳаларини муваффақиятли ислоҳ қилиш ва барқарор ривожлантириш, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб қолиш – республикада амалга оширилаётган сиёсатнинг ўзагини ташкил этади. Ўзбекистон собиқ совет республикалари орасида биринчилардан бўлиб ижтимоий-сиёсий вазиятнинг издан чиқиши, бузғунчи шиорбозликлар, шунингдек, сиёсий миллий ва диний экстремизм қандай даҳшатли оқибатга олиб келиши мумкинлигини ўз аччиқ тажрибасида синаб кўрди ва ишонч ҳосил қилди.

Ижтимоий-сиёсий барқарорлик миллий хавфсизликнинг таъминланишига бевосита боғлиқдир.

❖ Миллий хавфсизликнинг замонавий концепцияларига хос асосий хусусиятлар қуйидагилардир:

▪ миллий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлигини англаб етиш;

▪ миллий хавфсизлик тушунчаси инсоннинг асосий эҳтиёжлари ва ҳуқуқларини ўз ичига олишини тушуниш (овқатланиш, соғлиқни сақлаш, таълим, анланган меҳнат, ажралмас ҳуқуқ ва эркинликлар, атроф-муҳитни ҳимоялаш ва ҳ.к.);

▪ баҳсли масалаларни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилиш;

▪ миллатлараро ижтимоий ҳаракатларнинг аҳамиятини юқори баҳолаш; миллий ва халқаро хавфсизлик билан боғлиқ нодавлат тизимчаларини шакллантириш заруратини англаш.

❖ Ана шу мезонлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизликни таъминлашнинг энг муҳим шарти демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш деб ҳисоблайди. Бунда қуйидагилар ҳаёт учун энг зарур миллий манфаатлар деб тан олинади:

• миллатнинг маданий-тарихий бирлик сифатида ўз-ўзини сақлаб қолиш эҳтиёжини англаш;

• миллий кадриятлар, ижтимоий ва фуқаролик манфаатларининг ҳимоя қилиниши;

• шахс, жамият ва давлатнинг мустақиллиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш.

Ҳозирги пайтда хавфсизликни аввало ҳарбийлар эмас, инсоннинг эркинлик, тенглик, адолат, фаровонликка қонуний интилишларини қондирувчи

ижтимоий-иқтисодий ютуқлар белгилайди. Мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш тизимини фақатгина қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари, корхоналар, ташкилотлар, муассасаларгина эмас, балки фуқаролик жамиятининг таркибий қисмлари – жамоат ташкилотлари, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзи ташкил этади.

Миллий хавфсизлик мамлакатнинг шундай ҳолатида, бунда унинг миллий кадриятларига, манфаатларига ва миллий турмуш тарзига ҳеч қандай ташқи ва ички хавфлар таҳдид қилмайди. Миллий хавфсизлик – бу Ўзбекистон фуқаролари, ундаги ижтимоий гуруҳлар, бутун жамият ва давлатнинг энг муҳим манфаатлари, шунингдек, миллий кадриятлар ва турмуш тарзининг турли-туман ташқи ва ички сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик, техник ҳамда бошқа турдаги хавф-хатарлардан ҳимояланганлиги демакдир. Бугунги кунда дунёда миллий хавфсизликка таҳдид солаётган омилларнинг сақланиб қолаётгани кишини ташвишга солмай иложи йўқ. Миллатлараро зиддиятлар, оммавий қирғин қуролларини тарқатиш, террорчилик, уюшган жиноятчилик ва экологик муаммолар миллий чегараларни тан олмайди, демак барча мамлакатларни ташвишга солади. «Совуқ уруш»нинг тугагани халқаро муносабатлар соҳасида чексиз имкониятлар очди, лекин айти пайтда бугунги кунда яна ҳам кўпроқ хавф туғдириши мумкин бўлган таҳдид ва хатарларнинг янги мажмуасини дунёга келтирди. Илмий-техника тараққиёти ҳаётни бойроқ, ранг-барангроқ қилибгина қолмай, террорчилар, жиноятчилар ва гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчиларга янги-янги имкониятлар ҳам беради.

❖ Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик концепциясида унинг таъминланиш йўналишлари белгилаб берилган.

▪ Ватаннинг миллий манфаатларини рўёбга чиқариш ва ҳимоялаш, унинг атрофида хавфсизлик, яхши кўшничлик, ҳамкорлик иқлимини ҳосил қилишга қодир бўлган давлатлараро мустаҳкам алоқалар яратилиши;

▪ Марказий Осиё минтақасида халқаро ва миллатлараро қарама-қаршиликларнинг олдини олиш; Марказий Осиёда тажовузкор фундаментализм, миллатчилик ва экстремизм ғояларининг тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида огоҳлантирувчи чораларни қабул қилиш;

▪ Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ундан ташқарида ҳам ҳимоя қилиш.

❖ «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида И.А. Каримов хавфсизликка қуйидагича таҳдидлар мавжудлигини фарқлаб кўрсатди:

- минтақавий зиддиятлар;
- диний экстремизм ва фундаментализм;

- буюк давлатчилик шовинизми ва тажовузкор миллатчилик;
- халқаро ва миллатлараро зиддиятлар;
- порахўрлик ва жинойтчилик;
- маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик;
- экологик муаммолар.

Ўзбекистон 2001 йилнинг 11 сентябридан анча аввал террорчиликнинг жиддий ва хавфли ҳаракатлари, радикализм, диний экстремизмнинг кўпурувчилик фаолияти, мамлакатни қатъий танланган демократик ривожланиш йўлидан оғдиришга уринишлари билан тўқнаш келган эди. Сўнгги 10 йил давомида биз бундай таҳдидлар билан неча марталаб рўбару келяпмиз. И.А. Каримовнинг таъкидлашича, ўзининг президентлик лавозимидаги фаолияти давомида у мазкур ёвузлик билан, диний экстремизм ва фанатизм ваҳший башараси билан кўп бора юзлашган. Радикал Ислом динига эътиқод қилувчи ваҳҳобийлар Ўзбекистонда Ислом давлатини куришни мақсад қилиб қўйганлар. Ўзбекистон халқи кўп кулфат ва йўқотишлар олиб келган фожеавий воқеаларни яхши эслайди. 1999 йилнинг февралида Тошкентда юз берган портлашлар, 1999, 2000, 2001 ва 2005 йилларнинг ёзида Ўзбекистон ҳудудига орқасида катта молиявий ҳамда ҳарбий захирага эга бўлган экстремистик марказлар турган қуролланган босқинчи тўдаларининг кириб келиши юқорида тилга олинган террорчилик ҳаракатлари эди. Диний фундаментализм ва террорчиликнинг ҳар қандай намоён бўлиш шаклларига қарши чиқаётган дунёнинг энг обрў-эътиборли кучлари тинч, осуда ҳаёт учун курашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва аҳамиятини жуда яхши тушунадилар.

И. Каримов ўзининг «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият» китобида ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларга мос бўлган, халқнинг тарихий-сиёсий тафаккурини, ақлий имкониятларини акс эттирадиган Конституциямизнинг ҳаётий қудрати қанчалик мустаҳкам эканлигига кўп марталаб ишонч ҳосил қилганимизни қайд этиб ўтади. Мустақил ривожланишнинг мураккаб ва масъулиятли даври мобайнида биз қандай қийинчиликлар билан тўқнашган бўлмайлик, Конституция энг мураккаб вазиятларда ягона тўғри йўлни танлашда, келажакка бўлган ишончни мустаҳкамлашда мамлакатимиз, халқимизни ҳимоя қилиш ишида асос бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Асосий Қонунда шахс манфаатларининг давлат манфаатларидан устунлиги, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Давлат қурилиши ва жамиятнинг демократик янгилиниши, иқтисодийни либераллаштириш жараёнида, барча муаммо ҳамда вазифаларни ҳал этиш чоғида ушбу тамойилни ёддан чиқармаслик

керак, – «Ислоҳотлар ислоҳотлар учун эмас, энг аввало инсон учун, унинг манфаатларини таъминлаш учун».

❖ Давлат бошлиғи учта масалага эътиборини қаратди.

➤ Биринчидан, лоқайдлик ва бепарволикдан бутунлай қутулиш зарур.

➤ Иккинчидан, мамлакатимизда ва атрофимизда бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш керак. Бу тупроқда яшаётган ҳар бир инсон юз бераётган мураккаб ижтимоий жараёнлардан хабардор бўлмоғи лозим, биз нима ҳақиқату, нима ёлғонлигининг фарқига боришимиз шарт.

➤ Учинчидан, ҳар бир фуқаро ўз тақдири, ўз оиласи ҳаққи олдимизда турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак.

❖ Шундан сўнг И. Каримов Ўзбекистоннинг демократик янгилиниш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан ривожланиб бориши учун пойдевор ҳисобланган асосий тамойиллар ҳақида эслатиб ўтди.

○ Биринчидан, у бизнинг давримизда дунёда асосий демократик тамойилларни инкор қиладиган бирорта ҳам давлат йўқ, деб ишонч билдирди. Лекин кўп мамлакатларнинг демократияга эришиши учун ўнлаб, юзлаб йиллар талаб этилган бўлса, бошқалар бу масала билан эндигина юзма-юз келдилар.

○ Иккинчидан, демократиянинг универсал модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Демократияни экспорт қилиш унинг асосига ва табиатига зиддир.

○ Учинчидан, Ўзбекистон ўзи учун демократик ривожланиш ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлини аниқ белгилаб олди, бу мақсад Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу йўл демократия ва эркинликнинг умум тан олинган тамойилларига таянади. Шу билан бирга у халқимизнинг тарихий, миллий, маънавий қадриятларига, дунёқарашига асосланади. Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлидан кимгадир ёқиш, кимгадир ҳисоб бериш мақсадида қадам ташлаётгани йўқ, бу йўл халқ иродаси билан танланган, у Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келади.

И. Каримов шуни алоҳида таъкидладики, биз ҳеч қачон Ўзбекистонни мустақил сиёсий йўналишидан қайтаришга, кимгадир қарам қилиб қўйишига, турли баҳоналар билан унга босим ўтказишга, ташқаридан туриб ички ишларимизга аралашушига уринишларини қабул қила олмаймиз.

2005 йилнинг 14 январида Ислом Каримов «Независимая газета» (Москва ш.) мухбири саволларига берган («Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди») жавобларида икки палатали парламент демократияни мустаҳкамловчи қурол эканлигини таъкидлаб ўтди.

У интервьюсида суд-ҳуқуқ тизимига алоҳида эътибор қаратди. Ҳар қанча яхши қонунлар қабул қилинмасин, суд чинакамига мустақил бўлмас экан, уларни тўлақонли қўллаш мумкин бўлмайди. У фуқароларни жазолаш эмас, уларнинг манфаатларини ҳимоялаш, жумладан, давлатнинг тазйиқидан муҳофаза қилиш билан шуғуланиши керак. Ҳуқуқ ҳимоячилари, бутун адлия тизими давлат манфатларини эмас, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ёқлаши лозим, деган ақида кишилар онгига чуқур сингиб, илдиз отиши учун аниқ мақсадли ишлар олиб бориши зарур.

Бошланган ислохотларнинг дастлабки, биринчи навбатдаги мақсади – ҳар бир инсон учун меъёридаги ҳаётни таъминлашга йўл бермайдиган, унинг ўзини тўла рўёбга чиқаришига, фуқароларимиз турмуш даражасининг ўсишига тўсқинлик қиладиган барча омилларни бартараф этиш керак. И. Каримов Ўзбекистондан русларнинг чиқиб кетишини фақат собиқ Совет Иттифоқининг тарқалиб кетиши билан эмас, яна мусулмон араб мамлакатларида мафкурачилар ғоявий бўшлиқ юзага келганлигини ҳис қилиб, бу ёққа масжидлар қуриб, кишиларга динимизни (ҳар доим ҳам анъанавий Исломни эмас) қайтариш учун отилганлари билан ҳам боғлайди, бу аҳолининг номусулмон қисмини бирмунча чўчитиб қўйди.

2005 йилнинг 27 январида Президент И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида «Парламент – жамият ҳаётининг кўзгуси» мавзусида сўзлаган нутқида сайловлар очик, ошқора, ҳалол беллашувларда ўтганлигини, уларнинг боришини халқаро экспертлар, кузатувчилар назардан ўтказиб турганлигини таъкидлади. Президент депутат мустақил фикрловчи инсон эканлигини қайд этди. У қайси партиёга мансублигидан қатъий назар, халқ олдида масъул. Шунингдек, у куйидагиларни ҳам таъкидлади: биринчидан, ҳар бир депутат ўз номус-орини сақлай билиши керак. Фақат шундагина у ўзгаларга ҳурмат билан муносабатда бўла олади. Иккинчидан, шуни доимо ёдда тутиш лозимки, бизнинг халқимизга хос инсоний фазилатлар – тинчликсеварлик, ҳурмат-эътибор ва меҳрибонлик. Ва, учинчидан, Соҳибқирон Амир Темур айтганидек, «Биз киммиз, қайси халқнинг вакилимиз?» деган фикр ҳар бир депутатни илҳомлантириб, қўллаб-қувватлаб туриши зарур.

Ислом Каримов маърузада кўппартиявийликнинг аҳамиятини қайд этди. Унинг фикрича, кўппартиявийлик ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳнинг мақсад ва интилишларини тўла акс эттириши учун керак. Энди сайловчилар биринчи учраган одам учун эмас, балки келажаги бор, ғоялари ўзларига маъқул бўлган партиё учун овоз берадилар.

И. Каримовнинг сиёсий партиёлар ўз манфаатларини ҳимоя қилаётганда ўзаро рақибларга айланишлари, лекин гап Ватан манфаатлари устида кетганда, ҳаммалари бир муштга айланишлари лозимлиги ҳақидаги фикри

жуда муҳим. И. Каримов ўз нутқида аввалги парламент, партия фракцияларини танқид қилди. Уларнинг фаолиятини расмиётчилик деб атади. Бирорта фракция битта ҳам қонун лойиҳасини илгари сурмаганини айтиб ўтди ва янги парламентда Қонунчилик палатаси кўмиталарининг раҳбарлигига номзодини кўрсатган ҳар бир фракция шу кўмитанинг фаолияти учун масъул бўлишини уқтирди.

Президент чинакам оппозиция кўзга ташланмаётганлигидан ташвишланади. Ҳукмрон кучлар муносабатида оппозиция йўқ. Оппозиция деганда, у расмий сиёсатга қарши курашадиган кучни тушунади. Унинг фикрича, Қонунчилик палатасида ҳақиқий оппозиция юзага келиши керак. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама, шошмасдан муҳокама қилиш зарур.

Парламент – жамият ҳаётини яққол акс эттирадиган кўзгудир, – деб давом этади И.А. Каримов, демак, жамиятда мавжуд интилишлар, фикр ва қарашлар муҳокамаларда ҳамда парламент мубоҳасаларида ўз аксини топиши лозим. Фақат шундагина парламент халқнинг барча орзу-истаклари ва иродасини, унинг қалбидаги ниятларини рўёбга чиқаради. Фақат шундагина одамлар қонун чиқарувчи ҳокимиятга ишона бошлайдилар. Президент уқтирадики, депутатнинг доимо ўз сайловчиларининг ғам-ташвишлари ва муаммолари билан яшаши, она еридан узилиб қолмаслиги, уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган ва сайлаган кишилар билан алоқаларини узиб қўймаслиги жуда муҳим.

Шундан сўнг Президент депутатларнинг эътиборини муҳим қабул қилинган қонунларнинг ижросига тортади. У қонунлар ижросини ҳукумат амалга оширишини таъкидлайди. Ҳукуматнинг асосий вазифаси қонунларни сўзсиз ижро этиш. Қонунлар сўзсиз бажарилганидагина ҳуқуқий давлат куриш мумкин. Депутатлар қонунларни қабул қилганидан кейин, уларнинг ижроси билан албатта қизиқишлари шарт. Буни депутатлар, энг аввало, тегишли ташкилотларнинг раҳбарларидан, биринчи навбатда, ижроия ҳокимиятидан талаб қилишлари лозим. Шунинг учун қонунни қабул қилиш вақтида унинг регламентида ижро этиш механизми ҳам кўрсатилади. Агар қаердадир бирор муаммо юзага келса, депутатлар шу масалага доир қонун қабул қилинган ёки қилинмаганлигини аввал ўзларидан сўрашлари, имкон қадар бундай вазиятнинг юзага келишига йўл қўймасликлари керак.

Агар ижро этувчи ҳокимият қонунни бузса, бунинг учун уни жазолайдиган куч – мустақил суд ҳокимияти, чунки айнан у қабул қилинган қонунларнинг адолатли ижросини кузатиб боради.

Ўз сўзининг якунида И.А. Каримов ҳокимиятнинг юқорида санаб ўтилган тузилмаларини миллий ғоя бирлаштириб туришини қайд этади. Бизнинг миллий ғоямиз тинчлик-тотувлик, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган тушунчаларни ўз ичига олади. Ҳокимиятнинг барча тармоқлари ва

Президентнинг мақсадлари битта – осойишталикни, мамлакатимизнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашини таъминлаш, шу сабабдан ҳам ҳокимиятнинг барча тармоқлари бирлашиб, ҳамжиҳат бўлишлари ва ўз зиммаларига юклатилган вазифани виждонан бажаришлари зарур.

2007 йилнинг 30 августида Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Президент Девонининг қўшма мажлисида И.А. Каримов «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» мавзусида нутқ сўзлади.

❖ И. Каримов нутқида мустақил ривожланишнинг босиб ўтилган йўли моҳияти, мазмуни ҳамда аҳамиятига баҳо берди, айти пайтда унинг икки даври ёки босқичини фарқлаб кўрсатди.

- Биринчи босқич – 1991-2000 йиллар.
- Икинчиси – 2001-2007 йиллар.

Биринчи босқични у ўтиш даврининг навбатдаги ислохотлари ва ўзгаришлари ҳамда миллий давлатчилик асосларини шакллантириш даври деб атади.

Икинчи босқич – мамлакатнинг жадал демократик янгиланиши, модернизацияси даври.

Президент бу босқичларнинг ҳар бирида нима ишлар қилинганлигини батафсил сўзлаб берди. Энг муҳим дастурий вазифалар – давлат ва жамият қурилиши, сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамиятининг сиёсий, иқтисодий фаоллигини оширишдир. Бизнинг давлат тизимимизни ислоҳ қилишнинг мазкур давридаги асосий вазифа ўтиш даври ҳамда миллий давлатчиликни шакллантириш шароитида зарур бўлган кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига изчил равишда босқичма-босқич ўтиш бўлиб қолиши керак.

Биринчи босқични тавсифлаганда, И.А. Каримов янги давлат ва жамият қурилиши асоси бешта тамойилга таянишини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг Президент Ўзбекистонга собиқ Иттифоқнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар ҳамда мустақилликка эришилганидан кейин ҳал этиш зарур бўлган энг муҳим вазифалар устида батафсил тўхталди. Биринчи галдаги вазифа аҳолини озиқ-овқат ва истеъмол моллари билан таъминлаш.

Кейин миллий давлатчиликнинг пойдеворини шакллантириш муаммолари хусусида сўз борди. Конституциянинг қабул қилиниши, давлат бошқарувининг эски маъмурий-буйруқбозлик тизимини тугатиш, Конституцияда белгиланган ҳамда жаҳон тажрибасидан ўтган янги,

демократик бошқарув тизимининг барпо этилиши ҳақидаги фикрлар баён қилинди. Шу даврда «Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий доктринаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги концепцияси тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди, шунингдек, «Омбудсман», «Инсон ҳуқуқлари миллий маркази» ва бошқалар, фуқаролик ҳамда жамоатчилик муассасаларини шакллантириш ҳақидаги масалалар ҳал этилди. Янги бозор иқтисодиёти асослари ишлаб чиқилди. Молиявий ва банк тизими шакллантирилди. Миллий валютага ўтиш амалга оширилди. Ижтимоий соҳада кучли ижтимоий ҳимоялаш механизми ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Қуролли Кучлар шакллантирилди, замон талабларига мувофиқ модернизациялаштириляпти. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Иккинчи босқични И.А. Каримов мамлакатни жадал ислоҳ қилиш ва янгилаш даври сифатида тавсифлайди. Бу босқичнинг энг муҳим дастурий вазифалари – сиёсий ва иқтисодий ҳаётнинг барча томонларини – давлат ва жамият қурилишини янада демократлаштириш ҳамда либераллаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва бошқалар. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш.

Давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислоҳотларни амалга ошириш давомида мамлакатнинг олий қонунчилик органи Ўзбекистон Республикасининг икки палатали Олий Мажлисига айлантирилди. Бунда ҳал этилган энг муҳим иш қуйи – Қонунчилик палатасини доимий амал қиладиган касбий органга айлантириш, юқори палата – Сенат эса ҳудудий вакиллик органи сифатида шакллантирилади. Шу тариқа қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг сифатини яхшилаш ва пойдеворини мустаҳкамлаш билан бирга бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатлаштиришнинг самарали тизими юзага келади, умумдавлат миқёсидаги ва минтақавий манфаатларнинг мувозанати таъминланади, аҳолининг мамлакат ижтимоий ҳамда иқтисодий ҳаётида иштирок этиши миқёси анча кенгайди. Мамлакатнинг икки палатали Парламенти ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш, қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари орасидаги ваколатларнинг янада кўпроқ мувозанатлашишини таъминлаш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палатага – мамлакат Сенатига ўтказиш, шунингдек Бош вазир ваколатларини мустаҳкамлаш катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти айни вақтда ижроия ҳокимиятининг бошлиғи ҳисобланиши тўғрисидаги меъёрларнинг чиқарилиши жуда муҳим



сиёсий-ҳуқуқий ҳодиса. Бугунги кунда Конституция Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғи эканлиги ва давлат ҳокимияти органларининг ўзаро муносабатларини ҳамда келишган ҳолда фаолият кўрсатишларини таъминлаши белгилаб қўйилган. Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатда ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг энг муҳим таркибий қисми сифатида суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ қилиш ва либераллаштиришнинг янги концепцияси рўёбга чиқарилди. Жиноий жавобгарлик тизимини либераллаштириш чоралари улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек, фуқароларни қамокқа олишга руҳсат бериш ҳуқуқининг прокуратурадан судлар ваколатига ўтказилиши ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг 2007 йилда қабул қилиниши бутун дунёда катта таассурот қолдирди.

Суд тизими, жиноий жавобгарликка тортиш тизими ва ҳ.к.ни ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришнинг янги концепцияси ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди.

Мазкур маърузанинг аҳамияти шундаки, унда Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил ривожланиши давомидаги демократик ўзгаришларнинг икки босқичи чуқур таҳлил этилиб, баҳоланди, шу билан бирга, келажакдаги вазифалар аниқ белгилаб берилди.

- ❖ Иқтисодиёт соҳасида.
- Иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва соҳаларида ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни либераллаштиришда давом этиш.
- ❖ Ижтимоий соҳада.
- Аҳолининг турмуш шароитини изчил равишда яхшилаб бориш.

«Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун» тамойилини амалга ошириш энг муҳим устувор масалалигича қолади.

И.А. Каримов Конституциямизнинг 15 йиллигига бағишланган «Асосий мақсадимиз юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир» мавзусидаги маърузасида шуни таъкидладикки, бугунги кунда босиб ўтилган йўлни холис, танқидий кўз билан баҳолай туриб, мамнунлик билан айтиш мумкин: биз миллий давлатчиликни қуриш, жамият эркинлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, халқнинг турмуш даражасини кўтариш ҳамда халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллаш масалаларида юқори поғонага

кўтарилдик, буларнинг барчаси Асосий Қонунда тажассумини топган тамойилларга оғишмай риоя қилишнинг натижасидир.

Шундан сўнг давлат раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилажак сайловлар хусусида тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топди. Бу сайловлар Конституция, қонунларга биноан халқаро стандартларни ҳисобга олган ҳолда ўтиши керак. Алоҳида қайд этилишича, бўлажак сайловларнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳлари эга бўладилар. Бу сиёсий партияларнинг мамлакат сиёсий майдонида яна ҳам мустаҳкамроқ ўрин эгаллашларига, муайян ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини ифодалаган ҳолда, уларнинг диққат-эътиборини, фуқаролар ишончини қозонишга имконият яратади, партияларга аъзо бўлмаганлар сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳлари ўз номзодларини кўрсатишлари мумкин. Бу халқаро тамойиллар ва халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келади. И.А. Каримов бизнинг сиёсий ва ҳуқуқий онглилик кўрсатишимизни энг долзарб вазифа деб билади. Конституцияга қатъий риоя қилиш, қонун ва ирода эркинлиги устуворлигини таъминлаш, барча номзодларга тенг шарт-шароитлар яратиш. Сайловларнинг боришини 23000 киши, жумладан, хорижий мамлакатлар, ЕХҲК сингари халқаро ташкилотларнинг вакиллари кузатиб турадилар.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати тамойилларининг ўзгармаслигини тасдиқлади.

Президент 2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастурининг бажарилиши устида батафсил тўхталди. 26 та қонун ва ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган бўлиб, улар орасидаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларини кафолатлаш тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонунлар шулар жумласидандир.

Президент 2008 йилни «Ёшлар йили» деб эълон қилишни таклиф этди. Унинг қайд этилишича, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг кишини ёки қарийб 40 % ни, 30 ёшгача бўлганлар эса 17 миллион 80 минг киши ёки 64 % ни ташкил этади. Ўз-ўзидан маълумки, аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшларга доимо ғамхўрлик қилиш, уларни ҳаётимизнинг чинакам ҳал қилувчи кучига айлантириш жамоатчилик ва давлатимиз диққат марказида туриши керак.

И.А. Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» мавзусидаги маърузасида шуни таъкидладикки, 17 йил аввал – 1992 йилнинг 8 декабрида бу улуғ, ўз моҳияти ва аҳамиятига кўра мислсиз тарихий

хужжатни, ҳаётимизнинг Асосий Қонуни – мамлакатимиз Конституциясини қабул қилиб, биз эски, ўз умрини яшаб бўлган тузумдан бутунлай воз кечдик, янги давлат ва жамият қуриш йўллари ва имкониятларини очдик. Президент Конституция куни давлат ҳокимиятининг маҳаллий вакиллик органлари ҳамда Қонунчилик палатасига сайловлар арафасида байрам қилинаётгани катта аҳамиятга эга эканлигини қайд этди.

Шундан сўнг Давлат бошлиғи сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар устида тўхталиш зарурлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида фуқароларнинг вакиллиги анча кенгайтирилган бўлиб, унда ўринлар миқдори 120 дан 150 га етказилган. Шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга йўналтирилган янги тамойил киритилди, бу тамойилга кўра мамлакат Парламентида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан депутатлар учун 15 та ўрин ажратилди.

Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда ўтказилган қўшма мажлисида «Мамлакатни модернизациялаш ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш – бизнинг устувор вазифамиз» мавзусида қилган ўз маърузасида фуқароларнинг юқори даражадаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини, ўтказилган сайловлар демократия талабларига мос бўлганлигини таъкидлади. Мамлакатимиздаги, шунингдек, аккредитацияланган тегишли ташкилотларнинг вакиллари, республикаимиздан ташқаридан келган кузатувчиларнинг ижобий баҳоси бу фикрнинг далилидир. Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг 30 % га яқин қисми ва маҳаллий Кенгашларга ўтган депутатларнинг тахминан 20 % қисми овоз беришнинг иккинчи босқичидан ўтгани юқорида айтилганларнинг исботи ҳисобланади. Давлат бошлиғи икки палатали Парламентнинг ваколати даврида (2004-2009) 250 та қонун қабул қилингани ва уларнинг сифати анча яхшиланиб борганлигини қайд этди. Қонунчилик палатасида илк бор Парламентдаги кўпчилик – «ЛиДеп», «Миллий тикланиш», «Адолат» фракцияларини бирлаштирган Демократик блок шаклланди. Ўзбекистон ХДП фракцияси сиймосида Парламентдаги оппозиция ташкил топди. Олий Мажлисининг қонунчилик фаолиятида мамлакатда амалга оширилаётган модернизациянинг меъёрий-ҳуқуқий таъминоти масалалари алоҳида ўрин эгаллади.

Диққат марказида халқ фаровонлигини юксалтириш, ижтимоий дастурларни амалга ошириш масалалари турарди.

Парламент суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш ишига жиддий ҳисса қўшди.

Фукаролик жамияти институтларини мустаҳкамлаш, демократик ислохотларнинг муҳим таркибий қисми – мустақил оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш бўйича кўп ишлар рўёбга чиқарилди.

❖ Эришилган ютуқларни қайд этар экан, И.А. Каримов палаталарнинг аввалги чақириқ фаолиятида йўл қўйилган нуқсон ва камчиликлар, фойдаланилмаган имкониятлар устида тўхталишни лозим деб топди.

➤ Биринчидан, ҳар томонлама чуқур ўйлаб, узоқ муддатга мўлжаллаб ишлаб чиқилган дастурнинг йўқлиги.

➤ Иккинчидан, иқтисодий, сиёсий ва гуманитар соҳаларда жадал ривожланиб бораётган ислохотларни амалга ошириш учун ниҳоятда зарур бўлган қонунларни ишлаб чиқиш ва жорий қилишда депутатлик корпуси фаоллигининг етишмаслиги.

➤ Учинчидан, қабул қилинаётган қонунларнинг сифати уларни тубдан яхшилашни талаб қилади. Қабул қилинадиган қонун лойиҳаларида номувофикликлар, такрорларга йўл қўйилган, ҳавола қилиш меъёрлари кўп бўлган, процессуал механизмлар кўрилмаган.

➤ Тўртинчидан, депутат назоратининг, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга таъсир кўрсатишнинг қонунда кўзда тутилган шаклларида кам фойдаланилди.

➤ Бешинчидан, Парламент депутатларининг ўз сайлов округларида тизимли иш олиб боришларини анча яхшилаш керак.

➤ Олтинчидан, Юқори ва Қуйи палаталарнинг амалий фаолияти энди бошланган вақтларда ҳар иккала томонда нафсониятга берилишнинг намоён бўлиши билан боғлиқ жиддий муаммолар пайдо бўлди, бу зиддиятлар қонунчилик ҳужжатларининг сифатига ва қабул қилиниши муддатларига салбий таъсир кўрсатди.

Маърузада Давлат бошлиғи афғон муаммосини ҳал этиш йўллари борасидаги ўз қарашларини баён этди. 2008 йилнинг апрелидаёқ Бухарестда НАТО/СЕАП саммитида афғон муаммосини фақат ҳарбий кучлар ёрдамида ечиш мумкин эмаслиги ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган эди. «6+2» боғловчи гуруҳини «6+3»га айлантириш тўғрисидаги ташаббус илгари сурилган эди. И. Каримов фикрича, бугунги кунда ушбу мамлакатдаги вазиятни изга солиш масаласига ёндашувни тубдан ўзгартириш зарур. Афғонистоннинг кўп миллатли халқи миллий урф-одатлари, маданияти ҳамда диний қадриятларига ҳурмат билан қараш жуда муҳим. Тинчлик ўрнатилиши учун халқаро ҳамжамят, энг аввало, мақсадли иқтисодий ёрдам кўрсатишга киришиши, бу ҳаракатлар БМТ раҳбарлигида амалга оширилиши лозим. Ўзбекистон ҳам яқин кўшни сифатида дунёнинг кўпгина мамлакатлари сингари Афғонистонга ёрдам қўлини чўзмокда. 2010 йилда

Афғонистонга етказиб берилаётган электр энэгрисяси ҳажми 6 марта ошди. Ўзбекистонлик курувчи ва мутахассислар Термиз-Ҳайратон-Мозори Шариф темир йўл йўналишини барпо этиш ишларини бошлаптилар. И.А. Каримов бу минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга Парламент ўз ҳиссасини қўшиши керак, деб ҳисоблайди.

Президент алоҳида таъкидлаганидек, иқтисодий ривожланишнинг таъминланиши, халқ турмуш даражасининг юқори поғонага кўтарилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий соҳалардаги бошқа вазифаларнинг бажарилиши жуда муҳим бир масаланинг ўз ечимини топишига – биз демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда иқтисодиётни либераллаштириш, кучли фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан қанчалик жадал ва самарали илгарилаб боришимизга боғлиқ.

❖ Ислом Абдуғаниевич диққат марказимизда туриши лозим бўлган асосий масалаларни белгилаб берди:

- Биринчи. Ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимларини доимий равишда янгилаб турган ҳолда иқтисодиёт ҳамда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнлари орасидаги ўзаро чуқур алоқадорликни таъминлаш.

Ҳокимиятларнинг бўлиниши конституциявий тамойилга мувофиқ мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида Парламентнинг ролини янада кучайтириш масалаларига катта эътибор қаратилиши керак. Бу вазифани амалга оширишда кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, улар орасидаги рақобат курашини кучайтириш муҳим ўрин тутди.

- Парламентнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг иккинчи муҳим вазифаси – ижроия ҳокимияти, марказдаги ҳукумат ҳамда жойлардаги ҳокимиятлар Парламент томонидан қабул қилинган қонунларга қандай риоя қилаётганларини қаттиқ Парламент назорати остида тутишидир.

- Энг муҳим вазифа Парламентнинг кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга йўналтирилган демократик қайта қуришлар, либерал ислоҳотлар ташаббускорига айлантирилишидан иборат бўлиши зарур.

- Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, Ўзбекистон Экология ҳаракатидан сайланган депутатлар олдида катта ва масъулиятли вазифалар қўйилади. Мазкур ҳаракат бугунги кунда 100 дан ортиқ нодавлат жамоат ташкилотларини бирлаштириб турибди.

- Жамият ва давлат қурилиши тизимида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ҳуқуқлари, ваколатларини кенгайтиришга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш устувор йўналиш бўлмоғи керак.

Фуқаролик жамияти институтларидан бири оммавий ахборот воситаларидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XV боби махсус оммавий ахборот воситаларига бағишланган. 67-моддада шундай дейилади: Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди.

❖ Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситалари қандай вазифаларни бажаради?

▪ Биринчи навбатда, бу фуқароларга шитоб билан ўзгариб бораётган дунёда тўғри йўл топишга, шунингдек, бошқа фуқаролар, ижтимоий институтлар билан муносабатларни қуришга кўмаклашиш учун уларни воқеалар, жараёнлар, ҳодисалардан хабардор қилиш.

▪ Оммавий ахборот воситалари ўз маҳсулотларининг истеъмолчиларида содир бўлаётган воқеаларни мустақил баҳолаш қобилиятини шакллантиришлари, шунингдек, уларда сиёсий жараёнларда иштирок этишга тайёрликни тарбиялашлари шарт.

▪ Оммавий ахборот воситалари қонунчиликка ва ижтимоий ахлоқ меъёрларига зид бўлган хатти-ҳаракатларни танқид остига олиб, уларни ошкор қилувчи «тинчликнинг ўзига хос бузғунчиси» сифатида майдонга чиқади.

▪ Оммавий ахборот воситалари жамият ва ҳокимият орасидаги алоқаларни амалга оширади. Газета ва журналлар, телевидение ва радио жамоатчилик фикрини ифодалаш воситалари ҳамда ҳокимиятни мувофиқ чоралар кўришга ундовчи таъсир кўрсатиш курали ҳисобланади.

▪ Айни вақтда оммавий ахборот воситалари орқали ҳокимият вакиллари жамиятнинг эҳтиёжлари ҳақида, ўзлари амалга ошираётган хатти-ҳаракатларга унинг муносабати ҳақида маълумот оладилар.

▪ Ўз навбатида, ҳокимият ва бошқарув органлари ўз сиёсатлари манфаатларидан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситаларидан тарғибот курали ва жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлашини сафарбар этиш воситаси сифатида фойдаланишга ҳаракат қиладилар.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳаётни либераллаштириш жараёнида ОАВнинг алоҳида фаол роли сезилмаяпти. Оммавий ахборот воситалари қатор сабаблар туфайли «тўртинчи ҳокимият» кўринишида ҳали шакллана олмади, бор овози билан сўзлай олмаяпти. Бунинг сабаблари нимада?

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг деярли барча китоблари, маъруза ва чиқишларида ОАВга эътибор қаратади. Унинг таъкидлашича, оммавий ахборот воситалари чинакам «тўртинчи ҳокимият»га айланиши керак. Бунинг учун давлат ҳамма чораларни кўрмоқда.

ОАВ ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан мустаҳкамланган. ОАВни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, унинг қонунчилик асоси ва ҳ.к. тузилган.

Конституцияга ва қонунларга кўра цензура бекор қилинган. Лекин цензура бекор қилинганидан унинг умуман йўқ бўлгунига қадар анча узоқ муддат ўтади. У ўз кўринишини ўзгартиради. Вазирликлар, идоралар журналистларга газета репортажларини тайёрлаш вақтида мансабдор шахсларнинг ўзлари ёзган пресс-релизларга риоя қилишни тавсия этадилар.

Журналистларнинг ўз вазифаларини бажаришига ўз-ўзини цензура қилиш халал беради. Кўпинча журналистлар маъмурий босимни ҳам ҳис этадилар. Айрим ҳолларда уларнинг ахборотни қўлга киритишларига имкон берилмайди. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинликлари тўғрисида»ги Қонун бор. Регламентга мувофиқ ҳар қандай ёзма сўровга мансабдор шахс бир ой давомида жавоб беришга ҳақли. Оммавий ахборот воситалари учун бу жуда катта муддат. Журналистларнинг малака даражаси ва бошқалар тўсқинлик қилувчи омиллар ҳисобланади.

2005 йилнинг 28 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида нутқ сўзлар экан, Президент Ўзбекистонда демократик янгиланишлар ва фуқаролик эркинликларини чуқурлаштиришнинг муҳим шarti оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик стандартларини рўёбга чиқариш бўйича муайян ва изчил тадбирларни амалга ошириш эканлигини алоҳида таъкидлади. Бу матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг зарурий таркибий қисми сифатида таъминлаш демак. У оммавий ахборот воситаларидан кишилар мамлакатда ва чет элда содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги объектив, аниқ маълумотларнигина эмас, биринчи навбатда, ҳокимият ва бошқарув тизимлари фаолиятининг танқидий баҳосини, ҳаётимиздаги камчиликлар, мамлакатнинг ислоҳот ва янгиланишлар йўлидан жадал ҳаракатланишига тўсқинлик қилувчи ҳамма нарсаларнинг очиқ-ошкора, мохирона таҳлилини кутишларини таъкидлади.

Бугунгача, деб қайд этади Ислом Каримов, биз ўтмиш ҳаёт, унинг мафкураси, маъмурий назорати ва цензурасининг мерослари, қолипларидан қийинчилик билан қутулиб боряпмиз. Жамоатчилик орасида ахборотлар эркинлиги, сўз ва матбуот эркинлигини таъминлашсиз, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр-мулоҳазаларини, атрофдаги воқеаларга муносабатларини билдира оладиган минбарга айлантirmай туриб, демократияни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллиги, унинг

мамлакатнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ҳақиқий иштироки хусусида сўз юритиш мумкин эмаслигини тушуниш ҳисси ўсиб, кучайиб борапти.

И.А. Каримовнинг таъкидлашича, бу вазифаларни ҳал этиш учун, энг аввало, оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлигини таъминлаш зарур.

Бу уларнинг мустақил фаолият кўрсатишлари манбаига айланиши керак.

Матбуот ва ахборот эркинлиги кафолатларини Президент бозор муносабатларининг ривожланишида, ахборот соҳасидаги рақобатчиликда кўради.

ОАВни қўллаб-қувватлаш мустақил жамоатчилик жамғармасини яратишда жамғарма воситаларидан фойдаланишнинг муҳим йўналишлари фақат нодавлат электрон ва босма ОАВни ривожлантиришигина эмас, журналистлар ҳамда техник ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, касбий даражасини такомиллаштиришни ўз ичига олиши лозим. Иккинчидан, бугунги кунда давлат телевидениеси заминида жамоатчилик телевизион каналини босқичма-босқич шакллантириш масаласи муҳим аҳамият касб этапти. Замонавий рақамли технологияларни жорий қилишни тезлаштириш зарур. Бу чораларнинг барчаси демократик матбуот ва сўз эркинлиги ривожини таъминлайди.

Демократиянинг тамойилларидан бири сўз, матбуот ва демак, барча оммавий ахборот воситалари эркинлиги ҳисобланади. Демократик жамиятда эркин, мустақил оммавий ахборот воситалари учун барча шароитлар яратилади. Демократия шароитида оммавий ахборот воситалари давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг шаклларида бири сифатида майдонга чиқади. Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви шароитида ахборот соҳасидаги ривожланиш бобида етакчилик устувор омиллардан бири сифатида баҳоланиб, у кўп жихатдан жаҳондаги «тоифалар табели»да устунликни таъминлайди ва шу тариқа ҳозирги замонда дунёнинг тузилиши хусусиятларини белгилайди. Дунё ҳамжамиятининг ҳар бир аъзоси учун бу ҳам глобал, ҳам миллий ахборот ҳудудида ўз ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни назарда тутди. Ҳар қандай давлатнинг ахборот сиёсати – энг аввало, унинг бошқа соҳаларидаги миллий манфатларини таъминлашга қаратилган фаолиятдир.

❖ Мамлакат ривожининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳасидаги миллий манфаатлари учта асосий вазифани ҳал этиш атропоиди шаклланади:

- халқаро ахборот-коммуникация ҳудудига изчил равишда кириб боришни амалга ошириш;
- миллий маданият ва маънавият билан боғлиқ ахборот муҳитини самарали ҳимоялаш;



- биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларини либераллаштириш ҳисобига ахборот ресурслари бозорида рақобатчилик муҳитини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сон «Мустақил телерадио каналларини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 16 ноябрдаги ПФ-3680-сон «Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондиди ташкил этиш тўғрисида»ги фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 8 ноябрдаги «Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш соҳасида беғараз кўмакни жалб этиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги 232-сон қарори қабул қилинди. 2006 йил 7 августда Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий ахборот воситалари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Давлат дастури тўғрисида»ги 163-сон қарори қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат журналист кадрларнинг касбий савияси, маҳоратини замон талаблари даражасига кўтариш ва шу асосда миллий оммавий ахборот воситаларининг сифати ҳамда таъсирчанлигини оширишда муҳим аҳамият касб этди.

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда (2007 йил 15 январь) қабул қилиниши ОАВни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситаларининг сони 2,5 баробар ортиб, ҳозирги кунда (2013 йил 1 январь ҳолатига асосан) 1324 тага етди. Улардан 712 газета, 275 журнал, 18 ахборотнома ва бюллетень, 4 ахборот агентлиги, 61 телевидение, 34 радио, 220 веб-сайт фаолият кўрсатиб турибди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ташкил этилди. Унинг тасарруфида 30 та нодавлат телевидениеси, 18 та радиоканал фаолият кўрсатяпти.

Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг етита тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда. Эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари жорий қилинмоқда.

Ўзбекистонда фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда фаолият кўрсатаётган қарийб 1250 та оммавий ахборот воситаларининг аксарияти нодавлат ҳисобланади.

2010 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, республика бўйича 1422 матбаа корхонаси (бўлими) рўйхатга олиниб, давлат реестрига киритилган. Республика матбаачилари томонидан жами 23,4 минг номда, 485,1 млн.

нусхада китоблар, қарийб минг номда, 3 млрд. 390 млн. нусхада газеталар, 2,7 минг номда, 560,7 млн. нусхада журналлар чоп этилди.

Айни пайтда ҳокимият вакиллари жамиятнинг эҳтиёжлари, унинг ўзлари амалга ошираётган ишларга муносабатини оммавий ахборот воситалари орқали оладилар.

Ўз навбатида, бутун дунёда ҳокимият ва бошқарув органлари оммавий ахборот воситаларидан ўз сиёсий манфаатлари йўлида тарғибот ишларини олиб борадиган, жамоатчиликни қўллаб-қувватлашга сафарбар этадиган бир курул сифатида фойдаланишга интиладилар.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида келтирилишича, республикада мобил алоқа хизматидан фойдаланувчилар сони 19 миллион нафарни ташкил этиб, ҳар бир оилага ўртача 3 та уяли телефон тўғри келмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда интернет абонентлари сони ўтган йилга нисбатан 18,3 фоизга ўсиб, ҳозирги пайтда 7 миллион 100 минг нафарни ташкил этмоқда.

Демократик анъаналари барқарор, ривожланган фуқаролик жамиятига эга бўлган давлатларда оммавий ахборот воситаларининг вазифалари, уларнинг ҳокимият билан муносабатлари ана шулардан иборат.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда олиб борилаётган кенг демократик ўзгаришлар, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилаш, уларга қулайликлар яратиш, аҳолининг барча қатламини ҳар тарафлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш, турмуш даражасини ошириш, ҳудудларда ижтимоий инфратузилмани тубдан яхшилаш масалалари доимо давлатимиз раҳбарининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг деярли барча чиқишларида энг муҳим масала бу – инсон омили, жамиятда инсонлар ва уларга бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини уқтирган ҳолда, ҳамма вақтда ҳам инсонларга хизмат қилиш энг устувор вазифа бўлиб қолишини таъкидлаб келган.

Ижтимоий сиёсат тушунчасининг бугунги кундаги талқини ижтимоий-сиёсий ҳаёт субъектларининг ижтимоий муносабатларини йўлга солиш, фуқароларнинг фаровон яшаши учун уларни қулай шароит ҳамда воситалар билан таъминлаш, индивидлар ва ижтимоий жамоалар ҳаётини эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятдаги алоҳида йўналиш ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олиши керак. Бозор ислохотларини амалга оширишнинг барча босқичларидаги устувор жиҳат демографик вазиятни эътиборга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат

олиб бориш тамойили бўлиб қолаверади. Бунда ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга ялпи ёндашув тўғри келмайди. Унинг объектлари аниқ ва миқёси кенг. Устувор объектлар сифатида аҳолининг кам таъминланган ва ижтимоий ночор қатламлари – ногиронлар, нафақадорлар, кўп болали оилалар ажратилади.

Ижтимоий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмлари жамоат ташкилотлари, жамғармаларни ташкил этиш бўлиб, уларнинг фаолияти аҳолини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 62 та халқаро ва республика миқёсидаги 180 га яқин маҳаллий жамоат жамғармалари мавжуд.

Ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари нималардан иборат?

Унинг марказий йўналиши аҳолининг турмуш шароитлари, саломатлиги ва бўш вақтини яхшилаш, фуқароларнинг ҳар томонлама ижтимоий ҳимоясини яратиш.

Фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш деганда аҳолининг турли қатламларини, ҳеч қандай индивидни даромадини йўқотиши ёки уни кескин камайиши, ишлаб чиқариш жароҳатлари ёки касб касалликлари, ногиронлик, ишсизлик, боқувчисини йўқотиш, фарзанд туғилиши билан боғлиқ ижтимоий ва иқтисодий издан чиқишлардан ҳимоя қилиш учун; меҳнатга лаёқатли фуқароларга шахсий меҳнати, тадбиркорлиги ҳисобига ўз фаровонлигини ошириш учун тенг шароитларни кафолатлашга қаратилган чора-тадбирлар ва институт тизими тушунилади.

❖ Ижтимоий ҳимоялаш дастури қуйидаги чораларнинг амалга оширилишини кўзда тутаяди:

➤ меҳнатга лаёқатли фуқарони ижтимоий ҳимоянинг фаол субъектига айлантириш, ўзи ва ўз оиласининг ижтимоий ҳимояланганлиги учун масъулиятини ошириш; бу соҳадаги боқимандачилик кайфияти, лоқайдликни, давлат, корхона, хайрия жамғармалари ва ҳ.к. ҳисобидан ижтимоий ёрдамга катта умид боғлаб яшашни бартараф этиш;

➤ ижтимоий ҳимоя субъектларининг асосан кўп ҳалқали ва кўп тармоқли моделини ҳамда молиялаштириш орқали ижтимоий ҳимоялашнинг моддий-молиявий базасини кучайтириш;

➤ ижтимоий истеъмол жамғармаларидан фойдаланишда, тўғридан-тўғри моддий ёрдам олишда аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз ва ижтимоий ночор гуруҳларига имтиёзлар яратиш.

Аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш чораларига нархларнинг ошиши муносабати билан иш ҳақи, нафақалар, стипендияларни мунтазам равишда қайта кўриб чиқиш; барча ходимлар учун ягона тариф сеткасининг жорий этилишини киритиш мумкин. Ягона тариф сеткаси бутун меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини тартибга солиб, турли касб ва тоифали ходимлар иш ҳақининг объектив

нисбатларини белгилаш имкониятини берибгина қолмай, уларни энг кам иш ҳақи миқдори билан мувофиқлаштириш учун асос яратади. Инфляция (пулнинг қадрсизланиши) даражасидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, энг кам ойлик иш ҳақини қайта кўриб чиқиш корхоналар, барча турдаги мулк шаклларининг ҳар қандай тоифали ходимлари меҳнат ҳақининг автоматик тарзда индексация қилинишини таъминлайди.

Ижтимоий сиёсатнинг яна бир муҳим йўналиши меҳнат шароитларини яхшилаш, унинг хусусияти ва мазмунини такомиллаштириш, кишиларнинг саломатлиги ва ҳаёти учун ишлаб чиқариш экологиясини яратишдир.

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланигани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

«Тарихан қисқа бир даврда ҳаётимизда бўлаётган кескин ўзгаришлар ва янгилашниларни чуқур англаш, тасаввур этиш учун биз кеча ким эдиг-у, бугун ким бўлдик, деган табиий саволни бериш ўринли»<sup>13</sup>.

Президент Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзусидаги маърузасида давлатимиз ва халқимиз ҳаётида том маънода тарихий сана бўлган ушбу айём ҳақида гапирар экан, Конституциямизнинг бугунги Ўзбекистон давлатчилигининг тикланиши ва ривожланишидаги беқиёс ўрни ва аҳамиятига юксак баҳо берди ва шу аснода мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдимизга қўйган эзгу мақсадга эришиш, яъни юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият ҳисобланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришда Конституциямизнинг мустаҳкам пойдевор бўлиб келаётганини мамнуният билан эътироф этди.

Президент бугун Ўзбекистонимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлини холисона баҳолар экан, ўтган давр мобайнида биз эришган, дунё жамоатчилиги тан олган оламшумул ютуқ ва марралар, авваламбор, изчил ривожланаётган иқтисодиётимиз ва унинг барқарор ўсиш суръатлари, аҳоли

---

<sup>13</sup> Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. – Тошкент.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 4.

фаровонлигининг йилдан йилга ошиб, жаҳон ҳамжамиятида мамлакатимиз обрў-эътиборининг тобора юксалиб бораётгани – буларнинг барчаси Конституциямизнинг асосига қўйилган, чуқур ва пухта ўйланган мақсад, принцип ва нормаларнинг ҳаётбахш самарасидир, деб таъкидлади.

Маърузада ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, буйруқбозлик ва режали-таксимот тизимидан қанчалик узоқлашганимиз сари, миллий тараққиёт моделимизнинг асосини ташкил этадиган тамойил ва нормаларнинг нечоғлик тўғри эканига бўлган ишончимиз шу қадар ортиб бораётгани айтиб ўтилди.

Юртбошимиз, биз эришган улкан марраларнинг энг муҳими – эски тизимдан бутунлай воз кечиб, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш йўлидан дадил бораётганимиз ва бу жараённинг ҳеч қачон ортга қайтмайдиган қатъий ва изчил тус олганидир, деди.

И. Каримов биз эришган ютуқларимизга маҳлиё бўлиб қолмаслигимиз, ортиқча ҳаволаниш ва хотиржамлик туйғусига берилмаслигимиз зарурлиги, бугун биз яшаётган глобаллашув ва тобора кучайиб бораётган рақобат асрида фақат чуқур ислоҳотлар ва модернизация йўлидан тинимсиз ва қатъийят билан ривожланиб бориш натижасида ўз олдимизга қўйган истиқболли мақсадларга – тараққий топган, фаровон яшаётган демократик давлатлар каторига кириш, халқимиз учун муносиб ҳаёт даражасини таъминлашга эриша олишимиз мумкинлиги тўғрисида гапирди.

❖ Президент Концепцияда кўзда тутилган аниқ йўналишларга урғу бериб, қуйидаги масалалар бизнинг энг муҳим устувор йўналишларимизга айланиши даркорлигини уқтирди:

- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган конституциявий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, яъни ҳокимиятни ташкил қиладиган Президент – давлат бошлиғи, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасида мувозанат ва барқарорликни янада мустаҳкамлаш, суд тизимининг мустақиллиги ва либераллашувини кучайтириш бўйича ислоҳотларни давом эттириш;

- ахборот соҳасида фуқаролар ва инсон ҳуқуқларининг кафолатларини, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини такомиллаштириш;

- демократик кадриятлар ва инсонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг амалда муҳим омилига айланиши зарур бўлган фуқаролик институтларини, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоат тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.

Ислом Абдуғаниевич таъкидладики, биз олдимизга қўяётган бундай мураккаб ва улкан вазифаларни амалга ошириш учун анча вақт, балки йиллар талаб қилинади ва буни биз ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Маърузада Юртбошимиз, энг асосий вазифамиз – мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, биз ўз олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришиш бўйича Концепцияда белгилаб берилган, аниқ мақсадга қаратилган йўл-йўриқ ва кўрсатмаларни амалга оширишнинг Комплекс дастурини, бошқача айтганда, шу йўналишдаги Стратегияни ишлаб чиқиш ва босқичма-босқич жорий этишдан иборатдир, деди.

И.А. Каримов фаолиятимиз негизига қўйиладиган асосий принципларга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

❖ Улар қуйидагилар:

➤ Биринчи. Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг мамлакатимизда кучли фуқаролик жамиятига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш бўйича биз танлаб олган йўлнинг мантиқий ва қонуний давоми бўлишини назарда тутган ҳолда, уларнинг узвийлиги, босқичма-босқичлиги ва изчиллигини, бошқача айтганда, тадрижийлигини сақлаш шарт.

➤ Иккинчи. Концепцияда таклиф этилаётган ислохот йўналишлари ўзаро узвий боғлиқ экани ва бир-бирини тақозо этишини ўзимиз учун аниқ ва равшан англаб олишимиз даркор.

Шу маънода, лўнда қилиб айтганда, давлат ва жамият қурилишини изчил асосда демократлаштирмасдан, мустақил суд тизимини таъминламасдан туриб, бозор ислохотларини амалга ошириш ва иқтисодий либераллаштиришга эришиб бўлмайди. Бундай талаб сўз ва ахборот эркинлиги, сайлов эркинлигини таъминлаш ва сайлов тизимини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, энг муҳими, фуқароларимизнинг сиёсий онги, ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масалаларига ҳам бирдек дахлдордир.

➤ Учинчи. Ислохотларимизнинг маъно-мазмуни ҳар бир онгли фикрлайдиган инсон учун очиқ ва тушунарли бўлган, улар шу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсоннинг амалий ишига айланган тақдирдагина мамлакатимизни янада ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг муваффақиятини таъминлашимиз мумкин.

Бу марраларга эришишда Президент мамлакатимизнинг миллионлаб ёшларига катта умид ва ишонч билдирди.

Президентимиз қайд этдики, бир қатор нуфузли халқаро институтларнинг баҳолашича, Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилиш борасида етакчи

ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Буни ЮНИСЭФнинг Шаркий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда Ўзбекистоннинг минтақадаги намунавий модел сифатида эътироф этилгани ҳам исботлайди.

И. Каримов яна бир муҳим масала, ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратишга эътиборини қаратди. У таъкидладики, бу масалага устувор аҳамият бермасдан туриб, тараққиёт ҳақида сўз юритиб бўлмайди, бугун замоннинг ўзи ушбу масалани сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгилашни тақозо этмоқда.

Юртбошимиз яна бир йўналиш хусусида, яъни мамлакатимизда амалга оширилаётган оилани мустаҳкамлаш, ёш оилалар ҳақида ғамхўрликни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, соғлом ва мустаҳкам оила барпо этиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш борасидаги кенг қамровли ишларни давом эттириш ҳақида тўхталиб ўтди.

Президент «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган кўплаб тадбирларнинг ташаббускори ноҳукумат ташкилотлар бўлганини таъкидлади. Бундай ижобий ҳолат юртимизда фуқаролик жамиятини бунёд этиш борасида эришаётган ютуқларимизнинг амалий намоёни бўлиб, бу ҳақиқатни ҳеч ким инкор этолмайди. Бу давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

«Баркамол авлод йили» дастурини бажариш учун барча манбалар ҳисобидан жорий йилда қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширган ишларимизнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далолат беради.

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзусидаги маърузасида ҳаётимизда ҳар томонлама синовдан ўтган, «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг», «Ислохот ислохот учун эмас, аввало инсон учун» деган қоида ва тамойиллар ўзининг ўткир аҳамияти ва долзарблигини ҳеч қачон йўқотмаслиги ҳақида гапирди.

И. Каримов биз танлаб олган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққиёт моделининг нақадар тўғри экани сиёсий ва иқтисодий тизимни

демократлаштириш, умуман, мамлакатимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар, Ўзбекистоннинг истиқлол йилларидаги жадал ривожланиши мисолида ўзининг амалий тасдиғини топаётганини, ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси ҳозирги кунда собиқ СССР ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига – 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганини айтиб ўтди.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин.

Маърузада 2010 йил ноябр ойида Олий Мажлисимиз – Парламентимиз томонидан қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» моҳият эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидланди.

Бу ҳақда сўз юритганда, аввало конституциявий ислохотларни давом эттириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларнинг қонунчилик, ҳуқуқий ва норматив базасини чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурини амалда жорий этишни назарда тутилди. Ушбу дастур, биринчи навбатда, давлат ва жамият қурилиши соҳасида; суд-ҳуқуқ тизимида; фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида; сайлов қонунчилигини янада демократлаштириш; фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ва ниҳоят, мамлакатимизда олиб борилаётган бозор ислохотлари ва бозор инфратузилмасининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги ўзгаришларни ўз ичига олади.

Мамлакатимизни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича концепцияда ўз ифодасини топган ислохотлар бир-икки йилга эмас, балки ўнлаб йилларга мўлжалланган ҳал қилувчи муҳим вазифа эканини уқтирилди.

Дастур ўз маъно-мазмуни билан бугунги кунда олдимизда турган энг юксак мақсад бўлмиш – мамлакатимизни ривожланган демократик давлатлар қаторига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишга қаратилган эзгу ишларимизни ўзида мужассам этиб, жамиятимиз учун давр синовидан ўтган яккаю ягона тўғри йўл эканлиги таъкидланди.



Ўзбекистон заминида яшаётган ҳар қайси одам мамлакатимизда олиб борилаётган ва кўзда тутилаётган барча ислохотлар авваламбор унинг манфаати, унинг оиласи ва фарзандлари учун, шу юртнинг фаровонлиги ва таракқиёти учун амалга оширилаётганини аниқ-равшан англаб етиши ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун ҳаммамиз ўз устимизда ишлашимиз, аввало, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онгимизни юксалтиришимиз, сиёсий фаоллигимиз ва фуқаролик масъулиятимизни оширишни бугунги кунда олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири сифатида қабул қилишимиз даркор. Чунки, онги, тафаккури, еътиқоди мустаҳкам бўлган, ўз мустақил фикри билан яшаётган одамни чалғитиб ҳам, кимлардир хоҳлаган томонга оғдириб ҳам бўлмайди.

Маърузада, бундай қараш, бундай ёндашув билан яшаш биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим таркибий қисми, жамиятимизни ўзгартириш ва янгилашнинг асосий шартидир, дейилади.

Президент ўз нутқида мамлакатимизда оила институтини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича янгитдан қабул қилинадиган қонун, қоида ва нормаларда бугунги ва эртанги кунимизнинг талаблари акс этиши, амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, бу масалага жамиятимизнинг эътиборини янада кучайтириш кўзда тутилаётганини таъкидлади.

И. Каримовнинг таъкидлашича, энди пайдо бўлган, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёш оилани моддий ва маънавий жиҳатдан кенг қўллаб-қувватлаш, уларга кўмак, имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, аввало, уй-жой билан таъминлаш – буларнинг барчаси учун нафақат ота-оналар, биринчи навбатда давлат ва жамиятимиз масъулдир.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз деди. Мустақилликка эришиш – бу ўз тақдиримизни қўлимизга олиб, юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлигимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир.

Мустақиллик – бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Президент таъкидладики, биз бозор иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимишга қўйдик ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай куч қайтара олмайди. Биз энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва ахиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, яқин ва узок кўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўраимиз. Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган «Бизга тинчлик ва омонлик керак» деган эзгу даъватни амалга ошириш ҳаммамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлмоғи лозим.

Президент Ислон Каримовнинг 2013 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» мавзусидаги маърузасида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз Ўзбекистон тарихида, узок, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил бўлгани, Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида «Ўзбек модели» деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бераётгани таъкидланди.

Сиёсий ислоҳотларимиз негизида турган демократик давлат қуришнинг энг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этилгани алоҳида эътиборга сазовор, деб қайд этилди.

Маърузада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2010 йилнинг ноябрь ойида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши юртимизда амалга оширилаётган демократик янгиланиш ва модернизация жараёнларининг қонуний ва мантиқий давоми бўлгани, мазкур Концепция моҳият эътиборига кўра узок муддатга мўлжалланган Дастур бўлиб, у бугунги глобаллашув замонида, дунё шиддат билан ўзгариб бораётган бир шароитда ўзаро узвий боғлиқ бўлган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг мустақиллигини, сўз ва ахборот эркинлигини, сайлов эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини

такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича устувор вазифаларни белгилаб бергани таъкидланди.

И.А. Каримов амалга оширилаётган ишларнинг давоми ҳақида гапирар экан, ривожланган демократияга эга бўлган давлатларнинг тажрибаси, шу билан бирга, Ўзбекистоннинг сиёсий ва конституцион ривожланишининг мантиқий йўли халқимиз, жамоатчилигимизнинг намояндалари бўлмиш вакиллик, депутатлик органларининг жамиятимиз ҳаётидаги роли ва аҳамиятини янада оширишни, содда қилиб айтганда, бу йўлда бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришни талаб этмоқда, деди.

Маърузада айтилган шу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси – Сенат ҳамда қуйи – Қонунчилик палатасининг ролини янада кенгайтириш, фақатгина қабул қилинган қонунларнинг ижросини текшириш билан чегараланмасдан, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда ижро органлари фаолияти устидан назоратини кучайтириш, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда, энг муҳим стратегик масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда ҳуқуқ ва ваколатларини ошириш учун Конституциямизга тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлиши, Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги ижро ҳокимиятларининг масъулиятини ошириш, Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларда уларнинг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиш ва тегишли хулосалар чиқариш ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муҳим вазифа эканлиги уқтирилди.

Пухта ўйланган бундай ислохотларни давом эттириш биз кўзлаган, яъни «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш» тамойили – принципини амалга оширишда янги қадам бўлади.

Юртбошимиз жамиятда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли масаласига диққатни жалб этди. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётнинг аниқ устувор йўналишларини белгилаб олишда сиёсий партияларнинг ролини кескин кучайтириш, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича стратегик вазифаларни ҳал этишда уларнинг иштирокини кенгайтириш демократик ислохотларни изчил амалга оширишнинг энг муҳим омилига айланмоғи зарур. Кўппартияли тизимни мустаҳкамлаш ва партиялараро рақобатни кучайтириш – биз кўзлаган демократик давлат барпо этишнинг энг муҳим шартларидан бирига айланиши даркор. Бу ўринда ўз низомига ва жамият олдида турган муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз нуқтаи назари аниқ ифода этилган ҳаракат дастурига, ўз электоратига эга бўлган, давлат ва жамият қурилишининг асосий масалалари, мамлакатда юритилаётган ички ва ташқи сиёсат бўйича аниқ-равшан позицияси билан, сайловда мазкур партия учун овоз берадиган одамлар манфаатларини қатъий

химоя қилишга қодирлиги билан сайловчилар ўртасида обрў қозонган сиёсий партиялар кўзда тутилмоқда.

Ушбу масалаларнинг барчаси 2014 йилнинг декабрь ойида Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ўтказиладиган умумхалқ сайловлари нуқтаи назаридан алоҳида долзарб аҳамият касб этади.

2014 йилни «Соғлом бола йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқишда биринчи навбатда оналик ва болаликни химоя қилиш, оилаларда соғлом муҳитни кучайтириш, уларнинг иқтисодий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш каби масалалар эътибор марказига қўйилиши таъкидланди.

Маърузада таянчимиз ва суянчимиз, ғуруримиз ва ифтихоримиз бўлмиш болаларимизга, фарзандларимизга ишонч билан, ҳурмат-эътибор билан қарашни келажакимизга бўлган ишонч, миллатимизга, халқимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ифодасидир, деб уқтирди Президент.

### **Назорат саволлари**

- 1.Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг босқичлари.
- 2.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унга киритилган ўзгартиришлар.
- 3.Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг назарий концептуал асослари.
- 4.“Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ва “Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш” концепцияси сиёсий ислохотларнинг назарий асоси.

### **3-МАВЗУ: Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари ва назарий концептуал асослари РЕЖА**

1. “Ўзбек модели” иқтисодий ислохотларнинг назарий концептуал асосидир. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.
2. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари.
3. Иқтисодиёт ва сиёсий тизим муносабатлари ёхуд Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.

Фуқаролик жамияти хусусий мулк асосида юзага келиб, ривожлана бошлайди. Тарихий тажрибадан маълум бўлишича, хусусий мулк кишиларни бир-биридан ажратишга, уларда очкўзлик, хассислик, кўзбўямачилик ва бошқа тубан ҳиссиётларни уйғотишгагина хизмат қилиб қолмади, балки ижодий ташаббускорлик, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қизиқишнинг мислсиз кучайишини келтириб чиқарди. Пировард натижада, айнан хусусий мулк давлат ҳокимиятига нисбатан муайян даражада автоном бўлган фуқаролик жамиятининг шаклланишига йўл очди.

Ислом Каримовнинг қайд этишича, иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим оқибатларидан бири кенг аҳоли оммасида хўжайинлик, хусусий мулкчилик туйғусининг уйғониши жараёни бошлангани ва тараққий этаётгани, ўрта қатламнинг, кичик ва хусусий корхоналар, кўчмас мулк, акциялар, ер участкалари, қимматбаҳо қоғозлар, хуллас, фойда келтирувчи мулк эгалари қатламининг шаклланиши ҳисобланади. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий асоси мулк шакллариининг кўп укладлилигига таянган ишлаб чиқариш муносабатлари ҳисобланади. Истисносиз барча социалистик мамлакатларнинг ўтмиш тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий яккаҳокимлик сиёсий яккаҳокимликни, яъни бир партия, бир мафкура, бир хил кадриятлар тизимининг устунлигини юзага келтиради.

1992 йилнинг 8-10 декабрларида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида сўзлаган («Ўзбекистон – келажаги буюк давлат») нутқида И. Каримов Ўзбекистонда бозор муносабатларини жорий қилиш ва уни ривожлантириш тўғрисидаги ўз ғояларини илгари сурди.

Бозор муносабатлари мажмуасини шакллантириш йўлидан дастлабки қадамлар қўйилди, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг юридик асослари яратилди. Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг аграр секторида кенг қулоч ёзмокда. Ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш чоралари амалга оширилди. Бозор муносабатлари босқичма-босқич, эволюцион йўл билан жорий қилинади. Халқаро ҳамжамият, жаҳоннинг энг йирик молиявий ҳамда банк тузилмалари ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, амалдаги қонунчилик

томонидан кўзда тутилган имтиёзлар туфайли Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қиляптилар. Эътиборни ўзига жалб этадиган яна бир соҳа – аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож қатламларини ҳимоялаш. Яқин истиқболдаги энг муҳим вазифа халқ хўжалигида тузилмавий ислоҳотлар сиёсатини олиб бориш ҳисобланади.

Ўлкамизнинг келажаги бозор инфратузилмасини шакллантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, яккаҳокимликка қарши чора-тадбирни амалга ошириш, рақобатчилик вазиятини яратиш билан ҳамбарчас боғлиқ. Корхоналарни акциядор корхоналарга айлантиришни кенг ривожлантириш зарур. Бу кўпчилик маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, маҳаллий ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналарига тааллуқлидир. Мосланувчан солиқ тизими яратилиши керак. Давлат хусусий мулкчиликни барча қонунлар ва ўз таъсири воситасида ҳимоя қилади. Бу Конституциянинг янги лойиҳасида мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундан сўнг Ислом Каримов «Комсомольская правда» газетаси ўқувчиларига «Ўзбек модели»нинг беш тамойилига асосланган Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли моҳияти нималардан иборат эканлигини тушунтириб берди.

Ислом Каримов уни ҳеч қандай дастури йўқлигида айблаётган муҳолифларига «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобини ўқишни маслаҳат берди, нега мазкур китобни ўқиган муҳолифларидан ҳеч бири нима учундир танқид қилишга ҳам, баҳслашишга ҳам уриниб кўрмади экан, деб ўз-ўзига савол бериб, шундай жавоб қайтарди: чунки бундай муҳолифатда манманликдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошланган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз тараққиётининг стратегик мақсади – демократик ҳуқуқий давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган адолатли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган эди. Бу белгиланган вазифани амалга ошириш учун эса, қурилмоқчи бўлган давлатнинг модели унинг назарий асослари (андозаси) ҳам аниқ белгилаб берилиши зарур эди. Бу масалани Президентимиз ўзининг 1993 йилда ёзган «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли асарида ишлаб чиқди. Бу асарда бозор муносабатларига ўтишнинг шундай йўли танландики, унда республикамизнинг тараққиёт даражалари, аҳолининг турмуш даражаси миллий урф-одатлар, анъаналар, демографик жараёнлар, аҳолининг меҳнат қилиш имкониятлари ва бошқа бир қатор омиллар ҳисобга олинди.

Ана шундан келиб чиқиб, Президентимиз Ўзбекистонда қурилмоқчи бўлган жамиятнинг тараққиёт моделини ишлаб чиқди. У тараққиётнинг, «Ўзбек модели» шаклида вужудга келди ва Президентимиз томонидан белгиланган беш тамойилга асосланади.

❖ Улар куйидагилар:

○ Биринчи тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, мафкурадан холилиги.

○ Иккинчи тамойил – давлат – бош ислохотчи.

○ Учинчиси – қонун устуворлиги.

○ Тўртинчиси – кучли ижтимоий сиёсат.

○ Бешинчи тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш.

➤ Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, мафкурадан холилиги – демократик ва бозор ислохотларининг асоси.

Янги жамият қуришнинг етакчи тамойили – иқтисодий заминни қуришнинг устуворлиги, иқтисодий ислохотлар ўтказиш тамойили. Иқтисодиёт ўзига хос ички қонуниятлар асосида, мафкуранинг тазйиқисиз ривожланиши зарур. Мафкуравий ақидаларни бартараф этиш хўжалик юритишнинг турли шакллариغا нисбатан ижобий ижтимоий фикрни шакллантиришга, бозор технологиясини ҳамда мувофиқ иқтисодий тафаккурнинг идрок этилишига ёрдам беради.

➤ Давлат – иқтисодий ўзгаришларнинг ташаббускори ва бош ислохотчиси.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиб майдонга чиқади, у иқтисод ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида изчил равишда ўзгаришларни амалга ошириб бориши керак. Замонавий ижтимоий йўналтирилган бозор – давлат томонидан бошқариладиган бозордир. Бозор муносабатларининг шаклланиши даврида давлат ислохотчилик жараёнининг фаол иштирокчисига айланиши, унинг ташаббускори, қатъий, изчил раҳнамосига айланиши шарт. Давлат иқтисодиёт амал қилишининг ҳуқуқий асосларини яратади ва тасдиқлайди, ўтиш даврида иқтисодий алоқаларнинг кафолати сифатида майдонга чиқади. Ҳуқуқий таъминот – иқтисодий ислохотларнинг жуда муҳим заминидир. Юксак тараққий этган ва ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалигининг шакллантирилиши учун мувофиқ ҳуқуқий таъминот зарур. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосини яратиш – бу ўтиш даврининг шартигина эмас, ҳуқуқий давлат қурилишининг ўзига хос жиҳати ҳамдир. Қонунлар ҳаётий амалиёт билан чамбарчас боғланган бўлиши, унга таяниб иш кўриши керак. Шунинг учун ҳам бозор муносабатларига ўтишнинг етакчи тамойилларидан бири барчанинг қонунларга риоя этиши ҳисобланади.

➤ Қонун устуворлиги – ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойилидир. У ҳаётнинг ҳамма соҳаларида қонуннинг сўзсиз ҳукмронлигини назарда тутди. Ҳеч бир давлат органи, ҳеч бир хўжалик юритувчи ва ижтимоий-сиёсий ташкилот, ҳеч бир мансабдор шахс, ҳеч бир одам қонунга бўйсунмиш

мажбуриятдан озод этилмайди. Ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос жиҳати – юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлигидир.

➤ Кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш иқтисодий ўзгаришларнинг кафолати ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлида асосланадиган етакчи тамойилларидан бири бозор ислохотларининг барча босқичларида олиб бориладиган кучли ижтимоий сиёсатдир. Давлатнинг фаол ислохотчилик фаолияти остида иқтисодиётни соғломлаштириш, қонунчилик ва ҳуқуқий тартибларга риоя қилиш, бозор иқтисодиётига аста-секин эволюцион йўл билан ўтиш муаммоларининг биринчи навбатда ҳал қилинишига бутун диққат-эътиборни қаратиш ижтимоий барқарорликнинг мустаҳкам пойдеворини яратади.

Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоялаш галга солиб бўлмайдиган, энг устувор вазифа, амалий ишларнинг етакчи тамойили бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Янгиланишларнинг турли босқичларига ижтимоий сиёсатнинг ўзига хос концепциялари мувофиқ келади. Ислохотларнинг дастлабки босқичида ижтимоий ҳимоялаш чоратадбирлари, одатда, зарарнинг ўрнини тўлдириш вазифасини бажаради. Ҳаёт учун энг зарур озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражаси пасайиб кетишининг олдини олишга асосий эътибор қаратилади.

Бозор муносабатлари шаклланишининг янги босқичида ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади: фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш; аҳолининг энг ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш; меҳнат имкониятларининг тўла юзага чиқиши учун шарт-шароитлар яратиш; ҳақиқий меҳнат бозорини шакллантириш.

➤ Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш иқтисодий ислохотларнинг ўзига хос модели негизи саналади.

Бозор муносабатларига ўтиш учун қонунлар қабул қилиш, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини эълон қилишнинг ўзи етарли эмас. Уларнинг ҳаётга жорий этилишини таъминловчи чинакам механизмлар зарур. Бу механизмлар дарҳол ишга тушмайди, аста-секин созланиб, синовдан ўтади. Бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан бошқасига ўтиш сохта инқилобий сакрашлар билан содир бўлмайди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда юзага келган ижтимоий вазият, кўпчилик аҳоли яшаш даражасининг пастлиги туфайли бозор иқтисодиётига ўтишда «шок терапияси»ни қўллаш республикамизда мутлақо ўзини оқламайди.

И.А. Каримов ўзининг «Демократик ўзгаришлар – жамиятимиз янгиланиши асоси» китобида Ўзбекистон жамияти ҳаётининг барча соҳаларида юз берган ўзгаришлар устида батафсил тўхталди.



❖ Иқтисодий соҳада.

▪ Биринчи – иқтисодий барқарорликка эришилди. Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ортди, саноатнинг базавий тармоқлари жадал суръатлар билан ривожлантириляпти.

▪ Иккинчи – пул салмоғининг ўсиш суръатлари анча пасайди, пулнинг кадрсизланиши даражаси қисқарди.

▪ Учинчи – иқтисодиётимизнинг етакчи соҳалари тузилишида ижобий ўзгаришлар пайдо бўляпти.

▪ Тўртинчи – иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш шартлари анча яхшиланди, инвестициялар ҳажми, жумладан, чет эл сармояси кўлами ошди.

1997 йилга мўлжалланган давлат бюджетининг ўлчамлари давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг устувор масалаларини ҳал этиш, иқтисодий ислохотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича вазифаларни амалга ошириш учун имкон яратадиган ҳажмда шакллантирилди.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган 1-чақириқ 14-сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» мавзусида сўзлаган маърузасида иқтисодий соҳадаги либераллашув тўғрисида гапириб, – бу, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарувчилик ролини чеклаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулкчилик миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг роли ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, халқ моддий фаровонлигининг оғишмай яхшиланиб бориши, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, деб кўрсатди.

Ижтимоий ҳимояни таъминлаш ислохотларнинг барча босқичларида энг муҳим вазифа бўлиб қолади. Бу ислохотлар негизидаги асосий тамойиллардан бири саналади.

Иқтисодиёт тизимидаги янгиланишлар иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарни модернизациялашга, техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга, мамлакатнинг табиий ва моддий хом-ашё захираларидан тўлиқ ва самарали фойдаланишга, экспорт учун мўлжалланган ва импортнинг ўрнини босадиган саноатни ривожлантиришга йўналтирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил январда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ I сессиясида И.А. Каримов қилган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» мавзусидаги маърузасида шакллантирилажак фуқаролик жамияти иқтисодий асосларинининг вазифаларини белгилаб берди.

✓ Биринчидан, иқтисодиётнинг барча соҳалари ва секторларида ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда либераллаштириш курсини изчил давом эттириш.

✓ Иккинчидан, хусусийлаштириш жараёнини янада кенгайтириш ва шу асосда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш.

✓ Учинчидан, чет эл инвестициялари учун янада қулай шароитлар, кафолатлар ва иқтисодий рағбатлантиришнинг таъминланиши.

✓ Тўртинчидан, кичик ва ўрта бизнесни устувор ривожлантириш.

✓ Бешинчидан, экспорт имкониятларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

✓ Олтинчидан, иқтисодиётда тузилмавий ислоҳотларни аниқ мақсадга йўналтириб амалга ошириш.

❖ Президент Ислам Каримов 2002 йил 29 августда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида:

✚ бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва бақувват бозор инфратузилмасини яратиш;

✚ барқарор, мувофиқлаштирилган иқтисодиётни шакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган эркин иқтисодиёт тамойилларини рўёбга чиқариш;

✚ хусусий секторнинг тутган ўрнини мустаҳкамлаш;

✚ хусусий мулкчилик синфини шакллантириш учун асосий даромад манбаи бўлиши зарур деб саналган кичик ва ўрта бизнес ҳамда ишбилармонликни жадал ривожлантириш;

✚ ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш;

✚ миллий валюта курсини мустаҳкамлаш;

✚ чет эл инвестицияларини жалб қилиш;

✚ халқаро молиявий тузилмалар билан ҳамкорликни жиддий мустаҳкамлашни Ўзбекистонда шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг иқтисодий асослари, демократик ислоҳотларни такомиллаштиришнинг асослари сифатида ифодалаб берди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда очиқ, адолатли кучли фуқаролик жамиятини, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни қуришда, иқтисодий ислоҳотларни самарали бўлишида инсон омили муҳим ўрин тутади. Зеро, мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишини инсон омилисиз тасаввур қилиш қийин. Инсон омилининг ҳам касбий, ҳам ғоявий жиҳатдан кучайтирилиши иқтисодиётни юксак даражага кўтаради. Агарда иқтисодиётнинг инсон омили касбий жиҳатдан юксак малакали бўлса-ю, ғоявий жиҳатдан ноқис

бўлса-чи? Бунда иқтисодий жиноятлар, порахўрлик, шартномани бажармаслик, сохта тендерлик, интизомсизлик, ташмачилик, масъулиятсизлик, лоқайдлик ҳар қандай гуллаб-яшнаётган иқтисодиётни кемириб ташлайди. Демак, виждонлилик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, интизомлилик нафақат маънавий, маърифий, мафкуравий, балки иқтисодий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

❖ «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили:

- энг муҳим иқтисодий ва хўжалик муаммолари;
- пул ҳамда валюта муаммоси;
- хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти учун бозор ҳуқуқий шароитларини яратиш;
- экология;
- бутун Республика транспорт ва муҳандислик коммуникациялари;
- янги тузилмавий ишлаб чиқаришни юзага келтириш каби стратегик масалаларининг давлат даражасида ҳал этилишини кўзда тутати.

❖ Қолган барча вазифалар:

- бозор иқтисодиётини амалиётга жорий этиш;
- тадбиркорликни рағбатлантириш;
- хусусий мулкни ривожлантириш;
- аҳолининг бандлиги;
- истеъмол бозорини тўлдириш;
- ижтимоий инфратузилмани тараққий эттириш;
- аҳолининг моддий фаровонлиги даражасини ошириш;
- кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш масалалари маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан ҳал этилиши лозим.

Мазкур тамойилни амалга оширишда нодавлат ва жамоат ташкилотларининг аҳамияти катта. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг таъкидлашича, жамоат ва нодавлат тузилмаларини яратиш давр талаби, ҳаётини эҳтиёж бўлмоғи керак. Маҳаллий ва марказий ҳокимият органлари ва бошқармалар эса бу жараёнга қаршилик кўрсатмаслиги, аксинча, бундай янги демократик тузилмаларнинг шаклланишига кўмаклашиши, уларни ҳар томонлама рағбатлантириши лозим. Чунки тобора кўпроқ кишилар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, демократик жамият куриш, яратувчилик жараёнида қатнаша олишлари, давлатни бошқаришда иштирок эта олишлари шарт.

❖ Президент маърузасида фуқаролик жамияти давлат ва бозор орасидаги муносабатнинг бир неча босқич ва шаклини босиб ўтиши, мазкур муносабатлар масаласида Республикада фуқаролик жамиятининг моҳиятига оид учта асосий жиҳатни кўрсатиб ўтди:

- биринчидан, бозор ислоҳотларининг дастлабки босиқчларида давлат бош ҳаракатлантирувчи куч сифатида;
- иккинчидан, бозор муносабатлари ривожланишининг бугунги кунга қадар шаклланган имкониятлари;
- учинчидан, бозор бошқарувининг мазмунига кўра турлича бўлган механизмлари ҳамда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти доирасида давлат таъсирининг бир-бирини тўлдирувчи интеграцияси.

Ўзбекистонда кичик ва ўрта тадбиркорлик даражасида, маҳалла типигаги ишлаб чиқариш ташкилотлари даражасида фирмаларнинг ижтимоий таркибий қисми яққол кўзга ташланыпти. Шунинг учун фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ва маҳаллий ҳокимият органлари бозор ислоҳотлари соҳасидаги жуда кўп масалаларни ҳал этишлари керак бўлади. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асослари, унинг иқтисодий пойдевори айнан шу ерда қарор топади.

Товар, пул ва меҳнат заҳиралари бозорларида хўжалик юритувчи субъектлар орасидаги ўзаро муносабатларни таъминлайдиган тегишли муҳит – бозор инфратузилмасини яратмай туриб, бозор муносабатларини шакллантириш тўғрисида ўйлаш ҳам ноўрин. Бозор томон йўналишдан аввал бозор инфратузилмасини яратиш, молиявий, банк-кредит тизими масалаларини ҳал қилиш, суғурта, аудиторлик ва консалтинг фирмалари ҳамда компаниялари, биржа тизимини юзага келтириш керак. Маҳсулот етказиб бериш учун мажбурий давлат буюртмаси ва унинг ишлаб чиқарилишини фондловчи заҳиралар билан марказлаштирилган таъминлаш тизимининг йўқ қилиниши бозор инфратузилмасини шакллантириш йўлидаги биринчи қадам бўлди. Давлат буюртмасининг йўқ қилиниши билан товар заҳиралари марказлаштирилиб тақсимлаш учун масъул бўлган собиқ тузилмалар ҳам тарқатиб юборилди. Улар ўрнига товарлар бозорини шакллантиришга кўмаклашадиган тизимлар барпо этилди, Республика товар-хомашё биржаси ташкил қилинди. Тақсимлашнинг биржа тизими юзага келгач, кўпгина тадбиркорлик тизимлари: брокерлик ва дилерлик идоралари, савдо уйлари, воситачи фирмалар пайдо бўлди. Иқтисодиётдаги илгари бутунлай давлат тақсимот органлари билан банд бўлган ўрин янгидан туғилаётган бозор муҳити вакиллари билан тўла бошлади.

Бозор инфратузилмасини шакллантиришдаги бошқа йўналишлар сармоя бозорининг амал қилишини таъминловчи тузилмаларнинг яратилиши бўлди. Молиявий ҳамда пул-кредит бошқарувини рўёбга чиқарувчи мутлақо янги тизим ташкил этилди. 1994 йилдан кредит заҳиралар бозори фаолроқ ишлай бошлади.

Кредит заҳиралари бозорининг яратилиши ва танлов асосида кредитларнинг тақсимланиши молия бозорининг ҳосил қилинишидаги энг муҳим масалага

айланди. Сўнгги йилларда ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ташкилотларнинг банклараро валюта биржасида ўтказиладиган валюта савдосида қатнашиши тартиби анча соддалаштирилди. Молия бозорида турли суғурта компаниялари тобора фаолроқ иш олиб бормоқдалар. Республика собиқ Давлат суғурта ташкилоти ислоҳ қилинди, унинг вазифалари жиддий ўзгарди. Акционерлик жамиятлари сифатида фаолият юритувчи 40 дан ортиқ нодавлат суғурта компаниялари тузилди. Сиёсий ва тижорат хавфларидан суғурталаш жараёни бошланди.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, бозор шароитига ўтиш жараёнида меҳнат заҳиралари бандлигини таъминлаш муаммолари кескинлашади, ишсизликнинг ортиши кузатилади. Бундай шароитда тўлақонли меҳнат бозорини шакллантириш, ишга жойлаштирилиши зарур бўлган шахслар ҳамда бўш иш жойлари мавжудлигини аниқ ҳисоб-китоб қилиш жуда муҳим аҳамият касб этади. Юзага келган демографик шароитда, яъни республикада аҳоли сонининг ошиши йилига 2 % дан ортиқ бўлган қишлоқлар, кичик шаҳарчалар ва шаҳар типигаги посёлкаларда ишчи кучининг керагидан зиёдлиги қайд этиляпти, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида яширин ишсизлик ортаётган ҳолатда бандлик хизмати тизимига ҳамда кадрлар тайёрлашга катта эътибор бериш зарур. Ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги билан унинг ўзи ва оиласи фаровонлиги учун иқтисодий жавобгарлиги уйғунлигига асосланган иқтисодий муносабатларни тасдиқлаш керак. Бунда қонуний тартибда кундалик ҳаётда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун мулкка эгалик қилиш, тўла иқтисодий фаолият эркинлиги, меҳнатни сарфлаш соҳаси ҳамда унинг шакллари танлаш эркинлиги таъминланиши лозим.

❖ Меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлиги муаммоларини ҳал этиш меҳнат қилиш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда меҳнатдан даромад олиш имконияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу муаммонинг ҳал қилиниши қуйидаги ҳолларда мумкин бўлади:

- биринчидан, кенг фаолият турлари билан шуғулланадиган хусусий кичик кохоналарнинг жадал ривожлантирилишини рағбатлантириш;
- иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини, айниқса қишлоқларда, тез тараққий эттириш. Хизмат кўрсатиш соҳаси – бу ҳали яхши фойдаланилган имконият эмас, у нафақат ишдан бўшатилаётган ходимларни, балки меҳнат заҳирасининг ўсиб бораётган қисмини тўлиқлигича қамраб олиши, иш ўринлари билан таъминлаши мумкин;
- учинчидан, ишдан бўшатилаётган ходимлар қайта тайёрланиши ва қайта ўқитилишининг ташкил этилишини тубдан яхшилаш. Махсус

маслаҳат ва ўқув марказлари, бизнес мактабларнинг кенг тармоғи ташкил этилиши лозим;

○ тўртинчидан, жойлаштириш мумкин бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг қисми давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимояланган бўлиши шарт.

Республикада меҳнат биржасининг сертармоқ тизими шакллантирилган. Республикадаги ҳар бир туманда шундай биржа мавжуд. Ишсизларни рўйхатга олиш, уларни қайтадан касбга йўналтириш механизми яратилган, ишсизлик бўйича нафақа тўлаш тизими изга туширилди.

Шундай қилиб, республика умуммиллий ҳамда минтақавий бозори амал қилишини, шунингдек, давлатлараро иқтисодий муносабатлар бошқарилишини таъминловчи бозор инфратузилмаси юзага келтирилди.

Бозор иқтисодиёти ва демократик жамиятнинг асосини ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига таянган эркин тадбиркорлик ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда мулк шакллари ўзгартиришга кўрсатилаётган улкан эътибор қонунийдир. И.А. Каримов кўрсатганидек, айнан шу масаланинг ечимини топиш билан янги жамият, янги иқтисодий муносабатлар пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Бозор ислохотининг дастлабки йилларидаёқ мулк муносабатларини ўзгартириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантиришнинг ҳуқуқий негизи яратилган эди. У ўз ичига Ўзбекистон Республикаси Конституциясини, мулк тўғрисидаги, ер, тадбиркорлик тўғрисидаги, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги ва бошқа қонунларни олади. Уларга мувофиқ равишда республикада хусусий мулк, жумладан, мулкнинг бошқа шакллари билан тенг шароитда бўлган ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш ҳуқуқи тан олинган.

❖ Мулкдорлар синфи айна вақтда икки йўл билан шаклланади:

- биринчидан, давлат мулкни, колхозларнинг эгасиз мулкни ҳамда кооператив ширкати тизимини хусусийлаштириш асосида;
- иккинчидан, давлат томонидан кичик ва ўрта бизнесни рағбатлантириш йўли билан.

Республикада мулк муносабатларини ислоҳ қилиш 1992 йилда, Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш давлат дастури қабул қилинганидан кейин бошланди. Хусусийлаштириш жараёнига республиканинг миллионлаб фуқаролари жалб қилинди, натижада улар акциядорлик жамиятлари, жумладан ПИФларнинг, масъулияти чекланган жамиятлар низом жамғармасидаги улушнинг, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган шерикчилик ва ширкатларнинг, шунингдек, кичик ва ўрта корхоналарнинг; қишлоқ хўжалиги ширкатлари улушининг хусусий мулкдорига айландилар. Бундан ташқари республиканинг ўн минглаб

фуқаролари хусусийлаштириш натижасида савдо-сотиқ, маиший хизмат, умумий овқатланиш кичик корхоналари эгалари бўлиб қолдилар. Алоҳида тартибдаги хусусий мулкка асосланган янги кичик ва ўрта корхоналарнинг яратилиши, шунингдек, турли жамиятлар ва ширкатлар, фермерлик ва деҳқон хўжаликларининг тузилиши кичик ҳамда ўрта бизнеснинг юзага келишига сабаб бўлди. Мулкдорлар рўйхатида, шунингдек, алоҳида фаолият юритиш субъектлари сифатида рўйхатга олинган республика фуқароларини ҳам киритиш лозим. Мулкдорлар республикадаги иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолининг ярмидан кўпини ташкил этадилар ва мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда белгиловчи рол ўйнайдилар. Иқтисодиётнинг барқарор равишда ўсиб боришида мулкдорларнинг фақат миқдорий эмас, балки сифат таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эга.

И. Каримовнинг таъкидлашича, бизнинг қўлимиздаги мулк ўзининг ҳақиқий эгаларини топиши зарур. Ўтказилаётган ислохотларнинг асл маъноси мулкни чинакам эгаларининг қўлига топшириш, уларга тадбиркорлик фаолиятларини юритиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборат. Чинакам мулкдор бўлиш муайян юридик ёки жисмоний шахс қўлида мавжуд мулкка ёки у келтирадиган самарага нисбатан қуйидаги ҳуқуқлар бор деган маънони англатади: эгалик қилиш, фойдаланиш, даромад олиш, бошқариш ва ўзидан бегоналаштириш.

Мулкдор фақат ҳақиқий эмас, балки сермахсул ҳам бўлиши керак, бу унинг мавжуд мулкни сақлаш ва янада кўпайтириш йўлида фаол ҳаракат қилишга ундовчи сабаб ва имкониятларини назарда тутати. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чет эл инвесторларини жалб қилган ҳолда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича кейинги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори кўпгина корхоналарга сермахсул мулкдорларнинг эга бўлишини таъминлашга қаратилган. Кичик ва ўрта бизнес соҳасини кенгайтириш мақсадида мамлакат иқтисодиёти мазкур соҳасининг давлат томонидан бошқарилиши тизимини такомиллаштириш, унинг ривожланиши ҳолатининг баҳолаб борилишини таъминлаш лозим. Кичик ва ўрта корхоналарнинг миқдори эмас, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизмат кўрсатиш каби иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидаги роли бошқариб борилади.

Демократик жамият қурилиши «Ўзбек модели»нинг асосий имкониятлари мулкдорлар синфининг тобора ривожлантириб борилишига таянади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, иқтисодий, сиёсий, маънавий соҳаларда кенг миқёсли ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, ижтимоий муносабатларни тубдан ўзгартириш, фаол халқаро ҳамкорлик олиб боришнинг энг муҳим шарти мамлакатда ижтимоий-сиёсий

барқарорликни, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ҳисобланади. Ижтимоий-сиёсий барқарорликни, айниқса, ўта оғир ўтиш даврида сақлаб қолиш давлат сиёсатини узоқ муддатли келажакка мўлжаллаш учун асос бўлиб хизмат қилади, бу эса, ўз навбатида, миллий давлатчиликни шакллантириш, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ислоҳ қилинаётган иқтисодиётга чет эл инвестицияларини кенг жалб қилишнинг асосий шартини саналади. Чет эл инвесторлари ва инвестициялар барқарор фаолият кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, яъни ижтимоий-сиёсий барқарорлик мавжуд бўлган, сиёсий хавф имкон қадар камайтирилган, миллатлараро ва фуқароларнинг зиддият ўчоқлари юзага келишига йўл қўйилмайдиган ва, албатта, энг аввало, қонун устуворлиги таъминланган мамлакатгагина интилиши мумкин. Айнан жамиятдаги барқарорлик йирик миқёсли ислохотларнинг пойдевори бўла олади.

«Ўзбек модели»нинг беш тамойилидан бири кучли ижтимоий ҳимоя ҳисобланади. Ижтимоий соҳага давлат бюджети ҳаражатларининг 51,9 % қисми сарфланган 2006 йилга қиёслаганда, ижтимоий ҳимоя мақсадларига 2007 йилда 53,8 %, 2008 йилда ҳам 53,8 % сарфланди. «Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган интернатларнинг моддий-техник базаси яхшиланди. Уларга кийим-кечак ва бошқа зарур анжомлар берилди, автобуслар, микроавтобуслар совға қилинди, 50 минг оилага бепул қорамол ажратилди, шунингдек, 10580 оила уни сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар олди. Кўпгина муҳтож болаларга, айниқса, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда, «Меҳрибонлик» уйларида яшовчиларга ёзги соғломлаштирувчи оромгоҳларда бепул дам олиш имконияти яратилди. Йил давомида ногиронларни фақат моддий эмас, маънавий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватловчи тадбирлар ташкил этилди. Ёш оилаларга кўмаклашиш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилди. «Қамолот» ЁИХнинг ёрдами билан ёш тадбиркорларга микрокредитлар ажратилди. Ижтимоий хизмат тизими ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва рағбатлантириш механизмлари такомиллаштирилди. «Пенсионерларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ пенсия жамғармасидан қўшимча тартибда катта маблағлар ажратилди. Ёлғиз қариялар, уруш қатнашчиларига, Чернобиль АЭС ҳалокати асоратларини тугатувчиларга товон пуллари тўланди.

И.А. Каримов 2008 йил 8 февралдаги Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган «Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир» мавзусидаги маърузасида таъкидланишича, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва либераллаштириш жараёнларини жадаллаштириш бўйича чора-тадбирларни изчил равишда амалга ошириш, уни тизимлаштириш ва модернизациялаш натижасида



иқтисодиётни ўстиришнинг барқарор юксак суръатлари, инфляция даражасининг пасайиши, аҳолининг бандлиги ҳамда турмуш даражасининг ошиши таъминланяпти.

❖ 2007 йил якунларига кўра:

- Республикада ЯИМ – 9,5 % га;
- маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 12,1 % га;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш – 6,1 % га;
- пулли хизматлар – 20,6 % га ўсди.
- Экспортнинг ошиши ҳисобига мамлакатнинг олтин-валюта захиралари ўсиши ва тўлов мувозанати барқарорлиги таъминланди.

- Давлат бюджети профицит билан бажарилди, инфляция даражаси 6,8 % ни ташкил этди.

- Инвестициялар ҳажми анча ортди.
- Либераллаштириш ва қулай амалий иқлимнинг яратилиши туфайли кичик бизнес жадал суръатлар билан ривожланяпти, иқтисодиётда хусусий сектор кенгаймоқда.

- Қишлоқдаги ислохотлар давом этяпти, фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб берувчи асосий манбага айланди.

- Банк-молия тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича қабул қилинган дастурларни тизимли равишда амалга ошириш бозор инфратузилмасини тобора мустаҳкамлаб боришга ёрдам берди.

- Тақдим этилаётган кредит ва микрокредитлар ҳажми ўсди.

- Қабул қилинган мақсадли ривожлантиришнинг мажмуали дастурларининг изчил амалга оширилиши, солиқ юкининг камайиши, шунингдек, иш ҳақи ҳажмининг ошиши туфайли аҳолининг бандлиги, шунингдек, фаровонлиги даражаси тобора ўсиб бормоқда.

- Иш ҳақи, нафақалар, стипендия ва ёрдам пули 1,5 баробар ошди. Умуман хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет соҳасининг ўртача ойлик иш ҳақи 2007 йил декабрида эквивалентда 210 АҚШ долларига тенг бўлди.

- Қўшимча иш жойлари яратилди, уларнинг деярли  $\frac{2}{3}$  қисми қишлоқ ҳудудларида жойлашган. Бунда янги иш жойларининг яратилиши, асосан, кичик тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш тармоғи ҳиссасига тўғри келади.

❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузасида ҳал этилмаган муаммоларга эътиборини қаратди ва 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг йўналишлари ҳамда устувор вазибаларни бажариш чоралари дастури хусусида алоҳида тўхталди.

- Макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётни ўстиришнинг ўзгармас ва мувозанатлашган суръатларини таъминлаш, мамлакатга жалб этиладиган инвестициялар ҳисобига иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида тузилмавий қайта қуришлар, модернизациялаш ва янгилаш ишларини олиб бориш асосий вазифалигича қолади. 2008 йилга мўлжаллаб қабул қилинган иқтисодий ривожлантириш дастурида саноатнинг стратегик жиҳатдан муҳим тармоқларини ўстиришга катта ўрин ажратилган. Транспортни ривожлантиришга эътибор кучайтирилади. Инвестицияларни ошириш режалаштирилган.

- Иқтисодиётдаги, бозор инфратузилмаси ривожидан ўзиб кетадиган солиқ-бюджет сиёсатидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва янада либераллаштириш иккинчи жуда муҳим устувор вазифа бўлиб турибди. Корхоналарни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлашни ўз зиммасига оладиган ишончли, масъулиятли инвесторларни хусусийлаштириш жараёнларига жалб қилиш учун имкон қадар қулай шарт-шароитлар яратиш лозим. Иқтисодиётни либераллаштиришда солиқларни камайштириш ва солиқ тизимини унификациялаш (бир хиллаштириш) масалаларига катта аҳамият берилади. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжаликлари учун ягона солиқ ставкаси 10 % дан 8 % га қисқартирилди. Банклар даромадига солиқ ставкаси 17 % дан 15 % га пасайтирилади, қолган барча хўжалик юритувчи субъектлар учун солиқ ставкаси 10 % ҳажмида сақланиб қолади. Жорий йилнинг биринчи январидан бошлаб жисмоний шахслардан солиқ олиш базасининг оширилиши ва янги ўтказмалар тизимининг жорий қилиниши муносабати билан аҳолининг даромадлари анча ошади. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳозирги даражасида монополизмнинг кўринишларига қарши кураш олиб бориш ва рақобатчилик муҳитининг шакллантирилиши фавқулодда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бозор инфратузилмалари – молия-банк, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни тегишлича ривожлантирмай туриб иқтисодиётни янада кучлироқ либераллаштириш мумкин эмас.

- Учинчи устувор масала – аҳолининг бандлигини ошириш ва унинг турмуш даражасини кўтаришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисобланган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантиришдан иборат.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро экспертлар, мутахассислар фикрича катта миқёсларга эга бўлиб, тобора чуқурлашиб борди ҳамда сабаблари, кейинги ривожланишига оид фаразлар масаласида жавоблардан кўра кўпроқ саволлар туғдирди.

Асримизнинг энг долзарб муаммоси – 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқирози, унинг таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш йўллари излашдан иборат бўлди.

АҚШда ипотека кредитларининг муваффақиятсизликларидан бошланган инқироз энг муҳим банклар ва молиявий тузилмалар ликвидлиги инқирозидан дунёнинг етакчи фонд бозорларидаги энг йирик компанияларнинг индекслари ва бозор қийматларининг ҳалокатли пасайиб кетишида ўзининг кенг кўламли инъикосини топди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ишлаб чиқаришнинг жиддий таназзули, кўп мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари кескин қисқаришига сабаб бўлди, бунинг салбий оқибатлари юзага чиқа бошлади.

❖ Кўпгина етакчи таҳлилий ва эксперт марказлари глобал молиявий инқирознинг ҳолати ва эҳтимолий оқибатлари билан боғлиқ материалларни таҳлил қилиб, умумлаштириш асносида қуйидаги хулосаларга келдилар:

- биринчи – молия-банк тизимида юз берган инқироз жараёнларининг глобал миқёси, рецессия ва иқтисодий ўсиш пасайишининг муқаррарлиги, инвестицион фаоллик ҳажмларининг қисқариб кетиши, талабнинг пасайиши ҳамда халқаро савдо-сотик ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳондаги кўп мамлакатларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жиддий ижтимоий йўқотишлар тасдиқланди;

- иккинчи – рўй берган глобал молиявий инқироз дунёда амал қилаётган молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар борлигини, уни чуқур ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатиб берди, кредитлар ва қимматбаҳо қоғозлар бозорида турли олибсотарлик муолажаларига қизиқиб, асосан ўз корпоратив манфаатлари учунгина хизмат қилган банклар фаолиятининг тегишли тартибдаги назорати сусайтириб юборилганини тасдиқлади;

- учинчи – ҳар бир алоҳида давлатда молиявий иқтисодий инқирознинг кўлами, чуқурлиги ва оқибатлари, энг аввало, молия-валюта тизимининг мустаҳкамлигига, миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ликвидлигига, уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмалари, шунингдек, олтин-валюта захиралари ҳамда чет эл кредитларини тўлаш қобилиятига, пировард натижада, мамлакат иқтисодийнинг барқарорлиги, диверсификацияси ва рақобатбардошлигига боғлиқ;

- тўртинчи – жаҳон молиявий инқирозидан тез орада чиқиб кетиш ва унинг оқибатларини юмшатиш кўп жихатдан алоҳида давлатлар доирасида бутун дунё ҳамжамиятида кўрилаётган чораларнинг самарадорлиги ҳамда ўзаро бир-бирига мувофиқлигига боғлиқдир.

И. Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида тўла

ишонч билан таъкидлайдики, қабул қилинган инқирозга қарши Дастурни амалга оширишда иқтисодиётнинг ҳар бир субъектининг Дастурни рўёбга чиқариш ва буни ўзининг энг муҳим иши, деб билишини таъминлаш учун қўшимча омилларни излаш катта аҳамиятга эга.

Инқирозга қарши дастурнинг мазмуни ва ҳал этилиши лозим бўлган вазифаларга баҳо берар экан, И.А. Каримов жуда муҳим масалага эътиборини қаратди. Гап шундаки, бутун диққатимизни, куч ва захираларни жаҳон иқтисодий инқироzi оқибатлари билан курашга, молия-банк тизимини мустаҳкамлашга, ҳақиқий иқтисодиёт корхоналарига ёрдам беришга ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси йўлидаги чора-тадбирларни амалга оширишга сарфлар эканмиз, ҳеч қачон истиқбол ҳақида ўйлашдан тўхтамаслигимиз керак.

Давлатимиз раҳбарининг таъкидлашига кўра, биз тараққиётимизнинг асосий тармоқларини модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш бўйича мақсадли лойиҳаларнинг чуқур ўйлаб чиқилган узок муддатли дастурларини тайёрлаш, Ўзбекистоннинг янги поғоналарга чиқиши, дунё бозоридаги рақобатбардош мамлакатлардан бирига айланиши учун кучли туртки бера оладиган замонавий инновацион технологияларни жорий этиш тўғрисида ўйлашимиз зарур. Агар фақат бугунги эмас, эртанги кун билан ҳам яшашни истасак, агар келажагимиз ҳақида қайғурсак, орқага суришга ҳаққимиз йўқ ҳисобланган вазифалар ана шулардан иборат.

Ўзбекистон бунинг учун зарур бўлган имкониятларга эгами, мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун қандай шароитлар яратилган?

Қайд этиш лозимки, бундай кенг миқёсли Дастурни рўёбга чиқариш учун сўнгги йил давомида жиддий тайёргарлик кўриб борилган, содир бўлган жаҳон инқироzi уни янада тезлаштиришга ундайди. Иқтисодиётни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, рақобатбардошлигини ошириш ва экспорт имкониятларини кенгайтиришга йўналтирилган жуда муҳим устувор лойиҳаларни амалга ошириш Дастури лойиҳасининг дастлабки варианты орқали маълум бўлишича, бу лойиҳа ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-газни қайта ишлаш, металлургия соҳалари, енгил ва тўқимачилик саноати, қурилиш материаллари ва машинасозлик ҳамда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида умумий қиймати 24,0 млрд. АҚШ долларига тенг, жумладан, янги қурилиш лойиҳаларига 18,5 млрд. долларга яқин қийматли қарийб 300 та инновацион лойиҳани ўз ичига олиши мумкин. Модернизация, реконструкция, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари – тахминан 6,0 млрд. доллар.

Лойиҳалаш ва амалга ошириш босқичидаги объектларни молиялаштиришнинг манбалари сифатида қуйидагилар кўзда тутилади: компания ва корхоналарнинг шахсий маблағлари – умумий ҳажми 8,2 млрд.

доллар, Ўзбекистон Республикасини реконструкциялаш ва ривожлантириш жамғармаси кредитлари – 2,5 млрд. доллар ва чет эл инвестициялари ҳамда кредитлари – 13,5 млрд. доллар.

Шуни ҳисобга олиш керакки, бу лойиҳаларнинг айрим бир қисми 2007-2008 йилларда қурилишлар билан қамраб олинди, баъзи қурилишлар 2009 йилда амалга оширилди. Ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш инновацион ва қувватни тежовчи технологияларни жорий этиш, жаҳон бозорида талаб кучли бўлган товарларнинг янги турларини ўзлаштириш ҳисобига ишлаб чиқаришни ҳар йили 10,4 млрд. доллар ҳажмдаги қўшимча маҳсулот билан таъминлаш имконини беради, йиллик экспортнинг ўсишини 6,5 млрд. долларга етказиш, ЯИМ ҳажмини жиддий кўтариш зарур бўлди.

Асосий вазифа этиб – қисқа муддатларда 2009-2014 йилларга мўлжалланган стратегик муҳим Дастурни ҳар бир алоҳида лойиҳаси бўйича барча тафсилотларини эътиборга олган ҳолда узил-кесил ишлаб чиқиш, барча манфаатдор тузилмалар, биринчи навбатда, чет эл инвесторлари билан мувофиқлаштириш ва қабул қилиш белгиланди.

И.А. Каримов Конституциямиз қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир» мавзусидаги маърузасида «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишнинг дастлабки натижалари тўғрисида маълумот берди. У қишлоқ аҳолиси манфаатларини янада тўлароқ таъминлаш мақсадида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани тобора чуқурлаштириб, такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътиборни қаратди. Қишлоқлар киёфасини ўзгартириш, улардаги аҳолининг турмуш даражасини ошириш долзарб масалалар эканлигини таъкидлади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларига мувофиқ «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳалаш-тадқиқот институти ташкил қилинди, «Қишлоққурилишбанк» акционерлик-тижорат банки, «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси тузилди. 2009 йилда мамлакатда қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи 31 та корхона иш олиб борди, ғишт ишлаб чиқарувчи 12 та янги завод фойдаланишга топширилди. Янги йўлларни қуриш ва амал қилаётганларини кенгайтиришга 100 миллиард сўм маблағ сарфланди, қишлоқларни энергетика заҳиралари билан таъминлашга 16 миллиард сўмдан ортиқ харажат қилинди, ер ҳосилдорлигини ошириш ва унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 8 миллиард сўмлик иш бажарилди.

❖ «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Дастури ҳақида фикр юритар экан, Президент қуйидагиларни таъкидлаб ўтди:

- хизмат кўрсатиш соҳасига оид пунктлар ва муассасалар сонини ошириш;
- уяли алоқа ва интернет тармоқларини кенгайтириш;
- қишлоқда турмуш сифати ва маданиятини юқори поғонага кўтариш;
- инсон саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш;
- оналик ва болаликни асраш;
- соғлом турмуш тарзини тарбиялаш;
- тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор талаб қилади.

И.А. Каримов қишлоқ жойларда оналар ва болалар саломатлигини сақлаш бўйича қилинган ишларга оид муайян фактлар ва рақамларни келтирди. Давлат бошлиғи «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг яна бир устувор йўналиши тўғрисида батафсил маълумот беришни ўринли деб топди – бу қишлоқ йигит-қизлари учун шароит яратиш масаласи, токи улар ҳам барча ёшларимиз каби замонавий билимлар, касбларни эгаллаш, мамлакатнинг олий ўқув юртларида билим олиш имкониятларига эга бўлсинлар. Қишлоқ жойларидаги ўқув муассасаларини қуриш, қайта қуриш, капитал таъмирлаш ҳамда жиҳозлашга жами 895 миллиард сўм сарфланди.

2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилар экан, Ислом Абдуғаниевич шуни алоҳида қайд этдики, мамлакатни ривожлантириш бўйича ҳар қанча чуқур ўйланган дастурлар ишлаб чиқилмасин, қандай моддий база ва имкониятлар яратилмасин, қандай маблағлар инвестиция қилинмасин, барча режаларни амалга ошириш ва белгиланган мақсадларга эришиш учун шароит яратадиган биргина энг муҳим омил бор, бу – юқори малакали ишчи кучи, эртанги кун масъулиятини, мамлакатнинг келажақдаги ривожини учун жавобгарликни зиммасига ола билладиган ёш мутахассислар.

Давлатимиз бошлиғи маърузасида «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари ҳамда устувор масалаларини белгилаб берди.

Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» мавзусидаги маърузаси бугунги асосий вазифа – жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози чуқур тус олган бир шароитда ўтган 2009 йил яқунларини танқидий баҳолаш ва шу асосда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб олишга бағишланди.

И. Каримов ўтган йил якунлари ҳақида гапириб, 2009 йил биз учун ҳақиқатан ҳам ғоят қийин бўлганини таъкидлади. Унинг фикрича, 2009 йил, моҳият эътиборига кўра, аввало, эски маъмурий-буйруқбозлик, тақсимлаш тизимидан бозор муносабатларига асосланган бошқарув тизимига ўтиш бўйича биз танлаган, машҳур беш тамойилни ўз ичига олган «Ўзбек модели», давлатимиз ва иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ва тадрижий ривожлантириш стратегияси учун том маънода синов йили бўлди. Президент шуни катта мамнуният билан таъкидладик, ҳукуматимиз томонидан 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди. Дастур ўзига қамраб олган, ўз вақтида қабул қилинган ҳужжатларда аввало мамлакатимиз молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари ва корхоналарга ёрдам кўрсатиш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларнинг пухта ишлаб чиқилгани ўзининг амалий самарасини берди. Амалга оширган тадбирлар қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали 2 баробар кўпайди. Биргина ўтган йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири бўлиб, айти пайтда у белгиланган қатор нормативлар бўйича мустаҳкам позицияларга эга. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базел қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисоб рақамларидаги маблағлар миқдоридан 2 баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикаимиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган.

Фақат ўтган йилнинг ўзида аҳоли омонатлари миқдори 1,7 баробар ошди. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди.

Натижада банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгарди. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2009 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 84 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди.

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узоқ муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича биринчи навбатда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Кенг кўламли ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури доирасида ўтган йили 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди ва бу маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 2008 йилга нисбатан 2,3 баробар оширишни таъминлади.

Биргина ўтган йилнинг ўзида бу корхоналарга айланма маблағларини кўпайтириш учун умумий миқдори 233 миллиард сўмдан иборат имтиёзли кредитлар берилгани уларга, ўз маҳсулотини экспорт қилиш бўйича юзага келган вақтинчалик қийинчиликларга қарамасдан, ишлаб чиқаришнинг пасайишини олдини олиш имконини берди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида уларнинг барқарор ишлашини таъминлашга, 2009 йилда экспорт ҳажмини 2,4 фоиз оширишга эришилди.

Бу ўтган йили ташқи савдо айланмасини 2,3 миллиард доллардан кўпроқ ижобий салдо билан яқунлаш имконини берди. Бундай натижа, ўз навбатида, мамлакатимизнинг тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашга имкон берди.



Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 50 фоизини ишлаб чиқармоқда. Холбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йил мобайнида 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли яқунланди.

Республикамизда жами 22 та йирик ишлаб чиқариш объекти, жумладан, нефть-газ, кимё, металлургия саноатида 8 та, машинасозлик саноатида 9 та ва қурилиш индустриясида 5 та объект фойдаланишга топширилди.

Ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди.

Ўтган йилда 217 километрлик автомобил йўли фойдаланишга топширилди, 538 километр йўл ва 19 та кўприк капитал таъмирланди. Бу ишларни амалга ошириш учун Республика йўл жамғармаси ҳисобидан 280 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Ўтган йили мамлакатимиз ҳаётида ҳақиқатан ҳам улкан тарихий аҳамиятга эга бўлган энг муҳим ижтимоий дастурлар – Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди.

Ўтган йили кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

Аҳолининг реал даромадлари йил давомида 26,5 фоизга кўпайди, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўсиши 2009 йилда ўрта ҳисобда 40 фоизни ташкил этди.

2009 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 8,1 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,0 фоизга кўпайди, қишлоқ

хўжалигидаги ўсиш 5,7 фоизни ташкил этди, чакана савдо айланмаси 16,6 фоиз, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 12,9 фоизга ошди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йили юзага келган мураккаб иқлим шароитига қарамай, мамлакатимизда илк бор 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон, шу жумладан, 6 миллион 600 минг тонна буғдой этиштирилди, 3,4 миллион тонна пахта хомашёси тайёрланди.

Ўтган йили иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажми 8,2 миллиард долларни ташкил этди, бу эса 2008 йилга нисбатан 24,8 фоиздан кўп демакдир.

Мамлакатимизда инфляция даражаси 7,4 фоизни ташкил этиб, 2009 йил учун белгиланган прогноз кўрсаткичларидан ошмади. Шуни айтиш керакки, давлатимиз бюджети ўтган йили ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорда профицит билан бажарилди.

Ўзбекистоннинг Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш борасида эришган ютуқлари нуфузли халқаро молия ташкилотлари ва иқтисодий институтлар, жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва дунёнинг бошқа бир қатор етакчи молиявий институтлари томонидан эътироф этилди.

2009 йилнинг октябрида юртимизга ташриф буюрган Халқаро валюта жамғармаси ижрочи директорлари миссиясининг баёнотида, жумладан, шундай дейилади: «Ўзбекистон ҳукумати жаҳон иқтисодий инқироzi шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш учун зарур бўлган кўплаб ресурсларни жамлаган ҳолда, жаҳон молия бозорларида оқилона сиёсат олиб борди. Бундай пухта ўйланган сиёсат мамлакатнинг глобал иқтисодий инқироз таъсирига самарали қарши тура олишида муҳим омил бўлди».

2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим мақсади ва асосий устувор вазифаси – бу ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодий ривожланишнинг юқори ва барқарор суръатларини, самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлашдан иборатдир.

❖ 2010 йилда амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги режалар белгиланди.

✓ Ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 105 фоизга ошириш, иқтисодиётга инвестиция киритиш ҳажмини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 30 фоизга етказиш кўзда тутилган.

- ✓ Маҳсулот экспортини 8,5 фоизга оширишни таъминлаш, юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот улушини ошириш ҳисобидан унинг таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш вазифаси қўйилган.
- ✓ Инфляция даражаси 7-9 фоиз атрофида бўлиши башорат қилинган.
- ✓ Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозини ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётига таъсирини эътиборга олган ҳолда, банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифа этиб белгиланган.
- ✓ Марказий банк ва Молия вазирлиги тижорат банклари билан биргаликда банкларнинг жами капиталини 2010 йилда камида 20 фоизга ошириши, яқин икки йилда эса унинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажмини 10 фоизга етказиши кўзланган.
- ✓ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилган.
- ✓ 2010 йилда маҳаллийлаштириш асосида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 40 фоизга ўсиши, шу борада экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг улуши эса камида 12 фоизни ташкил қилиши кўзда тутилган.
- ✓ Жорий йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга ошириш мўлжалланган.
- ✓ Хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2009 йилдаги 47 фоиздан 2010 йилда 49 фоизга етказиш зарур.
- ✓ 2010 йилда барча кичик бизнес корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 7 фоизга тушириш тўғрисида қарор қабул қилинди.
- ✓ Кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўтган йилдаги 50 фоиздан 2010 йилда 52,5 фоизга етказиш вазифаси қўйилган.
- ✓ 2010 йилда автомобил йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан 540 миллиард сўм, яъни, ўтган йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп маблағ ажратиш кўзда тутилган.
- ✓ Ҳозирги вақтда темир йўл коммуникацияларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. 2010 йилда уларни модернизация қилиш учун 105 миллион доллардан кўпроқ маблағ йўналтириш кўзда тутилган.
- ✓ Юртимизда 2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилиниши, шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастурининг амалга оширилишига молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан 2009 йилнинг ўзида 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

✓ 2010 йилги Инвестиция дастури доирасида фақат уй-жой қурилиши учун «Қишлоқ қурилиш банк» орқали аҳолига 250 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Бу 2009 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтирилган маблағ миқдоридан 4 марта кўп демакдир.

✓ 2010 йилда мамлакатимиздаги барча 159 та қишлоқ туманида умумий қиймати 470 миллиард сўмдан ортиқ бўлган 7 минг 630 та уй-жой қурилиши режалаштирилган.

✓ 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш мўлжалланган.

➤ «Баркамол авлод йили» Дастурида белгиланган комплекс чоратadbирларни бажариш учун 2010 йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофидаги маблағ, жумладан, 1,8 триллион сўм давлат маблағлари, тижорат банкларининг 3,3 триллион сўмлик кредитлари ва масъул ижрочиларнинг 2,7 триллион сўмдан ортиқ маблағларини йўналтириш мўлжалланган.

❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида:

⊙ Ўзбекистонда бозор иқтисодиётининг асослари ва қонунчилик базасининг шакллантирилиши;

⊙ иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизация қилиш масалалари;

⊙ хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустаҳкамлаш;

⊙ «Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячисидир» тамойили;

⊙ мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ҳамда улушини янада кенгайтириш вазифаларини амалга ошириш белгилаб олинди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Концепция ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда демократик тараққиётни янги юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

И.А. Каримовнинг фикрига кўра: ўтказилаётган ислохотларнинг асосий ва энг катта мақсади, устувор йўналиши, бу Ўзбекистонда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат. Аҳолининг кескин қатламларга бўлинишига йўл қўйилмайди. Яъни бизда ўта бойлар ҳам, ўта қашшоқлар ҳам бўлмайди, балки мулкдорларнинг ўрта синфи юзага келади. Бу синф иқтисодиётда етакчи ўринни эгаллаши, жамиятнинг асосий таянчи бўлиб қолиши керак.

«Ўзбек модели» асосида фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири аҳолининг ижтимоий ҳимоясидир.

Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари орасидан давлатимиз раҳбари уй-жой қурилиши, қишлоқ ва қўرғонларни газлаштириш ҳамда ичимлик суви билан таъминлаш ишларини алоҳида ажратиб кўрсатади.

Жамият ва табиат орасидаги муносабатларни соғломлаштириш ҳам асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ижтимоий сиёсатнинг устувор йўналишлари орасида ижтимоий адолат, уни бозор иқтисодиётини шакллантириш билан боғлиқ ҳолда рўёбга чиқариш тамойили алоҳида ўрин тутди.

Ижтимоий соҳанинг энг муҳим тармоқлари – соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт, маданиятнинг моддий базасини қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш бўйича чоралар кўрилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларнинг асосий йўналишлари фуқароларни тиббий суғурталашнинг жорий этилиши ва давлат томонидан бепул тиббий хизмат кўрсатиш ҳамда тезкор ёрдам беришнинг кафолатланган минимумини сақлаб қолган ҳамда тиббий муассасалар фаолиятини бюджет-суғурталаш тамойилига ўтказиш билан боғлиқ бўлиши керак.

Таълим соҳасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш, нодавлат таълим тузилмаларини ривожлантириш бўйича вазифалар биринчи ўринга чиқарилади.

Ижтимоий соҳага ажратилган харажатлар республика бюджетининг 58-60 % идан ортиғини ташкил этади.

❖ Ижтимоий кафолатнинг кучли ва мукамал тизимларини яратиш бўйича ўтказилган тадбирлар ўзининг муайян натижаларини бермоқда:

✓ аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиши бартараф этилди, болалар ўлими қисқарди, умрнинг давомийлиги анча ошди, жиноятчилик камайди;

✓ МДХ давлатлари орасида ишсизлик даражасининг энг паст кўрсаткичига эришилди;

✓ аҳоли даромадлари табақалашувининг юқорилаб кетишига йўл қўйилмади;

✓ маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари орқали аҳолининг кам таъминланган қатламларини аниқ ижтимоий ҳимоялашнинг самарали шакллари топилди;

✓ болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омили» мавзусидаги маърузасида – фақат кенг миқёсли иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришларни биз танлаган, ўзини амалда тўла оқлаган тараққиёт моделига ҳамоҳанг равишда давом эттириш иқтисодиётимизнинг барқарорлиги ва зарур ривожланиш суръатларини, ҳаётимиз сифатини ошириш, дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш имконини бериши таъкидланди.

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг олдини олиш, умуман, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан жами 1 триллион 700 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоиз ва 2008 йилга нисбатан 2 баробар кўп демакдир.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишда таълим соҳасини ривожлантириш, авваламбор, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янги ўқув муассасалари қуриш ва уларни замонавий ускуналар билан жиҳозлаш масаласига эътибор янада кучайтирилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Дастур доирасида 2010 йилда 560 та етакчи кластер мактаблари қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди, 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мултимедиа воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Айни пайтда мамлакатимиздаги барча, яъни 12 мингдан ортиқ таълим муассасалари, илмий ва маданий-маърифий ташкилотлар 25 мингдан зиёд ўқув материаллари ва ресурсларни ўз ичига олган Таълим порталига уланди. Бу масофадан туриб ўқитиш усулларини таълим тизимида кенг жорий этиш, ўқувчи ва ёшларга бошқа хил ахборот-коммуникация хизматлари кўрсатиш имконини бериши билан айниқса аҳамиятлидир.

2010 йилда юртимизда 6 миллион киши интернетдан фойдаланди.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилиб, уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу эса 260 минг нафардан зиёд боланинг

спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди.

Жорий йилда оила институтини қўллаб-қувватлаш бўйича аввалги йилларда бошлаган ишларимиз давом эттирилиб, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва уни жиҳозлаш каби масалаларни ҳал этиш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Бундан ташқари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан нотурар-жой биноларини реконструкция қилиш ва уй-жой харид қилиш учун ҳомийларнинг 5 миллиард 800 миллион сўмлик маблағлари жалб этилди. Шунингдек, 7 минг 200 дан зиёд ёш оилага бепул қорамол берилиб, шу мақсадлар учун 5 миллиард 300 миллион сўм маблағ ажратилди.

Президент Ислом Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади» мавзусидаги маърузасида мамлакатимиз иқтисодиётидаги ижобий кўрсаткичлар ва нохуш тенденцияларни нафақат қайд этиш, балки иқтисодиётимизнинг ривожини белгилаб берадиган сабаб ва омилларни чуқур ва холисона таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этди.

Президент биз ўз вақтида танлаб олган иқтисодий тараққиёт модели ҳақида гапирар экан, ушбу моделнинг тамойиллари асосида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича ҳар томонлама ва чуқур ўйланган тадрижий тараққиёт дастурини изчил амалга оширганимиз инқирознинг, жаҳон бозоридаги кескин ўзгариш ва беқарорликнинг иқтисодиётимизга, молия ва банк тизимида салбий таъсирини сезиларли даражада камайтириш имконини берганини таъкидлади.

Маърузада дунёдаги тараққий топган 20 та давлат иштирокида ташкил этилган, «Катта йигирмалик» деб ном олган гуруҳ доирасида қабул қилинаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланаётгани йўқлиги қайд этилди.

И. Каримов маърузасида 2010 йил яқунларини баҳолаётган экан, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий мутаносиблиги сақланиб қолаётганини қайд этди.

Юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоиз, 2009 йилда 8,1 фоиз, 2010 йилда эса 8,5 фоизни ташкил этгани жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири эканлиги Президент томонидан мамнуният билан қайд этилди.

Кейинги ўн йилда, яъни 2000 йилга нисбатан таққослаганда, 2010 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот қарийб 2 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 1,7 баробар ошган.

Харид имкониятлари мутаносиблигини ҳисобга олган ҳолда санаганда, ялпи ички маҳсулотнинг 2010 йилда 2000 йилга нисбатан ўсиши 2,6 каррани ташкил қилган.

Иқтисодиётимизда 2010 йили юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди, ўтган йилда инфляция даражаси 2009 йилдаги 7,4 фоиз ўрнига 7,3 фоизни ташкил қилган. 2010 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 7 фоизгача туширилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шу борада ўтган йили Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан ошириб, яъни 0,3 фоиз профицит билан бажарилганини таъкидлаш зарур.

Давом этиб турган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг ижобий салдоси эса 1,8 баробар ошган ва 4 миллиард 200 миллион долларни ташкил этган. Мамлакатимизнинг олтин-валюта захираси ҳам шунга мувофиқ равишда кўпайган.

Иқтисодиётимизда юз бераётган ижобий ўзгаришларни яққол тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамлар келтирилади.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси атиги 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 24 фоизни, транспорт ва алоқанинг улуши тегишли равишда 7,7 ва 12,4 фоизни ташкил этди, хизматлар бўйича бу рақам 37 фоиздан 49 фоизга ўсди. Қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30,1 фоиздан 17,5 фоизга тушди. 2010 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2009 йилга нисбатан 6,8 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 1,8 баробар ошгани ҳам шундан далолат беради.

2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 52,5 фоизни ташкил этди.

2010 йилда саноат ишлаб чиқариш таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотнинг улуши 50 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Мамлакатимиз саноат корхоналари томонидан ўтган йили 160 дан ортиқ турдаги янги товар ва маҳсулотлар, жумладан, мутлақо янги технологик платформа негизида «Спарк» енгил автомобиллини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, катта ҳажмда юк ташийдиган «МАН» автомобилларини, энергия тежайдиган лампалар, «ЭлЖи» русумидаги жаҳонга машхур



холодильникларни йиғиш, калий ўғитлари ва бошқа муҳим маҳсулотларни ишлаб чиқариш бошлаб юборилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 2010 йилда 1 минг 76 та лойиҳа амалга оширилган. Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 баробар ошган, импорт ўрнини босиш бўйича якуний самарадорлик 3 миллиард 400 миллион долларни ташкил қилган ва бу 2009 йилга нисбатан 1,2 баробар кўп демакдир.

2010 йилда ўтказилган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада дунёнинг 51 мамлакатидан 700 дан ортиқ хорижий фирма ва компания вакиллари қатнашди, 500 дан ортиқ янги турдаги маҳсулот намойиш этилди, қиймати 2 триллион 600 миллиард сўмлик шартномалар имзоланди.

Бу рақам олдинги ярмаркадаги кўрсаткичга нисбатан 1,4 марта кўпдир. Ярмаркада умумий қиймати 2 миллиард 700 миллион долларлик экспорт битимлари тузилди ва бу 2009 йил даражасидан 1,2 баробар ортиқдир.

2010 йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг умумий ҳажми 35 фоизга кўпайган. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 13,4 фоиз ўсишга эришилди.

Ўзбекистонда мобил алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан – 200 баробар ошиб, 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этган. Агар 2000 йилда мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобил телефон тўғри келган бўлса, ушбу даврда бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетгани қайд этилди.

2010 йилда интернет хизматидан фойдаланувчилар сони 1,6 баробар кўпайиб, 7,4 миллион кишидан ошган.

Мамлакатимизда 2010 йилда 2009 йилга нисбатан 13,6 фоизга кўп, яъни 9 миллиард 700 миллион АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилган, бу шу даврга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 25 фоизини ташкил этади.

Умуман олганда, 2005-2010 йиллар давомида 7 минг 800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, қарийб 1 минг 500 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей барпо этилди ва реконструкция қилинди. Фақат 2010 йилда мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларда 2 минг 300 тадан зиёд компьютер техникаси ва мултимедиа ускунаси ўрнатилди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ва болалар спортини ривожлантиришга қаратилган дастурни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди. Бунинг натижасида фақат 2010 йилнинг ўзида 72 та спорт иншооти, 27 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилган, умумий қиймати 3 миллион АҚШ долларига тенг бўлган спорт инвентарлари ва ускуналар жойларга етказиб берилган.

Агар 2009 йилда олтига муסיқа ва санъат мактаби курилган ва реконструкция қилинган бўлса, ҳисобот йилида 46 та ана шундай мактаб фойдаланишга топширилган. Уларнинг қурилишига 51 миллиард сўмдан ортиқ капитал маблағ йўналтирилган.

2010 йилда стационар тиббиёт муассасаларида қўшимча равишда 1 минг 630 та ёки 2009 йилга нисбатан қарийб 2,5 марта кўп даволаниш ўринлари фойдаланишга топширилган.

Ҳисобот даврида соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириш учун жами 2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилиб, бунинг 1 триллион 700 миллиард сўми бюджет маблағларидир.

2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилганини катта мамнуният билан қайд этиш лозим. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 604 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади.

2010 йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошган.

Ушбу даврда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ энгил автомобил тўғри келди.

2010 йилда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга оширишга барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилган.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» мавзусидаги маърузасида ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирар экан, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган натижалар, яъни, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суръатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий объектлар ва турар-жой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас, деди.

Ҳали-бери давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туғдираётган муаммоларга қарамасдан, Халқаро валюта фонди томонидан таъкидланганидек, Ўзбекистон дунёдаги санокли мамлакатлар қаторида сўнги 5 йил мобайнида ялпи ички маҳсулотнинг ўртача 8,5 фоизга тенг бўлган йиллик ўсишини таъминлаб келаётгани, жорий йилда ушбу кўрсаткич 8,3 фоиздан кам бўлмаслиги алоҳида эътиборга сазовор энг катта ютуқлардан биридир.

Шу билан бирга, Юртбошимиз ўз маърузасида, биз мамлакатимизда барқарор ривожланадиган эркин иқтисодиётга асосланган очик ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда энг олий қадрият бўлган, жаҳонда ҳурмат-эътибор қозонган жамиятни шакллантиришга қаратилган узоқ ва машаққатли йўлнинг фақат бир қисмини босиб ўтганимизни таъкидлади.

Президент мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида яқин ва ўрта истиқболга мўлжалланган, иқтисодиётимиз ва унинг етакчи тармоқларини тубдан модернизация ва диверсификация қилишга қаратилган замонавий юксак технологиялар ва инновацияларни жалб этиш дастурини амалга оширишни энг муҳим устувор йўналиш этиб белгилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, деди И. Каримов, Конституциямизда муҳраб кўйилган мақсад, принцип ва қоидаларни амалга ошириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини изчил ривожлантириш масаласи биз мустақилликка эришган дастлабки даврдан бошлаб давлатимизнинг устувор вазифаси даражасига кўтарилган. Энг муҳими, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида ҳал қилувчи тармоққа, ижтимоий фаол аҳолимизнинг катта қисмини қамраб олган соҳага айланди. Ҳозирги вақтда иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда.

Президент яна шуни таъкидладикки, бугун замоннинг ўзи, жаҳон бозорида рақобат ғоят кескинлашиб, авжига чиқаётгани ва тобора шафқатсиз тус олаётгани кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амалий ҳаётимизда янада кенг ўрин эгаллаши, бу соҳа учун янги имконият, имтиёз ва преференсиялар яратиб бериш ва унинг ривожини янги босқичга кўтариш масалалари мутлақо бошқача маъно-мазмун топишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу нуқтаи назардан қараганда, аҳолини иш билан таъминлаш, унинг даромадларини янада ошириш, қисқача айтганда, барқарор ҳаётимизни янада мустаҳкамлашдек ўта долзарб масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин эгаллаб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига янги туртки бериш, бу соҳа олдида турган тўсиқларни бартараф қилиш бугунги ва эртанги кун учун нечоғли катта аҳамиятга эга экани маърузада қайд этилди.

Президент нутқида яна шу нарсани қайд этдики, кичик бизнес субъектларини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки режали солиқ текширувларидан ўтказмаслик муддати 2 йилдан 3 йилга узайтирилди, барқарор ўсиш суръатлари ва рентабелликни таъминлаган субъектларни текширишдан ўтказиш мутлақо тақиқланди, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш масаласи йил давомида доимий назоратга олинди, улар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилди, янги ташкил этилаётган кичик корхоналарни рўйхатдан ўтказиш пайтидаги ва ундан кейинги тартиб-қоидалар янада соддалаштирилди. Айтиш керакки, бугунги кунда ўз хусусий ишини очмоқчи бўлган тадбиркорлар 2 кун давомида тегишли рухсат олиш имкониятига эга бўлиб, бу муддат ривожланган давлатлардаги мавжуд мезонларга ҳар томонлама мос келади. Шу билан бирга, кичик бизнес субъектларини давлат харидларига кенг жалб этиш механизми йўлга қўйилиб, бу ишлар Ўзбекистон товар-хомашё биржасида электрон савдолар орқали олиб борилмоқда.

Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш ҳажми ўтган давр мобайнида қарийб 2 баробар кўпайиб, 600 миллиард сўмни ташкил этгани, зарур хомашё ресурсларини кўшиб ҳисоблаганда, бу кўрсаткич 2 триллион 800 миллиард сўмдан ошгани ана шундай тадбирлар натижасидир. И. Каримов яна шуни қайд этдики, айтиш керакки, бу механизмнинг тадбиқ этилиши туфайли 13 миллиард сўмдан ортиқ бюджет маблағи тежаб қолинди.

Ҳисобот йилининг 9 ойи давомида ушбу йўналишда қарийб 100 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилган. Кичик корхоналарнинг экспорт ҳажмини 2011 йилнинг ўзида 2 миллиард АҚШ долларидан ошириш, уларнинг ялпи экспортдаги улушини эса 16,3 фоизга етказиш кўзланган.

Мазкур соҳанинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган муҳим масалалардан яна бири – бу жорий йилда юртимизда яратилган қарийб 1 миллионга яқин иш ўрнининг 610 мингдан зиёди ёки 64 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобидан ташкил этилган.

Қилинган ишларнинг амалий натижаси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши 54 фоизни ташкил этган.

Маърузада, муҳим хулоса сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожидан манфаатдор бўлган мулк эгалари, жамиятимизнинг суянчи ва таянчига айланиб бораётгани, ўрта синф деб ном олган бу ижтимоий қатламнинг ўз уйи, ўз мулкани ҳимоя қилиш, бунинг учун юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг қанчалик муҳим эканини ҳар

томонлама англаб, ҳал қилувчи куч сифатида майдонга чиқаётгани, эртанги кунимизнинг янада ёруғ бўлишига ишонч бағишлаши қайд этилди.

Президент Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида юртимизда эришилаётган қатор муваффақиятлар ҳақида мамнуният билан гапирди.

Бугунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охири олти йил давомида иқтисодимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани қайд этилди, буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлардир.

Истиқлол йилларида ёқилғи-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришдик, энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайди, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди.

Бундан кўришиб турибдики, биз жуда катта юксалиш йўлини босиб ўтдик ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бормоқда.

И. Каримов шуни таъкидладик, вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар, дунёда «Ўзбек модели» деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқроқ бўлмоқдамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида сўзлаган нутқида МДХ маконида мамлакатлар ўртасида амалдаги савдо режимига салбий таъсир кўрсатмайдиган принципларга асосланган тўлақонли эркин савдо зонасини шакллантириш МДХ ҳудудида барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири эканлиги таъкидланди.

Маърузада бунда товар оқимлари тузилмасини диверсификация қилиш, ўзаро етказиб берилаётган товарлар турларини кенгайтириш ва энг муҳими, мувофиқлаштирилган ва самарали транспорт-коммуникация ҳамда тариф сиёсатини амалга ошириш улкан аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, И. Каримов, давлатлараро бирлашмаларнинг ҳар бири – МДХ, Божхона иттифоқи ва унинг асосида ташкил этилаётган Евроосиё иқтисодий иттифоқи бир-бирини такрорламасдан ўз йўналиши бўйича фаолиятини йўлга қўяётганини эътироф этди.

Осиё куёш энергияси форумининг олтинчи йиғилиши кун тартибидан ўрин олган «Куёш энергияси технологияларини ривожлантириш тенденциялари ва истиқболлари», «Куёш энергетикаси учун ускуналар ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш ва Осиё ускуналар бозорини кенгайтириш истиқболлари» каби масалаларни ҳар томонлама муҳокама қилиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят долзарб аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб давлатлар ва минтақаларда катта амалий қизиқиш уйғотади.

Президент Ислом Каримов ўз маърузасида Ўзбекистонда энергетика мақсадлари учун куёш энергиясидан фойдаланиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва бу жараёнларнинг кўлами ва амалий йўналишларини кенгайтиришни тақозо этадиган омиллар устида тўхталди.

Юртбоши, бу, биринчи навбатда, мамлакатимизда барқарор юқори ўсиш суръатлари таъминланаётгани, шунингдек, амалга оширилаётган таркибий туб ўзгаришлар, иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, саноатнинг жадал ривожланиши, нефть-газ ва бошқа хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича энг илғор технологиялар билан жиҳозланган замонавий ҳамда қудратли газ-кимё комплексини шакллантириш билан боғлиқ, деди.

Маърузада, бу борада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирига қарамасдан, Ўзбекистонда сўнгги олти йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 8 фоиздан зиёдни ташкил этаётгани, 2000-2013 йилларда бу кўрсаткич 3,8 баробар, ялпи маҳсулот эса аҳоли жон бошига 3,2 баробар ўсгани, Халқаро молия институтларининг баҳоларига кўра, Ўзбекистон иқтисодиётининг бундай юқори ўсиш суръатлари яқин истиқболда ҳам сақланиб қолиши, ҳисоб-китобларга кўра, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда жорий йилга нисбатан 2 баробар ошиши ва 105 миллиарддан зиёд киловатт-соатни ташкил этиши, Ўзбекистон географик ўрни ва иқлим шароитларига кўра бунинг учун ғоят қулай имкониятларга эгаллиги қайд этилди.

Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки хулосаларига кўра, Ўзбекистонда куёш энергиясининг ялпи салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентидан ортиқдир. Ана шу ресурслар ҳисобидан, экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакатимизда жорий йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги электр энергияси ишлаб чиқариш мумкин.

Ўзбекистон Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Самарқанд вилоятида 100 мэгаватт қувватга эга бўлган куёш фотоэлектр станциясини куриш бўйича пилот лойиҳани амалга оширишга киришди. Қисқа муддатда унинг лойиҳа-техник ҳужжатлари тайёрланди, 400 гектардан ортиқ ер майдони

ажратилди, объект қурилишини бошлаш билан боғлиқ деярли барча масалалар ҳал этилди.

Маърузада Ўзбекистон келгусида юқори самара берадиган, янги технологияларга асосланган яна бир нечта йирик қуёш электр станциясини барпо этишга киришишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани таъкидланди. Ҳозирги вақтда шу мақсадда Осиё тараққиёт банки билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг 6 та худудида энг замонавий ўлчаш станциялари жойлаштирилди ва ҳар томонлама пухта ишланган лойиҳаларни тайёрлашда зарур бўладиган барча маълумотларни йиғиш ишлари олиб борилмоқда. Ўзбекистон фотоэлектрик модулар ва қуёш энергетикасида қўлланадиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун бой хомашё захираларига эга эканини алоҳида қайд этилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган энергия юқини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу эса йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурсини тежашни таъминлайди.

Яқин йиллар мобайнида асосан узоқ ва бориш қийин бўлган худудлардаги 1300 та умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлаш режалаштирилди, қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатилади.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, бир хулосани таъкидлаб айтиш керакки, бугунги босқичда қуёш энергиясидан фойдаланиш муаммоси илмий тадқиқотлар ва тажриба-синов ишланмалари соҳасидан уларни амалиётда қўллаш соҳасига барқарор суръатда ўтиб бормоқда. Қуёш энергетикаси эса, қайта тикланадиган энергиянинг бошқа турлари каби, тўлиқ рақобатдош, энергиянинг, энергия олиш усул ва воситаларининг энг соф турларидан бирига айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» мавзусидаги маърузасида жаҳон бозорида кечаётган инқироз жараёнлари ўтган давр мобайнида мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичларига таъсир кўрсатмасдан қолмагани, ва Ўзбекистон иқтисодиётининг 2012 йилга мўлжалланган ўсиш суръатлари ва самарадорлигини таъминлашда катта қийинчиликлар туғдириши мумкинлиги ҳақида гапирилди.

Президент дунё бозорида хомашё ва тайёр маҳсулотга эҳтиёжнинг тобора пасайиб бориши мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва валюта тушумига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмайди деди. Лекин, маърузада шундай муаммоларга, шунингдек, ўзимиздаги мавжуд айрим мураккаблик ва қийинчиликларга қарамасдан, халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига эришилган 2011 йилнинг якунлари билан ҳақли равишда фахрланишимиз учун бугун барча асосларимиз борлиги қайд этилди.

Ўзбекистоннинг охириги йилларда ва ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш борасида қўлга киритган натижалари Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан юксак баҳоланди.

Халқаро валюта жамғармасининг кейинги баҳолаш миссияси баёнотида жумладан бундай дейилади: «Ўзбекистон жадал ўсишга эришди ва глобал молиявий инқирозга қарши самарали чоралар кўрди. Кейинги беш йилда Ўзбекистонда ўсиш суръатлари ўртача 8,5 фоизни ташкил этди ва бу Марказий Осиёдаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан юқоридир.

Қатор йиллар давомида кузатилган бюджет профицити, расмий захиралар даражасининг юқорилиги, давлат қарзининг камлиги, барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди... Миссия 2011 йилда ялпи ички маҳсулот 8,3 фоиз кўпайишини кутмоқда ва ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолишини башорат қилмоқда».

Президент таъкидладики, ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати, кутилганидек, амалда 8,3 фоизни ташкил этди, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олди.

Мазкур йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириш 6,6 фоиз, чакана савдо айланмаси 16,4 фоиз ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 16,1 фоизга барқарор юқори суръатлар билан ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин.

Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори кўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига



айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефть-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди, 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди.

Таъкидлаш керакки, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва бу соҳаларни диверсификация қилишга қаратилаётган улкан эътибор экспорт ҳажми, унинг таркиби ва сифатига ижобий таъсир кўрсатди.

2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди. Экспорт таркибида тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич қарийб 46 фоизни ташкил этган эди.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

2012 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганлик билан боғлиқ эканлигидадир.

Мамлакатимиз молия-банк тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди. Охириги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базел кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда. Шунини мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли

халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимида муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, мазкур даврда уларнинг сони 23 тага етиб, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этган.

Мураккаб об-ҳаво ва иқлим шароити туфайли вужудга келган муаммо ва қийинчиликларга қарамасдан, қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати ҳисобидан 2011 йили энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари давлат хариди бўйича шартнома мажбуриятлари нафақат бажарилган, балки ортиги билан бажарилган.

Мамлакатимизда ҳисобот йилида 6 миллион 800 минг тонна ғалла, 3 миллион 500 минг тоннага яқин пахта, 8 миллион 200 минг тоннадан ортиқ сабзавот ва поллиз, қарийб 3 миллион тонна боғдорчилик маҳсулотлари етиштирилган. Шу билан бирга, 6 миллион 600 минг тонна сут, 1 миллион 500 минг тоннадан ортиқ гўшт, 3 миллиард 500 миллион донадан зиёд тухум тайёрланган.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этган. Йил давомида алоқа ва ахборотлаштириш хизматларининг ҳажми 41,6 фоизга ўсган. Интернет хизматларидан фойдаланиш тарифлари 22 фоизга камайтирилган. Ҳисобот даврида мамлакатимиз аҳолисининг 8 миллионга яқини Интернет тармоғидан фаол фойдаланган.

2011 йилда солиқ юки, 1991 йил билан солиштирганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан 22 фоизга туширилди. 2011 йилда микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 7 фоиздан 6 фоизга камайтирилган.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилиниб, уларнинг 78,8 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этган.

Тошкент – Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган «Талго-250» йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

2011 йилда республикаимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсган. Аҳолининг реал даромадлари йил мобайнида 23,1 фоизга

ортган. Мазкур даврда аҳоли жами даромадларининг 47 фоизи тадбиркорлик фаолиятдан олинган.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарк коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффициент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақиға Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 қарра ошди. Айни шу кўрсаткичлар 2000 йилда мос равишда 11,0 ва 3,6 баробарни ташкил этди.

Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд умумтаълим мактаби ёки жами мактабларнинг 96 фоизи ЗиёНет электрон ахборот тармоғига уланди.

Ҳар юз минг кишига ҳисоблаганда, ижтимоий ҳавфи катта бўлган касалликларга чалиниш ҳолатлари, жумладан, туғма нуқсонлар билан туғилиш – 32,4 фоизга, юқумли касалликлар – 40 фоизга, юқори нафас органларининг ўткир инфекциялари билан оғриш – 4,2 баробар камайди. Дифтерия, паратиф, полиомиелит, безгак касалликларига чалиниш ҳолатларига бутунлай барҳам берилди.

2011 йилда 5,9 миллион нафар хотин-қиз ҳар йили ўтказиладиган тиббий кўрикдан, қарийб 150 минг ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилди. Қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 243 мингдан ортик ҳомиладор аёл поливитаминлар билан бепул таъминланди. Болаларни юқумли касалликларга қарши эмлаш даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этди.

Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Ўтган йил якунлари ҳақида хулоса чиқарар эканмиз, 2011 йил Иқтисодиётимизни ислоҳ қилиш дастурининг мантиқий давоми бўлди, Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёти тарихида, жамиятимизни

изчил демократик янгилаш ва либераллаштириш жараёнида алоҳида ўрин эгаллаган йил бўлди, деб тўла ишонч билан таъкидлаш мумкин.

2012 йилнинг асосий йўналишлари бўйича – ялпи ички маҳсулотнинг 8,2 фоизга, саноат ишлаб чиқаришининг 8,6 фоизга, қишлоқ хўжалигининг 5,8 фоизга ўсиш суръатлари белгиланмоқда. Шунингдек, истеъмол нархларининг ўсиш даражаси 7-9 фоиз доирасида бўлиши мўлжалланмоқда, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 12 фоиз даражасида сақлаш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг 2012 йил учун тасдиқланган Давлат бюджети жами харажатларининг 60 фоиздан ортиғини социал соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтириш кўзда тутилмоқда.

Солиқ юкини, биринчи навбатда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларидан олинадиган солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш белгиланмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси 6 фоиздан 5 фоизга туширилиши режалаштирилмоқда.

Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг паст ставкаси 10 фоиздан 9 фоизга пасайтирилганини қайд этиш лозим.

Жорий йилда умумий турар-жой майдони 1 миллион 200 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган 8 минг 510 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши режалаштирилган, бу эса ўтган йилга нисбатан 15 фоиз кўпдир.

2012 йилни «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастурини амалга ошириш учун 2012 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан қарийб 4 триллион 400 миллиард сўм ва 370 миллион доллардан ортиқ маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўтган йил яқунларини сарҳисоб қилар экан, авваламбор шуни таъкидладики, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда Ўзбекистон ўз иқтисодиётини барқарор суръатлар билан ривожлантиришни давом эттирди, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади.

Бу даврда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 7,7 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7 фоизга, чакана савдо айланмаси ҳажми 13,9 фоизга ошди.

Макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблиги таъминланди.

Экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди. Ташқи савдо айланмасидаги ижобий салдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди. Инфляция даражасининг ўсиш суръати прогноз кўрсаткичлари доирасида сақлаб қолинди ва 7 фоиздан ошмади.

2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Шуларга қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлари тўлиқ бажарилди, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этди.

Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича «ўртачадан ҳам кам» даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда.

2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди. Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир. 2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айти пайтда уларнинг сони 28 тага етди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган йил натижаларини баҳолаганда, Халқаро валюта жамғармаси миссияси раҳбари Вероника Бакалу хонимнинг ушбу миссиянинг Ўзбекистонда 2012 йил ноябр-декабр ойларидаги иши натижалари бўйича қуйидаги фикрларни билдирди: «Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсмоқда. Солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустаҳкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги,

давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди».

Бундай ҳолисона баҳо кўп нарсадан далолат беради.

Ўтган йилда иқтисодийтимизга 11 миллиард 700 миллион доллар миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб этилди ёки бу борадаги кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 14 фоизга ўсди. Жами инвестицияларнинг 22 фоиздан ёки 2 миллиард 500 миллион доллардан ортиғини хорижий инвестициялар ташкил этди, уларнинг 79 фоиздан кўпроғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Эътиборга сазовор томони шуки, жами инвестицияларнинг қарийб 74 фоизи ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилашга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилди.

Албатта, 2012 йилда ҳам, сўнгги йиллардаги каби, янги мавсумга тайёргарлик кўриш даврида ёғингарчилик кўп бўлгани, баҳорнинг кеч келгани ва намгарчиликнинг юқори бўлгани, ёз фаслида ҳаво ҳароратининг ҳаддан зиёд ошиб кетгани қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишда жиддий муаммо ва қийинчиликларни юзага келтирди. Шунга қарамасдан, 2012 йилда 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари йиғиб-териб олинди.

Буларнинг барчаси, авваламбор, деҳқонларимиз, фермер ва механизаторларимиз, қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг ўзини аямасдан қилган фидокорона меҳнати, бой тажрибаси ва ўз ишига бўлган садоқатининг амалий натижасидир. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, бу ютуқлар барча ресурс ва имкониятларимизни тўла сафарбар эта олганимизнинг натижасидир.

Мамлакатимизда, хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда, қишлоқ хўжалигини иқтисодий ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чоратадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларни туғдириб бериш бундай юксак натижаларни қўлга киритишда ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Бугунги кунда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 66 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирган. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу

соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда.

Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012-2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг ташкилий тузилиши ва унинг низоми тубдан қайта кўриб чиқилди. 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлари фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилмоқда.

Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон – дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган.

Шуни қайд этиш лозимки, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича Ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди.

2012 йилда 108 та болалар спорти объекти, жумладан, 16 та сузиш ҳавзаси, Навоий шаҳрида 10 минг ўринли янги стадион, Нукус шаҳрида теннис мактаби, мамлакатимиз ҳудудларида 12 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фойдаланишга топширилди.

2012 йилда мамлакатимизда комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб 1 миллионга янги иш ўрни ташкил этилди. Бу иш ўринларининг 62 фоизга яқини қишлоқ жойларда яратилди.

2013 йилда мамлакатимиз иқтисодиётини 8 фоизга, саноатни 8,4 фоизга, қишлоқ хўжалигини 6 фоизга, асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини 11 фоизга, хизмат кўрсатиш соҳасини қарийб 16 фоизга ошириш ва ялпи ички маҳсулотда унинг улуши 53 фоизгача ўсишини таъминлаш вазифаси қўйилди.

2013 йилда мутаносиб ва барқарор давлат бюджетини шакллантириш мақсадида солиқ маъмурчилигини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш, бутун солиқ тизимини соддалаштириш ва унинг ошқоралигини таъминлаш бўйича тегишли тадбирлар кўзда тутилган. Шуларнинг ҳисобидан солиқ юки

даражасининг ошмаслиги таъминланиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан бу кўрсаткич 21,3 фоизни ташкил этади.

2013 йилда ҳам Давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолинади. Унинг харажатлар қисмининг 60 фоиздан ортиғи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган.

Мутаносиб қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш давом эттирилади, инфляция кўрсаткичлари 7-9 фоизни ташкил қилади, Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиз даражасида сақланади.

Банк тизими жами капиталини камида 20 фоизга кўпайтириш мўлжалланган. Жорий йилда қишлоқ жойларда яқка тартибдаги янги уй-жойлар қуришни 8,5 мингтадан 10 мингтага етказиш кўзда тутилган. 2013 йилда бу мақсадлар учун 1 триллион 400 миллиард сўм, яъни ўтган йилга нисбатан 54 фоиз кўп маблағ йўналтириш мўлжалланган.

Кейинги 10 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига киритилган инвестициялар ҳажми 3,2 баробар ошган бўлса, шу даврда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 20 баробардан зиёд ўсгани эътиборга сазовордир.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган.

Бу соҳада эришилган реал рақам ва кўрсаткичлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ва ўзгаришларнинг самарадорлигини яққол намоён этаётганини ҳар биримиз ўзимизга аниқ тасаввур қилишимиз лозим.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳаёт даражаси, биринчи навбатда, аҳолининг даромадлари миқдори билан белгиланади. Ўтган 2012 йилда бу кўрсаткич юртимизда 17,5 фоизга ўсди, энг кам иш ҳақи 26,5 фоизга ошди.

Умуман олганда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига 8,6 баробар кўпайди. Ҳисоб-китобларга кўра, ўртача иш ҳақи истеъмол саватчаси баҳосидан 4 баробардан зиёд ошди.

2013 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоиздан кам бўлмаган даражада ошириш, 2013 йилда ва кейинги икки йилда аҳоли реал даромадларини камида бир ярим баробар кўпайтириш вазифаси қўйилмоқда.

Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан унинг таркиби ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромад барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир.

Ўтган 2012 йилда ушбу кўрсаткич 51 фоизни ташкил қилди, бошқача айтганда, одамларимиз даромадининг ярмидан кўпи биринчи навбатда тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнес ҳисобидан шаклланмоқда.



Ана шу даврда аҳолининг банклардаги омонатлари ўсиши 34,6 фоизни ташкил қилди, сўнгги ўн йилда эса 40 баробардан зиёд ошди. 2012 йилда мамлакатимиздаги барча инвестицияларнинг 20 фоиздан ортиғини аҳоли инвестициялари ташкил этгани, айниқса эътиборлидир.

Ўзбекистонда аҳолининг энг кўп таъминланган 10 фоизи ва энг кам таъминланган 10 фоиз қатлами даромадлари ўртасидаги тафовут 2012 йилда атиги 8,0 баробарни ташкил этгани алоҳида таъкидланди. Бу жаҳондаги энг паст кўрсаткичлардан бири бўлиб, мамлакатимизда жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймаслик борасида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатимизнинг самараси десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Шуни айтиш жоизки, айти пайтда оилаларнинг 97 фоизи ўз уйига эга, аҳолининг 90 фоизи узоқ муддат фойдаланиладиган барча асосий товарлар билан таъминланган, ҳар уч оиладан бири шахсий енгил автомобилга эга, аҳоли истеъмол маҳсулотлари билан етарли даражада таъминланмоқда.

Ўтказилган сўровларга кўра, айти пайтда мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизга яқини ўзини ўрта тоифага мансуб деб билади. Ҳолбуки, 2000 йилда атиги 24 фоиз аҳоли ўзини шу тоифага мансуб деб билар эди.

Шуни унутмаслик керакки, ўрта синф улушининг юқорилиги фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг замини ва асоси, давлатнинг барқарорлиги ва мустақамлигининг, одамларнинг ўз келажагига бўлган ишончининг муҳим омили сифатида қабул қилинади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар муваффақияти, аҳоли турмуш даражаси ва ҳаёт сифатини ошириш бўйича эришилган ютуқлар етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда экспертлар ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилиб, холисона баҳоланмоқда.

2012 йилда Буюк Британиянинг халқаро миқёсда тан олинган Лэгатум институти ўзининг Фаровонлик ва ривожланиш индексида Ўзбекистонни дунё мамлакатлари орасида ҳақли равишда 64-ўринга киритгани эътиборга лойиқдир.

Ижтимоий фаровонлик, жумладан, умр кўриш давомийлиги, оилаларнинг тинчлиги ва осойишталиги, ишсизлик даражасининг пастлиги, ижтимоий инфратузилмадан фойдаланиш даражаси бўйича ҳам Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўзгалар ҳавас қиладиган ўринни мустақам эгаллаб турибди.

Ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тинимсиз меҳнати, мардлиги ва матонати эвазига қўлга киритган бундай ютуқлардан ва марралардан ҳар қайсимиз ғурурланиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга ҳақлимиз.

2013 йил «Обод турмуш йили»да аҳолимизнинг тинч-омон ҳаётини таъминлаш, унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимизни изчил ривожлантириш, Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва позициясини юксалтириш, минтақамизда тинчлик ва барқарорликни

мустаҳкамлаш бўйича ўз олдимизга қўяётган мақсадлар, миқёси ва кўламига кўра, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари билан ҳамоҳангдир.

И. Каримов шуни алоҳида таъкидлаб айтдики, 2013 йилда ва ундан кейинги йилларда дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун ўз салоҳиятимиз, барча имконият ва куч-ғайратимизни сафарбар этиш бугунги кундаги энг катта ва масъулиятли вазифамиздир.

Президент Ислом Каримов 2013 йил 6 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш – ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир» мавзусидаги маърузасида иқтисодиётимизда туб демократик ва бозор ислоҳотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципал аҳамиятга эгаллиги, шу борада жамиятимизни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг мунтазам равишда такомиллаштириб борилгани иқтисодиётимизни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиб ўтди.

Давлат раҳбари, фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ҳар қандай ислоҳотларга куч беришини таъкидлади.

«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган машҳур шиорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас. Бугунги кунда Конституциямиз муҳрлаб қўйган тамойилларни амалга ошириш йўлидан дадил қадамлар қўйиб бораётганимиз, давлат қурилиши, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва гуманитар соҳаларда биз амалга ошираётган кенг кўламли ислоҳотлар ва демократик янгиланишлар, аҳоли турмуш даражаси ва сифатининг жадал ўсиб, юртимиз қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни бутунлай ўзгариб бораётгани барчамизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Ўтган 22 йиллик мустақил тараққиётимиз давомида мамлакатимиз эришаётган натижа ва марралар ҳақидаги кўрсаткичлар юртимизда бўлаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида аниқ тасаввур беради. Ана шу даврда Ўзбекистон иқтисодиёти 4,1 баробар ўсди. Агарки мамлакатимиз аҳолиси айни шу даврда қарийб 9,7 миллионга кўпайиб, бугунги кунда 30 миллион

500 мингга яқин кишини ташкил этаётганини ҳисобга оладиган бўлсак, аҳоли жон бошига нисбатан ўсиш 3 баробардан зиёдни ташкил этиши бизнинг нақадар улкан тараққиёт йўлини босиб ўтганимиздан далолат беради.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолининг реал ялпи даромадлари жон бошига 8,2 баробар ошганининг ўзи халқимизнинг ҳаёт даражаси тобора ўсиб бораётганидан далолат беради. Ўзбекистоннинг ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16 фоиздан ошмаяпти, экспорт ва олтин-валюта захираларимиз ҳажми кўпайиб бормоқда. Истиклол йилларида мамлакатимиз иқтисодиётида доллар ҳисобида 162 миллиарддан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган бўлиб, бунинг 56 миллиард доллардан зиёди хорижий инвестициялардир. Фақатгина 2013 йилнинг ўзида капитал инвестициялар ҳажми доллар ҳисобида қарийб 14 миллиардни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этади.

Буларнинг барчаси аввало иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар натижаси, янгитдан ишга туширилган, жаҳон бозорида талаб катта бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган юзлаб, минглаб замонавий корхоналар демакдир.

Бу рақамлар аввало юзлаб, минглаб километр темир йўллар ва автомобиль йўллари, юз минглаб уй-жойлар қурилгани, инфратузилма объектлари бунёд этилгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кифасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганининг далилидир.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан, тўла ишонч билан айтишимиз мумкин, дейди Юртбошимиз: Ўзбекистон тарихан қисқа муддатда иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга мослашган, пахта яккаҳоқимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан тез суръатлар билан ўсиб бораётган замонавий саноат тармоғига эга бўлган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди.

Биз учун мутлақо янги бўлмиш автомобилсозлик, моторсозлик ва уларга бутловчи қисмлар тайёрлайдиган соҳаларга, нефть ва газни қайта ишлайдиган, фармацевтика маҳсулотлари, замонавий телевизор ва компьютерлар ишлаб чиқарадиган янги-янги саноат тармоқларига асос солинди. Шунингдек, озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати ва бошқа тармоқлар тўлиқ модернизация қилинди ва дунё бозорида рақобатдош бўлган товарлар ишлаб чиқариш бошланди ва давом этмоқда.

Ҳаётимизда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар аввало нимани англатади, деб савол қўяди Президент ва уларга жавоб қайтаради.

Биринчидан. Бу амалий ишлар авваламбор мамлакатимизда замонавий демократик жамият қарор топаётгани ва изчил ривожланаётганидан, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатининг юксалиб боришига замин бўлаётган иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётганидан,

Ўзбекистонимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори тобора ортиб бораётганидан дарак беради.

Энг муҳими, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлиги Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириши учун бугунги кунда барча имкониятлар яратилди, деб айтишга тўла асос беради.

Иккинчидан. Биз қўлга киритган марралар мустақил ривожланишнинг ўтган даврида халқимизнинг тарихий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган стратегик мақсад ва вазифалар сари тадрижий, босқичма-босқич ва изчил илгарилаб бориш нақадар тўғри бўлганини тасдиқламоқда.

Учинчидан. Айни вақтда биз бир ҳақиқатни яхши англаймиз: албатта, замонавий Конституцияга, унда кўрсатиб берилган мақсад-муддаоларга эришиш учун ишлаб чиқилган ажойиб Стратегияга эга бўлиш мумкин. Аммо, меҳнаткаш ва олижаноб халқимиз бу йўлда тоғдек таянч бўлиб турмаса, биз мана шундай юксак марраларни қўлга кирита олармидик?

Фақат халқимизнинг мардлиги ва матонати, жонкуярлиги ва қатъийяти, одамларимизнинг беқиёс меҳнати барчамизга ҳақли равишда фахру ифтихор бағишлайдиган улкан ютуқ ва натижаларга эришиш имконини берди.

❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йил 18 январда мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» мавзусидаги маърузасида 2013 йилнинг яқунлари ҳақида гапириб, ўтган йилда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда мутаносибликка эришгани, модернизация ва диверсификация ҳисобидан юқори суръатлар билан ривожланганини қайд этди.

▪ 2013 йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ишлаб чиқариш ҳажми 8,0 фоизга ўсиб, 119,0 трлн. сўмни ташкил этди.

❖ Юқори иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётнинг барча тармоқларида тизимли ва ислохотларнинг изчил амалга оширилиши ҳисобига эришилмоқда. Хусусан:

➤ ташқи ва ички бозор талаблари асосида иқтисодиётни чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш жараёнларининг изчил амалга оширилаётганлиги;

➤ ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштириш, йўл-транспорт ва коммуникация

инфратузилмасини жадал ривожлантириш ҳисобига иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш;

➤ бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни кучайтириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган дастурий вазифаларнинг ўз вақтида бажарилаётганлиги;

➤ ички талабни аҳоли бандлиги ва реал даромадларининг ошишини таъминлаш ҳисобига рағбатлантириш ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши;

➤ қишлоқ хўжалигини ислоҳ этиш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, қишлоқда бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шакллари ривожлантириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, ташкилий ҳамда молиявий шарт-шароитларнинг яратиб берилиши, қишлоқ хўжалигида илғор ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш кўламининг кенгайтирилиши;

➤ республика молия-банк тизимини янада ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, унинг фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш борасида кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши иқтисодиётнинг юқори суръатларда ўсишига замин яратмоқда.

❖ 2013 йилда мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсиши кузатилди.

- Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,8 фоизга;
- қишлоқ хўжалиги – 6,8 фоизга;
- чакана савдо айланмаси – 14,8 фоизга ошди.
- Инфляция даражаси прогноз кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,8 фоизни ташкил этди.

- 2013 йилда ўзлаштирилган (асосий капиталга йўналтирилган) инвестицияларнинг умумий ҳажми 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга ортиб, 13,0 млрд. долларни ташкил этди.

- Ўтган йил яқунларига кўра, ташқи давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 17 фоизни;

- экспорт ҳажмига нисбатан қарийб 60 фоизни ташкил этди.

Бу авваламбор хорижий инвестициялар ва умуман, четдан қарз олиш масаласига чуқур ва ҳар томонлама пухта ўйлаб ёндашиш натижасидир.

- 2013 йилда иқтисодиёт соҳасидаги солиқ юки 21,5 фоиздан 20,5 фоизга;
- жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг кам ставкаси 9 фоиздан 8 фоизга туширилди;
- давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоиз профицит билан бажарилди.

▪ Давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар юқори даражада сақланиб қолди ва умумий харажатларнинг 59,3 фоизини ташкил этди.

Юртимизда қабул қилинган 2011-2015 йилларда саноатни устувор даражада ривожлантириш дастури ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир тармоқ дастурларининг изчил амалга оширилиши натижасида саноат таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган, рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаётган қайта ишлаш тармоқларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 78 фоиздан ортиғи айнан ана шу тармоқлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

- 2013 йилда юқори технологияларга асосланган машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 121 фоизга;

- курилиш материаллари саноати 113,6 фоизга;
- енгил саноат 113 фоизга;
- хизматлар ҳажми 13,5 фоизга;
- чакана товар айланмаси 14,8 фоизга;
- озиқ-овқат саноати 109 фоизга ўсди.

▪ Ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши ҳозирги вақтда 24,2 фоиздан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳолбуки, бу кўрсаткич 2000 йилда 14,2 фоиздан иборат эди.

▪ Истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш ҳажми 14,4 фоизни ташкил этди ва ялпи саноат ҳажмида уларнинг улуши 35,5 фоизга етди.

▪ Сўнгги 3 йилда мамлакатимизда маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми қарийб икки баробар ошди.

▪ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингтага етди. Бугунги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айти шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли ва 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли фармонлари ва 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янада эркинлаштирилиши ҳамда улар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳанинг янада ривожланишига ва натижада ушбу сектор субъектлари томонидан банк хизматлари ва кредитларига талабнинг ошишига имкон бермоқда.

Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, маҳсулот экспортининг 18 фоизи, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келмоқда.

Ана шу рақамлардан кўриниб турибдики, кичик бизнес шаклан кичик бўлишига қарамасдан, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришда тобора катта роль ўйнамоқда.

Иқтисодиётимиз таркибидаги чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, экспорт ҳажмини барқарор ошириш ва унинг таркибида ижобий ўзгаришларга эришишда энг муҳим омилга айланди.

- Жаҳон бозоридаги конъюктуранинг беқарорлигига қарамасдан, 2013 йилда экспорт ҳажмининг ўсиши 10,9 фоиздан иборат бўлди.

- Ташқи савдо фаолиятидаги ижобий сальдо 1 миллиард 300 миллион долларни ташкил этди.

- 2013 йилда қимматбаҳо металллар нархининг кескин пасайганига қарамасдан, мамлакатимиз олтин-валюта захираси ўтган йил давомида 2 фоизга кўпайди.

- 2013 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2000 йилга нисбатан 2,3 баробар кўпайди. Фақат ўтган йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 фоизга, жумладан, деҳқончилик – 6,4 фоизга, чорвачилик – 7,4 фоизга ўсди.

- Ялпи ички маҳсулотнинг умумий ҳажмида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улушининг камайиш тенденцияси кузатилмоқда. Масалан, 2000 йилда бу борадаги кўрсаткич 30,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда фақатгина 16,8 фоизни ташкил этди.

- Ғалла етиштириш 2000 йилга нисбатан 2 баробар, картошка – 3,1 марта, сабзавот – 3,2 баробар, узум – 2 марта, гўшт ва сут – 2,1 карра, тухум – 3,4 баробар ошди.

- Ўтган 2013 йилда 7 миллион 800 минг тонна ғалла;

- 8 миллион 400 минг тонна сабзавот;

- 3 миллион 360 минг тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилди.

- 2013 йилда хизмат кўрсатиш бўйича 13 мингдан ортиқ корхона, жумладан, савдо-маиший комплекслар, минибанклар ва суғурта компаниялари филиаллари ва бошқа корхоналар ташкил этилди.

- 2013 йил якунларига кўра, кўрсатилган хизматлар ҳажми 13,5 фоизга, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши эса 2000 йилдаги 37 фоиздан 53 фоизга ўсди.

- 2013 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилган кредитларнинг ялпи ҳажми 30 фоизга ошди.

- Ўтган йили тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса 46 баробардан зиёд кўпайди. Натижада бугунги кунда банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этмоқда, бу эса банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

- 2013 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2012 йилга нисбатан 11,3 фоизга кўпдир.

- Мамлакатимиз иқтисодиётига инвестиция киритиш ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоиздан иборат бўлди.

- 2013 йилда қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди.

- Ўтган йили биз учун энг устувор вазифа бўлмиш касб-хунар коллежларининг 500 минг нафардан ортиқ битирувчиси иш билан таъминланди.

- 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 900 дан ортиқ янги уй-жой массивлари барпо этилди, умумий майдони 4 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 33 минг 500 дан зиёд яқка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

- 2013 йилда қишлоқ жойлардаги 353 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 10 мингта шинам уй-жойлар барпо этилди, бу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 17 фоизга кўпдир.

- Ўтган йили 28 та янги касб-хунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-хунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та



болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

- Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди.

- 2013 йилда халқимизнинг реал даромадлари 16 фоизга ошди, ўртача ойлик иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар 20,8 фоизга кўпайди.

- Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда пенсияларнинг ўртача миқдори ўртача иш ҳақига нисбатан 37,5 фоизни ташкил этмоқда. Бу кўрсаткич Россияда 25,7 фоиздан, Марказий Осиё мамлакатларида эса 23-28 фоиздан иборатдир. Жорий 2014 йилда мамлакатимизда бу кўрсаткични 41 фоизга етказиш кўзда тутилмоқда.

- Оилалар даромадлари таркиби ўзгармоқда – тадбиркорликдан олинаётган даромадлар аҳоли ялпи даромадларининг ярмидан зиёдини ташкил этмоқда. Ҳолбуки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида бу кўрсаткич ўртача 20-25 фоиздан ошмайди.

- Ўзбекистонда энг паст ва энг юқори даромад оладиган аҳоли гуруҳлари ўртасидаги тафовут даражаси сўнгги йилларда 8 баробарга тўғри келмоқда. Кўпгина, шу жумладан, кўшни давлатларда бу рақам мамлакатимиздаги кўрсаткичдан бир неча баробар юқори экани, яъни ўта камбағал ва ночор аҳоли гуруҳлари ва ўта бойлар гуруҳи орасидаги тафовут ошиб бормоқда.

- 2013 йилда 2000 йилга нисбатан аҳолимизнинг истеъмол харажатлари 9,5 баробар ошди.

- Мустақиллик йилларида гўшт истеъмоли – 1,4 марта, сут – 1,3 баробар, сабзавот ва полиз маҳсулотлари – 2,6 марта, картошка – 2 баробар, мевалар истеъмоли – 6,4 карра ошди.

- 2000 йилда ҳар 100 та оилага ўртача 20 та енгил автомобиль тўғри келган бўлса, бугунги кунда бу рақам 41,4 тага етди.

Бу кўрсаткичлар энг аввало бизнинг ўз олдимизга қўйган юксак мақсад – дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидан изчил ва босқичма-босқич илгарилаб бораётганимизнинг исботи бўлиб, ана шу мамлакатлар эришган марраларга биз ҳам албатта етамиз, деган ишончни туғдиради.

- ❖ Иқтисодиётимизнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий вазифа ва устувор йўналишлари аввало бу соҳанинг юқори суръатлар билан ўсиб боришини таъминлаш, бунинг учун мавжуд барча резерв ва имкониятларни сафарбар этиш борасида қабул қилинган стратегияни давом эттиришга қаратилган.

- Ялпи ички маҳсулот ҳажмини 8,1 фоизга;

- саноатни 8,3 фоизга;
- кишлок хўжалигини 6 фоизга;
- чакана савдо айланмасини 13,9 фоизга кўпайтириш;
- бозор хизматларини 16,2 фоизга оширган ҳолда, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 55 фоизга етказиш кўзда тутилган.
- Солиқ юкини янада камайтириш, жумладан, юридик шахслар учун фойда солиғи ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга, жисмоний шахслар учун энг кам солиқ ҳажмини 8 фоиздан 7,5 фоизга тушириш мўлжалланган.
- 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизга туширилди.
- 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, республикада фаолият юритаётган барча тижорат банклари «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтингига эга бўлди.
- Молиялашнинг барча манбалари бўйича капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми 14 миллиард 300 миллион долларни ташкил этади ва бу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан 10,1 фоизга ўсиши таъминланади, асосий капиталга киритиладиган инвестициялар ҳажми ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2013 йилги 23 фоиз даражасида сақлаб қолинади.
- Барча инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш объектларини барпо этишга, капитал қўйилмаларнинг қарийб 40 фоизи машина ва ускуналар сотиб олишга йўналтирилади.
- Жорий йилда 3 миллиард 900 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш, уларнинг ҳажми ўтган йилга нисбатан 29 фоизга ўсишини таъминлаш мўлжалланган.
- Хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажмида тўғридан-тўғри инвестициялар қарийб 69 фоизни ташкил этади ва уларнинг ҳажми 2014 йилда 22,4 фоизга ортади.
- Бу йил умумий қиймати 4 миллиард 400 миллион доллар бўлган 150 дан ортиқ йирик ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш кўзда тутилган.
- Ўзбекистон бизнесни рўйхатга олиш шартлари бўйича жаҳон миқёсида 66 позиция юқорига кўтарилиб, рейтинг ўтказилган 189 мамлакат орасида 21-ўринни эгаллади, кредит ажратиш бўйича рейтингда эса 24 позиция юқорига кўтарилди.
- 2014 йилда 388 та массивда умумий майдони 1 миллион 500 минг квадрат метр бўлган 11 мингта намунавий уй-жой барпо этиш кўзда тутилган.

- 2014 йилда таълим-тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб-хунар коллежи ва академик лицейни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш мўлжалланган.

- 2014 йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

- Жорий йилда соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ажратиладиган маблағлар 407 миллиард сўмдан зиёдни ташкил этади ёки уларнинг ҳажми қарийб 30 фоизга ортади.

- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш режалаштирилган.

“Соғлом бола йили” бўйича кенг кўламли Давлат дастури қабул қилинди. Бу дастур бизнинг ана шундай ҳақиқатан ҳам буюк мақсад-муддаоларимизни рўёбга чиқаришда, ҳеч шубҳасиз, янги ва улкан қадам бўлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг дадил одимлари ва миллий иқтисодиётимиз халқаро нуфузининг ошиб бориши (жадвалларда):

<i>Йиллар</i>	<i>Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)</i>	<i>Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ (млрд. АҚШ долл.)</i>	<i>ЯИМнинг ўсиш суръати ХҚП бўйича (1990 йилга нисбатан)</i>	<i>Иқтисодиётдаги бир ишловчига тўғри келувчи ЯИМ ХҚП бўйича АҚШ долл.)</i>	<i>Фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларининг сони (минг та)</i>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг маҳсулотдаги ўлуши (фоизда)</i>	<i>Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг аҳоли бандлигидаги ўлуши (фоизда)</i>
1990		27,1	100	3412			
1991	99,5						
1995	99,1						
1996	101,7						

2000	103,8	35,3	130	3928	142,9	31,0	49,7
2001						33,8	51,8
2002					208,7	34,8	53,5
2003	104,2					35,0	56,7
2004	107,7				277,4	35,8	60,3
2005		51,7	191			38,2	64,8
2006	107,3				384,1	42,1	69,1
2007	109,5					46,6	72,1
2008	109,0				398,6	48,2	73,1
2009	108,1					50,1	73,9
2010	108,5	92,3	341	7940	435,9	52,6	74,3
2011	108,3						
2012	108,2	104,7	386	8568			
2013	108,0						

Йиллар	Асосий капиталга инвестициялар (млн. АҚШ долл.)	Давлат инвестиция дастурлари доирасида жалб қилинган хорижий инвестициялар динамикаси (фоизда)		Иқтисодиёт асосий тармоқлари бўйича ЯИМ таркиби (фоизда)			Иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари (фоизда)			
		Ҳукумат кафолати остидаги кредитлар	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Саноат	Қишлоқ хўжалиги	Хизматлар	Саноат ишлаб чиқариши	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши	Чакана савдо айланмаси	Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиши
1990	833,8									
2000	3142,5			14,2	30,1	37,0				
2005				21,1	26,3	37,2				
2006		23,7	76,3							
2007		21,2	78,8				12,1	6,1	21,0	20,6

2008		24,4	75,6				12,7	4,5	7,2	21,3
2009		15,2	84,8				9,0	5,7	16,6	12,9
2010	9712,7	16,1	83,9	24,0	17,5	49,0	8,3	6,8	14,7	13,4
2011	10800			24,1	17,5	50,5	6,3	6,6	16,4	16,1
2012	11700			24,1	17,5	52,0	7,7	7,0	13,9	14,2
2013	13000			24,2	16,8	55,8	8,8	6,8	14,8	13,5

Йиллар	Маҳаллийлаштириш дастурининг асосий кўрсаткичлари				сальдоси нисбатан (ЯИМга)	тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори	кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида яратилган иш ўринлари (бирлик)	Асосий солиқ ставкаларининг пасайиш динамикаси		
	чиқариш ҳажми (трлн. экспорт)	ҳажми (млрд. АҚШ долл.)	самараси (автомобиллар (млрд. сиз))	махслар даромадларига				махслар даромадига солиқ (энг)	микромфирмалар учун ягона	
2000								31	40	15
2001						171,5				
2002						265				
2003						282,3				
2004						353,7				
2005						464		15	29	15,2
2006						607,2				
2007				1,1	744	261000				
2008				1,5	1251	374000				
2009				0,2	1851,7	390000				
2010	5,7	3,7	2,0	0,3	2690,2	476585	9	22	7	
2011	6,9	1,0	4,1	0,4					6	
2012	8,7	1,1	4,6	0,4			9	22	5	

Йиллар	Солиқ юкининг ўзгариш динамикаси (ЯИМга нисбатан фоизда)	Экспортнинг ўсиши динамикаси (млн. АҚШ долл.)	Экспорт таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)							
			Пахта моласи	Озиқ-овқат маҳсулотлари	махсулот ва ундан тайёрланган	нефть	Қора ва рангли металллар	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқалар

1990		442,7	9,7	3,9	2,3	17,1	4,6	1,7	1,3	9,4
1991	49,1									
1992	31,6									
1993	36,0									
1994	29,2									
1995	29,8									
1996	34,3									
1997	30,0									
1998	31,0									
1999	29,3									
2000	28,0	3264,7	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	3,4	13,7	30,2
2001	25,7									
2002	25,0									
2004	22,6									
2008	23,3									
2009	22,5									
2010	22,0	13044,5								
2011	21,6		9,6	6,7	5,8	37,4	8,0	7,0	17,6	7,9
2012		13150,1								

Йиллар	Импортнинг ўсиш динамикаси (млн. АҚШ долл.)	Импорт таркиби (умумий ҳажмга нисбатан фоизда)							Ўзбекистонда галла етиштириш ҳажмининг ўсиб бориши (минг тонна)
		Машина ва ускуналар	ва ундан тайёрланган	Энергия ва нефть маҳсулотлари	Қора ва рангли металллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Хизматлар	Бошиқалар	
1990	362,9	2,1	9,7	3,1	10,2	48,9	1,5	14,5	1899
1994									2467
1998									4148
2000	2947,4	35,4	13,6	3,8	8,6	12,3	8,5	17,5	
2004									6017,1
2006									6639

2009									6637,7
2010	8799,7								6952
2012	12026,5	45,4	14,4	7,3	7,8	9,9	6,1	9,1	7500
2013									7800

Йиллар	Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб бориши (минг тонна)	Ўзбекистон яли ички маҳсулоти таркибидаги ўзгаришлар							Ўзбекистонда иқтисодий ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)
		Саноат	Қурилиш	Савдо ва умумий оёқатланиш	Соф солиқлар	Қишлоқ хўжалиги	Транспорт ва алоқа	Бошқа тармоқлар	
1990	2810								
1991									99,5
1993									97,7
1994	5517								
1996									101,7
1998	8104								104,3
2000		14,2	6	10,8	12,5	30,1	7,7	18,7	103,8
2004	6600								107,4
2005									107
2006	5412,1								107,5
2007									109,5
2008									109
2009	4500								108,1
2010	3700	24	7,7	9,2	7	17,5	12,4	22,2	108,5
2013						16,8			108,0

Йиллар	Айрим мамлакатларда ЯИМнинг ўсиш суръатлари (олдинги йилга нисбатан фоизда)	Ривожланган мамлакатларда ишсизлик даражаси (фоизда)			
		АҚШ	Япония	Буюк Британия	Германия

	<i>АҚШ</i>	<i>Япония</i>	<i>Буюк Британия</i>	<i>Германия</i>			<i>ния</i>	
2007	2,0	2,0	3,0	2,5	4,6	3,8	5,3	8,3
2008	0,4	-0,7	0,7	1,2	5,8	4,1	5,5	7,4
2009	-2,6	-5,2	-4,9	-4,7	10,0	5,4	7,6	8,0
2010	1,5	1,7	0,9	3,6	10,6	6,2	9,3	10,6

### **Назорат саволлари**

1. “Ўзбек модели” иқтисодий ислохотларнинг назарий концептуал асосидир. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.
2. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари.
3. Иқтисодиёт ва сиёсий тизим муносабатлари ёхуд Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.



#### **4-МАВЗУ: Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислохотларнинг назарий концептуал асослари**

##### **РЕЖА**

1. Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислохотлар
2. Ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва унинг босқичлари
3. Маънавиятни юксалтириш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги назарий концептуал масалалари
4. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.
5. Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Унинг назарий асослари ва амалий натижалари.

Фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим вазифаларидан бири маърифат ва маънавият соҳасида тинимсиз иш олиб бориш, шахсни мунтазам такомиллаштириб боришга интилишдир. И.А. Каримовнинг фикрига кўра, бу доимий талаб, тамойилга, жамиятни ривожлантиришнинг асосига айланиши, яхлит фаолият тизимини ташкил этиш ва унда маънавият-ахлоқ-маърифат энг муҳим ўринни эгаллаши керак. Инсон маърифатли бўлсагина, демократия неъматларининг шунчаки истеъмолчиси эмас, фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айлансагина, фақат шу ҳолда уни чинакам фуқаро деб аташ мумкин, фақат шундагина демократияни, фуқаролик жамиятини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун имкониятлар пайдо бўлади.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим вазифаларидан бири одамлар онгини, маънавиятини ўзгартиришдир. Шу боис, тараққиётнинг турли даврларида адолатли ва маърифатли жамият барпо этиш масаласини таҳлил этган алломалар Суқрот, Афлотун, Арасту, Форобий, Ибн Сино, А.Навоий ва бошқалар бундай жамиятни фақат моддий негизларга таяниб, маънавий кадриятларни эътиборга олмасдан барпо этиб бўлмаслигини асослаб берганлар. Масалан, Суқрот Афина демократияси ҳақида фикр юритиб, унинг манбаи фақат ҳокимият ва моддий неъмат эмас, у ҳар бир фуқародан улкан масъулият, тинимсиз машаққатли меҳнат, юксак маънавият ва билим талаб этишини уқтиради. Шу муносабат билан, бугунги кунда фуқаролик жамиятининг етакчи институтлари – нодавлат, ноҳукумат ташкилотлари, жамоат уюшмалари, ОАВ, маҳалла фаолиятини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни замонда моддий ва маънавий жараёнларнинг ўзаро мутаносиб тарзда ривожлантирилаётгани, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, тараққиётнинг мустаҳкам гарови бўлиб,

«Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалиётга изчил тадбиқ этилишигина хизмат қилмоқда.

Фуқаролик жамияти – комил фуқаролардан, яъни узвий боғлиқликда бўлган ҳамда ахлоқий маданиятга таянадиган ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга одамлардан иборат жамият. Жалолиддин Румийнинг фикрича: «Комил инсоннинг асосий белгилари қуйидагилар: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф». Ушбу жамият нафақат ўзининг сиёсий, маданий ҳаётини, балки ижтимоий, иқтисодий ҳаётини ҳам бошқариб туради. Ҳамма жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти эмас. Фуқаролик жамияти анча юксак даражадаги ижтимоий ривожланиш кўрсаткичидир.

Демократик, фуқаролик жамиятини қуришнинг маънавий асослари хусусида гап кетганда, моддий ҳаётга тааллуқли бўлган, шунингдек, тааллуқли бўлмаган, аммо маънавий ҳаётнинг ривожланишига таъсир кўрсата оладиган барча омиллар, жумладан, давлат сиёсатининг таълим, маданият, мафкура соҳасидаги концептуал назарий жиҳати ҳам назарда тутилади.

Фуқаролик жамиятини қуришнинг маънавий асослари мураккаб тузилишга эга бўлиб, унинг таркибий қисмлари шаклан, мазмунан, шунингдек вазифаларига кўра турличадир. Агар маънавий асослар ўз моҳиятига кўра фуқаролик жамиятини қарор топтириш, мустаҳкамлаш ва янада ривожлантиришга хизмат қиладиган миллий туйғулар, ғоялар, назариялар, қарашлар, тамойиллар, ижтимоий кўрсатмалар ва олий мақсадлар тизимидан иборат бўлса, намоён бўлишига кўра улар маданий меросда, ғоявий-тарбиявий сиёсат ҳамда жамоат институтлари фаолиятида «моддийлашади». Маънавий асослар – бу, энг аввало, шахс ва жамиятнинг табиатга, инсонга, ижтимоий ҳодисаларга муносабатидир. Бу муносабатлар оқилона ишонч, иймон-эътиқод, юксак маънавиятга таяниши лозим.

Маънавий асослар, биринчи навбатда, воқеликка фаол муносабат, муайян мақсадларга интилиш, ўз фаолиятини уларга мос равишда ташкил этишдан бошланади.

- ❖ Маънавий асослар тўрт негизга таянади:
  - умуминсоний қадриятларга содиқлик;
  - халқнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
  - инсоннинг ўз имкониятларни эркин рўёбга чиқариши;
  - ватанпарварлик<sup>14</sup>.

Умуминсоний қадриятларга содиқлик – бу шаклланаётган фуқаролик жамиятининг ижтимоий мақсадлари, давлат маънавий сиёсатининг мазмуни

---

<sup>14</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент: Ўзбекистон, 1993. – Б. 74.

демак. Зеро, юксак иқтисодиёт ва маданиятга эга бўлган фуқаролик жамиятини қуриш учун жаҳон ҳамжамиятининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт билан боғлиқ барча соҳаларда эришган энг илғор ютуқларни ўзлаштириш, миллийликни умуминсонийлик билан бойитиш зарур. Маънавий меросни англаш ҳам фуқаролик жамиятини қуришнинг маънавий асоси бўлиб хизмат қилади. Негаки, у миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор, миллий ўзига хосликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, умумжаҳон тараққиёти жараёнида ўз ўрнини аниқ белгилаб олишга хизмат қилади. Ватанга муҳаббат, у билан фахрланиш, унинг йўлида ўзини қурбон қилишга тайёрлик, унинг гуллаб-яшнаши тўғрисида ғамхўрлик қилиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосларидан бири бўлган ватанпарварликнинг намоён бўлиш шаклларида хисобланади. Тўғри анланган, миллатчилик ва миллий маҳдудликдан озод бўлган ватанпарварлик – фуқаролик жамияти қурилишининг ижтимоий мақсадларидан саналади. Миллий манфаатларни замон талаблари билан уйғунлаштира билиш ҳам фуқаролик жамияти қурилишининг маънавий асослари сирасига киради.

Фуқаролик жамиятининг маънавий-ахлоқий асосларидан бири фуқаролик маданияти хисобланади. «Фуқаролик маданияти» тушунчаси ижтимоий ҳаётнинг фуқаролик соҳасидаги ижтимоий қатламлар манфаатларини бутун хилма-хиллиги билан қамраб олади. Фуқаролик маданияти ранг-баранг ижтимоий ҳаётнинг, фуқаролар ҳуқуқларининг инъикоси бўлиб, фуқаронинг ижтимоий мақомини тасдиқлашга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Мазкур тушунча индивиднинг ижтимоий вазифалар, ижтимоий муаммоларни англаш даражасини, бу вазифаларни амалга оширишда унинг нечоғли фаоллигини акс эттиради. Шахс манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари миллий ҳуқуқ ва манфаатлардан устувор бўлмас экан, фуқаролик маданияти ҳам мавжуд бўла олмайди.

Умуман, фуқаролик маданияти фуқаролик жамиятининг энг асосий қадриятларини белгилаб беради, бу жамият унинг аъзолари юксак фуқаролик маданиятига эга бўлгандагина шаклланиши мумкин.

1995 йил 5 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясидаги нутқи («Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»)да И.А. Каримов Ватанни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, керак бўлса, жонажон тупроқ учун жонимизни ҳам қурбон қилишдек буюк инсоний фазилатларни фахрийларимиздан ўрганишимиз керак, деб уқтиради. Фитрат ўз шеърида Ватанни саждагоҳга қиёсалаган эди, ҳақиқатан ҳам, Ватан ҳисси, Ватан тушунчаси биз учун муқаддас, саждагоҳ сингари пок ва буюк бўлиб қолиши лозим.

Маънавият соҳасида 1996 йил ўзбек халқининг улуғ фарзанди, машхур саркарда ва давлат арбоби Амир Темурнинг юбилейи шиори остида ўтди. ЮНЕСКОнинг бу санани бутун дунёда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорини бизнинг қадим тарихимиз ва маданиятимизга эътибор, Ўзбекистоннинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси сифатида қабул қиламиз. Мазкур ташкилотнинг Париждаги қароргоҳида йил бошида ўтказилган тадбирлар ўнлаб мамлакатларда илмий ва китобхонларнинг анжуманлари, кўргазмалар, ҳамкорликда қўйилган театр ва кино томошалари шаклида давом эттирилди. Буюк давлат арбобининг Ватанида Соҳибқиронга маҳобатли ҳайкаллар ўрнатилди, шунингдек, темурийлар даври тарихи музейи барпо этилди.

Халқимизнинг маънавий ривожланишига катта аҳамият берган ҳолда 1997 йилни «Инсон манфаатлари йили» деб аталди ва халқимизнинг маънавий ҳамда ижтимоий эҳтиёжлари билан боғлиқ муаммоларни янада кенгроқ миқёсда ҳал этиш мақсад қилиб қўйилди.

И.А. Каримовнинг фундаменталь асарларидан бири «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида маънавий кадриятлар ва миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши тараққиётнинг шартлари ҳамда кафолатларидан бири эканлиги қайд этилади. Унинг фикрича, миллий-тарихий ва маънавий-ахлоқий асосларга таянмай туриб, ривожланган демократик жамият куриб бўлмайди. Ўзбекистонда демократик жамият курилишининг миллий пойдевори – ўзбек халқининг Руҳи, унинг маънавий орзу истакларидир.

Бунда чуқур миллийлик ва умуминсонийлик бир-бири билан чамбарчас тутшиб кетган. Республика ҳудудида яшовчи халқлар ягона фикрлаш тарзига, ягона ахлоқий заминга эга бўладилар.

Ислоом Каримов тарихий хотирасиз халқ ҳам йўқликка юз тутишини кўп маротабалаб такрорлайди. Ўзбекистонда демократик жамият куришнинг тарихий асоси – буюк аجدодларнинг фаолиятлари ва қахрамонликларидир.

Буюк аждодларимиз: Имом Бухорий, Ат Термизий, Нақшбандий, Яссавий, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқалар ўзбек халқининг ифтихори, уларнинг жаҳон тамадуни ривожига қўшган улкан ҳиссалари оламшумул аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг маънавий асоси, Президентнинг таъкидлашича, ер ва сувга эҳтиёткорона муомалада бўлиш, оила ва қариндошчилик муносабатларини муқаддас билишдан иборат.

Ер, ҳаво, сув, олов, қуёш қадимдан Марказий Осиёда кадрланиб келинган. Замонавий Ўзбекистон ҳудудида мавжуд бўлган барча динлар уларга алоҳида эҳтиром билан қараганлар. Бу динлар кишиларни

дарёларнинг софлиги ҳамда тупроқнинг ҳосилдорлиги ҳақида ғамхўрлик қилишга чақирган.

Ўзбек учун «Дарахт ўтқозиш, уй қуриш, фарзандни улғайтириш» деган ҳикмат шунчаки оддий сўзлар эмас. Бу сўзларга ўзбек ўз ҳаётининг мазмуни деб қарайди. Асрлар давомида ўзбеклар ўз фарзандларини худди шундай тарбиялаганлар: фақат меҳнат, меҳр-муҳаббат ва ҳурмат орқали тан кучи, руҳий қатъийят, бугунги кунга ишонч, келажакка умид ҳисларига эришиш мумкин. Ота-оналар шуни чуқур англаганларки, аёл эркакка фақат табиий эҳтиёж ёки насли давом эттириш учунгина керак эмас, оила унинг янада кучли, ақлли, меҳнатга лаёқатлироқ бўлиши, маънавий, руҳий ва жисмоний жиҳатдан ривожланиб бориши учун зарур. Оила уни доимо ёмонликдан, ёлғондан, ўғрилиқ қилишдан қайтариб туради, аёл ўзининг хатти-ҳаракатлари ва меҳрли сўзи билан уни шафқатлироқ, олижаноброқ, болалар эса чидамлироқ, меҳнатсеварроқ бўлишга, келажакка ишонч билан қарашга ундайди. Хотин – садоқатли дўст ва ёрдамчи, у эркакнинг турмушини изга солиш билан бир қаторда у билан елкама-елка меҳнат қилади. Болалар, кичикликдан мол боқадилар, мева-чева терадилар, тегирмон тошларини ва кулол дастгоҳини айлантирадилар. Бу ўзбек оиласининг турмуш тарзи, ҳам оиладаги ҳар бир киши учун кучли тарбия намунасидир. Бунда моддий жиҳат кўп ҳолларда оиланинг вазифаларини белгилайди: болага таълим бериш, унинг бўлажак оиласи учун уй қуриш, унинг келажаги учун сармоя тўплаш, маҳаллада оиланинг обрў-эътибори масаласини ҳал этиш йўллари билан бири сифатида яхшилаб тўй ўтқозиш керак. Шарқда, умуман, оила юксак қадрланади. Шу маънода ўзбек оиласини муносиб ибрат деб қараш мумкин. Катталарга ҳурмат, ўзаро ёрдам, болалар ҳақида ғамхўрлик – булар оила ва қариндошчилик муносабатлари маданиятининг асосий тамойилларидир.

Ислом Каримов мустақил ривожланишнинг беш йиллик, жуда аччиқ тажрибасини чуқур таҳлил қилади. Мулоқот тарзида йўқотишлар ҳақида ҳам, муваффақиятлар ҳақида ҳам фикр юритади.

Бу давр мобайнида яшаб ўтилган ҳар бир йилни аҳамиятига кўра тарихимизнинг ўн йилликларига, балки асрларига тенглаштириш мумкинлигини бизнинг мамлакатимиз, халқимиз ўша пайтда англаб етмаган. Мавзунинг ўзи – хавфсизлик, барқарорлик, мамлакатни бир маромда ривожлантиришга эришиш учун ислохотларни амалга ошириш зарурати ва шу асосда халқимизнинг фаровонлиги, муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашга интилиш – булар, моҳиятан, асосий мақсад, давлат мустақиллиги, халқнинг озодлиги ва тенглигига эришиш мақсадидир. Бу улўғ мақсадга эришиш йўлида турган муаммо ва хатарларни аниқ тушуниш жамиятни бирлаштиради, ҳар бир кишига ўз ўлкаси, жонажон тупроғи тарихи ва ҳаётига оид воқеаларга

нисбатан масъулиятини, уларга бевосита алоқадор эканлигини мулоҳаза қилиб кўриш ҳамда янада чуқурроқ ҳис этиш имконини беради. Мана шуни англашгина янгиликни ва ислоҳотлар йўлидан ўтиш босқичида қийинчиликлар ҳамда йўқотишларни енгишда инсонга куч-қувват ва бардош ато этиши мумкин. Бу тупроқда яшайдиган ҳар бир киши мазкур китобни ўқиб чиққач, Ватанимиз, Ўзбекистонимиз тарихини, у эга бўлган бойликлар ва улкан имкониятларни хаёлан кўз олдига келтирар экан, чексиз фахр туйғусини ҳис этиши шубҳасиз. Бизнинг ҳар биримиз халқимизга, ўз меҳнати, фидокорлиги билан мамлакатимизнинг моддий ва маънавий бойликларини яратаётган кишига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишимиз керак.

Ислом Каримовнинг фикрича, фарзандларимиз биздан бу ўлкани, бу муқаддас тупроқни янада бой, кучли, қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари, биз қалбимизда аждодларимизга нисбатан қандай миннатдорлик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, улар ҳам бизга нисбатан худди шундай туйғулар билан яшашлари учун қўлимиздан келганча ҳаракат қилишимиз шарт. Биз ўрнимизни эгаллайдиган ёш авлод олдидаги, ушбу мураккаб, ҳодисаларга тўлган даврда пойдеворини қурганимиз, янги уйни кўтариш ҳамда обод қилиш зиммасига тушадиганлар олдидаги масъулиятни бирор лаҳза ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Фанда мафкурага, муайян ижтимоий гуруҳ ё қатламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир, деб таъриф берилган. Мафкура ҳар қандай жамият учун зарур. Мафкурасиз одам, жамият ва давлат ўз йўлидаги мўлжалларни йўқотади. Қаерда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлса, ўша ерда бошқа мафкура ҳукмронлик қила бошлайди. Ғоявий қурооллар ядро қуроолларидан каттароқ кучга эга.

❖ Давлатимиз бошлиғи «Жамиятимиз мафкураси халқни халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин» номли китобида ўз олдида шундай саволлар қўяди: миллий ғоя, миллий мафкура қандай талабларга жавоб бериши, унинг негизидан нималар жамланган бўлиши керак?

Бу саволларга у шундай жавоб қайтаради:

○ биринчидан, миллий мафкура, аввало, бутун жамият олдида турган олий мақсад ҳамда вазифаларни қамраб олиши, халқнинг маънавий ўзига хослиги, кўп асрлар, ҳатто минг йиллар давомида шаклланган муқаддас анъаналари ва орзу-истакларининг алоҳида, ноёб жиҳатларини акс эттириши лозим;

○ иккинчидан, жамиятимизда кўпчиликни ташкил этган турли-туман ижтимоий гуруҳлар ва тоифаларнинг қарашлари, ҳаётдаги ўрни,

интилиш ҳамда орзу-умидлари қанчалик хилма-хил бўлишидан қатъий назар, ягона мафкура уларни ўз миллий байроғимиз атрофида бирлаштириши, халқ ва давлатнинг олий манфаатлари, мақсадлари устуворлигини таъминлаши лозим;

○ учинчидан, бизнинг миллий мафкурамиз тажовузкор миллатчилик, экстремизм ва шу каби иллатларнинг ҳар қандай кўринишларидан, бошқа миллат ва халқларга беҳурматлик билан, камситиб муомала қилиш сингари қусурлардан холи бўлиши, қўшни давлатлар ҳамда халқлар орасида, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда обрў-эътибор топишимиз учун ишончли таянч бўлиб хизмат қилиши зарур;

○ тўртинчидан, миллий ғоя, юксак маънавий ва умуминсоний қадриятлардан келиб чиқиб, ёш авлодни ватанпарварлик, ўз тупроғи ва она юртига садоқат руҳида тарбиялашдек олижаноб ишда донишмандлик, куч-қудрат манбаи бўлиши жоиз;

○ бешинчидан, у бизнинг жонли ўтмишимиз ҳамда буюк келажагимизни узвий боғлаши, шу билан бирга, жаҳон маданияти ва тараққиёти ютуқларини эгаллаб олишимиз учун кенг имкониятлар очиб бериши керак.

Миллий ғоя олий мақсадга эришиш – келажаги буюк давлатни шакллантиришда бизга янги куч беради, қалбимиздаги ишонч ва интилишларимизни мустаҳкамлайди. Миллий ғоя халқни бирлаштиришнинг ноёб қуролидир. Шундай мафкурага эга бўлган халқ ўз олдига буюк мақсадлар қўйиши ва уларга эришиши мумкин. Халқимизнинг, миллатимизнинг ҳамжиҳатлиги, бирлиги – тараққиёт омили.

Абдулла Авлоний шундай деган эди: «... тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур». Таълим ва тарбия билиш маҳсули ҳисобланиб, айна вақтда онг ва унинг ривожланиши даражасини белгилайди. Таълим ва тарбия тизимини қайта қурмай туриб, онгни ўзгартириб бўлмайди, онг ўзгармас экан, демак, энг олий мақсадга эришиш – эркин ва фаровон жамият ҳам қуриш мумкин эмас. Таълимнинг янги модели жамиятда эркин фикрлайдиган шахснинг шаклланишига олиб келади.

Шундан сўнг И.А. Каримов биз ўз олдимизга фуқаролик жамиятини қуриш мақсадини қўйганимизга диққатини қаратади. Бу йўналишда дастлабки қадамлар қўйилди. Унинг ишончи комилки, ўтиш даврида зарур бўлган кучли давлатнинг вазифалари ҳамда хусусиятлари кучли жамият тасарруфига ўтади. Муҳим назарий аҳамиятга эга бўлган мазкур қоидани ҳар томонлама ёритиш, унинг амалий фаолиятига жорий этилиши бугунги кунда сиёсатнинг жуда долзарб вазифасига айланмоқда. Мазкур вазифанинг шакл-шубҳасиз аҳамиятини жамиятимиз ривожининг стратегик мақсадлари тақозо

этади. Шуни яхши англаб етиш керакки, фақат умумий ва махсус билимларга эга бўлган, ҳар хил «изм»лардан холи фикрлашга қодир кишиларгина фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга ўз хиссаларини қўша оладиган миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштириш зарурлигини чуқур тушунадилар. Жамиятимиз мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсоннинг ҳаётий манфаатларини ифодалар экан, тинч, осойишта, фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги халқимиз учун куч-қувват манбаи бўлиши лозим. Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимиз минтақа бўйича қўшни давлатлар орасида ўзига муносиб ўрин эгаллаб, жаҳон ҳамжамиятидаги ўз аҳамиятини англаб олиши, ўз халқи танлаган йўлдан ишонч билан қадам ташлаб, аста-секин белгилаган мақсадларига эришиши учун хизмат қилиши керак.

И.А. Каримов миллий ғоянинг моҳияти ва мазмунини очиб беради, унинг кишилар онгига сингиб, уларни билимлар билан қуроллантириши, ватанпарварлик, ўз юртига садоқат руҳида тарбиялаши Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнларини таъминлашда катта рол ўйнашини тушунтиради.

Ривожланган демократик жамиятларнинг мафкуравий асослари сифатида либерализм, консерватизм ва ижтимоий-демократизм ғоялари хизмат қилган. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши ғоясининг асоси миллий ғоядир.

❖ Миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиши бир неча босқичда амалга ошди.

➤ Биринчи босқич – ғоявийликка барҳам бериш тоталитар тузумнинг ғоявий ақидаларидан тезроқ қутулиш мақсадини кўзлаган. Мустақилликнинг янги кадриятларига асосланган мутлақо янги мафкурани шакллантиришга кўмаклашувчи янги ғоявий қарашлар юзага кела бошлади. Миллий ривожланиш – «Ўзбек модели»га оид тамойиллардан бири – «ғоявийликни бартараф этиш» жамиятни тубдан қайта қуришда мустақил демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда, шубҳасиз, ижобий аҳамиятга эга бўлди. Шу билан бирга, «ғоявийликни бартараф этиш» эски шўровий қарашлар ўрнида янги мафкура яратилмагунига қадар маълум даражада «ғоявий бўшлиқ» пайдо бўлишига олиб келди. Натижада бу бўшлиқни ўз ғоялари билан тўлдиришга ҳаракат қиладиган турли-туман, айниқса, диний йўналишларнинг (хусусан, ваҳҳобийликнинг) интилишлари кучайиб кетди.

Мустақилликка эришилгандан кейин 2-3 йил ўтгач, жуда муҳим ҳақиқатни англаб етишдан бошланди: иқтисодий ислоҳотлар ғоявий жиҳатдан таъминланганидагина қутилган натижаларни бера олади.



Миллий ғоянинг яхлит концепцияси бой маънавий, ахлоқий, фалсафий, сиёсий мерос, халқнинг тарихий хотираси, уларнинг кўп асрлик ақлий анъаналари ҳамда жаҳон тараққиёти тажрибаси сингари миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида шакллантирилди.

Шунингдек, янги ғоявий концепциянинг назарий-методологик манбалари: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, тараққиётнинг «Ўзбек модели»га оид бўлган дунёга маълум беш тамойил, XXI аср бўсағасида давлат стратегиясининг олти устувор йўналиши, либераллаштириш ғояси ҳисобланади. Реал ҳаётда бугуннинг ўзидаёқ мафкура давлат сиёсати мақомини олди ва бутун жамиятни асосий мақсад – мустақиллик ҳамда миллий тараққиёт атрофида бирлаштиришнинг омили сифатида яратувчанлик йўналиши билан ажралиб туради.

Мамлакат Президенти битта ғоя, бир мафкура ҳокимлик қилган жойда тенглик ва адолат бўлмаслигини қайта-қайта уқтиради. Ўзбекистон Республикаси Асосий Қонунида қайд этилишича, гарчи ҳеч қандай давлат ўз мафкурасисиз яшай олмасда, бирорта мафкура давлатники бўлиши мумкин эмас.

❖ Республикада давлат мафкураси йўқ.

✓ Биринчидан, кўппартиявийлик шароитида (Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия фаолият кўрсатмоқда) ҳар бир партия ўз ғоявий қарашларига, ўз сиёсий дастури ва мақсадига эга.

✓ Иккинчидан, сиёсий кўп овозлилик (сиёсий плюрализм), демократик қадриятлар, фуқаролик қурилиши тамойиллари бу доктриналарнинг бирортасини жамиятда ҳокимлик қилишига йўл қўймайди.

Жамиятнинг ғоявий асоси, одатда кўп вариантликдан иборат. Кўпчилик мутахассислар ва сиёсатчиларнинг хулосасига кўра, ҳеч бир давлат ўз қадриятлари ва ғоявий асосларисиз мавжуд бўла олмайди.

Демократик жамиятда қандайдир бир мафкуранинг ҳокимлигига йўл қўйилмайди. Лекин умуммиллий хусусиятга эга бўлган мафкура мавжуд бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мафкурасиз кишилар, жамият, давлат ўз йўлидаги мўлжалларини йўқотишини, мафкура – бу миллат, жамият, давлатни бирлаштирувчи байроқ, бу халқнинг иймон-этиқоди, келажакка ишончи, давлат ва жамият қурилишидаги маънавий-ахлоқий қувват манбаи эканлигини қайта-қайта таъкидлаб келмоқда.

Ўзбекистонда миллий ғоя ана шундай мафкурага айланди. Ҳеч бир тараққий этган жамият ўз қарашлари, ғоялари, мафкураси ва тамойиллари тизимисиз, яъни яхлит мафкуравий концепциясисиз мавжуд бўла олмайди. Зеро, айнан шулар орқали кишиларнинг борлиққа, бир-бирларига бўлган муносабатлари, ижтимоий муаммо ва зиддиятлар, ижтимоий-сиёсий

фаолиятнинг мақсадлари англанади, баҳоланади. «Мафкура дунёга ҳокимлик қилади» деган белгиловчи тамойилга риоя қилган ҳолда Ўзбекистонда мафкура мавжуд борлиққа ёндашиш усули сифатида тушунилади. Ғоявийлик назарияси жамиятда кенг тарқалиб, одатдаги онг даражасига мослашар экан, тегишли тарзда унга таъсир кўрсатиши, мутлақо ўзгача дунёқарашни шакллантириши, ижтимоий психологияни ўзгартириши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида либерал-демократик мафкуранинг маълум ақидалари ўз аксини топган. Булар – истиқлол, халқ ҳокимияти ғоялари, инсон ҳуқуқлари концепцияси, демократик ҳуқуқий ижтимоий давлат назарияси, ҳокимиятларнинг бўлиниши назарияси, сиёсий ва мафкуравий плюрализм тамойили, хусусий мулкни муҳофаза қилиш ва ҳ.к.

Миллий мафкура ниҳоятда бой маънавий, ахлоқий, фалсафий, сиёсий ва ҳуқуқий меросимиз, халқнинг тарихий хотираси, унинг кўп асрлик интеллектуал анъаналари ва жаҳон тараққиёти тажрибаси каби миллий ҳамда ижтимоий қадриятларга асосланади.

Миллий мафкура концепциясининг назарий-методологик манбаи қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, дунё аҳлига маълум бўлган ривожланишнинг «Ўзбек модели»га хос беш тамойил, ХХI аср остонасида давлат стратегиясининг олти устувор йўналиши, бозор муносабатларининг миллий концепцияси, ривожланишнинг эволюцион йўли, либераллаштириш мафкураси, шунингдек, назарий-методологик тафаккурнинг бугунги кундаги энг янги ютуқлари ҳамда жаҳон хазинасида мавжуд ижобий мафкуравий тизимлар. Натижада миллий мафкура миллат, жамият, давлатнинг бирлаштирувчи байроғига айланиб, халқнинг маънавий-ахлоқий, маърифий такомилга ёрдам бермоқда. Ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, ахлоқий жиҳатдан баркамол, маънан бой, маърифатли жамият демократик ривожланишнинг барча ижобий жиҳатлари қадрига етади, аксинча, маърифатдан йироқ, жоҳил кишилар авторитаризмни, тоталитар тизимни афзал кўрадилар.

Мустақилликка эришилгач, халқнинг ўз Ватанини, унинг тили, маданияти, қадриятлари, ўтмишини билишга қизиқиши ортади. Бу – табиий ҳолат. Ҳар бир инсон ўз келиб чиқишини, аждодлари кимлар эканини, ўзи туғилиб ўсган қишлоғи тарихини, бир сўз билан айтганда, Ватани тарихини билишни истади. Бугунги кунда бутун дунё Ўзбекистон, деб аталмиш юрт фақат Шарқнинг эмас, балки жаҳон цивилизациясининг бешиги бўлганлигини тан олмақда. Бу қадим ва муқаддас тупроқ буюк олимлар, мутафаккирлар, сиёсатчилар, саркардаларни етиштирган. Дунёда бундай бой меросга эга бўлган халқлар унчалик кўп эмас.

И.А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» китобида, унинг фикрича, аجدодларимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибасини акс эттирган нодир қўлёмаларни, уларнинг диний, маънавий, илмий қарашларини жамлаган ёдгорликларни жиддий ўрганиш мавриди келди. Бунинг бари халқнинг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ақл-идроки ва юрагига чуқур сингиши лозим. Шунинг учун ҳам тарихий ҳақиқатни билишга, эндиликда мустақиллик туфайли яққол намоён бўлаётган ўзликни англашга интилишни қондириш шарт.

Олимларимиз ўтмишнинг турли даврлари ҳақида илмий ишлар қилмоқдалар, ёзувчилар тарихий мавзуларда йирик насрий, шеърий, драматик асарлар яратмоқдалар, оммавий ахборот воситалари маънавий қадриятларимизни кенг тарғиб этмоқдалар, суҳбатларда, баҳсларда хилма-хил мулоҳазалар ўртага ташланяпти. Ёшларимизнинг миллат, Ватан тақдири учун ўзларини шахсан масъул билиб, бундай баҳсу мунозараларда иштирок этишлари Давлатимиз бошлиғини айниқса қувонтиради.

Бироқ, И.А. Каримовнинг фикрига кўра, ўзбек халқининг ўтмиши, унинг маънавияти ва ўзига хослиги ҳақида сўз борганда, бизда чуқур илмий асосга эга бўлган тахмин, яхлит концепция етишмайди, муайян масалаларга аниқ ёндашув кўзга ташланмайди. Ўзликни англаш тарихдан бошланади. Исбот талаб қилмайдиган бу ҳақиқатни давлат сиёсати даражасига кўтариш керак. Давлатимиз раҳбари шуни алоҳида таъкидладикки, биз уйғун ривожланган шахс тарбиясини давлат сиёсатининг устувор йўналиши, деб эълон қилдик. Уйғун ривожланган инсон хусусида гапирганимизда, биз ақл-заковатли, билимдон, маърифатли, юксак онгли, мустақил фикрлай оладиган, ўзгалар учун ибрат бўладиган кишиларни назарда тутамиз. Онгли, маърифатли инсонни шубҳали сафсатабозлик билан алдаб бўлмайди. Ўзбекистон эркин жамият қурмоқда. Биз учун ёпиқ мавзулар йўқ. Бизнинг умумхалқ минбаримиз бор – телевидение, радио, матбуот. Соф ниятли кишилар учун чегарамиз ҳам ҳар доим очик. Хориждан бизга меҳмонлар келади, биз ҳам чет давлатларга чиқамиз. Бизда тез-тез халқаро анжуманлар ўтказиб турилади. Бизга билимли, ақлли, ўқимишли кишилар, ана шу анжуманларда исталган соҳа – иқтисодиёт, сиёсат, тарих, маданият оламининг етакчи олимлари билан бемалол мулоқот қила оладиган инсонлар керак. Маърифат, маорифга алоҳида эътибор берилаётганининг сабаби ҳам шу. Ақлли, саводли кишиларни тарбиялаб етиштира олсаккина, ўз олдимизга қўйган мақсадларимизга эриша оламиз, фақат шундагина мамлакатда хотиржамлик ва тараққиёт ҳукм суради. Айнан шу сабабдан мамлакатда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, унинг вилоят ва туман бўлимлари ташкил этилди.

И.А. Каримов шундай саволлар беради: тарих бизнинг маънавиятимизда қандай ўрин тутади? Тарихни билмай туриб, юксак маънавиятга эришиб бўладими? Ва шундай жавоб қайтаради: албатта, мумкин эмас. Маънавиятни тиклаш, туғилиб ўсган юртингда бошни мағрур кўтариб юриш учун, шубҳасиз, тарихий хотира жуда зарур.

И.А. Каримов Ўзбекистон тарихини сохталаштирувчи чет эллик мутахассисларни кескин танқид остига олади. Айниқса, 1924 йилгача Ўзбекистонда давлатчилик мавжуд бўлганини, ўзбеклар хуннларнинг авлоди эканини инкор этувчиларни, Амир Темурнинг обрў-эътиборини пасайтирувчи, уни буюк саркарда, лекин қонхўр ҳукмдор, деб ҳисобловчиларни. Қонхўр одам «Куч адолатдадир» деган сўзларни айта олмайди. Ўзбекистоннинг обрўсини юксалтириш ҳақида сўз юритадиган бўлсак, биз қандайдир ном-нишонсизларнинг эмас, Беруний, Ал-Бухорий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур ворислари эканлигимизни таъкидлашни истаймиз.

Ҳар бир халқ ўз тарихини асраши ва ҳимоя қилиши керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, тарихий хотирасиз келажак йўқ.

И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 14 апрелда бўлиб ўтган 1-чақириқ 14-сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» мавзусидаги сўзлаган маърузасида устувор йўналишлардан бири – жамиятимизнинг маънавий жиҳатдан янада янгиланиб боришидир, деб уқтиради. Маънавият – одамни маънавий янгиланиш ва ўсишга, ўз ички дунёсини бойитишга, иродани, қарашлар яхлитлигини ўстиришга йўналтирувчи ички кучдир.

Маънавият бу кишининг ўзлигини, ўзининг жамиятдаги ўрнини чуқурроқ билиб олишга интилиши ҳисобланади. Бу кишиларнинг сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий онги даражасининг ошиши демак.

Президент эркин фуқаро, шахснинг маънавиятини шакллантириш, озод, ҳар томонлама ривожланган, ўз ҳуқуқларини яхши биладиган, ўз куч ва қобилиятларига таянувчи, атрофида содир бўлаётган воқеалар ҳақида мустақил фикрига эга бўлган, шу билан бирга, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғунлаштира оладиган одамларни шакллантириш вазифасини қўяди.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги устувор йўналишлардан бири – кадрлар тайёрлаш масаласидир.

Ислом Каримовнинг фикрича, қандай вазифалар, қандай муаммоларни ҳал этишга тўғри келмасин, пировард натижада ҳаммаси кадрлар масаласига бориб тақалади. Мамлакатнинг келажаги тўлиғича эртага бизнинг ўрнимизни эгаллайдиганларга, биз тайёрлаган кадрларга боғлиқ. Президент Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий

дастурини амалиётга татбиқ этишнинг улкан аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтган. Унинг фикрига кўра, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг жорий этилиши стратегик мақсадга эришиш – гуллаб-яшнаётган кучли демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асоси бўлиши зарур.

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил январда бўлиб ўтган иккинчи чақириқ I сессиясида И.А. Каримов қилган «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз» мавзусидаги маърузасида маънавий соҳада амалга оширишимиз лозим бўлган устувор вазифаларга:

- биринчидан, миллий кадриятларни изчиллик билан тиклаб бориш;
- иккинчидан, ҳар бир фуқаронинг ўз фикрини эркин ифодалаш ва ҳимоялаши;
- учинчидан, динимизга ҳурмат ва садоқат;
- тўртинчидан, жамиятимиз ҳаётида оила, оналар ва аёллар мавқеини ошириш ишларини янада юқори даражага кўтариш;
- бешинчидан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқариш;
- олтинчидан, Ўзбекистонда яшовчи барча халқларнинг тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналари ривожига кўмаклашиш;
- еттинчидан, ўзига хос инсоний кадриятларни бойитиш ҳамда амалий фаолиятлар орқали мустаҳкамлашни киритади.

2002 йил 29 августда ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ IX сессиясида қилган «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги маърузасида И. Каримов шахснинг маънавий ва маърифий тарбияси, унинг мунтазам такомиллашуви соҳасида узлуксиз иш олиб бориш фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми эканлигини таъкидлади. Инсон маърифатли бўлсагина демократия неъматларининг шунчаки истеъмолчиси эмас, фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айлансагина, фақат шу ҳолда уни чинакам фуқаро деб аташ мумкин, фақат шундагина демократияни, фуқаролик жамиятини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш учун имкониятлар пайдо бўлади. Бу жамиятни ривожлантиришнинг негизи, тамойили, доимий талабига айланиши, яхлит амаллар тизимини ҳосил қилиши, маънавият-ахлоқ-маърифат унда марказий ўринни эгаллаши лозим.

Шундай ҳақиқатни унутмаслик керак: қайси қишлоқ, шаҳар, вилоятда ижтимоий соҳага мунтазам эътибор бериб келинаётган бўлса, шу ерда одамларнинг миннатдорлигига, ўтказилаётган сиёсатни қўллаб-

қувватлашларига умид қилиш мумкин. Фуқаролик жамиятининг муҳим асосларидан бири маънавият ва маърифат, шахснинг доимий такомиллашуви соҳасида тинимсиз иш олиб бориш ҳисобланади. Бу жамият тараққиётининг асоси, узлуксиз талаби, тамойилига айланиши ва яхлит ҳаракатлар тизимидан иборат бўлиб, унда маънавият-ахлоқ-маърифат энг муҳим ўринни эгаллаши лозим. Бу учала қадрият халқимиз орасида ҳар доим энг эътиборлиларидан саналган. Шарқда дин ҳам, фалсафа ҳам бу қадриятларни улуғлаб, уларни жамиятни ривожлантиришнинг муҳим шарти сифатида қабул қилган.

Агар одам маърифатли бўлса, демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, фаол яратувчи ва ҳимоячи бўлса, фақат шу ҳолдагина демократия, фуқаролик жамияти, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мумкин, фақат шу ҳолдагина у чинакам фуқарога айланади. Буюк аждодимиз Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида таъкидлаганидек, маърифатли жамиятлар, қаерда илм-фан, маънавият, маърифат юксак даражада ривожланган бўлса, самарали ижтимоий тараққиётга эриша оладилар.

Президент маърузасида фуқаролик жамиятимизнинг ўзига хос жиҳатларини белгиловчи яна бир таркибий қисм – миллий мафкура, миллий тикланиш ғоясидир, деб уқтиради.

Ўзбек халқининг руҳи тикланмоқда, унда чуқур миллийлик умуминсонийлик билан чамбарчас боғланиб кетган.

Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида мураккаб ва серқирра тушунча бўлган маънавиятнинг мазмуни ҳар томонлама, назарий ҳамда амалий жиҳатдан таҳлил этилган. Ҳамма замонларда ҳам маънавият инсоният учун улкан бойлик бўлиб келган, алоҳида бир киши ва умуман жамият ҳаётида катта ўрин эгаллаган. Асарда мустақиллик йилларида мамлакатимизда маънавиятни тиклаш тўғрисида, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, уни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган улкан ишлар ҳақида, бу йўналишда олдимизда турган вазифалар ҳамда мақсадлар хусусида муфассал сўз юритилади. Муаллиф ҳозирги мураккаб глобаллаштириш даврида маънавият соҳасида юзага келаётган муҳим муаммоларга, халқимизнинг маънавиятини сақлаб қолиш ва ўстириш масалаларига, ёш авлод онгини турли ёт ғоя ва мафкуралардан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор беради.

Юртбошимиз маънавият соҳасининг мақсадлари ҳамда кечиктириб бўлмас вазифаларни тавсифлар экан, шундай дейди, тинчлик ва осойишталик шароитида халқимиз ўз кучига, имкониятларига таянган ҳолда олдига юксак, олижаноб мақсадлар кўйиб, демократик жамият ва фуқаролик жамияти курилишида йирик ютуқларга эришмоқда, халқимиз тақдирини ўз қўлига олди, асрий қадриятлар ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасини ҳисобга

олиб, ўзи орзу қилган эркин ва фаровон ҳаёт қуришга киришди, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган ютуқларимизнинг асоси, давлатимиз мустақиллигидир.

Бундан ташқари, китобда мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз танлаган йўлимиздан қадам ташлашимиз, белгилаган мақсадларга эришишимизнинг муҳим шартлари ва кафолатлари асослаб берилган.

Президент асарда маънавиятга оид долзарб масалаларни чуқур таҳлил қилиш асносида мамлакатимиз жаҳоннинг энг илғор давлатлари орасида ўзига муносиб жой эгаллаб олиши, бунинг учун мавжуд барча имкониятларни сафарбар этиш лозимлигини қайд этган. Муҳими, фарзандларимиз биздан кучлироқ, ақллироқ, билимдонроқ ва албатта, бахтлироқ бўлишлари керак, бу жараёнда маънавий тарбия масалалари жуда катта аҳамиятга эга. Маънавият соҳасидаги ишлар самарадорлигини ошириш ва бунинг учун масъуллик даражасини кўтариш, умуминсоний тараққиётда юксак маънавиятни шакллантиришда белгиланган олижаноб мақсадларга эришиш зарурати мавжуд.

Жамиятлар мавжуд экан, уларга турли кўринишдаги таҳдидлар ҳам бўлади. «Маънавий таҳдид» тушунчасига изоҳ берар экан, муаллиф бу инсоннинг тили, диний ва сиёсий қарашларидан қатъий назар, унинг эркин яшаши ва маънавий дунёсига қарши қаратилган ғоявий, мафкуравий ҳамда ахборот тадбирлари мажмуасини англатишини кўрсатиб ўтади. Турли ғоявий таҳдидлар миллий ва маънавий илдизларни йўқ қилишга қаратилган, мамлакатимизда яшовчи барча кишилар, айниқса, ёш авлод бу аччиқ ҳақиқатни чуқур англаши керак. Демак, ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг ҳушёр бўлишлари, ёшларни тарбиялаш жараёнига диққат-эътиборни кучайтиришлари долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ислом Каримов шуни алоҳида қайд этадики, маънавиятимизни сақлаб қолиш учун ҳар бир инсон ўзини шу мамлакатнинг муносиб фуқароси деб ҳис этиши, буюк аждодларимиз тарихи, бой маданияти, меросини ўзлаштириши, бугунги ўзгарувчан воқеликни онгли равишда идрок этиши, мустақил фикрлаши ва ўзининг давлатдаги ўзгаришларга дахлдорлигини туйиши лозим.

Китобда маънавият тушунчасининг маъноси, инсон ва жамиятнинг кундалик фаолиятида унинг намоён бўлиши, ҳар бир халқ, миллат ва шахснинг ҳаёти билан уйғунлиги очиб берилган. Муаллиф шахс маънавиятининг шаклланишида маънавий мерос, маданий бойликлар, қадимий тарихий ёдгорликларнинг аҳамияти устида батафсил тўхталади.

Президент ривожланишнинг муҳим омили маънавий ва модий ҳаётнинг мутаносиблиги эканига, улар бир-бирини инкор этмаслиги, аксинча,

тўлдиришга, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий барқарорлик ва тараққиётнинг катъий кафолати бўлиб хизмат қилишига эътиборини қаратади.

И. Каримов маънавиятни инсоннинг руҳини тозаловчи, виждонини уйғотувчи ва уни ички камолотга етакловчи катта куч, шахснинг қарашлари мезони деб таърифлайди. Бу таърифда инсоннинг ички ва ташқи моҳияти, ғоявий, мафкуравий, маърифий, маданий, диний ва ахлоқий қадриятларнинг мустаҳкам бирлиги акс этади.

Асарда кундалик ҳаётдан олинган мисоллар асосида кишилар, халқлар ва давлатларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари, уларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари таҳлил этилади, маданият ва маънавиятнинг бирлиги кўрсатилади.

Муаллиф маънавият тушунчаси моҳиятини чуқур таҳлил қилар экан, унинг фақат ижобий томонлари устидагина тўхталмайди, балки бу тушунчанинг мураккаб ва серқирралигини эътироф этади. Унинг таъкидлашича, турмуш тарзининг ҳар хиллигидан келиб чиқиб, шуни ҳисобга олиш керакки, турли халқларнинг онги ва тафаккурида, табиийки, атрофдаги воқеликка хилма-хил нуқтаи назарлар сақланиб қолади, шунинг учун ҳам ҳаётга турлича ёндашувлар шаклланади.

Президент маънавий-маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни тиклаш, уларни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантириш зарурлигини алоҳида қайд этади – чунки, мазкур масалалар мустақиллик йилларида амалга оширилаётган туб ислохотларнинг асосини ташкил этди. Қатор мисолларни келтирар экан, муаллиф мамлакатимиз ва унинг миллий манфаатларига етарлича баҳо бермаслик иллатини бартараф этиш устувор вазифа эканлигини, бу иллат эски тизимдан қолганлигини хулоса қилиб айтади. Бу ерда қадимий қадриятларимизни тиклаш ва динга муносабат, тарихий адолатни қарор топтириш, белгиланган олижаноб мақсадларга эришишнинг муҳим омили сифатида халқимизнинг маънавиятни юксалтириш ишини тан олиш хусусида сўз боради.

И.А. Каримовнинг таъкидлашича, аждодларимиз энг оғир вазиятларда ҳам маънавий ҳаёт мезонлари ва ахлоқ қоидаларига риоя қилиб, юксак туйғуларга интилганлар ва муваффақиятларга эришганлар. Жаҳоннинг турли мамлакатлари, жумладан, Япония ва Жанубий Корея тарихидан олинган мисолларнинг исботлашига кўра, ҳар қандай ҳақни забт этиш ва бўйсундириш учун, биринчи навбатда, уни қуролсизлантириш, яъни уни энг буюк бойлиги – миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан айириш лозим. Бу хулоса тарихий воқелик жараёнларидан ўз-ўзидан келиб чиқади.

Асарда И. Каримов бугунги кунда бизнинг маънавиятимизга таъсир кўрсатаётган омиллар ва мезонларни чуқур таҳлил қилган. Муаллиф ҳеч бир халқнинг маънавиятини унинг урф-одатлари, анъаналари, ҳаётий



қадриятлари ва тарихисиз тасаввур этиб бўлмаслигини таъкидлайди. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, маънавий мерос, маданият бойликлари ва қадимги тарихий ёдгорликлар маънавиятни шакллантирадиган энг муҳим омиллардир.

Китобда кўрсатилишича, бизнинг қадимий ва гўзал юртимиз фақат Шарқнинг эмас, бутун жаҳоннинг тараққиёт бешикларидан бири бўлган, бу муқаддас тупроқда ҳаётбахш маданий ва маънавий илдизларга эга бўлган, ақлий имкониятлари юксак халқ яшаб келади. Бу ерда улуг арбоблар, олимлар, сиёсатчилар, саркардалар ижод қилганлар, Исломи дини билан боғлиқ маънавий билимларнинг ривожланишида буюк олимларимизнинг хизматлари беқиёс, илм-фан ютуқлари умуминсоний тараққиёт ва маданиятнинг таркибий қисмига айланди.

Ишда аждодларимизнинг тафаккури ва ақл-заковати қудрати билан яратилган халқ оғзаки ижоди ҳамда қадимги ёзма ёдгорлик намуналари, тарих, адабиёт, санъат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморчилик, деҳқончилик ва илм-фаннинг бошқа соҳаларига оид қимматли асарлар акс этган минглаб қўлёзмалар фахр билан тилга олинади. Хусусан, уч минг йил аввал яратилган қимматли маънавий ёдгорлик «Авесто»нинг катта аҳамиятга эга бўлгани таъкидланади. Бу асарда илгари сурилган «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» тамойили «Авесто»нинг асосий мазмуни, моҳиятини ифодалаш билан бирга бугунги кунда ҳам долзарб саналади.

Президент «Алпомиш» достонини қаҳрамонлик ҳақидаги кўшиқ, халқ оғзаки ижодининг ноёб намунаси деб баҳолайди. У халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини битмас-туганмас бир дoston деб тасаввур этсак, «Алпомиш» шу дostonнинг нақорати эканлигини, бу асар бизга ватанпарварликдан сабоқ бериши, маънавий тарбияда унинг улкан аҳамиятга эгалигини қайд этади.

Шунингдек, муаллиф халқимизнинг энг қадимги миллий байрами, ҳаётнинг абадийлигини, халқнинг асрлар давомида юзага келган миллий қиёфаси, ажойиб анъаналари ва ёрқин урф-одатларини бетакрор тарзда ифодоловчи Наврўзнинг беқиёс ўрни устида тўхталади. Наврўз халқимизга хос бўлган юксак фазилатларни, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, раҳм-шафқат, олижаноблик, саховат туйғуларини шакллантиради.

Юртбошимиз Исломи дини устида фикр юритар экан, уни маънавият тараққиётининг мезони, деб атайди ва динни одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-умидларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган гоё ва қарашларнинг бир яхлит тизими сифатида юқори баҳолайди.

Президент таъкидлайдики, бугунги кунда Исломи динига қизиқиш кучайиб, унинг хайрихоҳ ва тарафдорлари кўпайиб бораётган бўлса ҳам,

халқнинг маънавияти даражасини ошириш, унинг маънавий покланиши, меҳр ва олижанобликка бўлган интилишини таъминлаш учун Исломнинг моҳиятини тўғри тушунтириш, Ислом маданиятининг инсонпарвар ғояларини тарғиб қилиш зарурати мавжуд.

Ислом маданияти ривожига буюк мутафаккир ва олимларнинг қўшган улкан ҳиссаси хусусидаги мулоҳазаларни баён этар экан, муаллиф, биринчи навбатда, Имом ал-Бухорийни тилга олади ва унинг ишлари хусусида алоҳида хурмат билан сўз юритади. Шунингдек, китобда йирик исломшунос олимлар Абу Исо Муҳаммад ибн Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбандийнинг бутун Ислом олами учун муҳим аҳамиятга эга бўлган асарларининг аҳамияти хусусида сўз боради.

Муаллиф алоҳида ҳаяжон билан ўзбек тупроғида яшаб ўтган буюк комусий олимларнинг илмий ва ижодий кашфиётлари, хусусан, фаолияти жаҳон тараққиётига катта таъсир кўрсатган Муҳаммад Мусо Хоразмий тўғрисида, Аҳмад Фарғоний яратган «Астрономия асослари ҳақида китоб»нинг илмий аҳамияти, Абу Райҳон Берунийнинг илмий жасорати, Ибн Синонинг буюк асарлари, Маҳмуд Замахшарийнинг шон-шухрати хусусида ҳикоя қилади.

Бундай мисоллар орқали муаллиф халқимизнинг маънавий олами ниҳоятда бой ва ранг-баранг эканлигини, бу қадар ноёб, бебаҳо бойликни ўрганиш мамлакатнинг ҳар бир фуқароси олдидаги фахрли бурч эканини қайд этади.

Улуғ аждодларимизнинг маънавий олами ҳақида фикр юритар экан, И. Каримов Соҳибқирон Амир Темур фаолияти устида алоҳида тўхталади, унинг набираси йирик олим Мирзо Улуғбекнинг ҳаётини эса чинакам маънавий қаҳрамонлик деб аташ мумкин.

Асарда мисол тариқасида ўзбек халқининг маънавий оламига жиддий таъсир кўрсатган Алишер Навоий фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилади. Алишер Навоий халқ онгида, бадиий маданият тарихида бутун бошли даврни ташкил этган шахс, буюк мутафаккир ва даҳо шоир сифатида тавсифланади.

Китобда маърифатчилик ғояларини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтарган жадиждлар: Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар қори, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носирнинг серқирра фаолияти очиб берилган. И. Каримов яқин ўтмишда яшаб ижод этган илм-фан, адабиёт, маданият арбоблари – Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Ҳабиб Абдуллаев, Саъди Сирожиддинов, Обид Содиков, Собир Юнусов, Яхъё Ғуломов, Бўрибой Аҳмедов, Ойбек, Ғ. Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Саид Аҳмад, Озод Шарафиддинов, Лutfихоним Саримсоқова, Ҳалима Носирова,

Олим Хўжаев, Раззоқ Ҳамроев ва бошқаларнинг тутган ўрни ҳақида ҳурмат билан фикр билдирди.

Асарда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавиятини шакллантириш ва ривожлантиришда оиланинг ўрни ва таъсири алоҳида таъкидланган. Боланинг характери, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, орномус ва андиша каби тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топади. Муаллифнинг қайд этишича, бугунги кунда ёш авлодни ҳар томонлама, соғлом уйғун ривожланган қилиб тарбиялаш асосий вазифамиз, инсоний бурчимиз ҳисобланади, бунга эришиш учун авлодлар ворисийлигини таъминловчи маънавият қалъаси бўлмиш оилани мустаҳкамлаш зарур.

Шу нуқтаи назардан қараганда, маънавий ҳаётнинг тараққий этишида маҳалланинг катта аҳамиятга эгалиги шубҳасиз; мамлакатимиздаги маънавий иқлим ҳамда вазиятнинг ўзига хос кўзгуси бўлган маҳалла фаолиятига кўпроқ эътибор бериш лозим.

Китобда маънавиятнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим омил – таълим-тарбия тизимига алоҳида аҳамият берилган. Бу ерда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш жараёни чуқур таҳлил этилган. Президентнинг айтиб ўтишича, кўп йиллар давомида таълим соҳасида қатор муаммолар тўпланиб қолган. Муаллиф Дастур лойиҳаси устида 8 ой давомида ишлаш жараёнида бунга шахсан ишонч ҳосил қилган. Мазкур мураккаб ва масъулиятли ишни изчиллик тамойилига асосланган ҳолда якунига етказиш зарур эди.

Ислом Каримов шуни қониқиш билан эътироф этадики, таълим ва тарбия тизими ислоҳоти бошланган дастлабки йиллардаёқ белгиланган мақсадларни муваффақиятли амалга ошириш сезиларли самара беришига, миллий тараққиёт йўлимизнинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олувчи янги таълим моделининг шаклланишига қатъий ишонч бор эди.

Ҳақиқатан ҳам, бугуннинг ўзида биз мустақиллик йилларида яратилган академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларининг таълим-тарбия олиш учун барча шароит ва имкониятларга эга бўлган минглаб ўқувчилари, ёш мутахассислар мисолида таълим тизимини ислоҳ қилиш натижаларининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўз иқтидорини, ўқиш даврида тўплаган имкониятларини намойиш этувчи ёш мутахассислар авлоди шаклланиб қолди.

Вақт ўтган сайин уйғун ривожланган, соғлом ва баркамол авлоднинг ҳаётга қадам қўйиши билан таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги сезилиб бормоқда.

Юртбошимизнинг ишонч билан таъкидлашича, таълим ва тарбия соҳасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ўзининг улкан миқёси ва аҳамиятига кўра ёшлар, бутун халқимиз маънавиятини ривожлантириш йўлидаги мустаҳкам асос ҳисобланади.

Президент инсон ва жамият ҳаётида маънавиятнинг ўрни хусусида фикр юритар экан, асрлар давомида қизгин баҳс-мунозараларга сабаб бўлган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди: кишиларнинг кундалик ҳаёти ва фаолиятида моддий ҳамда маънавий асосларнинг уйғунлиги бахтли ҳаётга эришишда муҳимми ёки йўқми? Инсоният тарихида бу муаммога турлича қарашлар бўлган, мубоҳасалар бугунги кунгача давом этмоқда. Муаллифнинг қайд этишича, қадимги хитой, ҳинд ва юнон файласуфлари, Уйғониш даври вакиллари, Ислом дунёси машҳур мутафаккирларининг илмий меросида маънавият ва моддийлик орасидаги муносабатларга катта эътибор берилган.

Тегишли тушунчаларни таҳлил қилиш асосида ишда материализм ва идеализм ғояларининг пайдо бўлиш жараёнлари, уларда ўша даврга хос сиёсий ва ижтимоий вазиятнинг акс этиши, ҳукмрон мафқуранинг, турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг қарашлари тавсифланади. Инсоннинг моддий эҳтиёжларига маънавиятнинг қарама-қарши қўйилиши нуктаи назарнинг бир томонлама ифодаланиши, улардан бирини бирламчи деб тан олиш сифатида баҳоланади. Бу муаммо бўйича мавжуд фикрларни умумлаштирар экан, муаллиф инсоннинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини самода парвоз қилаётган қушнинг қўш қанотига қиёслайди.

Маънавий ва моддий ҳаётнинг узвий бирлиги масаласига айрича эътибор қаратган муаллиф баъзи сиёсатдон ва назариётчиларнинг аввал моддий ҳаёт ҳақида ўйлаш керак, маънавият кейин бўлаверади деган қарашлари хато эканлигини ишончли мисоллар орқали ёритиб беради.

Маълумки, моддий ва маънавий ҳаёт тамойилари бир-бирини инкор этмайди, балки тўлдиради. Тараққиётнинг юксак даражасига кўтарилишни орзу қилган ҳар бир инсон ёки жамият ўз ҳаётини ана шундай диалектик ва уйғун асосга қуриб, ривож топгандагина юқори натижаларга эришиши мумкин. Китобда ушбу ҳақиқат мустақиллик йилларида маънавий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг шаксиз таъсири остида эришилган иқтисодий тараққиётнинг ижобий самаралари мисолида исботлаб берилган.

Асарда миллий ғоя ва маънавий ҳаёт муносабатлари ҳамда уларнинг бир-бирига таъсири ҳақида фикр юритилади. Унда ички моҳиятига кўра асли маънавий ҳодиса ҳисобланган миллий ғоянинг мазмуни ҳақида сўз боради. Муаллифнинг қайд этишича, миллий ғоя, маънавият ва маънавий ҳаёт орасида диалектик боғлиқлик мавжуд. Ҳар бир давлат ва жамиятнинг олий

мақсади халқи учун фаровон, осойишта ҳаётни таъминлашдир. Шунга кўра, И. Каримов миллий ғояга аниқ, мантиқан асосли таъриф бериб, уни ҳар бир миллатнинг орзу-умидларини ифодалайдиган, уларнинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаётини талаби сифатида авлоддан авлодга ўтиб келаётган ботиний куч-қуввати деб атайди.

Миллий ғоянинг тинчлик ва барқарорлик, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги сингари тушунчалари инсон шахсининг маънавий камолоти билан чамбарчас боғлиқ. Ишда таъкидланишича, маънан бой шахсни тарбиялаш ва маънан ривожланган жамиятни барпо этиш миллий ғоянинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Муаллиф мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар узлуксизлигининг аҳамияти хусусида фикр юритиб, миллий ғоянинг таркибий қисмлари «баркамол инсон», «ижтимоий ҳамкорлик», «динлараро бағрикенглик», «миллатлараро тотувлик» тушунчалари эканлигини қайд этади.

Асарда янги ҳаёт ва янги жамият пойдеворини яратишда катта рол ўйнайдиган фуқаролар маънавиятини шакллантириш муаммосининг аҳамиятига диққат қаратилади. Шу тариқа жамият тафаккури даражасини ўзгартириш ва ўстириш ҳамда ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотларнинг самарадорлиги орасидаги алоқадорлик ҳар томонлама асослаб берилади. Бу, биринчи навбатда, халқ маънавиятини тиклаш, бой тарихий меросни чуқур ўрганиш, миллий анъаналарни сақлаб қолиш, маданият ва санъатни, илм-фан ва таълимни ривожлантириш билан боғлиқ.

И. Каримовнинг огоҳлантиришича, инсон ҳаётининг маънавий таянчлари, унинг миллий қадриятлари, тарихий анъаналари, умуминсоний маънавий бойликларни ёддан чиқармаслик керак. У халқнинг миллий маданияти, маънавий бойлиги манбаларини сақлаб қолиш, маориф ва маданиятнинг моддий-техник асосини мустаҳкамлаш, ёш авлоднинг маънавий тарбияси самарадорлигини ошириш ҳамда мазкур соҳада кадрлар масаласини ҳал этиш нечоғли зарурлигини таъкидлайди.

Президентнинг эътиборини жалб қилган жиҳатлардан яна бири шуки, сўнгги йилларда санъат соҳасидаги ошкоралик ўзига хос тарзда тушуниляпти ва телевизор экранларида, кинода, матбуотда ахлоқсизлик, бизга ёт бўлган оммавий маданият унсурларининг тарғиб қилиниши кўзга ташланяпти. Китобда «қадрият» тушунчасининг мазмуни ҳар томонлама таҳлил қилинган. Муаллиф фикрича, ҳақиқий қадрият тарих синовларидан ўтган, бизнинг миллий манфаатларимизга тўла мос келадиган, бугунги ва эртанги кундаги орзу-ниятларимизга, интилишларимизга, тараққиёт талабларига мос келадиган қадриятдир.

Маълумки, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур инъикоси, авлодлар орасидаги руҳий ҳамда маънавий алоқа она тилида мулоқот қилиш орқали намоён бўлади. Она тили миллатнинг жони эканлиги китобда алоҳида таъкидланади ва бу ерда 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат тили ҳуқуқий мақомининг тан олиниши алоҳида аҳамият касб этади.

Ватанга муҳаббат энг бебаҳо, юксак туйғу эканлигини айтиб ўтар экан, муаллиф халқ маънавиятини оширишда миллий анъана ва урф-одатлар, тарихий хотирани тиклаш, ижтимоий ҳодисаларни холис баҳолаш катта ўрин тутишини таъкидлайди. Унинг эътирофича, бизнинг маънавий ҳаётимизда 31 август – «Қатағон қурбонларини хотирлаш куни», 9 май – «Хотира ва қадрлаш куни» сингари унутилмас саналар, ёдгорлик мажмуаларининг, Мотамсаро она ҳайкалининг ўрнатилиши муҳим воқеаларга айланди.

Асарда мустақиллик йиллари Ўзбекистонда амалга оширилган чуқур ўзгаришларнинг устувор йўналишлари, уларнинг мазмуни ва аҳамияти, халқимиз ҳаётига кўрсатаётган таъсири таҳлил қилинади. Бу ерда алоҳида таъкидланишича, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлатимизда демократик жамият қурилиши стратегиясини ишлаб чиқиш чоғида жуда катта амаллар рўёбга чиқарилди. Бу ўз-ўзидан бўлмади, муаллифнинг фикрича, халқимиз турмуш тарзига хос хусусиятлар, миллий анъана ва урф-одатлар, аҳолининг кайфияти эътиборга олинди, чунки ислохотларнинг пировард натижаси халқнинг тушуниши, қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқ. Ана шу мезонларга мувофиқ бугун дунёда «Ўзбек модели» сифатида тан олинган тараққиёт модели ишлаб чиқилди.

Шундан сўнг ишда ривожланишнинг «Ўзбек модели» тамойилларини амалга ошириш жараёнида эришилган натижаларнинг маънавий-ғоявий ва ижтимоий-сиёсий аҳамияти очиб берилган. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишдек мураккаб даврда аҳолининг кам таъминланган катламлари қўллаб-қувватланишини йўлга қўядиган, кескин ижтимоий ларзаларнинг олдини оладиган бош ислохотчи – давлатнинг ташаббуси туфайли мамлакатда тенглик, барқарорлик, осойишталик тамойиллари етакчилик қиляпти, халқнинг яратувчилик имкониятлари намоён бўлиб, унинг фаровонлиги ортиб бормоқда. Янги даврнинг энг муҳим ютуғи – кишилар онги, дунёқарашининг ўзгариши, янги тузумнинг афзалликларини тушуниши, ўз куч ва имкониятларига, жамиятдаги ўзгаришларга дахлдорлик туйғусига ишончнинг мустаҳкамланиб бораётганидир. Шундай қилиб, китобда ҳар қандай ислохотнинг самарадорлиги халқнинг маънавий-руҳий янгилиниши, унинг ўзлигини англаш даражасининг ўсиши, мамлакат тақдирига, рўй бераётган ўзгаришларга алоқадорлик ҳиссининг пайдо

бўлиши билан боғлиқлиги ҳақидаги мулоҳаза баён этилган бўлиб, бу ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Асарда «демократия» тушунчасининг мазмуни таҳлил қилинади ва унинг маънавий мезонлар ёрдамида иш юритувчи ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти сифатидаги таърифи берилади. Демократиянинг ана шу икки таркибий қисмига таянган ҳолда муаллиф ишлаб чиқилган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» концепцияси изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилаётганлигини тасдиқлайди. Китобда ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр курашининг аҳамияти кўрсатиб берилади, глобаллаштириш, унинг мазмуни, ижобий ва салбий жиҳатлари таҳлил қилинади. Глобаллашув жараёнининг юксак суръат билан бутун дунёни ўзгартириб бориши, унинг жаҳон ҳамжамиятига таъсири қанчалик кенгайиб кетаётгани хусусида сўз юритилган. Президентнинг таъкидлашича, глобаллашув – ҳаёт суръатининг мислсиз тезлашуви демак.

Ҳар қандай ҳодиса сингари, глобаллашувнинг ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд.

❖ Глобаллашувнинг ижобий томонлари сифатида муаллиф кўйидаги омилларни ажратади:

- давлатлар ва халқлар орасидаги ҳамкорлик ва интеграциянинг мустаҳкамланиши;
- чет эл инвестициялари, сармоя, товар ва ишчи кучининг эркин муомаласи, янги иш ўринларининг яратилиши учун қулай шароитларнинг юзага келиши;
- илм-фан, замонавий коммуникациялар, ахборот технологиялари ютуқларининг кенг тарқалиши;
- экологик ҳаракатлар вақтида бир-бирини қўллаб-қувватлаш учун янги имкониятларнинг пайдо бўлиши.

Ҳозирги пайтда глобаллашув жараёни ғоявий таъсир кўрсатиш воситаси сифатида турли кучларнинг сиёсий манфаатлари учун хизмат қилади. Унинг воситасида юртимизга ҳар хил бегона қарашлар, ғоялар кириб келяпти, бу эса қутилмаган салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Муаллиф шундай оқибатларни мисол қилиб келтиради. Ҳарбий, иқтисодий, сиёсий босимни кўриш, ҳис этиш, олдини олиш мумкин, аммо ғоявий таҳдидни, унинг таъсири ва оқибатларини сезиш, аниқлаб олиш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Шу маънода муаллифнинг халқимиз учун ёт бўлган, унга зўрлаб тиқиштирилаётган ғояларга эътибор қаратиш, бунга бефарқ бўлмаслик ҳақидаги мулоҳазалари алоҳида аҳамиятга эга, шу турдаги хавф-хатарлардан қутулишнинг асосий йўли чуқур ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган узлуксиз маънавий тарбиядир.

Турли сиёсий кучлар «демократия ва эркинликни олға силжитиш» ниқоби остида ўз қора мақсадларига эришиш учун тарқатадиган ғояларнинг мазмуни ва йўналишини ўз вақтида англаш қанчалик катта аҳамиятга эга эканлиги асарда таъкидлаб ўтилган. Шундай қилиб, халқимизнинг маънавий оламини ҳимоя қилиш, халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг ҳақиқий моҳиятини тушуниш, замонамизнинг долзарб масалалари бўйича ҳолис, мустақил фикрни шакллантириш бугунги куннинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Асарда маънавий ҳамда этик ахлоқсизликни тарғиб қиладиган, оила, инсон умри муқаддаслиги тамойилини, турмуш тарзимизнинг маънавий манбалари, асрий қадрият ва анъаналарини инкор этадиган, халқимиз учун ёт оммавий маданиятнинг хавфли эканлиги очиб берилган.

Китобда маънавий жоҳиллик билан кураш олиб бориш зарурати ҳар томонлама асослаб берилган, унга қарши маърифатни қурол қилиб олиш кераклиги таъкидланган, шунингдек, дунёнинг геосиёсий, иқтисодий-ижтимоий, ахборот-коммуникацион манзаралари мунтазам ўзгариб турадиган шароитда ғояларнинг ўзаро кураши муқаррар эканлиги исбот қилинган.

Ҳаммага маълум факт – ҳар қандай касалликнинг олдини олиш учун киши организмида иммунитет ҳосил қилиниши мисолида муаллиф ёш авлод онгида ғоявий иммунитетни шакллантириш бўйича олиб бориладиган ишларнинг муҳим ва зарурлигини кўрсатади. Бу уни Ватанга муҳаббат, аждодларимизнинг муқаддас динига, тарихимизга садоқат руҳида тарбиялаш имконини беради, ёшларимизнинг миллий ўзлигини, дунёни чуқур англайдиган, закон билан баробар қадам ташлайдиган бўлиб етишишлари учун замин яратади. Фақат шундагина ёш авлод вакиллари бегона ғоявий тушунчалар ва мафкураларга қарши тура оладилар.

Ёш авлодни турли маънавий таҳдидлардан ҳимоялаш тўғрисида мулоҳаза юритар экан, муаллиф халқимизнинг энг яхши хусусиятларига эътиборини қаратиб, унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи нохуш омиллар, зарарли йўналишлар устида алоҳида тўхталади. Биринчи навбатда, у жамиятни худбинлик ва лоқайдлик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, порахўрлик ва манфаатпарастликдан тозалаш зарурати хусусида ташвишланиб гапиради.

Инсонга хос энг ёмон сифатлардан бири сифатида муаллиф ҳасад тўғрисида тўхталади. Кишилар ва давлатлар орасидаги келишмовчиликларнинг аввал боши ана шу нуқсонга тақалади. Шунинг учун кишиларнинг маънавий тарбиясига бор куч-қувватини сарфлаш лозим, токи ҳақиқат ва эзгуликка интилиш ҳар бир инсоннинг эҳтиёжига айлансин. Давлатнинг барча фуқаролари, бутун Ўзбекистон халқининг бирлиги, Ватан



равнақи учун ҳамжихатликда меҳнат қилишгина мамлакатимизнинг фаровон, тинч ҳаётини таъминлаб бера олади.

Китобда яна одамлар қалбидан юлиб олиб ташлаш керак бўлган хунук иллатлар – бепарволик ва лоқайдлик хусусида сўз боради. Муаллифнинг таъкидлашича, атрофида ва ўзгалар ҳаётида содир бўлаётган воқеаларни эҳтироссиз кузатиб турадиган кишидан кўрқиш керак, чунки у ўз Ватани, ўз халқи тақдирига худди бегонадек қарайди. Бундай ҳолатларга қарши курашганда, ҳар бир фуқаронинг тараққиётга, жамиятни янгилашга интилиб яшаши, маънавий ҳаётимиздаги қадриятларни ҳимоя қилишдек бурчи ва мажбуриятини чуқур англаши зарурлигини уқтириш муҳим.

Асарда тасдиқланганидек, мураккаб ғоявий жараёнларни ҳар томонлама илмий-амалий таҳлил қилиб, уларга баҳо бериш, аҳолининг турли қатламларига уларнинг кўрсатадиган таъсирини ўрганиш, турмуш тарзимиз ҳамда миллий манфаатларимизга зид мафкуравий таҳдидлар моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз онгида соғлом дунёқарашни мустаҳкамлаш ғоялар курашида муҳим ўрин тутди.

❖ Ислом Каримовнинг фикрича, бугунги куннинг долзарб вазибалари қуйидагилар:

- муваффақиятли маънавий-маърифий тарғибот ишларини таъминловчи замонавий ахборот ва компьютер технологияларини кенг жорий қилиш;

- жамиятимизнинг ғоявий иммунитетини шакллантиришга йўналтирилган самарали усулларни ишлаб чиқиш;

- давлат ва жамоат ташкилотлари учун зарур тавсия ҳамда қўлланмалар яратиш.

Китобда муҳим саволлар қўйилган: маънавиятни қудратли кучга айлантириш учун нима қилиш керак ва нималарга биринчи навбатда эътибор қаратиш керак?

Бу ерда маънавий тарбия бўйича фаолиятни чуқур ўйлаб ташкил этишнинг асосий аҳамиятга эга эканлиги ҳар жиҳатдан таҳлил қилинади.

Юртбошимизнинг қайд этишича, маънавиятни бутун жамият онгига сингдириш жуда мураккаб иш, уни доимо, узлуксиз амалга ошириш, бунда тизимли равишда ташкил этиш тамойилларига таяниш зарур. Шу сабабдан асарда таълим-тарбия соҳаси: матбуот, телевидение, Интернет ва бошқа оммавий ахборот воситаларини, театр, кино, адабиёт, мусиқа, рассомчилик ва бошқа санъат турларини, яъни инсон онги, тафаккурига таъсир кўрсатадиган барча соҳалардаги ишларни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантириш лозимлиги таъкидланади.

Муаллифнинг қатъий ишонч билан айтишича, одамлар қалбига йўл тарбия ва таълимдан бошланади, шунинг учун ҳам китобда ўқитувчи ҳамда мураббийларнинг олижаноб меҳнати хусусида гап боради.

И. Каримов моҳиятига кўра ўз-ўзини бошқаришнинг ноёб институтлари бўлмиш маҳалла кўмиталари ва фуқаролар кенгашларининг ижобий таъсирига баҳо беради. Оқсоқоллар, фаоллар, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар кишилар қалбига йўл топиб, уларнинг муаммоларига ҳамдард бўладилар, ўз вақтида амалий ёрдам кўрсатадилар, зарур маслаҳатлар берадилар, шу тариқа жамиятимизда меҳр-оқибат, олижаноблик, ўзаро ёрдамга тайёрлик сифатлари тарбияланади. Ишда таъкидланганидек, буларнинг барчаси жамиятимизда тинчлик-осойишталик, фаровонлик мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Асарда кўрсатилишича, мамлакатимизда эркин ижод учун, халқнинг миллий кадриятлари, маънавий бойлиги ва тарихини, бугунги серқирра ҳаётини тўлақонли, ҳар томонлама ўрганиш учун барча шароитлар яратилган. Буларнинг бари янги ҳаёт, янги жамиятнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда, ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялашда муҳим ўринга эга.

Ҳар хил маънавий таҳдидлар, оммавий маданият таъсирининг кучайиши шароитида илмий, маданий ва ижодий жамоатчилик вакиллари фаолиятига катта эътибор қаратилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, электрон ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радионинг кучайиб бораётган таъсири ҳамда узлуксиз ривожланиши давлат ва жамиятнинг диққат марказида турганлиги табиий. Оммавий ахборот воситаларининг қудратли кучга айланиб бораётгани алоҳида қайд этилади. Шундан келиб чиқиб, муаллиф оммавий ахборот воситалари ходимларининг касбий маҳорати ўсиб бораётгани, мустақил қарашларига эга бўлган, қатъийят ва дадиллигини намоён эта оладиган мутахассисларнинг шакллантирилиши аҳамиятини кўрсатади.

Инсоннинг маънавий олами ривожига таъсир кўрсатадиган энг муҳим воситалардан бири сўз санъати, бадиий адабиётдир. Адабиёт илгаридан халқ қалбининг инъикоси, ҳақиқат ва адолат жарчиси бўлиб келган. Мустақиллик даврида адабиётни ривожлантириш, бугунги кунимиз ҳақида, замонавий қаҳрамон сиймосини акс эттиришга бағишланган тарихан ҳаққоний асарлар яратиш давр талабига айланди. Ўзбек адабиёти намуналарини жаҳон тилларига таржима қилиш ва дунёда Ўзбекистоннинг ютуқларини, унинг қадим тарихи ҳамда ёрқин келажагини тараннум этган сўз усталарини ҳар томонлама рағбатлантириш масалалари ниҳоятда муҳим.

Ишда мусиқа санъати ривожланишига алоҳида диққат қилинган. Муаллиф мусиқанинг халқимиз ҳаётидаги улкан аҳамияти хусусида ёзар

экан, ўз фикрини Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғида 3000 йил илгари яратилган миллий мусиқа асбоби найнинг топилиши билан исботлайди. Мустақиллик йилларида мусиқий меросимизни асраб-авайлаш, мусиқа маданиятини ривожлантириш, эстрада санъатининг сифати ва даражасини юксалтириш бўйича кенг миқёсли дастурлар қабул қилинди. Ислон Каримов эстрада санъатининг ривожланиши устида тўхталади, чунки у ёшларни ўзига жалб қиладиган жанр, шунинг учун ҳам бунда «миллий эстрада» тушунчасининг мазмуни батафсил очилган. Президент миллий эстрадамиз хорижнинг оммавий маданияти намуналарига тақлид қилишдан қочиши кераклигини таъкидлайди.

Миллий маданиятнинг ажралмас бир қисми бўлган театр санъати ҳақида сўз юритар экан, муаллиф ҳозирги вақтда республика театрларида хилма-хил жанрлардаги кўплаб спектакллар қўйилаётгани, янги шакллар устида ижодий изланишлар давом этаётганлигини айтиб ўтади. Айни пайтда драматургия ва режиссура нуқтаи назаридан юксак бадиийликка эга бўлган, кундалик ҳаётимизни, замонамиз қаҳрамонлари сиймосини ҳар томонлама, чуқур акс эттирадиган асарлар жуда камлиги қайд этилади.

И.А. Каримов, шунингдек, энг оммавий санъат тури бўлган, Ўзбекистонда кенг миқёсда ривожланган кино санъатига ҳам батафсил таъриф беради, бу ерда ўзига хос ижодий мактаб яратилганини эътироф этади. Кино санъатининг одамлар онги ва тафаккурига таъсири кучли эканлигидан келиб чиқиб, миллий кинематографиянинг ривожига алоҳида эътибор қаратади. Муаллиф ҳозирги пайтда бу соҳада чуқур ўзгаришлар содир бўлаётганини эътироф этади, лекин чинакам замонавий қаҳрамон кино экранларига ҳанузгача чиққани йўқ. Асосий сабаблардан бири, бу муҳим соҳада самарали иш олиб боришга қодир бўлган ходимларнинг йўқлиги, маҳоратли кино режиссёрлари ва сценарийчилари тайёрлайдиган миллий мактабнинг юзага келмаганлигидир. Рассомчилик санъати соҳасида эришилган кенг миқёсли ишлар ва муваффақиятлар баён этилган. Мустақиллик йилларида мазкур жабҳада жуда кўп иқтидорли ёшлар пайдо бўлди. Бу, айниқса, йирик ҳайкалтарошлик санъатида кўзга ташланди. Истиқлол даврида Соҳибқирон Амир Темурнинг тарихий сиймосини тиклаш борасида тарихий адолат қарор топди. Шу жараённинг бевосита иштирокчиси сифатида асар муаллифи Амир Темур портретининг яратилиши ҳақида ҳикоя қилади. Тарихий манбалар асосида буюк аждодимизнинг қиёфасини тиклаш йўллари белгилаб олинди, шундан сўнг тасвирий санъат ва ҳайкалтарошликда Амир Темурнинг улуғвор сиймоси тикланди. Кейинги йилларда Фарғонада Аҳмад Фарғоний, Урганчда Ал-Хоразмий ва Жалолиддин Мангуберди, Навоийда Алишер Навоий, пойтахтда Ғ. Ғулом, Абдулла Қаҳҳор ва Зулфия ҳайкаллари ўрнатилди. Термизда «Алпомиш»,

Қарши шахрида «Эл-юрт таянчи» номли хотира мажмуалари яратилди. Президентнинг изоҳига кўра, катта ютуқларимиз мавжудлигига қарамай, малакали ҳайкалтарош ва меъморларни тайёрлаш долзарб масалалардан бири бўлиб қоляпти.

МДХ мамлакатлари билан маданий алоқалар давлат даражасида ҳам «Дўстлик жамияти», «Миллий-маданий марказлар» сингари фуқаролик жамияти институтлари даражасида ҳам амалга ошириляпти, булар, шубҳасиз, жамиятдаги демократлаштириш жараёнларининг чуқурлашувига ёрдам беради. Маданий алоқаларнинг давлат даражасига кўтарилгани, айниқса «Ўзбекистонда Қозоғистон кунлари», «Ўзбекистонда Тожикистон кунлари», «Тожикистонда Ўзбекистон кунлари» тадбирларида яққол намоён бўлади. Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг очилиши муносабати билан сўзлаган нутқида И.А. Каримов шуни алоҳида таъкидладикки, агар қозоқлар ва ўзбеклар бирга бўлса, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда, тарихимиз, тақдиримиз ва келажагимиз ҳақидаги ўйлар билан яшаса, дунёда бу дўстликни енгадиган куч топилмайди.

Ўзбекистон тақдири – Қозоғистоннинг тақдири, қозоқ халқининг келажаги – ўзбек халқининг келажаги, шунинг учун ҳам бу минтақада тинчлик ва осойишталик ўрнатиш, халқлар орасидаги дўстликни мустаҳкамлаш – ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Биз қадимий алоқалар, оға-инилик, қон-қардошлик ришталари билан бир-бирига боғланган ўзбек ва қозоқ халқлари истиқболи учун ўзимизни жавобгар деб билишимиз лозим. Илгаридан ягона руҳий иқлимда яшаган халқимиз ҳар биримиздан шижоат ва миллий ифтихор талаб қилинаётган ҳозирги масъулиятли даврда бир-бирларига яқин бўлишлари, бир-бирларига ғамхўрлик қилишлари керак. И.А. Каримов маданият, санъат, илм-фан арбобларига мурожаат этиб, Мухтор Авезов, Собит Муқонов, Абдулла Тожибоев, Ойбек, Ғ. Ғулом, Миртемир томонидан юксак поғонага кўтарилган ажойиб анъаналар сув билан ҳаводек зарурлигини, уларни изчил равишда тиклаш ва ривожлантириш лозимлигини қайд этди.

Байроқларимизни хилпиратаётган мустақиллик шабодаси, эркин давлатлар руҳи ижодкорлар устахоналарига кириб келиб, халқларимиз юракларини янги илҳом билан тўлдириши керак. Буюк шоиримиз Ғ. Ғулом қозоқ-ўзбек дўстлиги ҳақида «Биз бир китобнинг икки саҳифасимиз» деган эди. Шундай экан, худди қадим замонлардагидек, биз бирга қўшиқлар айтиб, тўйлар қиладиган кунлар келди. Қозоғистонда ўтказилган Ўзбекистон кунларининг тантанали очилишида сўзлаган нутқида И. Каримов республикаларимиз орасидаги маданий алоқалар анъанага айланганлигини алоҳида таъкидлади. Чўқан Валихонов, Абай, Жамбул, Мухтор Ауэзов, Собит Муқонов, Анвар Олимжонов, Ўлжас Сулаймонов – уларнинг ўзбек ва

корақалпоқ тилларига таржима қилинган асарлари кутубхоналаримизда ўзбек ёзувчилари китоблари билан доимо ёнма-ён турган. Қозоқ оғаларимиз орасида Ойбек, Ғ. Ғулом, Миртемир номи қанчалик кенг оммалашганини яхши биламиз. Бундай тадбирда, битта дўстлик дастурхони атрофида икки давлатнинг улуғ олимлари, миллий санъати юлдузлари, адабиёт арбоблари, журналистлари, иқтисодчилари, тадбиркорлари, ишлаб чиқарувчилари учрашганда, биз фақат ёқимли байрам ташвишлари ҳақида суҳбат қуриб ўтирмаслигимиз керак.

Биз бугун қадим Турон ери – Туркистонда содир бўлаётган воқеалар қанчалик муҳим ва масъулиятли эканлигини чуқур англашимиз лозим. Шакшубҳа йўқки, ҳаётнинг барча соҳаларидаги ижобий ўзгаришлар маънавиятдаги тикланишдан бошланади. Шу ўринда сизнинг жамиятдаги машҳурлигингиз обрў-эътиборингиз халқ орасида катта рол ўйнаши мумкин. Сиз ўз ижодингиз, ижтимоий фаоллигингиз билан ривожланган, энг илғор мамлакатлар сафи томон олға ҳаракатимизни янада жадаллаштиришга ёрдам бера оласиз. Энг муҳими, сиз бизга мустақиллигимизни, ўзимизга хос жиҳатларимизни сақлаб қолган ҳолда ягона тупроқ – қадим Турон фарзандлари эканлигимизни ҳис этишга кўмаклашишингиз мумкин. Биз биргаликда яшаб қолишимиз, қуришимиз, эҳтимолий сиёсий ҳамда иқтисодий босимларга бардош бериб, белгиланган мақсадга эришмоғимиз осонроқ. Шу жиҳатдан бизнинг умумий нуқталаримиз, биргаликда мулоҳаза юритиб, фикр алмашишга, кўнглимизда тўпланиб қолган гапларимизни айтиб олишга ундайдиган сабабларимиз кўп.

Фақат МДХ таркибига кирадиган республикаларгина эмас, балки бошқа мамлакатлар билан ҳам маданий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Самарқандда ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг алоҳида ўрни бор. Унда Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Корея, Вьетнам, Мўғўлистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбайжон, Арманистон, Россия, Латвия, АҚШ, Франция, Мексика ва бошқа мамлакатлардан келган ижрочилар иштирок этганлар. Ўзбекистонлик кино ижодкорлари халқаро кинофестивалларда, жумладан Москвада бўлиб ўтган анжуманларда қатнашдилар. Бизнинг фотосуратчилар ва рассомларнинг яратган асарларини халқаро кўргазмаларда томоша қилиш мумкин.

Республикамизда Москва Катта театри ҳамда эстрада юлдузлари гастролда бўладилар. Меҳмонга борган, меҳмон кутган киши, албатта, кўшнилари ҳаётини кузатади, ўз турмуши ҳақида ҳикоя қилади, нимадир ўрганади, ўз тажрибаси билан бўлишади. Буларнинг барчаси жамиятни демократлаштириш жараёнларининг чуқурлашувига ёрдам беради.

Ривожланишнинг ҳозирги босқичи учун хос ижобий кадриятлар сирасига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ кадриятлар киради. Булар – инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва бошқалар.

Мазкур демократик кадриятларимизнинг республикамиз учун аҳамияти ҳақида гапирар экан И.А. Каримов, улар на тарихий, на маданий жиҳатдан халқимиз менталитетига зид келмайди. Аксинча, ишбилармонлик, тадбиркорлик, эркин тижорат, ижтимоий адолат, ўзаро ҳурмат ва ўзгалар фикрига эътиборли бўлиш юртимизда ўзининг тарихий илдизларига эга. Замонавий демократик жамиятга хос хусусиятлардан бири – ижтимоий рақобатчилик бўлиб, халқимизнинг анъанавий кадриятлари у билан уйғунлаштирилиши лозим. Бозор тизими ривожлангани сайин бу рақобатчилик хунукроқ тус олиб, бора-бора ижтимоий зиддиятларга айланиб кетиши ҳам мумкин. Бу рақобатчилик маданий шаклга, ижодий яратувчилик кучига эга бўлиши учун, биринчи навбатда, иқтисодиётга алоқадор бўлмаган, аввало, маданий-ахлоқий механизмларни ёрдамга чорлаш керак. Улар тикланаётган миллий кадриятлар ҳамда замонавий тараққиётнинг сингдириб борилаётган меъёрлари синтезига айланиши лозим.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим вазифалардан бири миллий кадриятларни тиклаш бўлиб қолди. Тарихий хотира, халқнинг, муқаддас юртимизнинг холис, ҳақиқий тарихини тиклаш миллий кадриятларни, миллий онг ва миллий ғурурни уйғотиш жараёнида ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Ҳеч бир жамият ўз истиқболини миллий тикланишсиз, маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмай, мустаҳкамламай туриб тасаввур қила олмайди. Халқнинг маданий кадриятлари, унинг миллий мероси минг йиллар давомида Шарқ халқлари учун маънавиятнинг қудратли манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт мобайнида, Россия мустамлакаси бўлган, совет тоталитаризми ҳамда авторитаризми ҳукм сурган даврда қаттиқ ғоявий босим ўтказилганига қарамай, Ўзбекистон халқи ўз тарихий маданий кадриятларини, ўзига хос анъанасини сақлаб қолишга, уларни авлоддан авлодга эҳтиёткорлик билан етказишга эришди. Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб миллий шаклланиш, аждодларимиз томонидан асрлар давомида яратилган бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш иши давлат сиёсати даражасига кўтарилган энг муҳим вазифага айланди.

Миллий тикланиш Республикада миллий ўз-ўзини англаш, халқнинг маънавий манбаларига, унинг илдизларига қайтиш жараёни сифатида тушунилади.

Мустақилликка эришган халқ ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси, тарихнинг яратувчиси, ўзига хос маданият ташувчисига айланди. И.А. Каримов алоҳида

таъкидлаганидек, миллий тикланиш, маънавий ва диний қадриятлар ҳамда анъаналарнинг халққа қайтарилиши, ўзликни англаш оддий шароитда юз бермади – бу эски империя тузуми вайронага айланиб, янги ижтимоий муносабатлар юзага келаётган бир давр эди. Мазкур жараён дастлабки пайтларда ўзига хос «инкорни инкор» тарзида кечди. Бироқ аввалги тузум қадриятларини шунчаки инкор этиш ҳеч қандай яратувчилик дастурига эга бўлмаган сиёсий ва маданий экстремизм хавфини туғдириши мумкин эди. Ўтмиш қадриятлари, анъаналари ва тартибларига кўр-кўрона тарзда, чуқур ўйламай қайтиш эса, замонавийликни қабул қилмасликка, жамиятни янгилаш заруриятини инкор этишга олиб келиши мумкин. Худди шу инкор туфайли экстремистик муҳолифатнинг пайдо бўлиш хавфи юзага келди, унинг сиёсий интилишлари – жанговар миллатчилик, диний муросасизлик ҳамда «бизники» бўлмаган ҳамма нарсага ғайритабиий равишда душманлик кўзи билан қарашнинг аралашмасидир. Буларнинг барчаси чуқур ўйланган ёндашувни, ижобий, яратувчан миллий тикланишни жадаллаштиришга йўналтирилган ўзаро бир-бирини тўлдирувчи сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуасини ишлаб чиқиб, амалга ошириш зарурлигини намоён этди. Мазкур дастурлар, биринчи навбатда, тикланаётган меросимизга табақалаштирилган ёндашувни, аввало, энг муҳим, этник жиҳатдан аҳамиятли бўлган, умуминсоний қадриятларни бойитиб, жамиятни демократлаштириш ва янгилашга хизмат қиладиган урф-одатлар ҳамда анъаналарни танлаб олишни шарт қилиб қўйди. Бунга ўша даврнинг танг шароитида миллатлараро зиддиятлар даражасигача кучайиб кетиши мумкин бўлган ҳиссий жазаваларга йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга эди. Ислоҳ Каримов миллий тикланиш ҳақида фикр юритар экан, миллий ўз-ўзини англаш, миллий ифтихор туйғуларининг ўсиши, миллий тикланиш жараёнида тарихий хотира, халқнинг туғилиб ўсган юрт, давлат ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш ниҳоятда муҳим ўрин тутишини таъкидлади. Тарих миллатнинг чинакам тарбиячиси бўлиб қолмоқда. Имом Бухорий, Ат Термизий, Ал-Хоразмий, Беруний, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Алишер Навоий ва бошқа буюк аждодларимизнинг фаолияти, кўрсатган қаҳрамонликлари тарихий хотирани уйғотади, янги фуқаролик онгини шакллантиради, ахлоқий тарбия, ибрат манбаига айланади. Ўзбек олимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли тарихимизнинг, энг аввало, темурийлар даври, XIX аср охири – XX аср бошлари тарихининг жуда кўп янги саҳифалари очилди.

Халқимизнинг этник, маданий ва диний бағрикенглиги – миллий тикланишнинг яна бир битмас туганмас манбаидир. Минг йиллар давомида Марказий Осиё ранг-баранг маданиятлар ва турмуш тарзлари бир-бири билан учрашган, ёнма-ён ҳаёт кечирган макон ҳисобланган.

Миллий тикланишсиз умуминсоний ва миллий кадриятлар уйғунлигига асосланган демократик жамиятни қуриш мумкин эмас.

Тарихий тажриба, анъаналарнинг ворисийлиги – буларнинг ҳаммаси янги авлодларни тарбиялашда асос бўладиган миллий кадриятлардир. Этник, маданий ва диний бағрикенглик ҳам муҳим миллий кадриятлар ҳисобланади. Минг йилликлар давомида Марказий Осиё турли динлар, маданиятлар ҳамда турмуш тарзларининг учрашиш ва ёнма-ён яшаш маркази бўлиб келган. Этник бағрикенглик ва очиқлик ривожланишнинг табиий меъёрларига айланган. Айнан шу тупроқда кўп асрлар давомида жаҳон тамаддунларининг глобал бир-бирини бойитиши юз берган. Мамлакатимизда юз бераётган ислохотлар ва ҳаётимиздаги янгиланишлар туфайли миллий кадриятларнинг бақувват қатламлари очилиб кетди, улар халқ руҳиятини ватанпарварлик, миллий ғурур, бутун жаҳон учун юз тутиш сингари ҳиссиётлар томон кескин ўзгартириб юборди.

Бу халқ руҳи қудратининг илк белгиси ҳисобланиб, шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан чўчимайди, балки жаҳон ҳамжамиятининг бир бўлаги бўлиш учун ўзи интилади. Яна бир муҳим миллий кадрият – ер ва сувга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш. Бу ҳам жуда муҳим ахлоқий талаб. Яна бир улуғ миллий кадрият оила ва қариндош-уруғчилик муносабатларининг анъанавий этикаси бўлиб, унинг асосий тамойиллари доимо катталарга ҳурмат-эътибор, ўзаро ёрдам кўрсатиш, фарзандларга ғамхўрлик қилишдан иборат бўлиб келган.

Дунё ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатнинг кенг миқёсли ташқи сиёсий ва иқтисодий фаолияти миллий кадриятлар ҳамда ўзбек халқи имкониятларининг тикланишига, ўз-ўзини бошқа халқлар оиласида тўла ҳуқуқли миллат сифатида англашга кўшимча рағбат берди. Йирик халқаро шартномалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ тушуниш, умуминсоний кадриятлар билан уйғунланиши учун қулай шароит яратди. Ўзбекистон миллий ва умуминсоний кадриятларнинг бирлиги дунё тамаддунининг ютуғи эканлигини англаган ҳолда ана шу бирлик асосида демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодиётни қуриш йўлидан кетмоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзусидаги маърузасида шуни алоҳида таъкидлайдики, бугунги кунда одамларимиз, уларнинг ижтимоий онги, ҳаётга муносабати тобора ўзгармоқда, ватандошларимизнинг сиёсий етуклиги, юртимизда ва дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан фуқаролик масъулияти, дахлдорлик ҳисси ошиб бормоқда. Ва айнан



шуларнинг барчаси мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан изчил ривожланиб боришини, янги марраларни қўлга киритишимизни таъминлаётган қудратли ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда ёшларда «оммавий маданият» ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан «экспорт» қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди. Табиийки, бу борада «оммавий маданият»нинг савияси паст, енгил-елпи намуналарига қарши ҳақиқий санъат асарларининг юксак дурдоналарини кенг тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги замоннинг талаби – ёшларнинг маънавий камолотини юксалтириш, уларда диний бағрикенглик (толерантлик), сиёсий-ҳуқуқий, экологик билим ва маданиятини шакллантириш, мафкуравий иммунитет ва ғоявий курашчанлик, соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик дунёқарашни яратиш, соғлом турмуш тарзи, жисмоний маданият, одоб-ахлоқ меъёрларини уларга тарғиб қилиш ва сингдириш, уларни юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган, ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ қилиб тайёрлаш, уларни одам савдоси иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний экстремистик таъсирлардан, тубан «оммавий маданият» хуружларидан ҳимоя қилиш, жамиятда зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олишдир.

Мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳақиқий диний таълимот билан сохта ақидапарастликнинг тафовутини билиши, теварак-атрофда юз бераётган ўзгаришларга нуқтайи-назарини билдириши шарт. Фуқароларнинг дунёда юз бераётган барча сиёсий ҳамда мафкуравий ўзгаришлардан хабардор бўлиши кераклиги мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, ҳозир дунё бўйича 500 дан ортиқ террористик ташкилотлар мавжуд. Сохта ақидапарастлар томонидан 2011 йилда дунё бўйича 10000 дан ортиқ террористик-қўпоровчилик ҳаракати амалга оширилган. Бирон-бир динда кишиларга зарар етказиш, жамоага ёмонлик қилиш, бегуноҳ одамларни турли қийноқларга солиш ва ўлдириш ҳаракатлари оқланмаган. Демак, мамлакатда яшаётган ҳар бир фуқаро ҳақиқий диний таълимот билан сохта ақидапарастликнинг

тафовутини билиши, теваарак-атрофда юз бераётган ўзгаришларга нуктайи-назарини билдириши шарт.

«Ахир, Қуръони Карим ҳам дўстликка, биродарликка чакиради, низо чиқаришни қоралайди.

Жанжал чиққан юртнинг худоси ҳам ундан юз ўғирар экан. Шу сабаб барака ҳам, ризқ-рўз ҳам насия бўлиб қоларкан!»<sup>15</sup>.

Халқимиз диний экстремистик ташкилотлар – «Мусулмон биродарлари», «Ҳизб ут-таҳрир», «Озодлик партияси», «Жамоат ул-муслимин»ларнинг мақсад ва вазифаларини англаб етмоқлари зарур. Бу ташкилотлар ўз сафларига жалб қилишда эътиборни асосан ғўр ёшларга қаратадилар. Ёшларимизнинг бундай ташкилотлар домига тушиб қолмасликлари учун асосий эътиборни уларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришга қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелда қабул қилинган «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш учун ҳуқуқ-тартибот ташкилотларига маҳалла фаоллари, ота-оналар, қолаверса бутун жамоатчилик ёрдам бермоғи лозим.

Ҳозирги кунда мамлакат миқёсида ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик, диний ақидапарастлик, одам савдоси каби жиноятларнинг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда, ОАВда турли чиқишлар, кўрсатув ва эшиттиришлар, бадий ва ҳужжатли фильмлар тайёрланмоқда. Асосий мақсад – ўз фикри, дунёқараши, мустаҳкам эътиқодига эга бўлган ҳам жисмонан, ҳам ақлан баркамол бўлган, турли сиёсий бўҳронлар ва иллатларга қарши кураша оладиган авлодни тарбиялашдир.

Жамиятнинг ривожланиши, кишиларнинг фаровон, тинч ҳаёт кечириши, ислохотлар жараёнининг изчил такомилга салбий таъсир кўрсатадиган иллатлардан бири – гиёҳвандликдир. Дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари бу иллатга қарши кураш олиб боришига қарамай, гиёҳвандликка берилаётганларнинг сони ортиб бормоқда, гиёҳвандлик ўзи билан бирга тузалмайдиган касалликларни – ОИТС-СПИД, ўпка саратони, бепуштликни эргаштириб юриши, энг ёмони, бу иллатлар баркамол, соғлом авлодни дунёга келтириш, тарбиялаш ва вояга етказиш жараёнига ниҳоятда салбий таъсир кўрсатмоқда. Гиёҳвандлик инсоният учун энг ҳавфли ва оғир оқибатларга олиб келувчи офат сифатида жаҳон халқларини ташвишга

---

<sup>15</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 20.

солмоқда, унинг оқибатида қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилиқ, фирибгарлик ва бошқа оғир турдаги жиноятларга қўл урилмоқда, ҳатто ота-онаси, ака-укаси ва бошқа яқинларининг жонига қасд қилишгача бориш, оиланинг барбод бўлиши, фарзандларнинг майиб-мажруҳ бўлиб туғилишига олиб келиши, инсоннинг ота-онаси, қариндошлари ва дўстларидан юз ўгириши, хотираси йўқолиши, ҳеч нарсага қизиқмай қўйиб, беҳаёлик, диёнатсизликка юз тутиши, одам савдоси каби мудҳиш ишларга қўл уриши кузатилмоқда. Гиёҳвандлик яна шуниси билан хавфлики, у ОИТС (одам иммунитет танқислиги синдроми), гепатит, сил, захм каби кўплаб юқумли касалликларни кенг тарқалишига омил бўлади. Европа ва Осиё мамлакатларида эса 14 миллионга яқин гиёҳванд ҳисобга олинган бўлиб, уларнинг салкам 2 миллиони ОИТС билан касаллангандир. Қолаверса, бевосита наркотик моддаларни истеъмол қилиш оқибатида ҳар йили минг-минглаб одамлар нобуд бўлмоқда. Дунёда энг ривожланган давлатлардан бири бўлган АҚШда ҳар йили захри-қотилга ружу қўйган шахслардан 14 минг нафардан ортиғи ҳалок бўлар экан. Француз олими Демма 28 йил давомида оғу истеъмол қилувчи 10 та оилани кузатган. Афсуски, бу хонадонлардаги болаларнинг 90 фоизи ногирон бўлиб туғилган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва БМТнинг ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури маълумотларига кўра, айти пайтда дунёда 35 миллион нафардан зиёд инсон иммунитет танқислиги вирусини юқтирган. Ҳар куни қарийб 7 минг киши, жумладан, болалар XXI аср вабоси қурбонига айланмоқда. Бу, мазкур касалликка қарши курашиш бўйича амалий чоралар қабул қилиш заруратини англайди.

Мамлакатимиз ОИТСга қарши глобал курашда фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва ОИВ/ОИТС бўйича декларациясини амалга оширишга оид мажбуриятлар доирасида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юқумли касалликлар бўйича санитария-эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда яратилган мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база белгиланган мақсадларга эришишга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилда қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини билан касалланишнинг (ОИВ касаллигининг) олдини олиш тўғрисида”, 2013 йилда қабул қилинган “Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонунлари, Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча

чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 январдаги “ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа қатор ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ижобий натижага эришиш йўлидаги шундай ҳамжиҳатликни мамлакатимизда амалга оширилаётган 2013-2017 йилларда ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши кураш бўйича стратегик дастур мисолида кўриш мумкин. Дастурда касалликка чалиниш ҳолатларини қисқартириш ва беморларга кўрсатиладиган тиббий-ижтимоий ёрдам сифатини янада такомиллаштиришга йўналтирилган комплекс тадбирларнинг амалга оширилиши белгиланган.

Келтирилган рақамлар ҳар бир кишини ўйга толдириши табиий. Чунки ҳеч бир инсон онадан пияниста ёки гиёҳванд бўлиб туғилмайди. Буни келтириб чиқарадиган бир қатор омиллар мавжуд. Баъзилар тўқликка шўхлик қилса, бошқа бировлар ўзи билмаган ҳолда, алдовлар натижасида шу йўлга кириб қолади. Ҳозирги кунда ўсмирлар, аёллар ўртасида ҳам гиёҳвандликка ружу қўйиш ҳоллари учраётгани ташвишлидир. Бундай ачинарли ҳол бизнинг мамлакатимизда ҳам кам эмас. Оқибатда кўплаб ёшларимиз ҳаётдан бевақт кўз юммоқдалар. Афсуски, ушбу иллат Ўзбекистонга ҳам ўзининг қора кўланкасини ташлаб, мамлакатимизга қўшни бўлган мамлакатлар билан чегарадош туманлар орқали Афғонистонда ишлаб чиқарилган наркотик моддаларни айланма йўллар орқали олиб ўтиш ҳоллари ҳамон давом этаётиб, оғуни истемол қилишга мойил шахслар сони ортиб боришига олиб келаяпти. Шу сабабли истиқлол йилларида республикаимизда наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларга қарши кураш чоралари кескин кучайтирилиб, давлатимиз томонидан жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган бу глобал муаммони бартараф этиш мақсадида халқаро миқёсда саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда юртимиздаги барча манфаатдор идора ва ташкилотлар кенг жамоатчилик дунё бўйича «Аср вабоси» деб тан олинган наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашга кенг жалб этилган. Ўз навбатида республика Ички ишлар вазирлиги ва унинг қўйи тизимлари томонидан ҳар йили «Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларни тарқалишига қарши кураш», «Таркибида наркотик воситалар ва психотроп моддалари бўлган дори-дармонларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш» ҳамда икки босқичли «Қорадори» кенг қамровли тезкор профилактик тадбирлари ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, турли соҳаларда кўлга киритилаётган ютуқлар, жамиятнинг муҳим бўғини ҳисобланган ёш

авлод тарбияси йўлида қилинаётган ишлар, юзага келаётган айрим муаммоларнинг ечими, бунёдкорлик ишлари баробарида огоҳлик ва ҳушёрликни янада ошириб, биргаликда ҳаракат қилиш замон талабидир.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидладики, биз эришган ютуқ ва марраларнинг асосий омили ҳақида гапирганда, ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин – биз бугун ўзимизнинг дунёқарашимиз, онгу тафаккуримиз, ҳаётга, меҳнатга, ён-атрофга муносабатимиз билан кечаги – 90- йиллардаги одамлар эмасмиз. Биз бугун эркин фикрлайдиган, онгли яшайдиган, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савияси тобора ўсиб бораётган, ўз келажагини, ким учун ва нима учун меҳнат қилаётганини ўзига аниқ тасаввур этаётган халқмиз.

Бугун мамлакат миқёсида дин, диний ташкилотлар ва сиёсий партияларга яратилган шароитлар, уларнинг мавжуд қонунчилик доирасида фаолият юритиши, сохта диндорлар ва уларнинг асл мақсади, маънавий ва иқтисодий ҳаётимизга бу «дин тарафдорлари»нинг салбий таъсири, ақидапарастлик ва соф диндорлар олиб бораётган таълимот, айрим ривожланган давлатларнинг сармояси ёрдамида бошқа динни тарғиб қилувчи миссионерларнинг кирдикорларини ошқор этиш, ёш авлодни турли сиёсий ва диний оқимларнинг салбий таъсирига тушиб қолишидан асраш, маънавий ва моддий ҳаётимизни соғломлаштириш йўлида Юртбошимиз саъй-ҳаракати билан изчил, ҳар тамонлама пухта ўйланган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда Президентимиз сиёсий таълимоти асосида шарқона демократия тамойилларига йўғрилган, халқимизнинг асрлар давомида қилган барча орзу-ҳавасларини рўёбга чиқарувчи демократик ҳуқуқий давлат барпо этилди, фуқаролик жамияти ривожлантирилмоқда. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амалга оширилган таълим ислохотларига бағишлаб 2012 йилда Тошкентда ўтказилган халқаро анжуманда иштирок этган Европа университетларидан бирининг проректорининг Ўзбекистон телевидениесига берган интервьюсига бир эътибор беринг: «Мамлакатингизда таълим соҳасида эришилган ютуқларни, амалга оширилган ислохотларни Европага олиб бориб жорий қилиш керак. Ҳатто Европанинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий қилган баъзи давлатларининг ҳам ўзида бепул ўн икки йиллик таълимни жорий қилишга имконияти йўл қўймайди». Бу, юртимизда халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ишларга, бу ишларнинг бошида турган Инсонга билдирилган буюк эътироф. Юрти тўғрисида бундай илиқ фикрларни эшитган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўзида фахр ва ифтихор туймасдан қололмайди. Юртимизда яшаётган ҳар бир инсон ушбу жараёнда

Ўзининг ўрни борлигини ва олдидаги фуқаролик масъулияти нақадар юксаклигини ҳис қила билиши лозим.

“Ўзбекистонда олиб борилган ислоҳотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг предмети

### **Назорат саволлари**

1.Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислоҳотлар

2.Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар ва унинг босқичлари

3. Маънавиятни юксалтириш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги назарий концептуал масалалари

4.Ўзбекистон таълим тизимидаги ислоҳотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.

5.Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Унинг назарий асослари ва амалий натижалари.

## **5-МАВЗУ: Ўзбекистон ташқи сиёсатининг назарий концептуал асослари**

### **РЕЖА**

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамоиллари.
  2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – “ўзбек модели” ва ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асосидир
- Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели” ва ҳуқуқий асоси бўлган Конституциянинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътирофи

И.А. Каримов ўтказилган сайловлар давомида халқимиз мамлакатда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш, модернизациялаш, тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга ошириш учун овоз берганлигини айтиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IV боби «Ташқи сиёсат» деб аталади. 17-моддада айтилишича, Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти ҳисобланади. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Республика давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириши ва улардан ажралиб чиқиши мумкин.

❖ Конституциядан келиб чиқиб, И.А. Каримов ташқи сиёсатнинг асоси сифатида қуйидаги тамойилларни илгари сурди:

✓ Ўз миллий давлат манфаатларини устун ҳисоблаган ҳолда жаҳон миқёсида ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш.

✓ Ўзбекистон бошқа халқлар ва давлатлар билан ўзаро муносабатларда, умуминсоний кадриятларни устувор ҳисоблаб, халқаро майдонда тинчликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш ҳамда зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этиш тарафдори бўлиб келмоқда. Ўзбекистон ядро қуролига эга эмас, шунингдек, тажовузкор блок ва иттифоқларга кириш мақсади ҳам йўқ.

✓ Республиканинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишига аралашмаслик тамойилларига асосланган.

✓ Гоявий қарашларидан қатъий назар ташқи сиёсатга очиқлик тамойилининг рўёбга чиқарилиши барча тинчликсевар мамлакатлар билан кенг ташқи алоқаларни йўлга қўйишга кўмаклашади.

✓ Ўз миллий ҳуқуқий тизимини шакллантираётган мустақил Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрлари давлатнинг ички ҳуқуқ меъёрларидан устунлигини тан олади.

✓ Тошкент ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама ташқи алоқаларнинг тўла ўзаро ишонч тамойилларига таянган ҳолда олиб борилиши, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликнинг чуқурлаштирилиши тарафдоридир.

Юқоридаги тамойилларга амал қилган ҳолда Ўзбекистон ўз Мудофаа доктринасини шакллантирди. Ўзбекистонда Ҳарбий доктрина ишлаб чиқилган, Парламент мудофаа ҳамда қуролли кучлар тўғрисидаги бир қатор қонунларни қабул қилди. Ўзбекистоннинг Мудофаа доктринаси моҳиятини бир пайтлар кенг оммалашган кўшиқ сўзларини ўзбекчалаштириб ифодалаш мумкин: «Ўзгалар ерининг бирор қаричи ҳам бизга керакмас, лекин, ўзимизникини ҳам ҳеч кимга бермаймиз». Мудофаа қудратини мустаҳкамлашда асосий эътибор республикада тинчлик ва осойишталикни ишончли ҳимоя қила оладиган, тезкор, яхши қуролланган кучларни шакллантиришга қаратилади.

Бугун Ўзбекистон армиясида жаҳоннинг етакчи мамлакатлари қуролли кучлари илғор тажрибаси ҳамда ўзбекларнинг анъаналари ва фикрлаш тарзи уйғунлаштирилмоқда. Қуролли кучларни ҳарбий-техник жиҳатдан қайта тайёрлаш ва модернизациялаш мажмуали дастури амалга жорий қилинмоқда. Бунда, хусусан, Россия, АҚШ ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси ўрганиляпти. Миллий армиямизга руҳияти ва феъл-атвори билан кўпроқ мос бўлган ўзбек саркардаларининг тактика ва стратегиясига катта аҳамият берилляпти. Жумладан, XIV асрда яшаган буюк давлат арбоби, ўзбек халқининг машҳур аждоди Амир Темурнинг ҳарбий тажрибаси ўрганилмоқда. Чегара қўшинлари ислоҳ қилинди – улар мустақил қўшин турига айлантирилди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда мамлакатимиз хавфсизлиги ва барқарорлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги тактик ва стратегик вазифаларни самарали ҳал этишга қодир бўлган, ихчам, тезкор, замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминланган миллий армиямизни барпо этиш бўйича кўлами ва моҳиятига кўра улкан ишлар тизимли равишда ва босқичма-босқич амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Армияни ислоҳ қилишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган дастурига мувофиқ, мамлакатимиз хавфсизлигига қарши қаратилган ташқи ва ички



тахдид ва хатарларни чуқур ўрганиш асосида Қуролли Кучларни қуриш ва бошқаришнинг мутлақо янги тизими шакллантирилди. Ҳарбий округлар, чегара ҳудудларининг тузилиши, ҳарбий операциялар олиб бориладиган энг муҳим йўналишларда жанговар қўшин гуруҳларининг ташкил этилиши, ўз таркибида энг муҳим ҳарбий тузилмаларни бирлаштирган Қуролли Кучлар Бирлашган штабининг шакллантирилиши мамлакатимизда ягона мақсад ва вазифалар негизида узвий боғланган ишончли мудофаа тизимини яратиш имконини берди.

Шу йиллар мобайнида сержант ва офицер кадрларни профессионал асосда тайёрлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилинди. Бугунги кунда сержантларнинг қарийб учдан икки қисми замонавий ўқув базасига эга бўлган, салоҳияти тобора ортиб бораётган сержантлар тайёрлаш мактабларида таълим олганини қайд этиш лозим. Қуролли Кучларда хизмат қилаётган сержантлар шахсий таркибининг юксак жанговар ва сиёсий тайёргарлигини таъминлаш ҳарбий қисм ва бўлинмаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни, ҳарбий тартиб-интизомни сақлашнинг муҳим омилига, армиянинг асосий ўзагига айланди.

Айниқса, армияни қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари учун ижтимоий-маиший шароитларни яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, биргина 2008 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 51 фоизга оширилди. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар учун ишга жойлашиш ва олий ўқув юртларига ўқишга кириш бўйича қатор имтиёзлар тизими белгиланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз олий ўқув юртларида армия сафларида мардлик ва жасорат мактабини ўтаган, жанговар ҳамда сиёсий тайёргарликда юксак натижаларга эришган 22 минг нафардан зиёд ёшларимиз таълим олмоқда.

Бир сўз билан айтганда миллий мудофаани барпо этиш соҳасидаги чуқур тизимли ўзгаришлар натижасида армиямизнинг жанговар ва сиёсий тайёргарлик даражаси ва қудрати сезиларли равишда ошди, жамиятимизда, давлатимизда ҳарбий хизматнинг нуфузи, Қуролли Кучларнинг ўрни ва аҳамияти янги босқичга кўтарилди.

Ҳарбий қурилиш соҳасида жаҳондаги энг замонавий тажрибаларни ўзида мужассам этган ва айни вақтда миллий анъаналарни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган армия мамлакат хавфсизлиги, халқнинг тинч меҳнати ва осойишта ҳаётини, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан изчил тараққий этишини таъминлашнинг ишончли кафолатига айланди.

Ички Ишлар Вазирлиги ички кўшинлари таркибида ҳам чуқур тизимли ислохотлар ўтказилди. Ҳарбий ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Улар Ҳарбий Академияда, барча кўшин турлари учун ҳарбий билим юртларида тайёрланади. Қуролли кучлар давлат хавфсизлиги ҳамда халқнинг тинч ҳаёти қафолати ҳисобланади. Шу сабабдан республика юқори малакали мутахассислардан таркиб топган кучли армияни шакллантириш йўлидан борапти. Ўзбекистон қуролли кучларини барпо этишнинг асосий тамойили – таркиби жиҳатидан унча катта бўлмаган, лекин тезкор, ҳаракатчан, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан жиҳозланган, ҳам мустақил равишда, ҳам МДҲ давлатлари қуролли кучлари билан биргаликда Ўзбекистон ҳамда ҳамдўстликнинг жанубий чегаралари хавфсизлигини ишончли таъминлай оладиган армияни ташкил этишдир.

Мамлакатимиз истиқлолнинг дастлабки кунлариданок кўшни давлатлар билан бўлган муносабатда тинчликпарварликка асосланган ташқи сиёсатни олиб бормоқда.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш VI сессиясида қабул қилинган «Мустақиллик ҳақидаги Баёнот»да: «Халқаро ҳамжамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон халқаро муносабатларда мустақил давлат, халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида қатнашади, унинг мақсадлари мустаҳкам тинчлик, қуролсизланиш, ўз ҳудудини қурол-яроғлардан холи қилиш, ядровий қуролни ва бошқа оммавий қирғин қуролларини йўқотиш, суверен давлатлар ўртасидаги низо ва зиддиятларни ҳал этишда куч ишлатиш ва тазйиққа йўл қўймасликдан иборат», – деб ўз ташқи сиёсатининг асосий йўлини белгилаб олган Ўзбекистон 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциянинг 17-моддасида бу йўлни қонун билан мустаҳкамлади. Халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари ва нормаларининг бутун мажмуи Конституцияга, БМТ Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва инсон ҳуқуқларига оид бошқа халқаро ҳуқуқ битимлари, Хельсинки битими, Париж ва Мадрид ҳартияларига асосланди. Шунингдек, Асосий Қонунга киритилган қонунларни ривожлантириш мақсадида «Дипломатик муносабатларни ўрганиш тартиби», «Ўзбекистонда халқаро шартномаларни тузиш, ижро этиш ва бекор қилиш» ҳақидаги актлар ҳам қабул қилинди. Уларда ташқи сиёсатнинг ҳар томонлама асосланган тамойиллари ўз аксини топди.

Ушбу тамойиллар қуйидагилар: миллий-давлат манфаатларини устун қўйган ҳолда ташқи сиёсатда давлатларнинг суверен тенглигини ҳисобга олиш; умумбашарий қадриятларни устун қўйган ҳолда низоли можароларни тинч йўл билан ҳал этиш; ташқи сиёсатдаги тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорликни ўрнатишда бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик; барча тинчликсевар давлатлар билан ташқи алоқаларни ўрнатишга интилиш; халқаро ҳуқуқ нормаларини тан олган ҳолда жаҳон

хамжамиятида халқаро талабларга риоя қилиш; ташқи сиёсатда кўп томонлама алоқаларни ўрнатишда халқаро ташкилотлар доирасида алоқаларни кенгайтириш масалалари киритилди.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон дунё хамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани, энг аввало, юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда, уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда. Бу – давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топмоқда. Шу билан бирга бу – мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистон ўз ташқи сиёсатида фақат битта мақсад – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатини кўзлаб иш тутганлигини қайд этиш жоиз. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон ўзининг миллий манфаатларига мос келадиган барча мамлакатлар билан фаол ҳамкорлик қилиб келди. Айни пайтда халқаро ҳаётнинг муайян принципиал масалалари бўйича ёндашувларда тафовут бўлган давлатлар билан ҳам очиқ мулоқот олиб борганлигини қайд этиш мумкин.

Ўзбекистон раҳбарияти халқаро муносабатларни мафкуралаштиришга бўлган ҳар қандай уринишга қатъий қарши туриб келди. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, бу минтақани барқарор хавфсизлик худудига айлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг муҳим устувор йўналиши этиб белгиланган.

Ўзбекистон интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантиришга, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу борада халқимиз асрлар давомида шаклланган «Кўшнинг тинч – сен тинч» деган ҳаётий нақлга доимо амал қилиб келмоқда. Шунини таъкидлаш лозимки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Марказий Осиё Ҳамкорлиги Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз минтақада хавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартини ҳисобланади.

1992 йилнинг 2 мартида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Ўзининг бундай эътиборли халқаро ташкилот фаолиятидаги иштирокини Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг диққатини Марказий Осиёдаги тинчлик ва ҳамжихатликка, бу ерда хавфсизликни

таъминлаш билан боғлиқ ўткир муаммоларга қаратиш имконияти, деб баҳолайди. Бугунги кунда кенг қамровли хавфсизлик муаммосига алоқада бўлган ҳар хил халқаро ташкилотлар жуда кўп, лекин фақат БМТ хавфсизликни қўллаб-қувватлаб тура оладиган воситаларнинг тўла мажмуасига эга бўлиб, оғоҳлантирувчи дипломатиядан тортиб тинчлик ўрнатишда иштирок этишгача – ҳаммасини таъминлай билади. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан ва БМТ раҳбарлиги остида 1995 йилда Тошкентда Марказий Осиё минтақасидаги хавфсизлик муаммоларига бағишланган Халқаро семинар муваффақиятли ўтди, унда 20 та халқаро ташкилот ҳамда дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакати, жумладан, АҚШ, ГФР, Франция, Буюк Британия, Россия, Япония, Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Эрон ва бошқалардан дипломатик ҳамда ҳукумат вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистоннинг БМТ билан муносабатлари халқаро жамоатчилик томонидан ёрдам ва рағбат олиш хоҳишигагина асосланмаган, Республикамиз кўпроқ БМТ ўтказадиган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилишига, унинг фаолиятини янги мазмун билан тўлдиришга имкон қадар кўмаклашишга интилади. Жаҳондаги геосиёсий вазиятнинг ўзгариши БМТ фаолиятининг такомиллаштирилишини талаб қилмоқда. Дунёда шундай давлатлар пайдо бўлдики, улар ўз қудрати ва жаҳон сиёсати миқёсидаги таъсири туфайли Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси бўлиши мумкин. Аини пайтда БМТнинг нафақат тузилиши, балки амал қилиши, ўтказаетган тадбирларида буюк давлатларнинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш учун илгаридан олиб борган курашларининг муҳри сақланиб қолган. БМТнинг минтақавий зиддиятларни бартараф этиш бўйича тинчлик йўлидаги хатти-ҳаракатлари ҳар доим ҳам муваффақият олиб келмаслигини қисман шу билан изоҳлаш мумкин. Шу сабабдан ҳам, Ўзбекистон мазкур халқаро универсал ташкилотнинг тузилиши ҳамда фаолиятини такомиллаштириш йўлида бундан кейин ҳам жадал иш олиб боради. Қайд этиш керакки, БМТнинг интеграцияловчи имкониятлари ниҳоятда катта, унинг махсус ташкилотлари бу имкониятларнинг таркибий қисми сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон ташқи сиёсати устувор йўналишларидан бири гиёҳванд моддалар савдоси билан кураш олиб боришдир. Тошкент бу залолат билан кенг миқёсли кураш олиб бориш учун кучларни бирлаштириш таклифини бир неча бор ўртага ташлади. Бугун дунёда ишлаб чиқарилаётган ва истеъмол қилинаётган гиёҳванд моддаларининг каттагина қисми Марказий Осиё орқали олиб ўтиляпти. Ўзбекистон гиёҳванд моддалар савдоси билан кураш олиб бориш бўйича биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун Марказий Осиёда БМТнинг Минтақавий Комиссиясини тузиш таклифи билан чиқди. У атроф-муҳитни назорат қилиш ҳамда глобал экологик

халокатлар олдини олишда БМТнинг ролини ошириш тарафида. Ҳозирги пайтда Марказий Осиё сайёрамизнинг кўпгина бошқа минтақалари сингари йирик миқёсли экологик фалокатлар билан тўқнашяпти. Энг аввало, бу Орол денгизига тааллуқли. БМТ экспертлари фикрича, Орол муаммоси ўзининг экологик ва ижтимоий-иқтисодий оқибатларига кўра XX асрнинг энг катта фалокатларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистоннинг ташаббуси билан 1995 йилнинг сентябрыда Нукус шаҳрида БМТ раҳбарлиги остида Орол денгизи муаммоларига бағишланган Халқаро конференция бўлиб ўтди. Ўзбекистон БМТнинг ихтисослаштирилган ташкилотлари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Президентимиз ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг сессия мажлисларида бир неча бор чиқишлар қилган. Ислом Каримов ЮНЕСКО Олтин медали билан тақдирланган. ЮНЕСКО бошчилигида Амир Темурнинг, Самарқанд, Бухоро шаҳарларининг юбилейлари муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда инсоният юксак тараққиёт йўлидан жадал ривожланиб, улкан натижаларни қўлга киритмоқда. Айни вақтда умумий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнида турли муаммо ва зиддиятлар вужудга келиб, глобал миқёсда кучайиб, кескин тус олиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида Ер юзидаги барча давлатлар ва халқларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлиги асосида уларни бор куч ва имкониятларини ана шу ғоят долзарб масалалар ечими йўлида бирлаштириш ва сафарбар этишни ўткир заруратга айлантirmoқда. Бу борада, ҳеч шубҳасиз, жаҳондаги турли халқаро ташкилотлар, биринчи галда, энг нуфузли ва етакчи халқаро ташкилот – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ўрни ва аҳамияти ҳар қачонгидан ҳам кўра ортиб бормoқда.

БМТнинг юксак минбаридан туриб илгари сурилаётган, инсониятнинг бугунги ва эртанги тараққиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган дастурлар ижросини таъминлашда мамлакатимиз фаол иштирок этиб, ана шу дастурлар доирасида дунёдаги турли давлатлар, халқаро ташкилотлар билан изчил самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Бу ҳақда фикр юритганда, БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Маълумки, БМТнинг 2000 йилда бўлиб ўтган Мингйиллик саммитида Мингйиллик декларацияси қабул қилиниб, унда Инсон тараққиёти концепциясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган эди. Мазкур декларацияда БМТга аъзо давлатларнинг тинчликсеварлик, юксак тараққиёт ва адолатли дунё тўғрисидаги орзу-интилишлари ўз ифодасини топиб, инсон ҳуқуқлари, давлат бошқаруви ва демократия соҳасидаги умумий мажбуриятларнинг кенг доираси Глобал

Мингйиллик ривожланиш мақсадлари кўринишида белгилаб берилган эди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси ҳамда миллий тараққиётимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, 2015 йилгача эришилиши кўзда тутилган Мингйиллик ривожланиш мақсадлари ва уларни амалга ошириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Пан Ги Мун 2010 йил апрель ойида мамлакатимизга ташриф буюриб, юртимизда бу борада амалга оширилаётган катта миқёсдаги ишлар билан яқиндан танишди ва уларга юксак баҳо берди. Шунингдек, БМТ Бош котиби Оролбўйи минтақасида бўлиб, у ердаги экологик ҳолатни ҳам кўздан кечирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг таклифига биноан 2010 йил 20 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисида иштирок этиб, мазкур саммитда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида мамлакатимизда Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида амалга оширилган ишлар, Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлиги, Марказий Осиёдаги бугунги жараёнлар, минтақавий хавфсизлик ва экология муаммолари, Афғонистон можароси ва уни ҳал этиш йўллари ҳақида алоҳида тўхталди. Президентимиз томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар БМТ Бош Ассамблеясининг олий даражадаги мажлиси иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қабул қилинди<sup>16</sup>. Бунинг тасдиғини Ислом Каримовнинг ўша куннинг ўзида БМТ Бош котиби Пан Ги Мун, Германия Федератив Республикаси Канцлери Ангела Меркель ва дунёнинг бошқа таниқли давлат ва сиёсат арбоблари билан бўлган учрашувлари пайтида, шунингдек, жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали билдирилган фикрлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Юртбошимиз нутқида ҳар томонлама асослаб берилган, тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган масалалар, жумладан, минтақамизда ва бутун дунёдаги тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқтисодиёт, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари ривожини янги босқичга кўтариш ва уларни янада кўпроқ инсон манфаатлари йўлида хизмат қилдириш, бу борада БМТ билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва фаоллаштириш – буларнинг барчаси жаҳон жамоатчилигидан биргаликдаги доимий саъй-ҳаракатларни талаб этадиган устувор вазифалардир. Уларни бизнинг юртимизда тўлиқ ва самарали амалга ошириш эса энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятининг теран ва чуқур англаб

---

<sup>16</sup> Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлидан. // Халқ сўзи, 2010 йил 21 сентябрь.

етилишини тақозо этади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тавсиясига биноан Президентимиз Ислон Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини мамлакатимиз талаба ёшлари ўртасида тизимли равишда ҳар томонлама чуқур ўрганилишини таъминлаш, шу асосда БМТ Мингйиллик ривожланиш мақсадлари доирасида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан, том маънода тарихий ишларнинг маъно-мазмуни, беқиёс аҳамияти, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсида ортиб бораётган обрў-эътибори ҳақида уларга атрофлича қўшимча илмий маълумотлар бериш мақсадида Ватанимиздаги етакчи олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, илмий-педагог ходимлари томонидан махсус ўқув курси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ташқи сиёсат соҳасидаги вазифаларни ҳал этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Шу билан бирга, жаҳон майдонида халқаро хавфсизлик масаласи билан боғлиқ мутлақо янги тенденция ва вазиятлар, шунингдек, янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тузилмаларини, биринчи навбатда, унинг етакчи органи – Хавфсизлик Кенгашини ислоҳ қилиш ва таркибини қайта кўриб чиқишни тезлаштиришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистоннинг Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки ва бошқа йирик, нуфузли халқаро молия ва иқтисодиёт тузилмалари ҳамда ташкилотлари билан ҳамкорлиги келгусида ҳам ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда. Юртимизда амалга оширилаётган янгиланиш ва иқтисодий ислохотлар жараёнида ушбу ташкилотларнинг роли ва ўрни бениҳоя катта.

Ўзбекистон жаҳондаги йирик, халқаро майдонда етакчи ўрин тутадиган давлатлар – АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор беради. Мамлакатимиз Жанубий Корея Республикаси, Бразилия, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ ва Араб Шарқининг кўплаб мамлакатлари билан яқин муносабатлар ўрнатган.

Ўзбекистон мустақил ривожланиш йўлидан бораётган қисқа тарихий давр мобайнида республикани суверен давлат сифатида шакллантириш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектига айланди. Ўзбекистонни 165 давлат тан олди, 120 дан ортиқ мамлакатлар билан дипломатик муносабатлар йўлга қўйилган. Тошкентда 35 мамлакат ўз элчихонасини очган. Ўзбекистон энг обрўли ва таъсирчан халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, энг

йирик банк ва молиявий, нодавлат ва ноҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлик олиб боради. Ўтган йиллар мобайнида Республика муҳим давлатлараро конвенцияларга қўшилди. Республикада 88 та чет эл ваколатхонаси аккредитациядан ўтган, 24 та ҳукуматлараро ва 13 та ноҳукумат ташкилоти иш олиб боради. Афтидан, XXI аср халқаро муносабатларнинг глобаллашуви асри бўлади. Бундай шароитда мустақил давлатларнинг халқаро институтлар ҳамда ташкилотлардаги иштирокини кенгайтириш фақат тарих тақозоси эмас, балки алоҳида минтақалар, шунингдек, умуман, бутун сайёрамизда барқарорликни кучайтиришнинг муҳим омили бўлиб қолади. Ўзбекистон турли даражадаги – глобал ва минтақавий интегротив жараёнларда иштирок этар экан, жуда муҳим бир тамойилга қатъий амал қилади: бир давлат билан яқинлашиш иккинчисидан узоқлашишни англамайди. Республика бир субъект билан шерикчиликни мустақамлаш бошқа субъектлар билан шерикчилик муносабатларининг сусайиши ҳисобига боришига қарши. Халқаро муносабатларнинг турли субъектлари билан Ўзбекистоннинг алоқалари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, улар билан муносабатда ноаниқлик ва тушунмовчиликлар, муаммолар ҳамда ҳал этилмаган масалалар шунчалик кам бўлади.

Мустақил Ўзбекистон 2001 йилнинг июнь ойида «Шанхай бешлиги» деб юритилган халқаро ташкилотнинг ХХРнинг Шанхай шаҳрида чақирилган саммитида тўла ҳуқуқли аъзоси бўлди. 1998 йили ташкил этилган «Шанхай бешлиги»да – Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон Республикалари аъзодир. Шундан кейин ташкилот «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти» номи билан юритилиб, ҳар томонлама ҳамкорлик ўрнатиш, айти вақтда халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш ташкилотнинг фаолият марказида турадиган бўлди. Терроризмга қарши кураш қароргоҳи (штаби) Бишкекдан Тошкентга кўчирилди. Ташкилотнинг аниқ вазифалари Ташқи ишлар, Мудофаа вазирликлари кенгашларида ҳал қилинади.

2010 йилнинг 11 июнида пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти ўзининг навбатдаги йиғилишини ўтказди. Бунда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига мамлакатимиз раҳбарлиги даври ижобий баҳоланди. Таъкидлаш лозимки, бундан кутилган асосий мақсад ҳам ушбу регионда (Марказий Осиёда) тинчликни сақлаш, хусусан, Афғонистон ва Қирғизистондаги муаммоларни ижобий ҳал қилиш ва уни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

ШХТни ривожлантиришда Ташкилот доирасида кузатувчилар ҳамда мулоқот бўйича шериклар институти жорий қилингани принципиал муҳим аҳамиятга эга бўлди. АСЕАН, МДХ билан ўзаро англашув меморандумлари қабул қилингани, шунингдек, 2010 йил апрель ойида БМТ Бош котиби Пан



Ги Муннинг Тошкентга ташрифи асносида ШХТ ва БМТнинг ҳамкорлик декларацияси имзоланди.

Афғонистон муаммоси ШХТнинг деярли барча мажлисларида муҳокама этиб келинаётган муҳим масалалардан бири бўлиб, бугун ҳам бу мавзу диққат-эътиборда турибди. 30 йилдан буён уруш давом этаётган Афғонистондаги муаммоларни ҳал қилмай туриб, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик ҳақида гапириш мумкин эмаслиги айна ҳақиқатдир.

Мустақилликка қадар юртимизда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Ҳозирги вақтда чет элларда мамлакатимизнинг 48 та дипломатик ваколатхонаси бор. Ўзбекистонда эса 86 та элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом Конференцияси ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби нуфузли халқаро ташкилотлар ва қатор ихтисослашган халқаро тузилмалар ишида фаол иштирок этиб, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш, наркотик моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ, шунингдек, халқаро ҳамжамият олдида турган бошқа долзарб муаммоларни ҳал этиш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекистон – БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Республика ўзининг бундай эътиборли халқаро ташкилот фаолиятидаги иштирокини жаҳон ҳамжамиятининг диққатини Марказий Осиёдаги тинчлик ва ҳамжиҳатликка, бу ерда хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ ўткир муаммоларга қаратиш имконияти деб баҳолайди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда Ўзбекистонга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Халқаро молиявий корпорация, Европа реконструкция ва тараққиёт банки катта ёрдам берапти. Ўзбекистон минтақавий халқаро ташкилотлар билан самарали ҳамкорлик олиб бормоқда.

Жамиятимизнинг демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида барқарор ривожланишига Осиё минтақасидаги халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳам катта ҳисса қўшяпти. Давлатлараро алоқалар муҳим йўналишлари бўйича бизнинг АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция, Бельгия, Португалия, Австрия, Чехия, Словакия, Руминия ва бошқа қатор мамлакатлар билан икки томонлама алоқаларимиз изчил тараққий этяпти. Ўзбекистоннинг Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари – Япония, Жанубий Корея, Вьетнам, Малайзия, Ҳиндистон, Индонезия ва бошқалар билан алоқалари ҳам мустаҳкамланиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда турли мамлакатларнинг кўплаб сиёсатчилари, мутахассис олимлар дунёнинг яқин келажакдаги ривожланиши глобаллашув йўлидан бораётганлигини англаб етдилар. Шуниси диққатга сазоворки, жуда кўп икки томонлама ва кўп томонлама юқори даражали учрашувларда

муносабатларнинг глобаллашуви аста-секин энг устувор муаммолардан бири сифатида таснифланадиган бўлди.

❖ 1999 йилда «саккизлик» мамлакатлари раҳбарлари учрашувининг якуний баёоти иккинчи бандида глобаллашув жараёнининг ўзига расман таъриф берилган:

➤ глобаллашув – бутун дунё бўйича ғоялар, сармоя, техника ва товарлар оқимининг тезлашуви ҳамда миқёсининг ортиши жараёнидир;

➤ глобаллашув айрим жамиятларда уларнинг турли халқларни бирлаштирувчи очиклиги туфайли пайдо бўладиган чуқур ўзгаришлар билан боғлиқ;

➤ глобаллашув очиклик ва динамизмнинг ортиб бориши натижаси сифатида турмуш даражасининг янада ўсиши ҳамда қашшоқлик даражасининг пасайишига кўмаклашиш шарти ҳисобланади;

➤ глобаллашув – интеграциянинг янги шакли бўлиб, у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, имкониятларни кенгайтириб, иқтисодий ўсишини таъминлаш ҳисобига кўшимча иш жойлари яратиш учун йўл очади;

➤ глобаллашув ахборот инқилоби билан боғлиқ бўлиб, у ўз навбатида янги жамиятга ўтишнинг асосий шарти ҳисобланади;

➤ глобаллашув турли маданият ва қадриятларнинг ўзаро чуқур муносабатлари сифатида демократик жамиятлар қуриш, инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликлари кафолатларини шакллантириш йўналишларида ўз ифодасини топди.

Глобаллашувнинг айрим ишчилар, оилалар, жамоалар учун муайян хавфли жиҳатлари ҳам бор, у молиявий ноаниқлик ва иш жойини алмаштириш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Иқтисодчи олимлар, сиёсатшунослар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига эга демократик жамият қуриш мақсади давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграцияси билан тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини доимо таъкидлаб келдилар.

Биз жаҳон ҳамжамиятига интеграция тўғрисида сўз юритганда, энг аввало Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятидаги иштирокимизни назарда тутамиз. Ўзбекистон ўзининг бундай нуфузли халқаро ташкилот ишида қатнашишини жаҳон ҳамжамияти эътиборини Марказий Осиё минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашдек ўтқир муаммоларга тортиш имконияти деб баҳолайди. Халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, жаҳон ҳамжамиятига интеграцияланишни таъминлашда катта ёрдам кўрсатдилар.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциянинг таркибий қисми ШХТ, ЭКО, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар минтақавий халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш ҳисобланади.

Республика миллий манфаатлари нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг Европа билан боғлиқ жиҳати ниҳоятда муҳим. Европа ва, умуман, бутун Ғарб – юксак технологиялар ва инвестициялар манбаи, замонавий демократия ҳамда инсон ҳуқуқлари рамзидир.

Жамиятимизнинг демократик ислохотларни чуқурлаштириш йўлида барқарор ривожланиши бошқа халқаро ташкилотлар, энг аввало, Осиё минтақасидаги ташкилотлар билан ҳамкорлик туфайли юз беради.

Бу – туркий давлатлар орасидаги муносабатларнинг тараққий этиши ва чуқурлашуви; илм-фан, маданият, таълим, иқтисодиёт, транспорт алоқалари соҳасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик; «Ипак йўлини тиклаш» бир бутун Дастурининг рўёбга чиқарилиши; ўрганувчи туризмнинг ривожлантирилиши, туркий давлатлар маданий меросини тиклаш, сақлаб қолиш ва барқарор ривожлантириш демак.

Минтақавий барқарорлаштириш минтақавий даражада интеграция масалаларини ривожлантириш муаммоларини ечишда МДХ мамлакатлари орасида юзага келаётган муносабатлар алоҳида ўрин тутади. Икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномали муносабатлар доирасида тенг шерикчилик асосида МДХ давлатларининг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги учун имкониятлар етарли. Бундай ҳамкорликнинг негизи фақат ушбу мамлакатларнинг ҳудудий жиҳатдан яқинлиги ва иқтисодининг бир-бирига боғлиқлигида эмас, балки узоқ тарихий давр мобайнидаги маданий ва маънавий алоқалар, халқлар тақдирининг умумий бўлганидир. Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари билан айниқса мустаҳкам алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Марказий Осиё даражасидаги интеграция ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Марказий Осиёдаги интеграциялашув бу – айни вақт, бугунги кунда мавжуд воқелик, унинг ташкилий, ҳуқуқий ва сиёсий шаклини таъминлаш керак, холос. Уни ҳудудий бирлик, коммуникация соҳасидаги, иқтисодиётнинг асосий ва етакчи соҳаларидаги умумийлик, сув хўжалиги ва энергетик объектлардан биргаликда фойдаланиш, бир умумий илдизга эга бўлган халқларимизнинг маданияти, тили ва маънавияти бирлигининг ўзи тақозо этади. Марказий Осиё республикалари интеграцияси учун қатор бирламчи шартлар мавжуд. Бу иқтисодий ривожланиш даражасининг, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ўхшашлиги, транспорт, энергетик алоқалар, сув заҳираларининг умумийлигидир. Бундан ташқари, ушбу минтақада яшовчи халқлар хавфсизлигига таҳдидлар ҳам умумий. Булар Оролнинг қуриб бораётгани, гиёҳванд моддалар савдоси, террорчилик, диний фундаментализм ва ҳ.к.

**1. Ўтмиш сабоқлари.** Ҳар бир давлатнинг ўз тарихи, ўзига хос танлаган йўли бўлади. Худди шундай Ўзбекистоннинг ҳам ҳеч бир давлатга ўхшамаган ўз йўли ва тарихи бор. Ўзбек халқи дунё майдонида куни кеча тасодифан пайдо бўлиб қолгани йўқ. У жаҳон цивилизациясида улкан ҳисса қўшган, бой тарих, юксак маданият, буюк маънавиятга эга бўлган халқлардан бири ҳисобланади. Шунинг учун энг қалтис ва таҳликали даврларда ҳам аجدодларимиз умид ва ишонч билан турли хил ёвларга қарши курашиб, буюк илмий кашфиётлар қилиб, маърифат машъалини баланд кўтариб жаҳолатга қарши чиқишган.

Тарих шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат, ҳар бир шахс биринчи навбатда ўз миллий ғурурига эга бўлиши, ўзлигини англаши лозим. Шахс, миллат, авваламбор, ўзини ҳурмат қилганидагина бошқа шахс, миллатларни ҳурмат қилади. Ўзлигини англамаган, ғурурсиз миллат ҳар қанча моддий бойликларга эга бўлмасин кул бўлиб яшайверади. Аксинча, ўзлигини англаган, ўз аجدодлари тарихини, қадрияти, урф-одатлари, анъаналарини эъзозлаган миллатнинг келажаги буюк бўлади. Инсон ўз тарихидан кеча олмайди. Ҳаққоний ва холис ўрганилган тарих инсонга куч бағишлайди, иродасини мустаҳкамлайди. Кекса авлод – ота-боболаримиз юртимизни ярим феодал, қоқоқ мамлакатдан ижтимоий, иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан ривожланган замонавий даражасига кўтаришган. Шу билан биргалликда социализмда кўпгина кўпол хатоликлар ва бузилишларга ҳам йўл қўйилган. Унинг турли босқичларида халқнинг тарихидан, тилидан ва динидан ажратиб қўйиш учун катта уринишлар бўлган. Маъмурий-буйруқбозлик тузуми ўрнатилган шахсга сиғиниш йилларида, турғунлик замонларида нотўғри йўл-йўриқлар, мақсадлар орқали жамият ҳаёти сохталаштирилди: “Асоссиз равишда қилинган оммавий қатағонларни, коллективлаштириш ва саноатлаштириш даврида турмушнинг асосий негизлари шафқатсизлик билан барбод қилинган, халқларнинг маънавий қадрият ва анъаналари қалбакилаштирилгани, айрим кишилар пулга сотилиб, айниб кетганлиги, ижтимоий-иқтисодий инқирозга учраган одамлар халқнинг энг зарур эҳтиёжлари ва ҳаётий талабларини писанд қилмай қўйганликларини кўрсатувчи тобора янги-янги даҳшатли мисоллар ҳозир маълум бўлиб қолмоқда”. Ислоҳ Абдуғаниевич Каримовнинг 1990 йида айтган бу сўзлари, “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” асарида тарихчилар олдига қўйилган вазифаларни бажариш борасида тарихчи олимларимиз томонидан кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Илгари кўриш мумкин бўлмаган кўплаб архив материаллари нашр қилинди ва таҳлил этилмоқда.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари – 1998 йилда Ўзбекистон Президенти томонидан 9 май – Ғалаба кунини Хотира ва қадрлаш кунини деб эълон қилинганлиги нақадар тўғри бўлганлигини вақтнинг ўзи исботлади, бу

ташаббусни халқимиз жуда катта хурсандчилик билан қабул қилиб, ҳар йили уни кенг нишонламоқда. Бу кун анъанага, одатга айланиб бормоқда.

Бу кун нега Хотира ва кадрлаш куни деб эълон қилинди? Негаки 2-жаҳон урушида Ўзбекистондан 1,5 млн.га яқин киши қатнашган бўлса, ҳар 3 кишидан 1 киши урушдан қайтмади. Бу фожиадан юртимиздаги бирор бир хонадон четда қолмади. Бундай вазият қайта такрорланмаслиги учун ҳам унинг сабаблари, илдизларини, ғоявий асосларини кенг ўрганиб, ҳар қандай урушлар, айниқса, Иккинчи жаҳон уруши сабаб ва оқибатларини, Ўзбекистоннинг ҳар бир ҳудуди, ҳар бир хонадонига таъсирини архив манбалари орқали қайта кўриб чиқиб, бу даврдаги халқнинг ҳақиқий аҳволини, яшаш шароитини кенг жамоатчиликка кўрсатмоқ даркор. Бундай фожиявий ҳолатни бугунги тинч ва фарован ҳаёт билан солиштириб ёшларни ҳар қандай урушларга нафрат руҳида тарбиялашимиз керак. Бунинг учун биринчи навбатда тарихдан сабоқ чиқармоғимиз даркор.

Шу билан бирга, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларимиз, қўлга киритилган муваффақиятларимиз ҳақида кўпроқ гапиряпмиз. Лекин истиқлолга эришилгандан кейинги дастлабки йилларда ўзларини халқнинг ҳимоячилари деб кўрсатган айрим кучлар, сохта демократлар, шўролар давридан қолган коммунистик мафкура тарафдорлари мустақиллик, демократия ғояларидан ўз манфаатлари, ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Собиқ шўролар давлати ўрнида вужудга келган янги, хур давлатлар тажрибаси мамлакат ичкарисидаги ички душманлар билан бир қаторда ташқи томондан ҳам мустақилликка хавф-хатар бўлиши мумкинлигини тўла тасдиқлади. Айниқса, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий хусусиятларни ҳисобга олмасдан бировдан андоза олиб, кўр-кўрона унга даъват этишлар, уринишлар бўлди. Тарихимизнинг бу мудроқ саҳифаларини варақлаш яқин ўтмишимизга теран назар ташлаш, содир бўлган воқеаларни вақт тарозусида ўлчаш, уларга ҳолисона баҳо беришга ундайди. Чунки ҳозир бу ҳақда гапириш — ҳар қандай эҳтиросдан холи мустақил фикр юритиш демакдир.

Мозийга қайтиб иш кўриш савобли дейдилар. Кечаги тарихдан, бугун дунёда, айниқса, араб мамлакатларида юз бераётган қонли тўқнашувларни зийраклик билан таҳлил қилиб хулоса чиқариш керак. Ватан, халқ тақдирига ҳар бир фуқаро дахлдорлик туйғуси билан яшаши зарур. Донишмандларнинг жуда тўғри топиб айтилган бир ҳикмати бор, “ўзинг ёнмагунча, ўзгаларни ёндира олмайсан”, дейишади. Ҳар бир масъул раҳбар ўз жойида шундай ишлаши керакки, халқимиз, ёшларимиз бугунги тинчлик, осойишталикнинг кадри нақадар баланд эканлигини ҳар нафасда ҳис қилиб турсин.

Президентимиз таъкидлаганларидек, Мана шу муқаддас тупроқ меники, бизники, деб яшаш! Бу ерда ота-бобомнинг хоки ётибди. Агар шу

мусаффо осмон, шу ҳаёт, мана шу Ватанни мен ҳимоя қилмасам, уни ким ҳимоя қилади! деб яшаш керак. Бунинг учун эса инсон ўз Ватанини, оиласини билиши, севиши, унинг тарихини, ўз аجدодларининг ўтмишини билмоғимиз, ундан сабоқ чиқармоғимиз керак.

**2. Бугунги кун манзараси.** Бугунги кунга келиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган оқилона сиёсат туфайли халқимизнинг дунёқараши ўзгарди, ижтимоий фаоллиги ошди. Бугун бизнинг давлатимизда тинчлик ва барқарорлик. Бу кечаги байрам кунларида ҳам яна бир бор намоён бўлди. Негаки, биз байрам қилдик, баъзи бир давлатларда эса айнан шу кунлари норозилик намойишлари бўлиб ўтди. Бугун мамлакатимиз келажаги учун халқимизнинг онги, қалби дахлсизлигини, хотиржамлигини таъминлаш, юртимизни турли бало-қазолардан, ахборот хуружлари ва бошқа миллий мафкурамизга, азалий кадриятларимизга ёт бўлган зарарли ғоялар таъсиридан муҳофаза қилишдан кўра муҳимроқ вазифа йўқ. Фашизм устидан қозонилган Ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, дунёда фашизмнинг илдизи ҳали ҳам қуригани йўқ, турли минтақаларда қанчадан-қанча қуролли тўқнашувлар, офатлар, қон тўкишлар, тортишувлар содир этилаяпти. Бугунги кунларда ҳам мудҳиш ва аёвсиз урушларнинг олдини олиш энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаяпти. Айниқса ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол, бу ерда турли давлатлар, сиёсий оқимларнинг янги стратегик мақсадларни олдинга сурувчи сиёсий ўйинлари бошланаётганлиги, минтақада таҳликали вазиятни ушлаб туришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар бизни янада ҳушёр бўлишга ундайди.

Нотинч қўшни билан яшаш кишига жуда катта ташвиш туғдиради. Нотинч оиладан исталган пайтда ҳар нарсани кутиш мумкин. Шу боис Ислом Абдуғаниевич бизларни ҳушёрликка чақириб, олдимизга “Бу хавф-хатар бизларга нима олиб келиши мумкин, деган ўй билан сезгир яшашимиз, унга қарши олдиндан чора-тадбирларни кўришимиз талаб этилади”, - деган вазифани қўйдилар.

Қолаверса - биз учун энг муҳим нарса – бу ёшларимизнинг дунёқараши, уларнинг онги, тафаккури, қалбининг турли ёт иллатлардан холи сақлашдир. Бу нарса мамлакатимиз келажаги билан, айнан ёшларимизнинг келажақдаги ҳаёти, тақдири билан чамбар-час боғлиқлигини бир дақиқа бўлсада унутмаслигимиз керак. Ҳар бир инсон ҳаётда яшар экан бу дунёда уни тутиб турган ўз таянчлари бўлади. Бу таянчларнинг энг биринчиси – бу Ватандир, оёғи тегиб турган, киндик қони тўкилган мана шу замин, ота-бобосининг хоки ётган мана шу тупроқ. Ватанни севиш, уни муқаддас билиб ардоқлаш халқимизнинг вужудига чуқур сингиб кетган энг улуғ ҳис-туйғу эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Президентимиз жуда кўп таъкидлайдиган “Ватанни севмоқ иймондандир”, деган ҳикматли сўз бежиз айтилмаган. Бунинг учун

эса Ватан тарихини ҳаққоний, тўлиқ, холис ўрганмоғимиз, тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимиз онгига чуқур сингдирмоғимиз даркор. Ўзликни англаш ўтмишни ўрганишдан бошланади. Ўзликни англаган инсон иродали инсон бўлиб, уни ҳар хил бузғунчи ғоялар, ёвуз кучлар ўзига бўйсундиrolмайди. Тарих саҳифаларини варақлаб, юртимиз бошидан кечирган, босиб ўтган йўлига назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг нақадар кўнгли, кўли очиқ, қалби дарёлигининг гувоҳи бўламиз. Бундай халқ тинч, осойишта, фаровон турмуш кечиришга, ўз орзу хавасларини рўёбга чиқаришга, ўзининг ёрқин келажagini куришга ҳар томонлама муносибдир. Зеро: ”Тарихий хотирасиз келажак йўқ”. Дарҳақиқат, ҳаёт ҳақиқати шуни кўрсатадики, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини таркибий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз. Бугунги кунда замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шу қадар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво қараб бўлмайди. Ана шундай кайфиятга берилган халқ ёки миллат тараққиётдан юз йиллар орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Чунки бугун ҳар қайсимиз башариятнинг бир зарраси, коинотнинг бир бўлаги эканлигимизни ҳис қилиб яшамоғимиз даркор. Ўз кўчангда қаердансан деб сўрашса, уйингни кўрсатасан, маҳаллада эса кўчаннинг номини айтасан, туманда қишлоғинг номини айтсанг вилоят марказида туманинг номини тилга оласан, пойтахтда вилоятнинг номи билан фахрлансанг, бошқа мамлакатда ватан деб Ўзбекистон номини тилга оласан. Африкада Осиёданман десанг, коинотда эса Ерданман деб ғурурланасан. Шундай экан, Ер юзидаги барча миллат, барча халқ ягона бир мақсад—Ер юзининг тинчлиги, ободлигини сақлаш йўлида тинч-тотув ва баҳамжихат яшамоклари шарт.

Ҳозирги пайтда ер юзининг қайси чеккасида қандай бир воқеа юз бермасин, одамзот бу ҳақда дунёнинг бошқа чеккасида зудлик билан хабар топади. Бунга сабаб глобаллашув жараёни бўлиб, унинг ҳаётимизга тобора тез ва чуқур кириб келаятигани билан боғлиқдир. Шу билан бирга бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи нафақат яқин ва узоқ кўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва худудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораётгани, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини англаш билан боғлиқ. Ҳаётимизга тобора чуқур кириб келаятиган глобаллашув жараёнининг ижобий ва салбий томонлари бўлиб, бу жараёнда мустақилликни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, мустаҳкамлашнинг муҳим омили огоҳликдир.

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаши, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидоийлик билан кураша олиши мумкин.

Глобаллашув жараёнининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳозирги шароитда у мафкуравий таъсир ўтказишнинг ниҳоятда ўткир қуролига айланиб, ҳар хил сиёсий кучлар ва марказларнинг манфаатларига хизмат қилаётганини соғлом фикрлайдиган ҳар қандай одам кузатиши мумкин. Бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга. Бу масаланинг кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқни, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин. Бугунги кунда ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда ёшларнинг онгини уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, замоннинг талабига ҳам, эзгу мақсадларга ҳам тўғри келмайди. Чунки очик ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйган давлат бу йўлдан ҳеч қачон бормайди.

Ислом Абдуғаниевич 2012 йил 9 майдаги суҳбатларида ён-атрофимиздаги давлатларда миллатчилик иллатлари илдиз отиб бораётганлигига алоҳида тўхталиб: “Ён-атрофимиздаги давлатларда Миллатчилик иллатлари илдиз отиб борапти. ...Биз ҳозир ХХI асрда яшаймиз, миллатчилик иллоти ўрта асрларда қолмадими? Қўшни давлатларда тарихлар қайта ёзилаяпти, бу борада институтлар, идоралар тузилаяпти. Гўёки, бу миллатнинг ёнида яшаётган миллатлардан устунлик томонлари бор экан. Бунга вақтида баҳо бермасак, олдини олмасак, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин”,-деб таъкидладилар. Дарҳақиқат, қўшни республикаларимизда тарихчилар ўз давлатларининг, миллатлари ва элатларининг қадимийлигини, қадим аждодлари чегараларининг бошқалардан кенг ҳудудларда тарқалганлигини, аждодларининг бошқа халқлар аждодларидан устун бўлганлигини сохта, ғайри илмий маълумотларга таяниб бонг урмоқдалар. Шу билан бирга ҳозирги вақтда муайян бир меросни ким, қайси халқ ёки миллат томонидан яратилганлиги тўғрисида ғайриилмий мунозаралар пайдо бўлмоқда<sup>17</sup>. Айниқса, бундай

<sup>17</sup> Дурдиев М.Б. Туркмены... Ашхабад: Харп, 1991; Негматов Н. Н. Таджикиский феномен: теория и история. Душанбе, 1997; Демидов С.М. Постсоветской Туркменистон. Москва: Наталис, 2002; Акаев А. Кыргызская государственность и народный эпос «Манас». Бишкек: Учкун, 2003; Saparmurat Turkmanbasy Ruhnama.



илмий асосланмаган, ўз халқи, давлатчилигини имкон қадар қадимийлаштиришга, ҳозирги давлатлари ва унинг ҳудудларини қонунийлаштиришга бўлган ноҳолис ҳаракатлар Марказий Осиё республикалари тарихчилари орасида яққол кўзга ташланмоқда. Масалан: Сафармурот Туркманбоши “Рухнома” асарида бугунги туркман халқининг тарихини м.авв. 3-минг йилликда пайдо бўлган, Ўрта Осиёдаги барча қадимги шаҳарларни туркман халқи яратган, туркман халқининг буюк давлатларидан бири “Қўҳна – Урганч туркман давлати” каби ноилмий, ноҳолис фикрларни илгари суриб, туркманлар арийлар билан бир даврда яшаган деган қарашлари билан тарих фанида янгилик қилган бўлса, Имомали Раҳмонов эса тожик халқини Ўрта Осиёдаги энг қадимги халқ, деб тожиклар орийларининг авлодлари бўлиб, улар Ўрта Осиёдаги энг маданийлашган халқ эканлигини таъкидлаб, минтақада яратилган маданий мерос асосчилари сифатида ўз халқини улуғлашга ҳаракат қилади. Яхшиямки, бундай сохта назарияларга холис тарихчилар ўз вақтида тўғри жавоб беришмоқда<sup>18</sup>. Аслини олганда, меросни бундай миллий бўлақларга бўлиш ўзини оқламайди. Чунки вужудга келган бирор тарихий жараён ёки маданий объект бир неча авлод ҳамда турли этник гуруҳ вакиллари тарафидан муайян давр мобайнида яратилади. Уни фақатгина бирор алоҳида миллат, этник гуруҳ чегараси билан ўлчаш, фақат унгагина тегишли деб билиш тарихий жараёнларни ҳаққоний баҳолашга ҳалал беради.

Бундай сохта билимлар, назариялар инсонлар, айниқса, ёшлар онгини тез заҳарлайди. Буюк давлатчилик, шовинистик қарашларни, миллатчилик кайфиятини туғдиради. Чунки миллий, диний асосдаги тарғиботлар ҳарқандай онгга тез таъсир кўрсатади. Фашизм ғояларининг асосида ҳам, унинг кўпчилик онгига кириб боришида ҳам айнан шу миллатчилик ғоялари ётган эди. Бу балонинг оқибатларидан ҳозиргача бутун дунё аҳли, айниқса, немис миллати кўп азият чекиб келмоқда. Бундай ўтмиш сабоқларига бефарқ қарамасдан, ҳар миллатдаги онгли, қалбида умуминсоний ғоялар мавжуд бўлган зиёлилар, сиёсий раҳбарлар ўрнатқ олиб, ўз халқига, инсониятга қилинаётган бундай хиёнатларнинг олдини олмоғи даркор. Бундай ғоялар фақат Ўрта Осиё халқларининг ўзаро яқинлашувидан ҳавотир олиб, уларнинг ҳудудий интеграциясига қарши туриб, ажратиб ташлаб, ҳукмронлик қилишни кўзлаётган кучларнинг чироғига ёғ қуйиш эканлигини тушуниш унча қийин эмас - ку.

---

Asgabat, 2005; Раҳманов Э. Таджики в зеркале истории. Книга первая. От Арийцев до Саманидов. London. Flint Riber Editions. Great Britain

<sup>18</sup>Ртвеладзе Э.В., Сагдуллаев А.С. Современные мифы о далеком прошлом народов Центральной Азии.- Ташкент: Узбекистон, 2006; Шнирельман В.А. Арийцы и тюрки? Борьба за предков в Центральной Азии // Политическая канцептология. №4, 2009,-С.192-212.

Ислом Абдуғаниевич 2012 йил 9 майдаги суҳбатларида “Фашизм деган балони эласак. Гитлер давлат теппасига демократик йўл билан келган, деган даъво олдинга сурилаяпти. Фашизм давлат теппасига демократик йўл билан келиши мумкинми?” – деб савол кўядилар. Дарҳақиқат ёмон кучлар, бузғунчи ғоялар тез ўз ҳамфикрларини топади. Ҳозирги кунда айнан шу нарсадан эҳтиёт бўлмоғимиз даркор. Чунки бундай хавф-хатарлар бўлган жойда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бу четда бўлаяпти, бизга бунинг дахли йўқ, деб яшаш яхши натижага олиб келмайди. Муаммоларга дахлдор бўлиб яшаш лозим, инсон кўшинининг дардини ўзига яқин тутиши зарур.

Яъни мен ҳам, Ислом Абдуғаниевич 2012 йил 9 майдаги суҳбатларида таъкидлаганларидек:” Эй, одамзод, кўзингни оч, кечаги тарихга қара, хулоса чиқар, керак бўлса, чора кўриш, елкадош бўлиш керак. Турли-турли давлатлар, миллатлар бир бўлиб бу балого қарши курашиши керак. Бунақа балоларни томири билан йўқ қилиб ташлаш зарур”, - деб бонг ургим келади.

Шу боис кўшни давлатларда миллатчилик иллатининг авж олиб бораётганлиги бизни янада хушёр, сезгир бўлишга даъват этиши лозим. Бу балого ўз вақтида тўғри баҳо бериб, ўзимизда унга қарши чора-тадбирларни кўрмасак, оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан мамлакат раҳбари бизни огоҳлантирдилар.

Чет давлатлардаги айрим кўштирноқ ичидаги “олим”лар фашизмнинг йўлбошчиси давлат теппасига демократик йўл билан келган, деган “пуч ғояни” олдинга сураяптилар. Демократия бу авваломбор адолат, ҳуқуқий асосланган ҳатти-ҳаракатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг намоёнидир. Миллионлаб одамларнинг умрига зомин бўлган, бошқа халқларнинг ҳақ-ҳуқуқларини паймол қилиш, камситишни ўзига байроқ, мақсад қилган фашизм давлат теппасига демократик йўл билан келиши мантиққа тўғри келмайдиган сафсатадир.

Дарҳақиқат, бундай хавф-хатарлар бўлган жойда ҳеч ким четда турмаслиги керак. Бу биздан четда бўлаяпти-ку, бизга бунинг дахли йўқ, деб яшаш бу бепарволикдан бошқа нарса эмас. Ён атрофдаги муаммоларга хушёрлик билан ёндашиб, ўзимизнинг муносабатимизни ҳар доим билдириб турмоғимиз лозим бўлади.

Шу билан бирга кишилик тарихида Инсон доимо етакчи куч бўлиб келган. Бу дунёни дохийлар бошқаради, деган пуч ғоялар тарихда ҳеч вақт ўзини оқламаган. Афсуски, инсоният таракқий этган бугунги XXI асрда ён-атрофимизда алоҳида дохийларнинг пайдо бўлаётганлиги бизларни ташвишга солмай қўймайди. Тарихни дохийлар яратмайдилар, тарихни халқ яратади, инсон яратади. Бу шиорга айланмасдан, амалий ишга айланиши керак. “Дохий ҳеч иш қилолмайди, агарки уни халқ қўлламас, агарки

халқнинг топшириғини, хоҳиш-иродасини бажармаса”, - деб таъкидладилар Ислом Абдуғаниевич.

Ота-боболаримиз, донишмандларимиз айтадиларки, ютуқларинг кўпайган сари, сен юқорилаган сари душманларинг ҳам кўпайиб боради. Айниқса, бугунги дунёдаги иқтисодий тақчиллик шароитида дўстларимиз ҳам бор, бизларнинг ривожланишимизни кўролмаётган душманларимиз ҳам халқимизнинг тинчлиги, табиий ва маънавий бойликларимизга ҳасад қилиб турли найрангларни режалаштириб юрганидан кўз юмишга ҳаққимиз йўқ. Ютуқлар кўпайган сари ҳушёрлигимиз ҳам шу каби ошиб бориши керак. Улар ёшларимизнинг қалбини эгаллашга, уларнинг онгига “чексиз эркинлик” тўғрисидаги инсон ҳаёт тарзига мутлақо тўғри келмайдиган зарарли ғояларни тикиштиришга ҳаракат қиляптилар. Бунинг учун ташвиқот ва тарғиботнинг барча усулларида, жумладан интернетдаги социал сайтлардан кенг фойдаланилмоқда.

**3. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат.** Ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги кун манзарасини тўғри тушунган ҳар бир инсон ўзининг келажагига ишонч билан қарайди. Ўзбекистон аҳолисининг олтмиш фоизини ёшлар ташкил қилади. Ўз тарихини чуқур билган, ундан тўғри хулоса чиқара олган, бугунги кунда атрофида бўлаётган воқеаларни ҳаққоний аҳволини англаган ёшлар Ўзбекистон порлоқ келажагининг мустаҳкам пойдеворидир. Илмга чанқоқ, замонавий фан-техника ютуқларига қизиқувчан ёшларга шарт-шароитлар яратиш бу давр талабидир. Бу соҳада Ўзбекистон ҳукумати ўзининг маблағини аямасдан мактаб, олий ва ўрта махсус муассасаларининг тармоғини кенгайтиришга, уларнинг моддий-техника базаларини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб келмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида шакллантирилган узлуксиз таълимда фанларнинг узвийлиги мувофиқлаштирилиб, етук ва ҳар томонлама чуқур билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлашга олий даражадаги шарт-шароит яратилди. 2012-йил 16-17 февралда Тошкент шаҳрида ўтказилган халқаро конференцияга дунёнинг турли мамлакатларидан келган мутахассислар бундай эътиборга юксак баҳо беришди.

Энди ривожланаётган, ёш давлатларни ўз йўлидан тойдиришга қаратилган махсус кучларнинг борлиги ҳам бизни ҳушёр торттириши керак. Улар “демократия, эркинлик, тоталитаризмга барҳам бериш”дек ёлғон шиорларни байроқ қилиб олишган. Улар фақат табиий бойликлари кўп бўлган ҳудудларда, давлатларда “демократия байроғи”ни кўтармоқчи бўлишади. Ана шу таҳлилдан келиб чиқиб, бундай ҳаракатларнинг асл башарасини кўрмаслик, маъносини тушуниб етмаслик мумкин эмас. Шунинг учун ҳам четдан бўладиган бундай ахборот хуружларига ёшларимизда кучли иммунитетни шакллантириш ниҳоятда долзарб масаладир. Замонавий, аниқ

фактлар билан бойитилган билимга эга бўлган ёшларни ҳеч қандай куч чалғита олмайди. Айниқса, бу жараёнда халқни, ёшларни ҳаққоний тарих билан қуролатиришимиз керак, яна бир бор қуролатиришимиз керак.

Мутақиллик сабабли Ўзбекистон дунёга юз очди. Дунё сиёсий харитасида мустақил давлат сифатида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бораётган Ўзбекистон жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунёда тинчликни сақлаш, терроризм ва турли хил оқимларга қарши курашишда ташаббус билан ўз сўзини айтмоқда. Ўзбекистон кенг имкониятларга, кўплаб қазилма бойликларига, саҳоватли ҳосилдор заминга эга давлат сифатида нафақат бугунги халқини, келажак авлодини таъминлашга етарли имкониятга эга. Айниқса, меҳнатсевар, бағрикенг, инсонпарвар, мемондўст, болажон халққа эга бўлган Ўзбекистоннинг, албатта, келажаги порлоқ. Ҳар бир инсон мамлакатнинг порлоқ келажагини яратиш деганда, биринчи навбатда, ўз келажагини, авлодлар келажагини назарда тутмоғи керак. Буюк аجدодлари, алломалари, бой маънавий мероси билан фахрланаётган ўзбек халқи ичидан бугунги кун берунийлари, синолари, фарғонийлари етишиб чиқмоғи даркор. Бунинг учун эса ҳар биттамыз фидойи бўлмоғимиз керак. Бу ёшларга умид билан қараётган президентимиз, халқимиз уларга ишонган ҳолда “Ўзбекистон келажаги –буюк давлат”, деб ишонч билан таъкидламоқда. Яъни, ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қираяпти. Шунинг учун ҳам президентимиз: “Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман”, деб таъкидлаганлар.

Кўпчилик қаторида, фақат вазият тақозо этган тақдирда майдонга отилиб чиқиш, қаҳрамонлик кўрсатиш — албатта, бу ҳам осон эмас. Бунинг учун ҳам инсонда катта юрак, ғайрат-шижоат, энг муҳими, ўзига, ўзининг куч-қудратига мустаҳкам ишонч бўлиши керак. Бунинг учун ўтмишни, тарихни чуқур билмоғимиз керак, деб яна бир бор такрор айтсак, хато қилмаган бўламиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг МДХ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида сўзлаган нутқида ҳамдўстлик унга аъзо давлатларнинг изчил ривожланиши, барқарорлиги ва хавфсизлигига раҳна солиши мумкин бўлган таҳдид ва хавфларга ўз вақтида, муносиб жавоб қайтариш, баҳс ва низоларни ҳал этишга қаратилган, пировард натижада собиқ иттифоқ худудида фуқароларнинг ўзаро мулоқот қилиши учун мақбул ёндашув ва мувофиқлаштирилган амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш борасида кенг имкониятлар яратмоқда деди.

И. Каримов ўз нутқида таъкидладикки, МДХ давлатларининг серқирра ҳамкорлиги ҳақида сўз борганда, авваламбор, МДХ маконида зўравонлик ва мурасасизлик ғояларини очиқ-ойдин тарғиб қилаётган турли экстремистик ташкилотлар фаоллиги кун сайин кучайиб бораётганини эътиборга олган

холда, экстремизм ва терроризмга қарши курашда Ҳамдўстлик мамлакатларининг ўзаро ҳамкорлиги ўта муҳимдир.

Бугун тобора авж олаётган радикализм, терроризм ва жангари экстремизм мафкураси нафақат бир мамлакат ёки муайян минтақа доирасида кенг тарқалаётгани, балки ушбу жараён миллий чегара билмаётгани, айнан шу сабабли МДҲга аъзо давлатлар ҳудудида ҳар қандай кўриниш ва шаклдаги терроризм ва экстремизмга йўл қўймаслик муҳитини шакллантириш, ушбу хавфли таҳдидларнинг пайдо бўлиши ва тарқалишига кўмаклашадиган сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш учун биргаликда ҳаракат қилиш зарур.

Ушбу саммитда жинойтчилик ва терроризм, наркотик воситаларнинг ноқонуний айланишига қарши ҳамкорликда курашиш бўйича чора-тадбирлар дастури, шунингдек, Ахборот технологияларидан фойдаланган холда содир этиладиган жинойтларга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик концепциясининг қабул қилиниши Ҳамдўстликка аъзо барча давлатларнинг узоқ муддатли хавфсизлик манфаатларига мос келиши, Афғонистондан АЙСАФ тинчликпарвар кучларининг 2014 йилнинг охиригача чиқарилиши, шак-шубҳасиз, Афғонистон билан чегарадош давлатлар ва унга яқин ҳудудлар учун жиддий синов бўлиши айтиб ўтилди.

Маърузада дунёдаги аксарият мамлакатлар Афғонистон муаммосини ҳал этишнинг ягона йўли – сиёсий тинч ечимини топиш, ўзаро курашаётган турли томонлар ўртасида БМТ шафелигида музокаралар ўтказиш ва муросага келиш, таркибига ўзаро қарама-қарши асосий кучлар ҳам кириши мумкин бўлган муваққат ҳукуматни шакллантириш зарур, деган хулосага келинаётгани, Ўзбекистон Афғонистон билан қўшни давлат сифатида унинг ички ишларига аралашмаслик, Афғонистон билан ҳамкорликни икки томонлама асосда ташкил этиш, Афғонистон халқи сайлайдиган ҳукуматга ёрдам бериш ва уни қўллаб-қувватлаш сиёсатига қатъий амал қилиши таъкидланди.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамоиллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – “ўзбек модели” ва ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асосидир
3. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “ўзбек модели” ва ҳуқуқий асоси бўлган Конституциянинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътирофи.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистан – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
4. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ, 1993 йил 7 декабрь. – Тошкент.: Шарқ, 1993.
5. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент., 1995.
8. Каримов И.А. Важный шаг на пути духовного единства. Собр. соч. Т. 3. – Ташкент., 1996.
9. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маъруза. 1995 йил 23 февраль. «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир». 3-жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1996.
10. Каримов И.А. Экономические реформы: первые результаты. Собр. соч. Т. 1. – Ташкент., 1996.
11. Каримов И.А. Мы будем твердо следовать курсу реформ. Собр. соч. Т. 4. – Ташкент., 1996.
12. Каримов И.А. Наш путь независимой государственности и прогресса. Собр. соч. Т. 2. – Ташкент., 1996.
13. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1992.
14. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
15. Каримов И.А. Ўзбекистан – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т. 1. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1993.
16. Каримов И.А. Буюк келажакимизнинг ҳуқуқий кафолати. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ, 1993 йил 7 декабрь. – Тошкент.: Шарқ, 1993.

17. Каримов И.А. Истиклол ва маънавият. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
18. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент.: Ўзбекистон, 1994.
19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент., 1995.

### **Малакани ҳимоя қилиш иши мавзулари**

1. “Ўзбекистонда олиб борилган ислохотларнинг назарий концептуал масалалари” фанининг предмети
2. Фаннинг мақсади, вазифалари, манбашунослиги ва тарихшунослиги
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг асарлари Ўзбекистонда олиб борилган ислохотларнинг назарий концептуал асослари сифатида.
4. Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ислохотларнинг босқичлари.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унга киритилган ўзгартиришлар ва унинг назарий концептуал асослари.
6. “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ва “Ўзбекистон демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятни ривожлантириш” концепцияси сиёсий ислохотларнинг назарий асоси.
7. “Ўзбек модели” иқтисодий ислохотларнинг назарий концептуал асосидир. Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг омиллари.
8. Ўзбекистонда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, унинг босқичлари.
9. Иқтисодиёт ва сиёсий тизим муносабатлари ёхуд Ўзбекистон иқтисодий жиҳатдан тез ривожланаётган давлатлар қаторида.
10. Ўзбекистонда ижтимоий, маданий-маънавий соҳалардаги амалга оширилаётган ислохотлар
11. Ижтимоий соҳадаги ислохотлар ва унинг босқичлари
12. Маънавиятни юксалтириш масалалари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асаридаги назарий концептуал масалалари
13. Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотларнинг назарий асослари ва амалий натижалари.
14. Ўзбекистонда илм-фан, жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши. Унинг назарий асослари ва амалий натижалари.
15. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий тамоиллари.
16. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – “ўзбек модели” ва ташқи сиёсатнинг ҳуқуқий асосидир

17. Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг назарий асоси бўлган “Ўзбек модели” ва ҳуқуқий асоси бўлган Конституциянинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътирофи.

## ГЛОССАРИЙ

**Абсентеизм** – сайловчиларнинг ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларда иштирок этишни хоҳламаслиги билан тавсифланадиган сиёсий ҳаёт ходисаси.

**Абсолютизм** – чекланмаган монархия.

**Абстракт** – мавҳум, ноаниқ, умумий тарздаги.

**Абстрактлашув** – кўриб чиқиладиган ҳодисаларнинг у ёки бу жиҳатларидан фикран чалғиш.

**Авесто** – зардуштийлик динининг муқаддас китоби.

**Автаркия** – муайян мамлакатнинг бошқалардан ажралиши, яққаланиш сиёсати, ёпиқ миллий хўжалик яратишга интилиши.

**Автократия** – мустабид ҳокимият, бир шахсга чекланмаган олий ҳокимият тегишли бўлган бошқарув тизими.

**Автоном** – ўз-ўзини бошқарувчи, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларнинг мустақил равишда ҳал этилишини кўзда тутадиган давлат тузилишининг шаклларида бири сифатида автономия (ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқи)дан фойдаланувчи.

**Авторитар** – ҳокимиятга кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунушга асосланган.

**Автохтон** – мазкур ҳудудда, мамлакатда юзага келган, азалги, тубжойга хос.

**Адаптация** – сиёсий ҳаёт субъекти ёки ижтимоий гуруҳнинг ижтимоий муҳит билан ўзаро муносабатлари тури бўлиб, бу муносабатлар давомида сиёсий жараён иштирокчиларининг талаб ва мақсадлари мувофиқлашади.

**Адекват** – тўла мос, мувофиқ, айнан бир хил.

**Адепт** – бирор таълимот, ғоянинг ашаддий мухлиси, тарафдори.

**Акромийлар** – 1996 йилда Андижонда Ақром Йўлдошев бошчилигида Тоқий ад-дин Набахоний таълимоти асосида ўзини қарашларини акс эттириб «Иймонга йўл» номли рисоласини ёзади. Уларнинг мақсади Ўзбекистонда куч ишлатиб диний давлат қуришдир. Бунда 3-12 тагача бошланғич ташкилотда аъзолар бўлиб, махсус ўқув курсидан ўтгандан кейин бир-бирига «биродар» ҳисобланади. Ташкилотга оилавий кириш шарт қилиб қўйилган. Қуда-андачилик ҳам фақат биродарлик белгиси билан бўлишлик қайд этилган.

**Аксиология** – қадриятларнинг табиати, уларнинг ҳақиқий ҳаётдаги ўрни, турли қадриятларнинг ўзаро, ижтимоий, сиёсий, маданий омиллар ва



шахсининг тузилиши билан алоқалари тўғрисидаги таълимот. Аксиологик ёндашув – кадриятлар асосидаги ёндашув.

**Альтернатива** – бир-бирини истисно қиладиган икки ёки бир неча имконият орасидан бирини танлаш зарурати.

**Альянс** – алоҳида шахслар, партиялар, давлатларнинг муайян мақсадларга эришиш учун бирлашуви, тузган иттифоқи.

**Амбивалентлик** – сиёсий ҳаёт субъектининг битта объектга нисбатан мавжуд ҳис-туйғуларнинг икки тарафлама зиддиятлилиги.

**Аналогия** – ҳар жиҳатдан турлича бўлган предмет ёки ҳодисалар орасидаги бирор жиҳатдан ўхшашлик.

**Анархия** – ҳокимиятсизлик, бошбошдоқлик, давлат ҳокимиятини истисно қиладиган ва кишиларнинг турли жамоаларининг ўз-ўзини бошқариши ғоясига асосланган жамиятни ташкил этиш тартиби.

**Аномия** – жамият аъзоларининг бир қисми риоя қилиши зарур бўлган меъёрларга салбий кўз билан қарайдиган ёки лоқайд муносабатда бўладиган ҳолат.

**Антиномия** – ҳар бири тенг даражада асосли ҳисобланган икки фикр ёки ҳодиса орасидаги зиддият, масалан, идеал ва ҳақиқий ҳаёт орасидаги доимий антиномия, эркинлик ва тенглик орасидаги ҳал этиб бўлмас антиномия ва бошқалар.

**Аполитизм** – сиёсатга, ижтимоий ҳаётда иштирок этишга салбий ёки лоқайд муносабат.

**Апологетика** – бирор нарсани холис таҳлил қилиш ўрнига тахминларга асосланиб ҳимоя қилиш, мақташ.

**Априор** – тажрибага боғлиқ бўлмаган, далилсиз, асоссиз.

**Аскетизм** – аскетлик, эҳтиёжларни қондиришдан ўзни тийишга асосланган хатти-ҳаракат ва турмуш тарзи.

**Ассимиляция** – бирор бир миллат, халқнинг бошқа миллат, халқ билан қўшилиб, бирлашиб кетиши, натижада миллий хусусиятлар, тил, маданият, миллий онг ва ҳ.к.нинг йўқолиб бориши.

**Ассоциация** – умумий сиёсий, маданий ёки хўжалик мақсадларига эришиш учун ўз хоҳишига кўра битим тузган шахслар иттифоқи, уюшмаси.

**Атомизация (ижтимоий)** – кишилар орасидаги шахсий алоқаларнинг йўқолиши муносабати билан уларнинг бир-биридан узоқлашиш, ажралишининг чуқурлашуви жараёнлари.

**Аффектив** – кишининг ташқи дунё таъсиротларига реакцияси билан боғлиқ бўлган муайян ҳиссий ҳолати: эҳтирос ёки нафрат, ёқтириш ёки ёқтирмаслик, жаҳл, илҳомланиш ва бошқалар.

**Бихевиористик** – хатти-ҳаракатга, ўзни тутишга боғлиқ бўлган тушунча.

**Бойкот** – сиёсий ва иқтисодий кураш шакли, унинг мазмуни бирор-бир ташкилот, муассаса фаолиятида иштирок этишдан, сиёсий кампаниялар ўтказишга қўшилишдан бош тортиш, норозилик белгиси сифатида муносабатларни тўхтатиш.

**Бош Вазир** – парламент томонидан сайланадиган ҳукумат раҳбари.

**Буддавийлик** – (Будда-санскр. «Нурланган, олий ҳақиқатга эришган» маъносида) жаҳон дини.

**Бюрократизм** – расмиятчилар (тўралар) ҳокимияти, ҳокимият органларининг оддий фуқаролардан ажралиши билан тавсифланадиган жамиятнинг ижтимоий тузилиши шакли.

**Ваҳобийлик (Ал-Ваҳобия)** – XVIII асрнинг биринчи ярмида суннийликнинг ханбалийлик мазҳаби асосида вужудга келган оқимларидан бири бўлиб, яккахудолик тўғрисидаги қараш асосида Муҳаммад ибн Абд ал – Ваҳҳоб (1703-1787) таълимотининг негизини ташкил қилади. Бу ғояда Оллоҳ – ягона яратувчи бўлиб, инсонлар фақат унгагина сажда қилишлари лозим. Турли авлиёларга сиғиниб, мусулмонларни бидъатларга йўл қўйди деб ҳисоблайди. Шу сабабли барча мусулмонларни бирлашишга чақиради. Исломдан чекинган ва кўпхудоликларга жиҳод қилиш ғоясини олга суради. Эътиқод масаласида ўтакетган мутаассиблик (фанатик) ва ўз душманлари билан курашда экстремизмга хос хусусиятларни намоён қилади. **В.** – Ислом диний ахлоқ-одоб қоидаларидан сиёсий ғояларга ўтишни тарғиб қилувчи хусусиятга эга бўлганлиги билан характерланади. Уларнинг қарашича, дин ҳар бир инсоннинг шахсий ишигина эмас, балки жамият қурилишининг ҳам асоси бўлиши лозим. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқиб ҳокимиятга «ҳақиқий» мусулмонларни кўтариш учун зўравонлик хатти-ҳаракатларини олиб бориш курашига даъват этадилар. **В** Саудия Арабистонида вужудга келиб, шаклланган бўлса-да, ҳозирги даврда унинг фаолияти Саудияда таъқиқланган. Бироқ, **В** собиқ шўролар ҳудудлари бўлган Чеченистон, Доғистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда диний-сиёсий оқим сифатида Ислом фундаментализми ғоясини кўтариб, анъанавий Ислом урф-одатларига қарши чиқмоқдалар, уларни Исломга шак ёки бидъат келтирувчилар деб ҳисоблашмоқдалар. Ўз навбатида, **В** нафақат анъанавий Исломга қарши бўлган, балки ҳокимият учун курашувчи диний-сиёсий оқим сифатида, мустақил давлатлар миллий хавфсизлигига таҳдид солувчи ғоя сифатида эътироф этилади.

**Вербал** – сўзга боғлиқ, оғзаки, масалан, сиёсий зиддиятдаги вербал хатти-ҳаракатлар – таҳдид қилиш, ваъда бериш, ярашишга чақириш ва ҳ.к.

**Верификация** – исбот, тасдиқлаш. Эмпирик текширув воситасида илмий фикрларнинг ҳаққонийлигини аниқлаш жараёнини белгилашда фойдаланиладиган тушунча.

**Вето** – давлат бошлиғининг парламент қабул қилган қонуннинг амалиётга киритилишини тўхтатиб қўйиш ҳуқуқи.

**Виждон эркинлиги** – жамият конституцияси ва қонунларида берилган диний эътиқод эркинлиги.

**Волюнтаризм** – сиёсатда **В.** – ҳаётнинг объектив шарт-шароитларини ҳисобга олмайдиган, субъектив хоҳиш-истакларга таянадиган фаолият, шундай фаолиятни амалга оширадиган шахсларнинг ўзбошимчалиги.

**Вотум** – овоз бериш йўли билан қабул қилинадиган қарор. Кўпгина мамлакатлар парламентида ҳукумат фаолиятига ишончсизлик ёки ишонч вотуми мавжуд.

**Геополитика** – географик сиёсат – географик омилларнинг жамият ҳаётидаги ролини алоҳида ҳисобга олишга асосланган сиёсий йўналиш.

**Геронтократия** – ҳукмрон доира асосан кекса ёшдаги шахслардан иборат бўлган давлатни бошқариш шаклларида бири. Бу уларнинг сиёсий онгида ўз муҳрини қолдиради, улардаги консерватизм, қолоқлик, фикрлашнинг қотиб қолганлиги ва зарур ўзгаришлар киритишга йўл қўймаслик кабилар орқали намоён бўлади.

**Гетероген** – бир турли, бир хил хусусиятларга эга.

**Гуманизм** – инсон ор-номуси ва ҳуқуқларига ҳурмат-эътиборни ифодаловчи, унинг шахс сифатидаги қадрият эканлигини тан олувчи, кишиларнинг бахт-саодати ҳақида, улар учун қулай турмуш шароитлари яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилишга йўналтирилган қарашлар йиғиндиси.

**Девиянт хулқ-атвор** – муайян жамиятда умумқабул қилинган меъёрлар ва қонун-қоидаларни бузадиган, улардан четга чиқадиган хатти-ҳаракат. Одатда, ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик шундай хатти-ҳаракатлар сирасига киритилади.

**Дедуктив усул** – хусусий ҳукмлар мантиқ қонунлари асосида умумий ҳукмлардан (аксиомалар, умумий мулоҳазалар, қоидалар, қонунлар) чиқариладиган тадқиқот ёки баён қилиш усули.

**Дезавуирлаш** – ҳукумат вакили маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишда улар бўйича топшириқ олмаганлигини ёки ўз ваколатларини ошириб юборганлигини тасдиқловчи ҳукумат ҳужжати.

**Демагогия** – «сиёсатбозлик» тушунчасига яқин, ўз ғаразли мақсадларига эришиш йўлида кишиларга ёлғон ваъдалар бериш, фактларни бузиб кўрсатиш, ошқора тилёғламалик билан таъсир қилиш.

**Денационализация** – национализация қилинган (давлат тасарруфига ўтказилган) мол-мулкни уларнинг аввалги эгаларига қайтариш.

**Денонсация** – бирор томоннинг давлатлар орасида тузилган шартноманинг амал қилиши тўхтатилганини эълон қилиши.

**Дескриптив** – тасвирловчи (описательный).

**Деспотия** – монарх (подшо)нинг тўла мустабидлиги, фуқаронинг ҳуқуқсизлиги билан тавсифланувчи чекланмаган ҳокимият.

**Дестабилизация** – мувозанатнинг бузилиши, беқарор ҳолатнинг юзага келиши. Сиёсатшуносликда мавжуд сиёсий тузумни ўзгартириш, уни ичдан емиришга йўналтирилган кучлар фаолиятини тавсифлашда қўлланилади.

**Деструктив** – бирор нарсани ҳал қилувчи.

**Детерминация қилиш** – аниқлаш, тақозо этиш.

**Деформация** – ниманингдир шаклини ўзгартириш.

**Диверсификация** – сиёсий муаммога турлича ёндашувлар уйғунлиги, сиёсий фаолият услубларининг ранг-баранглиги.

**Диний бағрикенглик** – миллий истиқлол мафқурасининг асосий ғояларидан бири бўлиб, турли диний эътиқодга эга бўлган кишиларнинг бир ватанда келажак мақсади учун эзгу орзу-умидлар йўлида бирлашиб, ҳамжиҳат бўлиб яшашини англатади.

**Диний ташкилот** – диний жамоаларнинг энг юқори расмий уюшмаси.

**Дискредитация** – кимгадир ёки нимадир бўлган ишончни барбод қилиш, фазилатлари, обрў-эътиборини камайтириб кўрсатиш.

**Дискриминация** – бирор шахс, ташкилот ёки давлатнинг ҳуқуқ ва имтиёзларини қандайдир белгисига қараб (ирқи, миллати, сиёсий ёки диний қарашлар ва бошқалар.) атайин камситиш ёхуд улардан маҳрум қилиш.

**Дискурс** – вербал, яъни оғзаки алоқа тури бўлиб, дискурс қатнашчиларининг фикрлари, қарашлари ҳамда мулоҳазаларига хос ҳар қандай аҳамиятли жиҳатларни муҳокама қилиш ва асослашга йўналтирилган бўлади.

**Диссидент** – муайян сиёсий тизимдаги ҳукмрон мафқурани қабул қилмайдиган, мазкур сиёсий тизимга, конформизм ҳукмронлигига қарши чиқадиган, инсон шахси ҳуқуқларини ҳимояловчи сиёсий ҳаёт субъекти. Расмий ҳокимият томонидан таъқиб қилинади.

**Диффамация** – бирон-бир шахснинг номи, обрў-эътиборига раҳна соладиган маълумотлар, шу жумладан, бўҳтонларни кўпчилик орасида тарқатиш.

**Дифференциация** – бутуннинг сифат жиҳатдан турлича шаклларга, поғоналарга, бўлақларга ажралиши, тақсимланиши.

**Дихотомия** – бутуннинг икки таркибий қисмга бўлиниши, масалан, синфий (буржуазия – пролетариат) дихотом жамият ўрнини кўп сонли ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган жамият эгаллайди.

**Догматизм** – у ёки бу муаммоларга ўзгармас, бир томонлама, макон ва замоннинг муайян шароитларини тан олмайдиган ёндашув. Догматизмга хос хусусиятлар – обрў-эътиборга кўр-кўрона ишониш, мавҳум, ҳаётдан узилиб

колган қонун-қоидалар – ақидаларни рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат деб ҳисоблаш.

**Доминантлик** – ҳукмронлик, устунлик.

**Дунёқараш** – дунёни англаш, идрок этиш, атрофдаги мавжуд олам – табиат, жамият, шахсга умумий қарашлар тизими.

**Жаҳолатга қарши маърифат** – Президент И. Каримовнинг бегона, ёвуз, террористик ғояларга маънавий-маърифий йўл, ёшларга илм бериш, тарбиялаш билан қарши курашишга даъвати.

**Зардушт** – мил. аввалги VI-V асрларда яшаган илоҳиётчи файласуф, шоир Зардуштийлик динининг асосчиси.

**Зондлаш** – бирор-бир нарсани дастлаб аниқлаштириш, синовдан ўтказиш, текшириш.

**Идеал** – кишилар ҳаёт фаолиятининг бирор соҳасидаги мукамал нарса, интилишларнинг пировард мақсади.

**Идеаллаштириш** – бирор нарсани идеал сифатида тасаввур қилиш, тасвирлаш.

**Идентификация** – субъектнинг ўзини гуруҳ (этник), жамоа (миллий), ташкилот (партиявий, диний) ва ҳ.к. билан ҳиссий ҳамда бошқа хил тенглаштириши, бир хил ҳодиса деб қараши.

**Идентичность** – икки предмет, тушунча, субъектнинг айнан ўхшашлиги, бирдайлиги, масалан, миллий ўхшашлик.

**Идея** – предмет ёки ҳодиса тўғрисидаги фикр, умумий тушунча.

**Иерархия (сиёсатшуносликда иерархия)** – ҳокимиятнинг тартибга туширилган, вертикал (тик) йўналиш бўйича алоҳида қисмлари орасидаги ўзаро муносабатлар яхши ташкиллаштирилган тузилиши.

**Иллюзор** – саробга ўхшаш, алдамчи, зоҳирий.

**Имидж** – сиёсий субъектнинг ўзига хос сиймоси бўлиб, унинг ўзи, шунингдек, оммавий ахборот воситалари сайловолди кампанияси ва сиёсий фаолият даврида сайловчилар орасида бу сиймони шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

**Имиджология** – сиёсатшуносликнинг сиёсий етакчи сиймоси, қиёфасини шакллантириш ҳамда унинг кишилар онгига таъсир кўрсатиш қонуниятлари тўғрисидаги соҳаси.

**Имманент** – у ёки бу предмет, ҳодиса, жараёнга ичдан, ботинан хос бўлган хусусият.

**Имон** – фақатгина диний тушунча бўлмай, балки дунёвий ва ҳаётдаги амалий тушунча ҳамдир. Имонли киши тушунчасини ҳаётий, амалий ва дунёвий мазмунида, илм-маърифат эгаси бўлиш, ўзаро ёрдам, сахий бўлиш, тўғрилиқ, ҳалоллик, яхшилик қилиш, эзгуликни улуғлаш, аҳдга вафо,

Ватанни севиш каби юксак маънавий фазилатлар эгаси сифатида тушунмок керак.

**Императив** – қатъий талаб, амр, буйруқ, масалан, ҳукмрон доиранинг сиёсий ҳокимияти тавсиялари, маслаҳатлар воситасида эмас, буйруқлар, фармойишлар бериш йўли билан амалга оширилади, яъни императив хусусиятга эга бўлади, императив мандат – депутат оғишмай амал қилиши керак бўлган топшириқ.

**Империя** – мутлақ монархия давлати, император ҳукмронлик қиладиган давлат.

**Импичмент** – олий мансабдор шахсларни амалга оширган хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортишнинг алоҳида тартиби, айрим мамлакатларда бу уларни лавозимидан четлаштиришгача бориши мумкин.

**Имплицит** – тўғридан-тўғри ифодаланмаган, назарда тутилган, масалан, имплицит ва эксплицит устувор жиҳатлар.

**Инаугурация** – лавозимга киришиш олдидан ўтказиладиган тантанали маросим.

**Индуктив усул** – хусусий фактлар ва ҳодисаларни кузатишдан умумий қоида ва қонунларни белгилашга ўтиладиган тадқиқот ёки баён қилиш усули.

**Инерт** – фаолиятсиз, ҳаракатсиз, қотиб қолган.

**Инновациялар** – жамиятнинг сиёсий ҳаётини ташкил этиш, янги шаклларини таклиф этиш, жорий қилиш.

**Институт (сиёсий)** – жамият ҳаётининг сиёсий ва бошқа соҳаларини бошқарувчи расмий ҳамда норасмий қоидалар, тамойиллар, меъёрларнинг барқарор мажмуасини англатувчи тушунча (масалан, ҳокимият институти, етакчилик институти ва бошқалар.).

**Институционализация** – сиёсий ҳодисалар, ҳаракатларни бетартиб, уюлмаган ҳолатдан муносабатларнинг муайян тузилмаларига, аниқ ҳаракатланиш қоидаларига эга бўлган, интизом талаблари орқали тартибга туширилган, қатъий ташкил этилган жараёнга айлантириш.

**Интеграция** – турли ижтимоий ва бошқа гуруҳлар, ташкилотларнинг сиёсий бирлашуви жараёни.

**Интерриоризация** – сиёсий тафаккурни оммавий тафаккур даражасидан индивидуал тафаккурнинг ички даражасига ўтказиш, масалан, сиёсий ижтимоийлашув жараёнида сиёсий қадриятлар ва мақсадлар шахс томонидан интериоризацияланади ҳамда унинг таркибий қисмига айланади.

**Интериретация** – тафаккурга хос хусусият, инсон маънавий фаолиятининг ҳар қандай шакллариغا маъно бериш, бирор нарсанинг маъносини изоҳлаш, очиб бериш.

**Интернализация** – бирор гуруҳнинг амал қилиш меъёрларига қўшилиш, интернализацияланиш – гуруҳга хос меъёрлар, қадриятлар ва ҳ.к. ни ўзлаштириш.

**Интерпелляция** – парламент депутатларининг ҳукуматга ёки вазирга муайян бир савол билан ёки умуман ҳукуматнинг сиёсий йўли бўйича муурожаат қилиб юборган алоҳида тури, расмий сўраш.

**Иррационал** – оқилона фикрлаш билан тушуниб бўлмайдиган, ақлга сиғмайдиган, ақл-идрокдан холи.

**Ислом фундаментализми** – соф ва илк Ислом асосларига қайтиш, анъанавий Ислом ақидаларига риоя қилиш демакдир.

**Ислом экстремизми** – мусулмон мамлакатларидаги ҳокимиятлар сиёсатида Ғарб давлатлари таъсирига тушиб қолиш хавфига қарши, қадимги Ислом ғояларини қайта тиклаш учун кескин чора-тадбирлар кўриш асосида ҳокимиятни қўлга олишни мақсад қилиб кўяди.

**Ислохотчи реформистлар** – ҳозирги мавжуд шарт-шароитларга норози бўлиб, ушбу тизимни ўзгартириш тарафдорларидир. Улар ҳам модернизм ва фундаментализм гуруҳларига бўлинади. Ислом ақидаларини бугунги кун воқелигига мослаштириш модернизмга хос хусусиятдир.

**Истебмешмент** – ривожланган Ғарб мамлакатларида ҳукмрон ва имтиёзли гуруҳлар, шунингдек, уларнинг жамиятга ўз таъсирини ўтказишига ёрдам берадиган бутун ҳокимият ва бошқарув тизими.

**Иудаизм** – яҳудийлик динининг номи.

**Каста** – муайян бир машғулот билан шуғулланадиган ва келиб чиқишининг ҳам умумий деб ҳисоблайдиган ёпиқ ижтимоий гуруҳ. Сиёсатда ёпиқликка интиладиган ва ўз имтиёзларини ҳимоя қиладиган у ёки бу ижтимоий гуруҳ.

**Клерикализм** – диний ташкилотлар фаолиятидаги ижтимоий-сиёсий йўналиш бўлиб, унинг мақсади жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига дин ва черков таъсирини кучайтиришдан иборат.

**Клиентела** – тўла ҳуқуққа эга бўлмаган кишилар гуруҳлари ёки индивидларнинг (мижозларнинг) хўжайинлар ёки ҳомийларга ижтимоий қарашлиги шакли. Аҳоли алоҳида ҳолда ёки жамоа бўлиб бой зодагонлардан саналган хўжайинлар ҳомийлигидан фойдаланишига асосланган клиентеллик муносабатлари (хўжайинлар ва мижозлар муносабати) турли мамлакатларда кенг тарқалган.

**Клика** – ижтимоий ва сиёсий гуруҳни ифодалаш учун қўлланиладиган тушунча бўлиб, унинг аъзоларини умумий манфаатлар, мақсадлар, жамиятнинг бошқа қатламлари ҳамда гуруҳлари манфаатларига зид фаолият усуллари бирлаштириб туради.

**Коалиция** – давлатлар, сиёсий партиялар, ташкилотлар ва ҳ.к.нинг умумий мақсадларга эришиш учун тузилган бирлашмаси, иттифоқи, битими.

**Коллизия** – қарама-қарши кучлар, интилишлар ёки манфаатлар тўқнашуви.

**Компенсация** – бадал, товон, қўлдан чиқарилган ёки воз кечилган нарса учун мукофот.

**Компетентли** – муайян соҳани яхши биладиган, кўп маълумотга эга бўлган ва, демак, бирор нарсани ҳал этишга, муҳокама қилишга ҳақли бўлган.

**Конвенционал** – мувофиқ, умумқабул қилинган, масалан, сиёсий амалиётнинг конвенционал шакллари, бунинг акси – ноконвенционал хатти-ҳаракат.

**Конвергенция** – келиб чиқишига кўра бир биридан нисбатан узок бўлган жамиятларда ўхшаш жиҳатларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг яқинлашуви жараёни.

**Конверсия** – ҳарбий саноатнинг маълум даражада қисқариб, тинчлик учун хизмат қилувчи йўналишга ўтказилиши билан боғлиқ ҳодиса.

**Консолидация** – мустаҳкамлаш, маҳкамлаш.

**Конституентлар** – сиёсий етакчи билан ўзаро муносабатда бўладиган барча сиёсий субъектлар, унинг тарафдорлари.

**Конституция** – давлатнинг асосий қонуни, жамият ва давлат тузилиши асосларини, давлат органлари тизими, уларнинг ташкил топиш ва фаолият юритиш тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи ҳужжат.

**Конфессионал** – динга, эътиқодга, черковга оид.

**Конфессия** – (лот. эътиқод, эътироф) муайян йўналишдаги диний эътиқод.

**Конформизм** – мослашувчанликда, мавжуд тартибларни, ҳукмрон қарашлар ва фикрларни пассив қабул қилишда, шахсий фикрнинг йўқлигида намоён бўладиган ахлоқий-сиёсий ҳодиса.

**Конфронтация** – алоҳида сиёсий кучлар ёки давлатлар орасидаги қарама-қаршилик, зиддият.

**Концепция** сиёсий – у ёки бу сиёсий муаммоларни ҳал этишга қарашлар ва ёндашувларнинг яхлит тизими.

**Корпорация** – гуруҳ, цех ёки каста манфаатларини ҳимоя қилувчи кишиларнинг ёпиқ бирлашмаси, жамияти, уюшмаси.

**Корреляция** – предметлар ёки тушунчаларнинг нисбати, ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлиги.

**Коррупция** – давлат ва жамиятнинг турли мансабдор шахслари орасида амалда бўлган порахўрлик, пора билан сотиб олиш.



**Легаллик** – бу ижтимоий тартибларни қонунийлаштириш йўли бўлиб, унинг ақл-идроқка таянган асосий қоидалари мантиқли ва тўғрилигига ишонч билан мутсаҳкамланади.

**Легитимлик** – аҳолининг муайян ҳокимиятни анъанага, ақл-идроқка, қонунга, ҳуқуқий меъёрларга асосланган қонуний деб тан олиши.

**Лобби (лоббизм)** – қонунчилик жараёнига ёки муайян сиёсий йўлга босим ўтказиш шакли.

**Люмпенлар** – синфий қиёфасини йўқотган, тубанлашган кишилар (қашшоқлар, саёқлар ва ҳ.к.).

**Мажоритар** – кўпчиликка тааллуқли, кўпчиликка асосланган.

**Маздакийлик** – эрамизнинг V-VI асрларида Эронда вужудга келган ва Марказий Осиёга кенг тарқалган диний таълимот.

**Мандат** – ваколат, кўрсатма, топшириқ; муайян шахс ваколатларини тасдиқловчи ҳужжат.

**Манипуляция** – сохта ғояларни зўрлаб киритиш мақсадида оммавий ахборот воситалари ёрдамида аҳолига руҳий таъсир ўтказиш усуллари тизими.

**Маргиналлик** – мазкур тушунча бирор-бир ижтимоий гуруҳга (миллий, синфий, маданий) нисбатан чегаравий, чекка ёки оралик вазиятни ифодалаш учун қўлланилади. Маргинал – ижтимоий тузилмада оралик ҳолатни эгаллаб турган, ўз ижтимоий қатлаמידан четга чиқиб қолган шахс. Маргиналликнинг асосий белгиси – илгариги ижтимоий гуруҳи билан алоқани узганлиги ва янгиси билан бундай алоқага киришмаганлигида.

**Мафкура** – маълум бир жамият, давлат, ижтимоий гуруҳ, партия ёки миллатнинг туб манфаати, мақсад ва вазифаларини назарий асослаб ҳимоя қилувчи, шу мақсад йўлида уларни бирлаштирувчи, сафарбар қилувчи фалсафий, сиёсий, ахлоқий, диний, ҳуқуқий қарашларнинг системалаштирилган илмий билимлар мажмуасидан иборатдир.

**Мафкуравий иммунитет** – шахс, ижтимоий гуруҳ, жамият, миллатни турли ғаразли вайронкор, экстеремистик ва террористик ғоявий таъсирлардан ҳимоялашга хизмат қилувчи тарбиявий тизим асосида мустаҳкам ғоявий дунёқарашнинг шаклланиши.

**Мафкуравий профилактика** – ёт экстеремистик ғояларнинг кириб келишининг олдини олишга қаратилган ижтимоий институтлар (тарбиявий ташкилот) томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олиши зарур.

**Мафкуравий тузоқ** – диний экстеремистлар ўзининг ғояларига кишиларни ишонтириб, эргаштириб олиш усули.

**Менежмент (сиёсий)** – хилма-хил ташкилотларда кишиларга раҳбарлик қилиш, уларни бошқариш, жамиятда, сиёсий тизимда, турли тузилмалар ва бошқалардаги муносабатларни изга солиш бўйича фаолият тури; мазкур вазифаларни амалга оширишга ёрдам берувчи билим соҳаси.

**Менталитет** – турли руҳий хусусият ва сифатлар бирлиги, фикрлашнинг маълум бир усули. Ҳар хил миллат ва элатлар, ижтимоий гуруҳларнинг ўзига хос менталитети мавжуд. Шунингдек, сиёсий ҳаётнинг турли субъектлари ҳам ўз менталитетига эга.

**Меритократия** – кўрсатилган хизматларга асосанган ҳокимият. **М.** технократик назарияларнинг бир тури бўлиб, унга кўра жамиятдаги раҳбарлик лавозимларига кишилар қобилиятлари, кўрсатган хизматлари, ютуқларига қараб, энг муносибларини танлаб олиш йўли билан тайинланадилар.

**Метод** – ижтимоий, сиёсий ва бошқалар. ҳодисаларни тадқиқ этиш йўли, ўрганилаётган ҳодиса ва жараёнларга ёндашув, мақсадга эришиш усули, илмий билиш йўли.

**Миллат** – ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзи, яшаш ҳудуди, тили, психологияси, анъаналари, урф-одатлари умумий бўлган кишиларнинг тарихан барқарор этник жамоаси.

**Миллий консолидация** – демократик, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида умуммиллий, умумхалқ манфаати йўлида мамлакатда яшаётган ҳамма халқарни миллий жипслаштирилиши, сафарбар қилиниши тушунилади.

**Миссионерлик (прозелитизм) ҳодисаси** – миссионерлик тушунчасида муайян бир дин вакилининг бошқа диндагилар жамоаси ёки алоҳида шахслари ичига кириб, ўзининг динини мақтаб, унга ундаб тарғиб қилиш ва бошқа динларни камситиш мазмунини беради.

**Мистик** – ғайри-табиий, илоҳий, ғайри-ҳиссий кучларга ишонч билан боғлиқ.

**Мобиллик (ижтимоий)** – кишиларнинг жамиятдаги бир гуруҳ, қатламдан бошқасига ижтимоий кўчиши, ўтиб юриши, уларнинг юқорирок ёки пастрок ижтимоий вазиятларни эгаллаши.

**Модернизм** – динда замонавий фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, даврга мослашиш, янгиланиш оқими.

**Монархия** – давлат бошқаруви шакли, унда олий ҳокимият давлатнинг яқка ҳокими меросхўр монарх қўлида жамланади (мутлақ ва конституцион монархия).

**Монийлик** – эрадан олдинги ва эрамизнинг III асрларида мавжуд бўлган Марказий Осиё қадимий халқларининг диний таълимоти.

**Мониторинг** – сиёсатшунослик ва жамиятшуносликда кишиларнинг кимгадир ёки нимагадир муносабати даражасининг кўрсаткичи.

**Мутаассиблик (фанатизм)** – ўз ғоясини ўта «тўғри» деб бошқача фикр эгаларини тан олмаслик ва уларни бузғунчиликда айблаш.

**Национализация** – ер, сув, саноат, транспорт, банклар ва ҳ.к.ни хусусий мулкдан давлат тасарруфига ўтказиш жараёни.

**Национализм** – бир миллатни бошқасидан устун деб билиш сиёсати ва мафкураси. **Н.** миллий давлатлар шаклланаётган даврда ижобий аҳамиятга эга бўлди. Ҳозирги замон шароитида ҳам ватанпарварлик билан, ҳам шовинизм, фашизм билан чамбарчас боғлиқ.

**Нейтралитет** – давлатнинг алоҳида ҳуқуқий мақоми, унга кўра мазкур давлат урушларда ва ҳарбий-сиёсий иттифоқларда иштирок этмайди. Шунингдек, **Н.** ўзгалар баҳсига, икки давлат орасидаги зиддиятларга, курашга қўшилмаслик сиёсатини ҳам англатади.

**Нивелирлаш** – бир даражага келтириш, тафовутлар, ўзига хос кирраларни текислаш.

**Нигилизм** – белгиланган ижтимоий меъёрлар, қадриятлар, кишилар обрў-эътиборини рад этиш.

**Номенклатура** – мансабдор шахслар рўйхати, ҳокимиятга эга бўлган кишилар қатлами.

**Нонконформизм** – ёшлар, майда элатларнинг қарор топган ижтимоий ҳаёт шакллари қабул қилмаслигини ифодаловчи атама.

**Норматив** – меъёрни, стандартларни ўрнатувчи, қоидаларни белгиловчи.

**Ностальгия** – ватанни, ўтган вақтларни, йўқотилган турмуш тарзи, қадриятларни соғиниш.

**Нурчилар** – Ўзбекистонга 1990 йилларда Туркиядан кириб келган диний-экстремистик ташкилот. Унинг асосчиси Туркиялик Саид Нурсий бўлиб, Қуръон оятларини, Ислоҳ қонунларини замонга мослаштиришга уринувчи оқимдир. Улар ҳозир Ўзбекистонда фаолият кўрсатмайди.

**Обскурантизм** – ҳар қандай янгиликка, илғор қарашларга ўта реакцион, душманларча муносабатда бўлиш.

**Обструкция** – асосан парламентда сиёсий кураш олиб бориш усули; номақбул қарорлар, қонун лойиҳаларининг қабул қилинишига йўл қўймаслик учун йиғилиш, мажлисларни бузиш, барбод қилишга (масалан, кўп соатли нутқлар сўзлаб, шовқин-сурон кўтариб) интилиш.

**Одат** – кишиларнинг муайян вазиятларда такрорланувчи ўзини тутиш йўли.

**Олигархия** – бошқарув шаклларида бири бўлиб, унда давлат ҳокимияти бой-бадавлат кишиларнинг кичик гуруҳи қўлида бўлади. Ҳукмрон гуруҳнинг ўзи ҳам О. деб аталади.

**Оппозиция (сиёсий)** – 1) Ўз қарашлари, ўз сиёсатини бошқа қарашлар, бошқа сиёсатга қарши қўйиш, қарама-қаршилик; 2) кўпчилик фикрига ёки ҳукмрон фикрга қарши чиқувчи кишилар гуруҳи ёки партиялар.

**Оппортунизм** – мосланувчанлик, келишувчанлик.

**Ортодоксал** – эътиқодли; муайян қарашлар, йўналиш, таълимотга содиқ бўлган.

**Охлоқратия** – оломоннинг ҳукмронлиги, ҳокимияти. Давлат тузилиши шаклларида бири бўлиб, бунда давлат ва жамият фаолиятида омма, оломон ҳал қилувчи рол ўйнайди.

**Панисломизм** – XIX асрнинг охирида ўрта Шарқда вужудга келган бўлиб, мусулмон мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим.

**Парадигма** – америкалик олим Г. Кун томонидан фанга киритилган ва муайян вақт ичида илмий ҳамжамиятга муаммоларнинг қўйилиши модели ҳамда уларнинг ечимини тақдим эта оладиган, ҳамма тан олган илмий ютуқни ифодаловчи атама.

**Паритет** – тенглик, тенг муносабат, бир хил ҳолат.

**Парламент** – давлат ҳокимияти тизимидаги олий вакиллик органи. АҚШда – Конгресс, Швецияда – Риксдаг, Финляндияда – Ландстинг, Норвегияда – Стартинг, Россияда – Федеральное Собрание, Ўзбекистонда – Олий Мажлис.

**Партисипатор (демократия, маданият)** – иштирок этиш демократияси, маданияти. Омманинг сиёсий, маданий жараёнда кенг иштирок этиши назарда тутилади.

**Патент** – яшин, зоҳиран намоён бўлмаган.

**Патернализм** – ҳокимият эгалари, иқтисодий таъсирга эга бўлган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимояга муҳтож ижтимоий гуруҳлар ҳамда қатламларга «оталарча ғамхўрлик» кўрсатишида намоён бўладиган муносабатлар шакли, концепция.

**Патриархал** – эскилик билан боғлиқ, эски анъаналар, урф-одатларга содиқ.

**Патримониал** – авлоддан-авлодга ўтиб келувчи, мерос қилиб қолдириладиган.

**Пауперизм** – аҳолининг ёппасига қашшоқлашуви.

**Пацифизм** – ҳар қандай урушларни қоралайдиган, Ер юзиде тинчлик учун кураш олиб борувчи дунёқараш ва ижтимоий ҳаракат.

**Перипетия** – ҳаётдаги кескин ўзгариш, кутилмаган мураккаблик, оғир вазият.

**Перманент** – доимий, узлуксиз (масалан, бирон-бир сиёсий жараён).

**Персонификация** – инсон қиёфасидаги мавҳум тушунчанинг тажассуми, тасаввур қилиниши.

**Петиция** – ҳокимият вакилларига мурожаат тариқасидаги жамоали илтимоснома ёки чақириқ.

**Плебисцит** – умумхалқ овоз бериш.

**Плутократия** – бой-бадавлат кишилар ҳокимияти; давлат ҳокимияти жамиятнинг энг бой қатламлари вакилларига тегишли бўлган сиёсий тизим.

**Плюрализм (сиёсий)** – демократик тизимни ташкил этиш ва амал қилишини таъминлаш тамойили; бунда жамиятда сиёсий тизимга фаол таъсир кўрсата оладиган ва сиёсий ҳокимиятга яққаҳоқим бўлолмайдиган хилма-хил ижтимоий ҳамда сиёсий гуруҳлар, партиялар ва бирлашмаларнинг мавжуд бўлиши мумкин.

**Позиция** – нуқтаи назар, бирор ишга, масалага муносабат.

**Полемика** – матбуотда, кенгашда ва ҳ.к. муайян масала бўйича ниманидир муҳокама қилиш жараёнида юзага келадиган баҳс-мунозара.

**Полиархия** – замонавий ривожланган мамлакатларда мавжуд ҳокимият шакли бўлиб, юқори доираларни (элитани) самарали назорат қилиш мақсадида ҳокимиятнинг таъсир марказлари (қасаба уюшмалари, бизнес, фермерлар ва ҳ.к.) орасида тақсимланишини назарда тутди. Атама муаллифи – замонавий америкалик сиёсатшунос Р. Даль.

**Полис** – қадимги дунёда шаҳар-давлат.

**Популизм** – бўлар-бўлмас чақириқлар, шиорларни ўртага ташлаб, асоссиз ваъда бериш орқали омма орасида обрў қозонишга интиладиган сиёсий фаолият.

**Постулат** – дастлабки шарт, тахмин; исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз.

**Потенциал** – эҳтимолий, потенцияда мавжуд; яшрин, ўзини намоён этмаган.

**Прагматик** – омилкор, ҳаракатчан.

**Превентив** – огоҳлантирувчи, иккинчи томоннинг хатти-ҳаракатларини олдиндан кўра билувчи.

**Президент** – сайлаш ҳуқуқи асосида сайланган давлат раҳбари. Парламентли республикаларда, одатда, парламент томонидан, президентлик республикаларида эса тўғридан-тўғри ёки билвосита сайловлар йўли билан сайланади.

**Презумпция** – эҳтимоллиқка асосланган тахмин.

**Прерогатива** – муайян масала бўйича давлат органи ёки расмий шахсга тегишли бўлган фавқулодда ҳуқуқ, устуворлик.

**Престиж** – жамоатчилик фикрига кўра кишилар фаолиятининг у ёки бу жиҳати, уларнинг тутган ўрни, касбини тавсифлайдиган обрў-эътибор, аҳамиятлилик, ёқимтойлик.

**Преторианлик тизими (диктатураси)** – фақат мажбурлаш ёки жисмоний зўравонликка таянадиган ҳуқумат. Давлат ҳокимиятининг бу тури диктатуранинг бошқа шаклларида фарқли равишда ўзининг қонуний бўлишига интиладиган ягона турдир (Чилида Пиночет режими, Никарагуада Самоса, Парагвайда Стресснер режимлари ва ҳ.к.).

**Преференция** – устунлик, афзаллик; консенсусли овоз беришда преференциялар усулидан фойдаланилади.

**Прецедент** – илгари ҳам содир бўлган ва кейинги шунга ўхшаш ҳолатлар учун мисол ёки далил бўлиб хизмат қиладиган ҳодиса.

**Привилегия** – фавқулодда ҳуқуқ, кимгадир берилган имтиёз.

**Примитив** – оддий, содда.

**Принцип** – асосий қоида, дастуруламал бўладиган ғоя, хатти-ҳаракат, фаолиятнинг асосий қоидаси, тамойил.

**Приоритет** – нимагадир устунлик.

**Проблема** – муаммо, ҳал этилиши керак бўлган назорат ёки амалий масала.

**Провиденциал** – тақдирда битилган, башорат қилиб айтилган.

**Прогностик** – олдиндан айтиб берувчи, кўра билувчи, муайян маълумотлар таҳлилига асосланган (статистик, ижтимоий ва ҳ.к.).

**Прокламация қилмоқ** – эълон қилмоқ, оммага маълум қилмоқ.

**Пролонгация** – бирон шартнома, битим, вексель ва ҳ.к. амал қилиш муддатининг узайтирилиши.

**Промульгация** – бирор давлат ҳужжатининг оммага маълум қилиниши.

**Протекционизм** – давлатнинг иқтисодий сиёсати; миллий иқтисодиётни хорижий рақобатчилардан ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлади.

**Процедура** – бирор мураккаб ишлар, изчил ҳаракатлар қаторининг ишлаб чиқилиши, муҳокама қилиниши ва бажарилиши.

**Путч** – фитначиларнинг кичик гуруҳи томонидан амалга оширилган давлат тўнтарилиши ёки шундай тўнтарилишини бажаришга авантюристлик уриниш.

**Радикал** – қатъийтли, асосий, туб.

**Ратификация** – келишувчи тарафларнинг вакиллари томонидан тузилган халқаро шартнома ёки битимнинг давлат ҳокимияти томонидан тасдиқланиши.

**Рационал** – оқилона, асосланган, мақсадга мувофиқ.

**Реализация** – бирор нарсани амалга ошириш, режа, ғоя, қарорни ҳаётга жорий этиш.

**Регионал** – алоҳида бир вилоят ёки мамлакатга тегишлилик, минтақавий.

**Регламентлаш** – тартибга солиш, маълум қоидаларга бўйсундириш.

**Регресс** – тараққиётнинг юқорироқ шаклларида пастроғига ўтиш, орқага ҳаракатланиш, ёмон томонга ўзгариш.

**Регуляция** – муайян тартибга, қоидага бўйсундириш, тартибга тушириш.

**Редистрибуция** – нозқвивалент (номувофиқ) алмашинув асосида давлат ҳокимиятининг қўшимча маҳсулотни олиб қўйиши ва уни қайта тақсимлаши.

**Редукция** – қайтариш, тиклаш, орқага айлантириш.

**Рейтинг** – сиёсатчи, сиёсий партия, ташкилот фаолиятининг рақамларда ифодаланадиган баҳоси бўлиб, у ижтимоий усуллар, овоз бериш йўли, эришилган ютуқлар орқали аниқланади.

**Рекрутлаш** – тўлдириш, жамлаш.

**Ренимация** – эски ғоялар, қадриятларнинг омма, кишилар онгида тикланиши, «тирилтирилиши».

**Респондент** – сиёсатшунослик, жамиятшунослик тадқиқотлари иштирокчиси, саволларга жавоб берувчи, сўровнома асосида ўз фикрини билдирувчи, интервью берувчи сифатидаги шахс.

**Референдум** – умумхалқ овоз бериши, мамлакат ҳаётидаги бирон-бир муҳим масала бўйича халқнинг фикрини билиш. **Р.** натижалари императив ҳисобланади, яъни улар узил-кесил ҳал этилган саналиб, ижро этиш мажбурийдир.

**Рефлексия** – орқага қайтиш, қайтариш (обращение назад, отражение). Ўз руҳий ҳолати ҳақида ўйлаш, ҳаёл суриш, уни таҳлил қилиш (луғатдан).

**Реформизм** – ислохотларни ижтимоий воқеликни ўзгартиришнинг энг самарали йўли деб ҳисоблайдиган, уларни инқилобнинг муқобили деб биладиган ғоявий-сиёсий оқим.

**Ротация** – айланма ҳаракат, давра, узлуксиз алмашилиш, партиялар **Р.си** – ҳокимият тепасида партияларнинг алмашинуви, сайловда ғолиб чиққан партиянинг ҳокимият тепасига келиши ва мағлубиятга учраган партиянинг ўз хоҳиши билан ҳокимиятдан кетиши.

**Сакрализация** – ҳодисалар, предметларга диний мазмун бахш этиш, сиёсий ҳамда ижтимоий институтлар, маданият, санъат ва бошқаларни дин таъсирига бўйсундириш.

**Санкция** – қонунбузарга нисбатан қўлланадиган таъсир чоралари, ўзини тутиш ёки мажбурият меъёрлари.

**Санкциялаш** – рухсат бериш, маъқуллаш; қонуний, тўғри деб билиш; ўз обрў-эътибори билан ниманидир тасдиқлаш.

**Секуляризация** – давлат, сиёсат, ҳуқуқ, фанлар, маданият ва бошқаларни черков ва дин таъсиридан озод қилиш жараёни; мазкур жараён орқали кишилар ақл-идрок билан иш кўришга интиладилар, таҳлилий фикрлай оладиган бўладилар, ўз сиёсий фаолиятларига яхши тайёргарлик кўрадилар.

**Секуляризм** – диний-экстремистик-ғоявий манбалардан бири бўлиб, Ислом сиёсийлашувига қарши, диннинг давлатдан ажралишини қўллаб-қувватловчи оқим.

**Сепаратизм** – ажралиб чиқишга, алоҳида бўлишга интилиш.

**Сервизизм** – малайлик, лаганбардорлик. **С.** – хушомадгўйлик, қулларча ялтоқчилик. Сиёсатшуносликда сиёсий психология, сиёсий ахлоқ турларидан бири.

**Сиёсий терроризм** – сиёсий мақсадларни кўзда тутиб, таъқиб қилиш, зўравонлик, қўпоровчилик, қотиллик, қўрқитиш усуллари билан ҳокимиятни қўлга олиш ёки уни сақлаб туришни ифодалайди. (Масалан XX асрдаги собиқ СССРда большевизм ёки Гитлер Германияси ва Италияда фашизм террори).

**Социум** – ҳаёт фаолияти учун шарт-шароитларининг бир хиллиги, маданиятининг умумийлиги билан тавсифланадиган катта, барқарор ижтимоий жамоа.

**Спонтан** – ўз-ўзидан юз берадиган, ташқи ҳодисаларга эмас, балки ички сабабларга боғлиқ бўлган.

**Стагнация** – иқтисодиётда, ишлаб чиқаришда, савдо-сотик соҳасидаги турғунлик.

**Статус** – иерархик тизимдаги мавқе.

**Стимуллаш** – ҳаракатга ундаш, туртки бериш; қўзғатувчи сабаб бўлиб хизмат қилиш, рағбатлантириш.

**Сублимация** – жазава билан юз берадиган қизиқишлар қувватини ижтимоий фаолият ва маданий ижодкорлик мақсадлари учун хизмат қилдириш. Тушунча З. Фрейд томонидан жорий этилган.

**Табу** – бирон-бир нарса, хатти-ҳаракатга ва бошқалар. қўйилган диний тақиқ, уни бузиш, руҳлар ва худоларнинг қаттиқ ғазабини қўзғатади, деб ҳисобланган.



**Телеология** – мақсад ва мақсадга мувофиқлик ҳақидаги таълимот.

**Теократия** – давлат бошқарувининг бутун ҳокимият дин ёки черков бошлиғи кўлида жамланишига асосланган шакли.

**Теология** – илоҳиёт, у ёки бу динга оид таълимотларнинг тизимлаштирилиши.

**Терроризм** – (лотинча – «terror» – қурқув, даҳшат маъноларини англатади) маълум ёвуз мақсадлар йўлида сиёсий курашнинг жамиятда беқарорлик ўрнатишга ҳамда аҳолида ваҳима ва даҳшат уйғотишга қаратилган жиноий усулдир. Қўрқитиш йўли билан ўз ҳукмини ўтказиб, давлатни қулатувчи, ҳокимиятга эришишда парокандаликка олиб боровчи усулдир. Бу йўлда суиқасд, кўпоровчилик, портлатиш усулларидан фойдаланилади. Бундан конспиратив руҳдаги ташкилотлар давлатни беқарорлик ҳолатига келтиришда фойдаланадилар.

**Террорчи камикадзе** – тушунчасида ёшлар, аёллардан шаҳидлар яъни махсус тайёрланган, ўргатилган шахсларнинг жамоат жойлари, давлат идоралари олдида ўзини ўзи портлатиб, қурбон қилиб, жаннати бўлишни мақсад қилган кишилардир.

**Технократия** – жамиятни оқилона техник тамойилларга таянган ҳолда бошқарадиган техника мутахассислари ҳокимиятининг ўрнатилишини ифодоловчи тушунча.

**Толерантлик (сиёсий)** – (лотинча – tolerave – чидамоқ, бағрикенглик маъносида) турли сиёсий кучларнинг (партиялар, субъектлар ва ҳ.к.) ўзгаларнинг ғоялари, қарашлари, фикри, эътиқоди, ҳиссиётлари, юриш-туришига нисбатан бағрикенглиги. Бошқа динга ва динларга ҳурмат ва бағрикенглик билан муносабатда бўлишни ҳамда турли дин конфециялар вакиллариининг ёнма-ён, ўзаро тинч ва дўстона яшашини англатади.

**Толибонлар** – Афғонистонда ҳокимият учун қуролли курашган диний экстремистик ва террористик ҳаракат.

**Традицион** – кўхна урф-одатлар, меъёрларга, ўтмишдаги турмуш тарзига асосланган.

**Традиционалистлар** – ўрта асрларда қарор топган диний тартиб-қоидаларни ҳар қандай шароитда ҳам сақлаб қолишга чақирувчи, ҳар қандай янгиликларни динга киритишга қарши чиқиб, сабр-тоқат асосида иш кўрадиган оқимдир.

**Традиция** – ўтмишдан мерос бўлиб қолган ижтимоий қадриятлар (расм-русумлар, одатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари, ғоялар ва ҳ.к.).

**Трансцендент** – онг ва билиш чегараси ортидаги дунёни, «нариги дунё»ни англатувчи атама.

**Ультиматум** – баҳс-мунозара ва инкорга йўл қолдирмайдиган, кўйилган шартлар бажарилмаган тақдирда таъсир кўрсатувчи чораларни қўллаш таҳдидини ҳам ўз ичига олган кескин талаб.

**Ультра** – мураккаб сўзларда «ҳаддан ортик, ўта» деган маънони англатувчи қисм.

**Уникол** – ўз тоифасида ягона, ноёб, фавқулодда.

**Унитаризм** – давлат тузилишининг бир шакли бўлиб бунда маъмурий-худудий бирликларга марказлашган раҳбарлик кўзда тутилади, давлат таркибида, мустақил давлатлар бўлмайди.

**Унификация** – бирон-бир нарсани ягона меъёрга, бир хил шаклга келтириш, бир хиллаштириш.

**Урбанизация** – жамият тараққиётида шаҳарларнинг аҳамиятини ошириш билан боғлиқ тарихий жараён бўлиб, у аҳолининг турмуш тарзини, унинг жойлашувини, ишлаб чиқаришнинг жойлашшини, маданий, ижтимоий ва демографик тузилишини қамраб олади.

**Утилитар** – фақат амалий фойда ёки манфаат билан боғлиқ, манфаатдорлик нуқтаи назаридан ёндашувчи.

**Утопия** – хомхаёл, амалга ошмайдиган орзу, хаёлий.

**Фанатизм (мутаассиблик)** – ўзининг эътиқодига ўта берилиб ишониш. Шахснинг муайян қарашларга мутаассибларча берилиши, ҳеч қандай муқобилликни тан олмаслиги.

**Федерация** – давлат тузилишининг шаклларида бири бўлиб, бунда бир неча давлат тузилмаларидан уларнинг муайян сиёсий ва юридик мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда ягона давлат ташкил этилади.

**Феминизм** – аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий камситилишига қарши ҳаракат.

**Феномен** – ҳис-туйғу тажрибаси билан пайқаладиган ҳодисани англатувчи тушунча.

**Фетишизм** – жонсиз нарсаларни илоҳийлаштириш, уларга топиниш.

**Фиксациялаш** – узил-кесил аниқлаш, белгилаш, муайян ҳолатда мустаҳкамлаш, эътиборни жалб этиш.

**Фикция** – ўйлаб чиқарилган нарса, мавжуд бўлмаган, сохта, уйдирма.

**Формализация** – тафаккур натижаларининг аниқ тушунча ёки ҳукмларда акс этиши. Шу маънода мазмуний ёки ички ишончга таянувчи тафаккурга қарши қўйилади.

**Фракция** – сиёсий партия аъзоларининг уюшган гуруҳи бўлиб, парламентда ўз партияси сиёсатини ўтказди; сиёсий партиянинг ичида унинг асосий йўналишдан фарқли қарашларга, ўз ғоявий-сиёсий заминига эга гуруҳ.

**Фрустрация** – шахс ўзининг у ёки бу эҳтиёжларини амалга оширишда муқаррар хавф сифатида қабул қиладиган вазиятда юзага келувчи хавотир, умидсизлик, тушкунлик ҳисси.

**Фундаментализм** – бутун мусулмон жамиятини илк Ислом, Қуръон ва шариат «аҳком»лари талабларига кўра ўзгартиришни ёқлаб ҳар қандай янгиликларни Исломга киритишга қарши чиқади ва илк Ислом даврига қайтишни мақсад қилиб кўяди. Муайян диннинг вужудга келишидаги илк даврига қайтиш ва шу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин деган фикрни илгари суради. Ислом фундаментализми сиёсийлашган оқим бўлиб, «ҳокимийлик» тамойилига, яъни жамиятда фақатгина Оллоҳ томонидан ўрнатилган қонунларгагина амал қилиш лозимлигига содиқ қолишида номоён бўлади. Бошқача айтганда диний қонунлардан бошқа амал қилаётган қонунлар ҳеч қандай кучга эга эмас деб ҳисоблайдилар. Шу асосда дунёвий давлат тизимини инкор этадилар.

**Функция** – бирон сиёсий ҳодиса, институтнинг вазифаси, мажбурияти, фаолияти.

**Футурология** – инсониятнинг келажаги тўғрисидаги тасаввурлар йиғиндиси; ижтимоий жараёнларнинг истиқболини қамраб олувчи илмий билимлар соҳаси.

Халқаро терроризм – давлатлар, халқаро ташкилотлар, сиёсий партияларни беқарорлаштириш ва халқаро ижтимоий-сиёсий нуфузга эга бўлган алоҳида сиёсий арбобларни қатл қилишга йўналтирилган бузғунчи сиёсий ҳаракат бўлиб, ҳозирги вақтда алоҳида бир давлат ёки минтақа доирасидан чиқиб, халқаро миқёсдаги уюшган кўпоровчи, жиноятчи ташкилот даражасига кўтарилган. (Масалан, «Ал-Қоида» халқаро террористик ташкилот).

---

**Харизма** – шахсга ато этилган илоҳий истеъдод, худонинг марҳамати.

**Хунта** – ҳокимият тепасига ноқонституциявий йўл билан (масалан, ҳарбий тўнтариш натижасида) чиққан гуруҳлар (ҳарбий ёки бошқа) номи.

**Ценз (сайловга оид)** – фуқаро сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга бўлиш учун бажариши керак бўлган, Конституция ёки сайлов қонунларида кўзда тутилган шартлар.

**Централизм** – маҳаллий органлар ва муассасаларнинг юқоридагиларига бўйсунушига асосланган бошқарув ёки ташкил қилиш тизими, бунда бутун тизим ягона марказдан бошқарилади.

**Центризм** – ҳам аксил инқилобий, ҳам инқилобий-ашаддий карашлардан қочувчи сиёсат.

**Цивилизация** – инсониятнинг моддий ва маънавий маданиятининг ривожланиш даражаси, бирон-бир йирик кишилиқ жамоасининг жиддий ва маданий ютуқлари йиғиндиси (Ислом цивилизацияси, Ғарбий Европа цивилизацияси).

**Шантаж** – маълум моддий ёки бошқа фойда олиш учун таҳдид қилиш, обрўсизлантириш ёки шармандали маълумотларни ошкор қилиш билан кўрқитиш.

**Шовинизм** – миллий уйғунлик, миллий душманлик ва нафратнинг тарғиб қилинишига асосланган жанговар миллатчиликнинг юқори даражаси.

**Эвентуал** – айрим ҳолларда, баъзи вазиятларда мумкин бўлган.

**Эволюция** – табиат ва жамиятдаги ҳаракатланиш шаклларида бири; муайян шароитларда янги сифат ўзгаришларига олиб келадиган, аста-секинлик билан тадрижий равишда борадиган миқдорий ўзгаришлар.

**Эвристик тафаккур** – янгиликнинг кашф этилиши, изланишлар билан келадиган билиш фаолияти; сермахсул ижодий фаолият.

**Эгалитаризм** – умумий тенгликка эришиш назарияси.

**Эгида** – Зевснинг қалқони, худоларнинг қаҳр-ғазаби ва ҳомийлиги рамзи; «Эгида остида бўлиш» – кимнингдир ҳимояси, ҳомийлиги остида бўлиш демак.

**Эйфория** – ҳақиқий аҳволга мос келмайдиган ҳолда кайфиятнинг кўтаринки бўлиши.

**Экзистенциал** – воқеликнинг мавжуд бўлишига тааллуқли; ҳозирги вақтда мавжуд бўлган; абадий мавжуд. Э. асослар, Э. кўрсатмалар ва бошқалар.

**Экзоген** – ташқи сабаблар юзага келтирадиган.

**Эксклюзив** – ягона, ноёб, фавқулудда.

**Экспансия** – ёйилиш, кенгайиш, тарқалиш (чегаралар, таъсир доираси ва бошқалар. ҳақида).

**Эксплицит** – очиқ-ойдин, ошқора, дудмол бўлмаган.

**Экстракцион** – ажратиб, чиқариб, суғуриб олинадиган.

**Экстраполяция** – нарса ва ҳодисаларнинг бир қисмини кузатиш асосида олинган хулосаларни унинг бошқа қисмига, умуман ҳодисага, келажакка ва ҳ.к. татбиқ этиш.

**Экстремизм** – лотинча (extremus – ўта, кескин деган мазмунни беради) сиёсатдаги кескин чоралар ва ғояларга мойилликни билдиради. Экстремизмнинг асосий хусусияти – жамиятда қабул қилинган қадриятлар ва меъёрларга зидлигидир. Жамиятдаги ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашларни ёқловчи назария ва амалиётдир.

**Эксцесс** – нарса-ҳодисанинг ўта кучли даражада содир бўлиши, ҳаддан зиёдлик; ижтимоий тартибни бузиш.

**Электорат** – сайловчилар корпуси, сайлов жараёнида иштирок этадиган аҳоли.

**Элиминация** – бартараф этиш, йўқотиш.

**Элита** – сиёсатшунослик ва жамиятшуносликда атама ижтимоий нотенгликни, ҳокимият тузилмасида етакчилик ролини бажарадиган кишилар доирасини, жамиятнинг «энг сара» қатламини ифодалаш учун қўлланилади.

**Эмансипация** – қарамлик, итоаткорлик, мазлумлик бидъатларидан қутулиш, озод бўлиш.

**Эмоция** – ҳис-туйғу, ҳиссиёт, руҳий кечинма (жаҳл, кўркув, шодлик ва ҳ.к.).

**Эмпирик** – тажрибага, муайян маълумотларни тўплаш ва таҳлил этишга асосланган.

**Эндоген** – ички сабаблар юзага келтирадиган, ички сабаблар билан изоҳланадиган.

**Энтузиазм** – завқ-шавқ, ғайрат, юқори даражадаги илҳом, руҳий кўтаринкилик.

**Эркин мандат** – парламент депутатининг фаолият юритиш тамойили; у халқ вакилига топшириқ ва кўрсатмаларга боғланиб қолмай (императив мандатдан фарқли ўлароқ), ўз масъулиятини англаган ҳолда, фақат виждонига бўйсуниб вазифасини бажариш имконини беради.

**Эскапизм** – воқеликдан, умумқабул қилинган стандартлардан, ижтимоий ҳаёт меъёрларидан узоқлашишга интилиш.

**Эскатология** – охир замон ҳақида, дунё ва инсоннинг пировард тақдири ҳақида, «сўнгги суд»ни ташкил қилиб, гуноҳқорни жазолайдиган ва «самовий подшолик»ни ўрнатадиган Исо Масихнинг иккинчи қайтиши орқали инсон авлодининг халос бўлиши тўғрисидаги илоҳий, диний таълимот.

**Эсколация** – кенгайтириш, ўстириш, кучайтириш.

**Этакратия** – жамият ҳаётида давлатнинг ҳукмронлиги, ҳокимияти. ривожланишнинг олий натижаси ва мақсади деб ҳисоблайдиган сиёсий онг йўналиши.

**Этатизм** – давлатнинг жамият ҳаётига фаол аралашуви; давлатни ижтимоий ривожланишнинг олий натижаси ва мақсади деб ҳисоблайдиган сиёсий онг йўналиши.

**Этноцентризм** – инсоннинг теварак оламдаги барча ҳодисаларни ўзи мансуб бўлган этник гуруҳ кадриятлари микёси билан ўлчашга мойиллиги, хусусияти.

**Эътиқод** – айрим шахс ёки жамоа, гуруҳ ва жамият аъзоларини маълум бир ғоя, таълимот, шу жумладан бирор динга қатъий ишониш асосида шаклланган тасаввур, қараш ва илмлардан ташкил топади. Бошқача айтганда маълум бир кадриятлар, диний ёки дунёвий маслаклар, муносабатларнинг инсон қалбида яшаш фалсафаси ёки фаолият дастури сифатида қабул қилинишидир. Инсон шу ғояни ёки динни ўзининг фаолият дастури деб ҳисоблайди.

**Ўзбекистон Ислом ҳаракати** – 1996 йилда ташкил топган бўлиб, кейинчалик «Ўзбекистон Ислом партияси», «Туркистон Ислом партияси» деб

номини ўзгартиришди. Бу ташкилот диний экстремистик ва террорчилик йўналиш бўлиб, асосий мақсади Марказий Осиё ҳудудида «Буюк Ислом халифалигини» тиклашни кўзда тутди. Асосий кураш усули террорчилик. «Харакат» раҳбари амир Тохир Йўлдошев бўлган.

**Қадриятлар (сиёсий)** – сиёсий ҳодисалар, жараёнлар, ҳаракатларнинг ижтимоий гуруҳлар, шахс, жамият манфаатларига мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги нуқтаи назаридан моҳиятини белгилаш учун қўлланиладиган тушунча, масалан, озодлик, тенглик, адолат ва бошқалар.

**Қадриятларга оид йўналишлар** – сиёсатшуносликда субъект (шахс, гуруҳ ва ҳ.к.) томонидан атрофдаги ижтимоий муҳитнинг баҳоланишидаги ғоявий, сиёсий, эстетик ва бошқалар. асослар.

**Ҳизбут-таҳрир ал-ислами** – (Ислом озодлик партияси) диний экстремистик ташкилот бўлиб, Ислом дунёсига кенг тарқалган партиядир. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам махфий ташкилотлари фаолият кўрсатган.

**Ҳиссиётлар (эмоциялар)** – инсоннинг атрофидаги воқеликка (кишиларга, уларнинг хатти-ҳаракатларга, қандайдир ҳодисаларга) ва ўз-ўзига муносабати билан боғлиқ кечинмалари.

**Ҳукмронлик** – ҳокимиятни институционал характерда амалга ошириш ва жамиятнинг ҳукмрон ҳамда бўйсунувчи гуруҳларга бўлиниши билан боғлиқ тушунча.

**Ҳукумат** – давлатнинг бош вазир (канцлер, вазирлар маҳкамаси раиси ва ҳ.к.) ёки президент (президентлик режимида) томонидан бошқариладиган ижро қилиш ҳокимияти органи. Ҳ. фаолияти иерархик тузилмага асосланади. У бир партияли ёки коалицион бўлиши мумкин; Марказий федерал Ҳ., штатлар, провинциялар, ҳудудлар ва бошқалар. Ҳ. мавжуд бўлиши мумкин.

**ГЛОБАЛ (УМУМБАШАРИЙ) МУАММОЛАР** – ўз кўлами, қамрови жиҳатидан хилма-хил ва бутун ер шарига, инсониятга дахлдор бўлган муаммолардир. Глобал муаммолар кенг маънода инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларда ўзаро алоқаларнинг бузилганлигини англатади. Глобал муаммолар янги уруш хавфи, ядро уруши, озон муаммоси, экология, Орол муаммоси ва бошқаларни ўзида мужассамлаштиради. Глобал муаммолар тизимидаги экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси бизнинг замонамизда инсоният учун катта хавф-хатар манбаи сифатида баҳоланмоқда. Глобал муаммолар ечимини топиш, умуминсоний маданият, хусусан, умуминсоний ахлоқ тамойилларига амал қилишни, ошкораликни, ҳамжиҳатликни, инсон ақл-идрокини эзгу ишларга йўналтиришни, шу асосда инсон билан табиат ўротасидаги уйғунликни таъминлашга эришишни тақозо этади.

**ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ** (1939–1945) – Германия, Италия ва Япониянинг айби билан бошланган жаҳон тарихидаги энг йирик уруш. 20-

аср фожиаси сифатида инсоният тарихига кирди. Мазкур урушда Ўзбекистонлик кўплаб жангчилар ҳалок бўлганлар.

**МАЪНАВИЯТ** – (арабча “маънавият” –маънолар мажмуи) – кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, эстетик, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурлари ва тушунчалари мажмуи. Маънавият мафкура, тафаккур тушунчаларига яқин ва улар бир-бирларини тақозо этади.

**МАЪРИФАТ** – (арабча “арафа” – “билмоқ” сўзидан) – таълим-тарбия, иқтисодий, сиёсий, фалсафий, диний ғоялар мажмуи асосида кишиларнинг онг-билимини, маданиятини ўстиришга қаратилган фаолият. “Маърифат” тушунчаси “маънавият” ва “маданият” тушунчалари билан чамбарчас боғланган; маърифат тарихи жамият тарихининг ажралмас қисмидир.

**МАҲАЛЛА** – (арабча “маҳалла” – жой, ўрин, макон) – Ўзбекистоннинг муайян тарихий шароитларида, асрлар давомида шаклланиб, фаолият кўрсатаётган, аҳоли яшайдиган маъмурий-худудий бирлик, юшма.

**МУСТАҚИЛЛИК** – давлатнинг ички ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши. Мустақиллик тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда етакчи, ҳукмрон қоидадир. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан биридир. У БМТ Устави ва халқаро шартномалар ва декларацияларда мустаҳкамлаб қўйилган.

**ТАРИХ** – 1) табиат ва жамиятдаги ҳар қандай ривожланиш жараёни. Шу маънода оламнинг яратилиш тарихи, Ер тарихи, барча фанлар тарихи ва бошқалар тушунилади; 2) инсоният ва унинг маҳсули бўлган тамаддунлар ривожини, жамият ва давлатлар ўтмиши тараққиёти жараёнини ўрганувчи фан. Тарих фани – инсониятнинг бутун ўтмиши давомида жамият ҳаётида содир бўлган воқеа-ҳодисалар, жараёнларни (жамият ривожини) яхлит бир тарзда ўрганади. Тарих фани ижтимоий-гуманитар фанлар (фалсафа, социология, иқтисод, психология, санъатшунослик ва б.) тизимининг таркибий қисми. Тарих фанининг бу гуруҳдаги ўрни унинг тадқиқот предмети ва усуллари билан белгиланади. Турли ижтимоий ва гуманитар фанлар жамият ҳаётининг алоҳида жи-ҳатларини ўрганса, Тарих фанининг тадқиқот объекти – аҳоли, жамият, мамлакат, давлат ҳаётининг ўтмиши ва ҳозирги ҳақидаги фактларни йиғиш, таҳлил қилиш, тўпланган билимларни маълум бир тизимга солиш ва назарий жиҳатдан умумлаштиришдир. Тарих фани ўтмишда содир бўлган жараён ва ҳодисалар орасидаги ўзаро боғлиқлик, уларнинг илдизи, Тарихни ҳаракатлантирувчи сабаблар, унинг мантиғи ва маъносини кўриш имконини беради. Ижтимоий ва гуманитар фанлар тарих тадқиқотлари натижаларига таянади. Фанлараро ёндошув жамият ҳақидаги яхлит тасаввурни шакллантириб, ўтмиш ва ҳозирни англаш орқали жамият ривожини истиқболини кўра билишдек муҳим вазифани хал қилади.

**ХОТИРА** – атроф-муҳитдаги воқеликни бевосита ва билвосита, ихтиёрсиз ва ихтиёрий равишда, пассив ва актив ҳолда, репродуктив ва продуктив тарзда, вербал ва новербал шаклда, мантиқи ва механик йўл билан акс эттирувчи эса олиб қолиш, эсга тушириш, унутиш ҳамда таниш, эслашдан иборат руҳий жараён, алоҳида ва умумийлик намоён қилувчи ижтимоий ҳодиса, барча таъсирларни ижодий қайта ишлага йўналтирилган мнемик хотира, фаолият.

**ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИ** – Тошкент шаҳридаги меъморий мажмуа; 1999 й. Ўзбекистан Республикаси Президентига Ислам Каримов ташаббуси ва раҳбарлигида барпо этилган. Мустақиллик майдони шимолидаги хиёбонда, мангу аланга ёдгорлиги атрофида жойлашган бўлиб, майдон кенглигини давом эттириб туради. Майдоннинг тўрига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган (ҳайкалтарош И. Жабборов). Хиёбоннинг узунлиги 60 метр, унинг шимолий ва жанубий томонида айвонлар қад кўтарган, айвонлар токчаларига ўрнатилган металл тахталарга 2-жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбекистонлик барча жангчи-ларнинг исм-шарифи битилган. Айвонлар миллий анъанавий меъморлик услубида устунли, вассажуфтли қилиб қурилган.

**ҚАДРИЯТ** – воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган фалсафий-социологик ва аксиологик тушунча. Жамият, инсон ва инсон учун аҳамиятли бўлган барча нарса, ҳодиса ва воқеалар: эркинлик, эзгулик, тенглик, тинчлик, ҳақиқат, маърифат, маданият, моддий ва маънавий бойликлар, обида-ёдгорликлар, гўзаллик, ахлоқий ҳислат ҳамда фазилатлар, анъана, урф-одат, удум, ва бошқалар ҳисобланади.



## ФОЙДАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик Декларацияси (1990 йил 20 июнь). – Тошкент.: Ўзбекистон, 1990.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 августдаги Конституциявий Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил, 11-сон.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги асослари тўғрисида»ги 1991 йил 31 августдаги Конституциявий Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1991 йил, 11-сон.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги 2002 йил 4 апрелдаги Конституциявий Қонуни. // Халқ сўзи, 2002 йил 5 апрель.
6. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. // Халқ сўзи, 2002 йил 27 декабрь.
7. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни. // Халқ сўзи, 2002 йил 28 декабрь.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонуни. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2008.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида»ги 1992 йил 2 июлдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 9-сон.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик тўғрисида»ги 1992 йил 2 июлдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 9-сон.
11. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи тўғрисида»ги 1991 йил 18 ноябрдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1992 йил, 1-сон.
12. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 1992 йил 9 декабрдаги Қонуни (янги тахрир). // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 1-сон.

13. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мадҳияси тўғрисида»ги 1992 йил 10 декабрдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 1-сон.
14. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги 1993 йил 6 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 5-сон.
15. Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги 913-ХП-сонли Қонуни. 02.09.1993 й.
16. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 1993 йил 2 сентябрдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1993 йил, 10-сон.
17. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 1994 йил 5 майдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. 1994 йил, 5-сон.
18. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги 1995 йил 30 августдаги Қонуни. // Халқ сўзи, 1995 йил 12 сентябрь.
19. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги Қонуни.
20. Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан». // Народное слово, 13 декабря 1996 г.
21. Закон Республики Узбекистан «Об общественных объединениях». // Голос Узбекистана, 10 января 1997 г.
22. Закон Республики Узбекистан «Об основах государственной молодежной политики в Республике Узбекистан. – Ташкент., 1998.
23. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги 1997 йил 29 августдаги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ахборотномаси. 1997 йил, 9-сон.
24. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири). // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Тошкент.: Адолат, 1998.
25. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги 1999 йил 14 апрельдаги Қонуни. // Халқ сўзи, 1999 йил 11 май.
26. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 2003 йил 24 апрель.

27. Ўзбекистон Республикасининг «Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 2003 йил 29 август.
28. Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат жамғармалари тўғрисида»ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. 2003 йил, № 9-10 (1329-1330).
29. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонуни. // Халқ сўзи, 2003 йил 28 декабрь.
30. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни. // Ўзбекистон Республикасининг сайловга оид қонунлар тўплами. – Тошкент.: ТДЮИ, 2004.
